

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**И.М.МУМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА
ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

АГЗАМХОДЖАЕВА САИДА САБИТХАНОВНА

**ИЖТИМОЙ ИДЕАЛ
ВА
МАЪНАВИЙ ҲАЁТ**

**«Фалсафа ва ҳуқуқ» институти нашриёти
Тошкент - 2007**

ББК 66.3(5У)

Масъул мухаррир:

Фалсафа фанлари доктори, профессор — **Б. Т. Тўйчиев**

Такризчилар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби **Х.О.Шайхова**

Фалсафа фанлари доктори, профессор **А.Қ.Қодиров**


Саида Агзамходжаева.

Ижтимоий идеал ва маънавий ҳаёт. Т.: «Фалсафа ва ҳуқуқ» институти нашр., 2007 – 254 б.

Монографияда ижтимоий идеал, унинг Шарқ ва Ғарб фалсафа-сидаги талқини, функционал хусусиятлари тадқиқ этилади. Ижтимоий-сиёсий идеал, ижтимоий-ахлоқий идеал ва бадий-эстетик идеалларнинг инсон ва жамият маънавий тараққиётига таъсири очиқ берилади. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш халқимизнинг ижтимоий идеали сифатида қаралади ва бу борада республикамизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар таҳлил қилинади. Баркамол авлодни шакллантириш ижтимоий-маънавий тараққиётнинг ҳам воситаси, ҳам мақсади сифатида қаралади. Монография шу соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар ва ижтимоий-маънавий тараққиёт масалалари билан кизиқувчиларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-319-00-07

© «Фалсафа ва ҳуқуқ» институти нашриёти, 2007 й.



33355
10 3

МУНДАРИЖА

КИРИШ

5

I – БОБ. ИЖТИМОЙ ИДЕАЛ – ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ

| | |
|---|----|
| 1.1. «Ижтимоий»: идеал тушунчаси ва моҳияти | 7 |
| 1.2. Шарқ фалсафасида ижтимоий идеал масалаларининг кўйилиши..... | 18 |
| 1.3. Ғарб фалсафасида ижтимоий идеал гоълари..... | 29 |
| 1.4. Ижтимоий идеал: тизими ва функционал хусусиятлари..... | 43 |

II – БОБ. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

| | |
|--|----|
| 2.1. Ижтимоий-сиёсий идеал: типологик белгилари ва ижтимоий онгда намоён бўлиши..... | 54 |
| 2.2. Адолатли давлат – ижтимоий-сиёсий идеал тимсоли... .. | 66 |
| 2.3. Бахтли ва фаровон ҳаёт - ижтимоий-сиёсий идеалнинг мақсади..... | 77 |
| 2.4. Инсонпарвар жамиятни барпо этиш ижтимоий-сиёсий идеал сифатида | 89 |

III–БОБ. ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ: ОНГ, ХУЛҚ-АТВОР ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

| | |
|--|-----|
| 3.1. Ижтимоий-ахлоқий идеал ва Шарқона маънавий императив | 99 |
| 3.2. Ижтимоий-ахлоқий идеалнинг шахс маънавий камолотда тутган ўрни ва моҳияти | 109 |
| 3.3. Трансцендент ахлоқий-маънавий идеал сифатида | 120 |

IV–БОБ. БАДИЙ-ЭСТЕТИК ИДЕАЛ ВА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ БОРЛИҚ

- 4.1. Бадий-эстетик идеалнинг функционал хусусиятлари ва ижтимоий-маънавий борлиққа муносабатлари.....133
- 4.2. Бадий-эстетик идеал маданий-ижодий воқелик сифатида ва унинг шахс маънавиятида тутган ўрни.....143
- 4.3. Санъат – бадий-эстетик идеални шакллантириш воситаси153
- 4.4. Бадий-эстетик идеални шакллантириш – ижтимоий-маънавий борлиқни гўзаллаштириш шартли эканлиги.....162

V–БОБ. ИЖТИМОЙ ИДЕАЛ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

- 5.1. Мустақиллик ва ижтимоий идеал омили173
- 5.2. Демократик ҳукукий давлат барпо этиш ижтимоий идеал сифатида.....183
- 5.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш – ижтимоий идеални реал борлиққа айлантириш шартли.....194
- 5.4. Баркамол авлод – ижтимоий идеал ва ижтимоий-маънавий тараққиёт мезони205

ХУЛОСА 218

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 223

К И Р И Ш

Инсон ва жамият маълум бир гоёлар, мақсадлар ва режалар асосида тараққий этиб келади. Кишиларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт, инсонларвар жамият, адолатли давлат барпо этиш истаги эса уларни ушбу эзгу мақсадларга етиш йўлларини кўрсатувчи ижтимоий идеалларга эргashiшга ундаган. Айрим шахслар узокка қаратилган мақсадсиз ва режаларсиз яшаши мумкин, лекин буюк келажакка интилаётган халқ, миллат буюк гоёларсиз, орзу умидларсиз – идеалларсиз яшаб олмайди. Ўзбекистон Республикаси барпо этаётган буюк келажак қандай ижтимоий идеалларга таянади, уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти нимада, улардан янада самарали фойдаланишнинг йўллари борми деган саволларга ижтимоий фанлар жавоб бериши зарур. Чунки Республикамиз Президенти И.А.Каримов айтганидек: "Мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, миллий давлатчилиكنи шакллантириш, ҳуқуқий демократик қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас".¹

"Идеал", "ижтимоий идеал" тушунчалари антик даврдан бери фалсафа, этика, педагогика, эстетика фанларида кенг ишлатиб келинаётган бўлса-да, уларни ўз хусусиятларига, ички тизимлари ва типологик белгиларига эга ижтимоий воқелик сифатида ўрганиш XX асрдагина бошланди.

Собик СССР даврида ижтимоий идеалнинг илмий-назарий ва ижтимоий-амалий муаммоларини ўрганишга қаратилган кўпгина тадқиқотлар амалга оширилди. Минг афсуски, ўша пайтда илмий изланишларда ҳукмронлик қилган коммунистик мафкура муаммони тор синфий ёндашувсиз, объектив, жамиятнинг эволюцион ривожланиш қонунларига мувофиқ социодинамик воқелик сифатида тадқиқ қилишга имкон бермади. Уларда ижтимоий идеал сунъий тарзда мафкуралаштирилиб, ғайриҳаётий утопияга – коммунистик жамият қуришга қаратилган гоё, образ, тасаввур сифатида қаралди.

Мамлакатимизнинг мустақил тараққиётга ўтгани, миллий тараққиётни миллатимиз манфаатларидан келиб чиқиб белгилангани ижтимоий идеал негизини халқимизнинг тарихий-

¹ Каримов И.А. Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин//Биздан овоз ва обод Ваган қолсин. Т.2. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – 260 б.

маданий парадигмасидан, анъаналари, гносеологик тадқиқот ва тажрибаларидан излашни тақозо этади. Буюк келажакни қалби, ўйи, дили буюк ғоялар, максадлар, идеалларга тўла инсонларгина барпо этиши мумкин. "Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун, - дейди Юртбошимиз И.А.Каримов, - оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак".¹ Бошқа бир жойда у ушбу фикрини ривожлантириб дейди: "Биз нега қадриятларимизга, буюк бобоқалонларимизга бу қадар эътибор бердик? Уларни халқимизга қайтаришга, танитишга ҳаракат қилдик?"

Максад шу эдики, ҳар бир инсон ўз умрини ана шу табарруқ зотлар кечирган ибратли ҳаёт билан таққослар экан, кўнглидан мен ана шу салафларимизга муносиб ворисманми, деган саволлар ўтсин. Улар шу қадар буюк мерос қолдирибди, мендан нима қолади, деган туйғу билан ўз фаолиятини баҳоласин".² Демак, идеал, ижтимоий идеални ўрганиш нафақат илмий-назарий, шу билан бирга буюк келажакни барпо этишга қодир ёшларни тарбиялашга қаратилган ижтимоий-амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Муаллиф мазкур тадқиқотни амалга оширишда ўзининг илмий ва амалий маслаҳатларини аямаган фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Т.Тўйчиевга, мавзуни янада чуқурлаш-тиришга оид тавсиялар берган фалсафа фанлари доктори, профессор Х.О.Шайховага, мунтазам олиб борган баҳсимизда ўз фикрлари билан ёрдам берган У.Идиоровга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради. Ушбу мураккаб изланишларни олиб боришда зарур шарт-шароитлар яратиб берган Шарқшунослик институти жамоасининг ёрдами беҳад катта бўлганини миннатдорчилик билан қайд этишни муаллиф ўзининг бурчи деб билади.

¹ Каримов И.А. Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин//Биздан озода ва обод Ватан қолсин. Ҳ.2. – Ҳ.: "Ўзбекистон", 1996. – 261 б.

² Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ//Янгича фикрлаш ва ишлаш – даяр талаби. – Ҳ.: "Ўзбекистон", 1997. – 149-150 б.

1– БОБ ИЖТИМОЙ ИДЕАЛ – ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ

1.1. «Ижтимоий идеал»: тушунчаси ва моҳияти

“Идеал”, “ижтимоий идеал” ижтимоий фалсафанинг энг мураккаб тушунчаларидан биридир. Улар бир томондан, инсон (гуруҳ, жамият)нинг ижтимоий борлиқни билишга, идрок этишга қаратилган ғносеологик тажрибаларини, изланишларини, иккинчи томондан, амалий фаолиятини йўналтирувчи ҳаётий мақсади, орзуси, гипотетик тасаввурларини, учинчи томондан, ижтимоий муҳит, жамият билан муносабатларини ифода этади. Бу ўринда ижтимоий идеалда зарурий билан тасодифийнинг ёнма-ён келишини кузатамиз. “Ҳар бир нарса, - деб ёзади Форобий, - бирор нимада, бирор нима билан, бирор ниманинг олдиди, бирор нимага оид ҳолда, бирор ниманинг устиди мавжуд бўлади, шунингдек, зарурий – ўз зотидан ёки тасодифий бўлади. Нарсанинг ўз зотидан – зарурий мавжудлиги шундаки, нарса нарсанинг ўз моҳиятида, табиатида бўлади ва шу моҳияти туфайли унга боғлиқ ҳолда у билан ва ундан бўлади. Нарсанинг тасодифий (оразий) мавжудлиги – шу нарсанинг ўз моҳияти ва табиатидан келиб чиқмаслигидир”¹. Ижтимоий идеалдаги “зарурий” инсон онгининг ён-атрофи билишга, ўзгартиришга, ижтимоий фаолиятида маълум бир манфаатларидан, эҳтиёжларидан келиб чиқишида, “тасодифий” эса мақсад, орзу – гипотетик тасаввурлари ҳар доим ҳам рационал бўлмаслигида, уларнинг йўналишига ранг-баранг муносабатларнинг, гоҳо қутулмаган омилларнинг таъсир этишидадир. “Зарурий” билан “тасодифий” мутлақ мунофий, бир-бирини рад этувчи ҳодисалар эмас, идеалда улар диалектик уйғунликда келади. Бугун “зарурий” туюлган томон, жиҳат вақт ўтиши билан “тасодифий”га ва, аксинча, “тасодифий” кейинроқ “зарурий”га айланиши мумкин. Масалан, собиқ советлар даврида фуқаролик жамияти барпо этиш “тасодифий” ҳол бўларди, чунки ижтимоий-сиёсий муҳит, тузум, муносабатлар бундай жамиятни яратишга имкон бермасди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач шундай имкон юзага келди, фуқаролик жамияти барпо этиш

¹ Форобий Абу Наср. Рисолалар. – Т.: “Фан”, 1975. – 44 б.

заруриятга айланди, яъни мамлакатимизда бошланган демократик ўзгаришлар фукаролик жамияти асосларини яратмоқда.

Ижтимоий-фалсафий адабиётларда "ижтимоий идеал" тушунчасини "идея" тушунчаси орқали таҳлил қилиш анъанага айланган. "Идеал" тушунчасининг этимологиясини шундай талкин этса бўлади. Бирок, бизнинг фикримизча, "идеал" тушунчасидаги моҳиятни англаш учун унинг этимологиясини билиш етарли эмас. Идеал мудом ҳаётий мақсад, борликни идеаллаштириш, орзу, намуна, юксак ва олийжаноб ният, ҳатто ғайрихаётий тасаввурлар билан боғлиқ воқелиқдир. Шунинг учун Э.В.Ильенковнинг "идеал" тушунчасини юнонча "idea" – "идея" сўздан келтириб чиқариши тўғри эмас, у юқоридаги хислатларни ўзида мужассам этган французча "ideal" ("идеал") сўзидаги маъноларни англатади. 1998 йили Минскда чоп этилган "Янги фалсафий луғат"да идеал "инсон ёки ижтимоий гуруҳларнинг фаолиятини, хулқ-атвори, характерини белгилаб терувчи усуллар, норматив характердаги идеал образ"¹ деб таъриф берилади. Ушбу таърифда урғу дунёқарашга, тасаввурга, норматив характерга эга ҳатти-ҳаракатларга берилаётганини сезиш қийин эмас. Шунинг учун унинг муаллифи А.И.Лойко "идеал, хулқ-атворга нисбатан, қоидаларнинг ахлокий-ҳуқуқий кодекси, қонунлар, мисоллар; фаолиятга нисбатан мақсадни танлаш кўринишидир"², деб ёзади.

А.И.Яценко идеал ва мақсад ўртасидаги диалектик боғлиқликни ўрганиб, "идеал мақсаднинг ўзи ёки мақсаднинг мақсади"³, деб кўрсатади. Тўғри, мақсад билан идеал ўртасида уйғунлик, боғлиқлик мавжуд, бироқ идеал айнан мақсаднинг ўзи, ҳатто "мақсаднинг мақсади" ҳам эмас. Идеалда юксак ва олийжаноб ният, инсонни мудом ўзига чорлаб, уни тинмай илланишларга, ҳар қандай тўсиқларга чидаб яшашга ундайдиган мафтункор гоя, тасаввур, образ бор, акс ҳолда ҳар қандай мақсад (масалан, бирорта китобни топиб ўқиш ёки бирорта ўқув юртига кириш)ни ҳам идеал деб қарашга тўғри келарди. Лекин муаллифнинг идеал инсоннинг ижтимоий фаолиятини маълум бир мақсадга йўналтириб, унга моҳият бериб келиши ҳақидаги фикрларида жон бор.

¹ Новейший философский словарь. – Мн.: Изд. В.М.Скакун, 1998. – С.252.

² Ўша жойда.

³ Яценко А.И. Целеполагание и идеалы. – Киса, "Наука и думка", 1977. – С.170-171.

Идеалнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари О.Г.Дробницкий ва унинг шогирдлари, издошлари томонидан тадқиқ этилган. О.Г.Дробницкий, идеалда "умумий дастур кўринишига эга шахс ёки гуруҳ фаолиятининг сўнгги мақсади" акс этади, деб ҳисоблайди. Идеал "умумий дастур кўринишида" кишилар хатти-ҳаракатларига уюшганлик бахш этади, шу нуқтаи назардан у маънавий-ахлоқий қадриятдир.

Идеал назариясини махсус ўрганган В.Е.Давидович идеални онг, маънавият, қадрият, мақсад, эзгулик, ижтимоий-тарихий тасаввурлар, реал муаммолар, билиш, ҳатто миф билан боғлиқ ҳодиса эканлигини таъкидлайди. У, "идеаллар шахс ва жамиятнинг чуқур аниқ-тарихий қизиқишлари ифодасининг кўринишларидир. Ушбу қизиқишларда идеаллар юқори даражада мужассамлашган бўлади"², деб ёзади. Муаллиф идеалнинг мураккаб маънавий ва ижтимоий ҳодиса эканини тўғри кўрсатади, аммо унинг назаридан бир муҳим томон четда қолган. У ҳам бўлса идеалнинг миллий асосда, миллат, халқ, этноснинг тарихий-маданий қадриятлари таъсирида шаклланишидир. Ушбу омилларсиз идеалнинг ижтимоий борлиқ, реал муаммолар, ҳаёт билан боғлиқлигини тўла тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам ижтимоий идеал масалаларни ижтимоий-фалсафий тадқиқ этганлар. Масалан, А.Қодиров ахлоқий идеалнинг инсон фаолияти ва гносеологик изланишларидаги аҳамиятини, М. Жакбаров эса ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоларини ўрганган.³ А. Қодиров ахлоқий идеалга, М. Жакбаров комил инсон ғоясининг IX–XII асарларда Мовароуннаҳрда яшаган мутафаккирлар меросидаги ўрнини ўрганишга қаратади. Улар ижтимоий идеалнинг бир қиррасини тадқиқ этишган.

2004 йили чоп этилган "Фалсафа қисқача изоҳли луғат"ида идеалга "қийфа, мезон, мукамаллик", "орзу интилишларнинг олий мақсади", "кенг маънода у ёки бу нарса, ҳодисанинг энг яхши, энг қадри, энг мукамал ҳолати (масалан, "идеал газ", "масалани ҳал этишнинг идеал йўли"...); тор маънода шахс (инсон)

¹ Дробницкий О.Г. Проблемы нравственности. – М.: "Мысль", 1977. – С.29.

² Давидович В.Е. Теория идеала. – Изд-во Ростов.ун-та, 1983. – С.31-32.

³ Қаранг: Кадыров А. К. Деятельность. Познание. Нравственный идеал. –Т.: «Фан», 1989; Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. –Т.: Абу Али ибн Сино қомидаги нашр., 2000.

қобилиятларини ифодаловчи намуна”¹ деб таъриф берилади. Мақола муаллифи (С.Валиева) олдин чоп этилган лугатлардаги таърифларга, ёндашишларга таянган. Ваҳоланки, унда идеалга миллий, тарихий-маданий мероснинг таъсири қайд этилиши мумкин эди.

”Ижтимоий идеал”ни ижтимоий-фалсафий категория сифатида С.Туманов махсус тадқиқ қилган. У ижтимоий идеални коммунистик ғоялар, тенглик, фаровонлик, эзгулик, ахлоқий нормалар қарор топган тузумда, шахснинг гармоник ривожланишини таъминлайдиган коммунистик келажакда кўради.² Ўша пайтда ҳукмронлик қилган коммунистик догма муаллиф ёндашишига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди, албатта. Аммо С.Туманов ижтимоий идеалнинг концептуал масалаларини, яъни унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, шахснинг ҳаётий мақсадини белгилаб олишга таъсири, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий ва бадиий-эстетик қарашларни белгилаб келиши масалаларини тўғри таҳлил қилади.

Идеал ва ижтимоий идеалларга аксиологик ёндашишлар ҳам мавжуд. Масалан, болгар тадқиқотчиси К.Нешев идеалга ”эҳтиёж ва қизиқишларнинг ўзига хос кўриниши”³ деб таъриф беради. Шу нуктаи назардан у идеални кишининг маълум бир эҳтиёж (назарий, илмий, амалий ва б.) ва қизиқишларини қондиришга қаратилган тасаввурларидир деб билади. Ахлоқий мезъорлар ушбу эҳтиёж ва қизиқишларни қондириш жараёнида объективлашиб идеалга инсонийлик, ахлоқийлик бахш этади.⁴

Е.Л.Дубко ва В.А.Титов эса ”идеал мавжудлик билан зарурият ўртасидаги антагонизмнинг йиғма ифодаси ва уни ечиш усули”⁵ деб ҳисоблайдилар. Аксиологик нуктаи назардан ушбу антагонизмнинг ечими коммунистик жамиятда, кишиларнинг ижтимоий адолат қарор топган ва бахтли яшаши мумкин тузумдадир. Шунинг учун улар идеални ”инсоний борликдаги репитиция”,⁶ яъни юксак ҳаётга эришиш, ўтиш усули деб атайдилар.

¹ Фалсафа қисқача изоҳли лугат. – Т.: «Шарқ», 2004. – 145 б.

² Туманов С. Общественный идеал: диалектика развития. – М.: ”Мысль”, 1986. – С.17-18.

³ Нешев К. Моральное познание. – София, 1982. – С.12.

⁴ Ўша жойда. – С.227.

⁵ Дубко Е.Л., Титов В.А. Идеал, справедливость, счастье. – М.: Изд-во Моск.ун-та, 1989. – С.19.

⁶ Ўша жойда. – С.18.

Илмий-назарий ёндашишларни ва адабиётларни ўрганиш кўрсатадики, "идеал", "ижтимоий идеал" тушунчалари билан "идеаллаштириш", "идеаллаштирилган объект", "идеаллаштирувчи субъект", "идеализм", "идеаллик", "идея" тушунчалари ёнма-ён, гоҳо эса уларнинг субстанцияси, моҳияти бўлиб келади. Шунинг учун ушбу тушунчаларнинг "идеал" ва "ижтимоий идеал"га боғлиқлигини, таъсирини таҳлил қилиш зарур. Тўғри, баъзи ёндашувларда "идеал" тушунчасининг "идея" тушунчасидан келиб чиққани қайд этилади, "идея" "идеал" тушунчасининг субстанцияси сифатида каралади. Бизнинг фикримизча, "идея" тушунчаси ҳақида тўхталиш етарли эмас, идеалнинг юқоридаги тушунчалар билан боғлиқлигини кўрсатиш ундаги антропологик, аксиологик, психологик ва этик томонларни чуқурроқ англаш имконини беради.

Идеаллаштириш эришиладиган мақсадни, тасаввурдаги предмет, воқелик ва келажакни маълум бир қараш, образ, модел, тинчликларда онгда ифодалаш жараёнидир. Бу ўринда идеаллаштиришнинг моделлаштириш ва прогностика билан яқинлигини кўрамиз. Моделлаштириш предмет ёки воқеликни вақт ва маконда рационаллаштириш, маълум бўлмаган хусусиятларини аниқлаш, бошқаришни такомиллаштириш, информация алмашиш жараёнига мақсадга мувофиқлаштиришга қаратилади.¹ Идеаллаштиришда предмет ёки воқеликнинг ҳаёлий модели яратилади, ушбу модел ҳақидаги информациялар тўлиқ бўлавермайди. Энг муҳими идеаллаштириш ва моделлаштириш мақсаднинг абстракция, узокка йўналтирилган гипотетик тасаввур ёки гипотеза шаклида умумийлик касб этади. Айнан ушбу умумийлик, яъни идеаллаштириш билан моделлаштиришнинг умумий мақсадга эга бўлиши идеални модел тарзида қарашга, идеаллаштириш жараёнини эса ушбу моделда ҳали маълум бўлмаган хусусиятларни ҳар бир босқичда аниқлаштириб, ҳаётий талабларга мувофиқлаштириб, зарур бўлса, идеал ва моделни ўзгартириб боришга ундайди.

Модел гипотезани ёки гипотетик тасаввурдаги гоёларни тўғри ёки нотўғрилигини синаб кўриш майдони, воситаси, усули ҳамдир. Илмий синовлар бошда моделларда ўтказилади, ижтимоий тараққиёт жараёнлари ҳам гоҳо моделларда синаб кўрилади. Ёу

¹Штофф В.А. Моделирование и философия. М.-Л., "Наука", 1986. – С.14-16; Новик И.Б. О моделировании сложных систем. – М.: "Наука", 1965. – С.46-47 ва б.

Ўринда Компанелланнинг "қуёш шаҳри"ни эслаш мумкин.¹ Идеаллаштириш синови рад этмайди, агар ижтимоий идеал реал воқеликка давогарлик қилса, етакчи ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан қўллаб-қувватланса, у синаб кўрилади. Ижтимоий ҳаётнинг, тузумнинг мураккаблиги идеални, моделни тор доирада синаб кўришни тақозо этади. Шундай синовдан ўтмаган идеални, моделни жамиятга тадбиқ этиш зўравонликдир. Маркс кашф қилган "коммунизм" унинг ғайриҳаётий ҳаёли маҳсули эди. У синаб кўрилмасдан большевиклар томонидан ижтимоий борликка тадбиқ этилди, бу эса турли зўравонликларни, катафонтларни, миллатидан, ўтмишидан маҳрум қилинган сунъий "совет киши"сини келтириб чиқарди. Шунинг учун барча идеални, айниқса ижтимоий идеални синовлардан ўтказмай, у ёки бу соҳага тадбиқ этиб, рўй берган ўзгаришларни кузатмай, ўрганмай жамиятга жорий этиб бўлмайди.

Идеаллаштирилган объект тасаввур, ўй, фикр, билиш йўналтирилган предмет ёки воқеликдир. Ушбу предмет ёки воқелик идеалдаги мақсадни, оқир натижада эришиладиган мўлжални ифода этади ва фаолиятнинг йўналишини белгилаб беради. Тўғри, идеаллаштирилган объект ҳар доим ҳам аниқ, предмет кўринишига эга бўлавермайди, у ғоя, тасаввур, ҳаёлий образ, модел тарзида субъективлашиб келади. Киши онгидан жой олган субъективлашган моделлар, образлар ёки содир бўлиши зарур воқеликлар идеаллаштирилган объектлардир. Аслида идеал бу маълум бир объектнинг идеаллаштирилганидир.²

Объектнинг идеаллаштирилиши киши олдида нимани идеаллаштириш зарур, қайси мақсадда идеаллаштириш лозим, қанча вақтга идеаллаштириш керак деган саволларни қўяди. Ушбу саволларга аниқ жавоб бермаслик, идеални мавҳумлаштириш хатти-ҳаракатларни, интилишларни ҳам мавҳумлаштиради, киши нимага, қайси мақсадда, қанча вақт фаолиятини идеалга йўналтириши кераклигини билмайди. Тўғри, идеал "ечиб бўлмас образ",³ келажак

¹ "Город солнца": утопия и наука. – М.: "Наука", 1978.

² Бу ҳақда кенгрок маълумотни куйидаги адабиётлардан олишнингиз мумкин: Рассел Б. Человеческое познание. – М.: Ин-т лит-ры, 1957. – С.459-462; Швыряев В.С. Теоретическое и эмпирическое в научном познании. – М.: "Наука", 1978. – С.320-355.

³ Туманов С. Общественный идеал: диалектика развития. – М.: "Мысль", 1986. – С.49.

бўлиши мумкин, лекин инсон унга борадиган йўлларда нимагадир (масалан, оралик мақсадларга, программа минимумга) эришиши керак.

Идеаллаштирувчи субъектга индивид, шахслардан иборат гуруҳ, ижтимоий ҳаракатлар (сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва б.), жамият, давлат кабилар киради. Ушбу субъектларга қараб идеаллар классификация қилинади. Бироқ индивидларнинг идеаллари ҳар доим ҳам бири-бириникига мос келвермайди, ҳатто улар гуруҳ, жамият, давлатнинг идеалларидан ҳам фарқ қилиши мумкин. Ижтимоий идеал эса ушбу ранг-баранг идеалларни ўзида уйғунлаштирган, уларга маълум бир шаклланган кўриниш бериб, бутун жамият манфаатларини ифода этадиган образ, моделдир. Демак, "идеал" ва "ижтимоий идеал" тушунчалари ўртасида маълум бир фарқлар мавжуд. Бу фарқлар идеалларнинг моҳиятида эмас, балки кўринишлари ва шаклларидадир.

Субъект идеални ўзининг вақти (умри, ҳаёти) ва имкониятлари доирасидан ташқарида тасаввур қилади. Шу тариқа у субъектнинг умуминсоний вақт (ҳаёт, тарих)га ва умуминсоний макон (борлиқ)га олиб чиқади.¹ Идеалнинг умуминсоний манфаатларга хизмат қилишига қараб биз субъектнинг ҳаётий мақсадини билиб оламиз. Шунинг учун ҳам идеалда шахснинг ижтимоийлашуви ёки жамиятдан бегоналашуви намоён бўлади.

"Идеализм" тушунчаси кундалик мулоқотда "идеал"ни ифода этувчи киши ("идеалист")нинг фикрлари маъносида, фалсафада эса моддийликдан субъективликни устун қўювчи, борлиқнинг асосини идея, ғоя, субъектив ташкил этади деган қарашни илгари сурувчи назарий-фалсафий оқим тушунилади. Идеалист маълум бир мақсадини, ғоясини муқаддаслаштиради, ушбу мақсади ёки ғоясини аксиома, энг оқил ва етук нарса деб билади. Идеални муқаддаслаштиришда догматизмга мойиллик кўзга ташланса-да, агар унда ижтимоий-ахлоқий томонлар мавжуд бўлса, у кишиларда фахр уйғотган. Масалан, нақшбандия тариқати ҳам, ваҳҳобийлик ҳам ислом динини, Оллоҳни муқаддаслаштиради, бироқ нақшбандийликда инсоннинг кучига ишонилади, унинг меҳнат қилиб кун кўриши қўллаб-қувватланади, ваҳҳобийликда эса исломни догмага айлантириш устун туради. Кишидаги ижтимоий-ахлоқий ва яратувчанлик фазилатлари улуғлангани учун

¹ Давидович В.Е. Теория идеала. – Изд-во Ростов.ун-та, 1983. – С.54.

нақшбандия тариқати кенг тарқалган, ўлкамиздаги буюк шахслар, алломалар унга эргашишган.

"Идеал" тушунчаси "мақсад" ("ҳаётий мақсад"), "ихлос", "ўй", "хаёл", "интуиция", "фантазия", "утопия", "башорат" каби тушунчалар билан ҳам боғлиқдир.

Инсон ва жамият мудом ўз олдига маълум бир мақсадларни қўяди, уларга етиш йўлларини излайди. Идеал эртага ёки бир ой, бир йилдан кейин эришилаётган мақсад эмас, балки у инсон ва жамиятнинг тараққиётини белгилаб берувчи, умр моҳиятини ифода этувчи мақсаддир. Шунинг учун барча мақсадлар ҳам идеал бўлавермайди.¹ Аммо барча мақсадларда тасаввур, образлилик, хаёл бор. Айнан ушбу белгилари орқали мақсадлар гоҳо идеал сифатида қабул қилинади.

Ҳаётий мақсад шахснинг ички ҳолати, руҳий интилишлари, бирор нарсани амалга ошириш режалари билан боғлиқ имманент эҳтиёжларидан келиб чиққани сабабли келажакка йўналтирувчанлик хусусиятига эга. Лекин ижтимоий идеалда ушбу имманент хусусиятлар ижтимоий манфаатлар билан уйғунлашиб, биринчиси иккинчи (асло иккинчиси биринчисига эмас)сига мослашиб келади. Шу тариха шахснинг ҳаётий мақсади ижтимоий аҳамият касб этади, унинг ҳаётий идеали "ижтимоий идеал" тушунчасига айланади. Демократик жамиятда ҳаётий идеалнинг имманент эҳтиёжлари поғонасида қолишини инкор қилиб бўлмайди, акс ҳолда шахс эрки, ҳуқуқлари паймол қилинади. Н.А.Бердяев тарғиб қилган, идеал даражага кўтарган персонализм² ҳуқуқий демократик давлатда асосий қадрият ҳисобланса-да, уни мутлақлаштириш ҳам мумкин эмас. Шарқ халқлари, шу жумладан Ўзбекистон ва Россия халқлари ҳам, жамоа бўлиб яшашга, коммуитар карашлар ва ҳаёт тарзига мойилдир. Бу ўринда ҳаётий мақсадни, идеални ижтимоий-анъанавий ҳаёт тарзи, халқнинг тарихий-маданий парадигмаси билан уйғунлашиб келишини кузатамиз.

"Ихлос" деганда кишининг бирор нарсага, сифатга, инсонга меҳр қўйиши, унга эргашиши, ишончи, эътиқоди тушунилади. Ишончсиз, меҳр қўймасдан идеал яратиб бўлмайди. Киши идеалига "сўнгги ҳақиқат"га ишонгандек ишонади, ушбу "сўнгги ҳақиқат"

¹ Яценко А.И. Целеполагание и идеалы. - Киев, "Наука и думка", 1977. - С.34.

² Бердяев И.А. Царство духа и царство кесаря. - М.: "Республика", 1995. - С.4-163.

учун курашади, унинг карор топиши учун бутун кучини, умрини сарфлайди. Шу маънода идеал "хаёт-мамот" масаласидир. Машхур физиолог И.Павловнинг Богоявленский деган профессор ўртоғи бўлган. Бир куни Богоявленский келиб: - Иван, инсон танасининг барча қисмларини ёриб ўргандинг. Қани айтчи, инсон юрагида худо учун жой бормикан?- деб сўрайди. - Тентак экансан, - деб жеркиб беради Павлов. - Профессор бўла туриб сафсаталарга ишониб юрибсан.

Эргаси И.Павловга Богоявленский ўзини-ўзи ўлдирганини хабар қилишади. - Мен унинг калбидаги худога бўлган меҳрни, ишончини ўлдиргандим, - деб афсусланади олим кўрслигини эслаб.

Идеалнинг шаклланишида ўй, хаёл, интуиция, фантазия муҳим рол ўйнайди. Хаёли кучли шахслар ўз имкониятларидан улдуғроқ, буюқроқ идеал яратадилар. Гоҳо хаёл, фантазия кишини реал борлиқдан узоклаштириб, идеални мутлақлаштириб қўйиши мумкин. Бу эса идеалнинг ўзини ички зиддиятларга, қарама-қаршиликларга тўла воқелик эканидан далолат беради. Шунинг учун идеалнинг "диалектик эгилувчанлиги уни социумда мавжудлигининг асосидир. Англаган идеал субъект фаолиятининг асосий мезони ва бир вақтда субъект тараққиётининг юксак мақсади бўлади. Субординациялашган кадриятлар, мақсадлар ва уларга етиш тизимида, идеал ижод ва меҳнатни амалга ошириш воситасига айланади. Қисман амалга оширилган бўлса-да, шу тарзда идеал нормага, эталонга айланади".¹

"Интуиция", "фантазия" турли тушунчалардир. Интуицияда ҳис қилиш, туйғуга ишониш, башорат кучли. Лекин интуиция ҳурук жойда пайдо бўлмайди, у инсон амалий фаолиятининг, социумдаги ранг-баранг алоқаларининг маҳсулидир. Идеал ушбу тажрибанинг йиғма ифодасидир. Демак, "идеал" тушунчаси билан "интуиция" тушунчаси ижтимоий амалиёт, реал муносабатлар негизда бирлашадилар. Лекин бу уларнинг алоҳида-алоҳида тушунчалар, воқеликлар эканини рад этмайди. Масалан, интуиция яқин даврда содир бўладиган ҳодисани башорат қилади, у идеалдек узок мақсадларга қаратилмайди. Интуицияга киши бевосита билиш воситаси сифатида ёндашади, идеалда эса образ, модел орқали "мақсадлар мақсади"ни кўради. "Интуиция деганда, - деб ёзади

¹ Соловей Л.А. Идеал как форма интеллектуальной интуиции в математическом творчестве//Интуиция, логика, творчество. - М.: "Наука", 1987. - С.125.

Р.Декарт, - мен ҳисларнинг муваққат далилларига ва бетартиб хаёлотнинг алдоқчи хулосаларига ишонишни эмас, балки аниқ ва сардиккат ақлни тушунаман...”¹

“Фантазия” грекча phantasia сўздан олинган бўлиб хаёлот, хаёл қилиш, орзу маъноларини англатади. У руҳий ҳодиса сифатида ижтимоий борлиқда бўлмаган нарсани хаёлда тасаввур, орзу қилишдир. Фантазиянинг келажакка, узоққа йўналтирилгани, бўлғуси хатти-ҳаракатларни хаёлий модел, образ сифатида тасаввур қилишга ёрдам бериши билан эътиборлидир. Айнан хаёлда тасаввур, орзу қилиш фантазияни идеалнинг таркибий қисми сифатида қараш имконини беради. “Идеал” тушунчасида, айниқса ижтимоий идеалда фантазия элементлари бўлиши табиий ҳолдир. Масалан, барча социал утопик ғоялар ижтимоий адолат, тенглик, фаровон ҳаётни орзу қилиб келганлар. Бахт-саодат ҳаммага баб-баравар насиб этадиган жамиятни, ҳаётни яратиш уларнинг фантазияси, хаёлий орзулари эди. Бундай жамиятни яратиш мумкин эмас, чунки барчанинг баб-баравар тенг ва бахтиёр яшашини тасаввур қилиш қийин. Лекин ушбу орзу, хаёл, фантазия инсоният қалбидан ўчмаган, улар кишиларни янги-янги идеаллар яратишга ундаб туради.

“Ижтимоий идеал” тушунчаси кишининг, гуруҳлар ва жамиятнинг ижтимоий борлиқни, ижтимоий муносабатларни, тузумни, сиёсий институтларни, социумни такомиллаштиришга қаратилган тасаввурларини ифода этади. Ушбу тасаввурлар кишилар хаёлида образ, модел, ғоя, дилида орзу, умид, борлиққа муносабатида англаш, билиш, ғносеологик тажриба орттириш тарзида келади. Юқорида таҳлил қилинган “идеаллаштириш”, “идеаллаштирувчи субъект”, “хаёл”, “фантазия”, “интуиция” каби тушунчалар нафақат шахсий идеалнинг, худди шунингдек, ижтимоий идеалнинг ҳам шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ “ижтимоий идеал” тушунча сифатида ҳам, моҳиятига кўра ҳам шахсий идеалдан фарқ қилади. У ижтимоий онг маҳсули сифатида индивидуал онгнинг юқори, ижтимоий поғонадаги кўринишидир. Барча шахсий идеалларнинг ижтимоий идеалга кириши шарт эмас, аммо улар умумий проспектив мақсадда уйғундир.

¹ Декарт Р. Избранные сочинения. – М.: Госполитиздат, 1950. – С.86.

Ижтимоий идеал ижтимоий борликқа асосланади ва ижтимоий борликни такомиллаштиришни назарда тутлади. Ушбу проспектив мақсад кишиларнинг тасаввурлари ва онгида шаклланган образ, модел, фантазия, хаёл, "мақсадлар мақсади" тарзида, бироқ маълум бир ижтимоий-маданий муҳит, анъана, тарихий маконда намоён бўлади. Шахс мавҳум жойда эмас, ўзининг тарихий-маданий парадигмаларига эга маконда шаклланганидек, унинг ижтимоий идеалида ҳам ушбу маконнинг таъсири мавжуддир. Бу эса ижтимоий идеални тарихий-маданий муҳит, миллий ўзига хосликлар, сила, маҳалла, менталитет, анъанавий турмуш тарзи кабилар билан боғлиқликда қарашни тақозо қиледи.

Ижтимоий идеалнинг шаклланишида ижтимоий-сиёсий жараёнлар, жамият белгилаб олган стратегик мақсадлар, сиёсий маданият ва сиёсий онг, фуқаролик институтларининг дастурлари ва фаолияти муҳим ўрин тутлади. Замонавий кишини ушбу институтларнинг позициялари бефарқ қолдирмайди, демократиянинг умуминсоний кадриятга айланаётгани ҳар бир онгли кишидан мамлакатда кечаётган ўзгаришларга, ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол муносабатда бўлишни талаб этади.

Ижтимоий идеал ижтимоий борлиқнинг айнан ифодаси эмас, у ижтимоий борлиқнинг келажакдаги, гипотетик, проспектив ифодасидир. Шунинг учун ижтимоий идеалда ижтимоий борликда мавжуд бўлмаган, гоҳо бўлиши ҳам даргумон, утопик, ғайрихаётий тасаввурлар ҳам ўз ўрнини топиши мумкин. Жамият, тузум кишиларга идеалини яқинлаштиришга қанча халақит берса, улар идеалини шунча абстрактлаштиришга мойилдир. Аксинча, жамият, тузум ижтимоий идеални қанча яқинлаштира, унга етиш йўллари аниқлаштира ва кишиларга зарур имкониятлар яратиб берса, ижтимоий идеал реал воқеликка айлана боради. Лекин бу идеал билан реаллик айнанлашади дегани эмас, идеал субъектив тушунча, қараш, образ сифатида қолаверади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ижтимоий идеал тушунчаси ва моҳиятига қуйидагича фалсафий таъриф беришимиз мумкин. Ижтимоий идеал ижтимоий борлиқнинг келажакдаги гипотетик образи, субъектив ифодадаги такомиллаштирилган модели, жамиятнинг узоққа йўналтирилган хаёлий ва хаётий мақсадидир. Проспектив йўналтирилганлик, мавжуд муносабатларни такомиллаштириш орқали баркамол инсонни шакллантиришга,

етук жамият ва етук давлат яратишга қаратилганлик унинг моҳиятидир.

1.2. Шарқ фалсафасида ижтимоий идеал масалаларининг кўйилиши

”Шарқ” ва ”Ғарб” илмий тадқиқотларда турли цивилизациялар, менталитет ва турмуш тарзини ифода этувчи тушунчалар сифатида талқин қилинади. Ушбу тарихий-маданӣ негиз дао-конфуцийлик, буддавийлик, зардуштийлик, ислом ва ислом фалсафасида мужассамдир.¹ Асрлар давомида яшаб ва халқларнинг фалсафасини, турмуш тарзини, урф-одатларини, келажак ҳақидаги тасаввурларини белгилаб келган ушбу динлар, эътиқодлар муаммони ўрганишда етарли манба бўла олади.

1. Дао-конфуцийлик.

Эр.аввалги VIII асрга келиб қадимги Хитойда кулдорликдан феодал жамиятига ўтиш бошланади. Жамиятдаги туб ўзгаришлар кишиларнинг дунёқарошига, ҳаётни, келажакни ва ижтимоий муносабатларни идрок этишига таъсир қилмай қолмайди. Натижада – эр.авв. VIII – V асрларда ”барча мактаблар рақобати”, яъни турли фалсафий, сиёсий, диний оқимларнинг ўзаро баҳси даври бошланади.² Дао – конфуцийлик ана шу даврда юзага келган, кейинчалик Хитой халқининг ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий-фалсафий таълимотига айланган.

Даосизмнинг асосчиси Лао-цзи (эр.авв. 579-499 йиллар) ҳисобланади. Унинг ижтимоий-ахлоқий ва сиёсий-фалсафий қарашлари кейинчалик тузилган ”Дао – дэ – цзин” (”Эзгу амаллар йўли ёхуд куч ва ҳаракатлар ҳақида Китоб”) асарида ифода этилган. ”Дао” турлича талқин қилинса-да, у ҳам тушунча, ҳам сирли куч сифатида барча мавжуд нарсаларнинг боши, асоси, ижтимоий ҳаёт ва тараққиётнинг умумий қонуни, бошқариш принципи сифатида қаралади.³ Лао-цзи таърифига кўра ”дао” борликни яратувчи ва ифода этувчи идея, идеал, субстанциядир.

¹ Бундай ёндоқишни Ф. Мусаев таклиф этади: Қаранг: Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Т.: «Ўзбекистон», - 2007, - 16 б.

² История китайской философии. – М.: ”Прогресс”, 1989. – С.39-40

³ Тамже. С.48.

Лао-цзи идеал бошқаришни "аҳолиси кам кичик давлат"да кўради. Ушбу давлатда "турли қурол-аслаҳалар бўлади, лекин уларни ишлатиш шарт эмас. Кишилар умрининг охиригача узоқ жойларга кўчиб юрмасин. Агар қурол ва қалқонлар бўлса, уларни намойиш қилиш зарур эмас. Ёзиш ўрнига кишилар сават тўқишни машқ қилсин. Уларнинг овқати ширин, кийими чиройли, туражойи қулай, ҳаёти эса қувончли бўлсин. Қўшни давлатлар узоқдан бир-бирига тикилсин, бир-биридаги хўрозларнинг қичқиришини ва итларнинг ҳуришини эшитишсин, кишилар умрининг охиригача бир-бириникига бориши шарт эмас".¹ Бу аслида Лао-цзининг "идеаллаштирилган уруғчилик жамияти" эди.²

Шарқ фалсафаси, сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий таълимотлари ичида "бирорта қараш, мактаб жамият ва давлатни бошқариш, борлиқни такомиллаштириш, Осмон билан Ер ўртасида ва кишилараро муносабатларда камолотга эришиш инсонни маънавий такомиллаштиришга, унинг тарихий-маданий тажрибаларга содиқлигига боғлиқлигини конфуцийлик каби изчиллик ва собирлик билан ҳимоя қилмаган".³ Ҳақиқатан ҳам Устоз Кун – Кунфуций (э.р.ав. 551-479 йиллар) ўзининг "идеал мураббатлик (Осмон – Ер – Одам), "идеал шахс" (олижаноб эр), "идеал ҳукмдор" (Осмон фарзанди) ва "идеал бошқариш" (жамиятда бошқарув, урф-одатлар) ва нарсалар тартиби" – "ли") ҳақидаги қарашлари билан ижтимоий таракқиётнинг Шарқона моделини яратди. Осмон – Ер – Одам концепциясида биринчи ўринда Осмон, "Осмон иродаси" турса-де, ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик, мураббатлик, таракқиёт Ердаги, Одамлар ўртасидаги муносабатларга, Уларнинг Осмон иродасига итоат этишига боғлиқ. "Факат Осмон буюк", "Осмон иродасини билмай егук инсон бўлиш қийин".⁴

"Олижаноб эр" конфуцийликдаги идеал шахс образидир.⁵ Му-тафаккир Ушбу категорияни аввало подшоҳ (монарх, князь, ҳукмдор)га, кейин эса Осмонга ва Осмон фарзандига хизмат

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ институти". 2006. – 52 б. МусаевФ. Демократик давлат қуришининг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Т.: «Ўзбекистон».

⁴ Мудрецы Поднебесной. - Симферополь, "Реноме", 1998. – С.158.

⁵ Ушков А.М. Утопическая мысль в странах Востока: традиции и современность. – М.: Изд-во Моск.ун-та, 1982. – С.13.

килувчиларга нисбатан қўллайди. Унинг назарида олижаноб эр биринчи ўринга бурчини, иккинчи ўринга манфаатини қўяди, мухтожликни мардона енгади, у эзгулик, эзгу амаллар ҳақида ўйлайди, ўзига раво кўрмаган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўрмайди. Агар олижаноб киши ҳукмдор бўлса. "халққа нима фойдали бўлса, шундан келиб чиқиб халққа хизмат қилади", "оломон билан айрим кишини бир-биридан ажратмайди", кишиларга ҳурмат билан қарайди ва "ўз кийимларини ва бош кийимини тартибда сақлайди", ана шунда халқ унга иззат кўрсатади. "Бу аслида бағритошлик кўрсатмасдан халқнинг иззатини қозониш эмасми?"¹

Идеал ҳукмдор бўлиши учун "олижаноб эр" "беш бебаҳо сифат"га эга бўлиши зарур. "Улар эзгуликда исрофгар бўлмаслик, меҳнатга мажбур эга туриб нафрат уйғотмаслик, истакларда зиҳна бўлмаслик, улуғ бўла туриб мағрурлик қилмаслик, ҳурмат уйғота туриб бағритош бўлмасликдан иборатдир".² Конфуций идеал ҳукмдор ахлоқда, бошқаришда, муносабатларида бошқаларга ибрат бўлиши зарурлигини таъкидлайди. "Фукаросини тарбияламайдиган подшоҳ (ҳукмдор) тўғри подшоҳ эмас". Бошқариш "ўзи намуна бўлиб" бошқаларни тарбиялашдир.³

Конфуций тасавуридаги идеал шахс, олижаноб киши қуйидаги сифатларга эга бўлиши даркор: аниқ кўриш, тиник эшитиш, хушмуомалали бўлиш, хуш амалли бўлиши, қаҳр-ғазабнинг оқибатини унутмаслик, қулай пайтда наф кўриш.⁴ Тўғри, мутафаккир ушбу хислатларни қандай қилиб бир кишида шакллантириш мумкинлигини очиб бермайди. Шу нуқтаи назардан унинг "идеал ҳукмдор", "идеал шахс", "олижаноб эр" ҳақидаги фикрлари идеалистик хусусиятга эга. Бироқ Конфуцийнинг ушбу қарашлари унинг издошлари томонидан ривожлантирилди ва Хитойда "хизматчилар тайёрлаш"да XX асрдан зиёд даврда ўзига хос дарслик вазифасини ўтаб келди. Айниқса мутафаккирнинг "идеал бошқариш" – "жамиятда бошқарув, урф-одатлар ва нарсалар тартиби" ("ли") концепцияси жамиятни муҳим, барқарор ривожлантиришга хизмат қилган. Унда бошқаришда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда тарихий-маданий анъаналарга, аждодлар тажрибаларига таяниш, жамиятдаги субордина-

¹ Мудрецы Поднебесной. Симферополь, "Реноме", 1998. – С.157-158.

² Алъмасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ институти" нашр., 2006. – 21 б.

³ Уша жойда. – 23 б.

⁴ Уша жойда.

ция принципларини, стратификация тартибларини сақлаш гоёлари илгари сурилган. "Хукмдор хукмдор бўлсин, хизматкор – хизматкор, ота ота бўлсин, ўғил – ўғил"¹ ушбу концепциянинг моҳиятини ташкил этади.

Конфуций жамият ва давлатни бошқариш ҳақидаги фикрларида умрини тугатаётган патриархал муносабатлар ва тартибларни ҳимоя қилади.² Аслида бу жамиятда барқарорликни, консенсусни таъминлашга қаратилгандир. Шунинг учун конфуцийликдаги "олтин оралик" ("золотая середина") "энг эзгу олий принцип" ҳисобланади.³ У, ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра ижтимоий муносабатларни антагонистик зиддиятлар поғонасига кўтармай ташкил этиш, бошқариш, йўлга қўйиш принциpidир. Айнан ушбу принцип Ғарб тадқиқотчиларида конфуцийликка юқори қизиқиш уйғотмоқда.

Конфуцийнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-сиёсий қарашлари Дун Чжуншу (эр.авв. 187-120 йиллар), Лю Шао (III аср), Чжун Си ва унинг неоконфуцийлик мактаби (X-XII асрлар), Ли Гоу (XI аср) томонидан ривожлантирилди. Масалан, Ли Гоу "олижаноб эр" ва "идеал подшоҳ" ҳақидаги гоёларни давом эттириб ёзади: "Қадимги комил подшоҳлар давлатни бошқаришни уни бойитишдан бошлаган. Давлатни бойитиш ҳисоб-китобда зикналикка бориш ва халқ норозилигини уйғотадиган солиқлар тўплаш эмас, балки асосий машғулотни ривожлантириш, пастдагиларнинг қашшоқликни сезмаслиги, юқоридагиларнинг истеъмолад ва сарф-харажатда меъёрдан ошмаслиги демакдир".⁴ Хукмдор, бошқариш ишлари билан банд олижаноб кишилар райят (халқ, омма, аҳоли)ни панд-насихат билан тарбияласа, Осмон фарзанди билан халқ аҳил яшайди, ижтимоий ҳаётда адолат ва бир-бирига ишонч таъминланади. "Ахир халқни юпатиш, - деб ёзади Ли Гоу, - хукмдор ва халқнинг, ота ва боланинг зарур ахлоқий муносабатларда бўлишида, эр-хотиннинг яқинлиги ва самимий муносабати камолотда умр кечиршида, оға-иниларнинг иноқ яшашда, хамюртларнинг бир-бирига ишончида, хуллас, бойлик кетидан қувмасдан, куч ишлатишга интилмасдан, ҳамманинг урф-одатларга итоат этиб, бир-бирига ён босиб, ўзаро муросада

¹ Мудрецы Поднебесной. Симферополь. "Реноме", 1998. – С.47.

² История китайской философии. – М.: "Прогресс", 1989. – С.76.

³ Уша жойда. – С.73-74.

⁴ Искусство властвовать. - М.: "Белые альвы", 2001. – С.37.

яшашнда эмасми?”¹ Демак, жамият ва давлатни бошқариш, кишилар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш ижтимоий-ахлоқий воситалардан, ажодлар панд-насихати, ўғитидан фойдаланишга, етук кишилардан қолган тажрибаларга таянишга боғлиқдир. Агар Ғарбда кишининг ишчанлиги, сиёсий сифатлари, ижтимоий-сиёсий институтларни тинмай ўзгартиришга эътибор қаратилса, Шарқ халқларида инсоннинг ахлоқини, маънавиятини, ўзаро аҳил ва иттифоқда яшашини таъминлаш назарда тутилган.

II. Буддавийлик.

“Ҳиндистонда фалсафа бошқа бирор фанга ёки санъатга қўшимча сифатида шаклланган эмас, балки у мудом эътиборли, мустақил ўрнини эгаллаб келган... Ҳиндистонда фалсафа ўз оёғида турган, бошқа фанлар ундан таянч кидирган”.² Шунинг учун ҳинд фалсафасидаги оқимлар, мактаблар одам ва оламни билишда ўзига хос анъаналарига, ёндашишларига эга. Улар ичида буддавий ахлоқда ўрин тутаяди, чунки ҳинд фалсафасига хос спиритуализм³ айнан буддавийликда тўла намоян бўлади ва шу боис у бутун Шарқ тафаккурининг шаклланишига таъсир ўтказиб келган.

Сиддхартха Готама – Будда (э.р.ав. VI-V асрлар) таълимоти дунёнинг, ҳаётнинг азоб-уқубатларидан ахлоқий идеал, нирвана орқали халос бўлиш концепциясидан иборат. Ушбу таълимотга кўра туғилиш – азоб, яқинингни йўқотиш – азоб, касаллик – азоб, ўлиш – азоб, ҳаёт азоб-уқубатлардан иборатдир. Аммо ушбу азоб-уқубатлардан қутулиш йўллари мавжуд, улар тўрт олийжаноб ҳақиқатдир. Ушбу ҳақиқатлар: 1) азоб-уқубатлар мавжуд; 2) азоб-уқубатларнинг боиси бор; 3) азоб-уқубатлар тугатилиши мумкин; 4) азоб-уқубатлардан халос бўлиш йўли мавжуддир.⁴ Ушбу йўлни Будда “нирвана” деб атайди.

“Нирвана” тушунчаси “сўниш”, “ўчиш” маъноларини англатса-да, мутахассисларнинг фикрига кўра, у “ўлиш” ёки “ҳаётдан воз кечиш” эмас, балки инсондаги ҳирс, шаҳват, манфаат, бирор нарсага эгалик қилиш иштиёқини сўндириш орқали унда маънавий-ахлоқий баркамолликка интилишни кучайтириш йўлидир. Нирвана

¹ Ўша жойда. – С.128.

² Радхакришнан С. Индийская философия. Т.1. – М.: Изд.ин.лит.-ры, 1956. – С.12.

³ Ўша жойда. – С.14.

⁴ Ўша жойда. – С.307; Дхаммапада. – Петербург, Изд-во Чернышева, 1993. – С.48-49.

кишини бад сифатлардан халос этиш, руҳда сокинлик, осудаликка эришиш оркали бутун, мавжудлик билан уйғунлашиш, борликка кўшилиш демакдир. "Нирвана маънавий-руҳий камолот максадидир".¹ У ҳар қандай эгоизмдан озод, вақт ва маконга боғлиқ бўлмаган, "эътиқод, тинчлик, осудалик, завқланиш, бахт-саодат, мулойимлик, софлик, тароват" қарор топган мавжудликнинг кўринишидир.²

Буддавийликда кишини ташқи оламнинг бад таъсирларидан, ахлоқий идеалга етишга халақит берадиган нарсалардан, боислардан халос этиш, маънавий-руҳий ҳурликка эришишга ундаш асосий вазифа ҳисобланади. "Инсоннинг эрки унинг дунёга ҳукмрон бўлишидан муҳимроқдир", "киши ташқи дунё занжирларидан қутилсагина ўзини озод сезади", "ақлли киши ҳеч қачон оломон фикрига муте бўлмайди", "у ҳеч қандай таълимотга эргашмайди" ва фақат ўзига ишонади" ва "ўзининг Мени" билан яшайди.³

Инсоннинг ахлоқий-маънавий кучига ишониш, уни иллатлардан, бедилликдан нафсга, шаҳватга берилиш туйғуларидан халос қилиш, унга ҳаётдаги азоб-уқубатларнинг боисларини кўрсатиш буддавийликдаги ижтимоий-фалсафий жиҳатдир.⁴ Айнан ушбу гуманистик жиҳати уни жаҳон динларидан бирига айлантирган.

III. Зардуштийлик.

Зардуштийликда ота-боболаримизнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий қарашлари, гносеологик тажрибалари мужассамдир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто"да дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.

"Авесто" фақат одамнигина эмас, балки бир ҳовуч тупроқ, бир културм сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам муқаддас эканлиги ҳақидаги китобдир".⁵ Демак, борлиқни, ҳаётни улў глаш, идеаллаштириш "Авесто"даги асосий ғоядир.

¹ Ўша жойда. – С.381.

² Ўша жойда. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий масалалари. – Т.: «Ўзбекистон», 2007 – 23 б.

³ Юрчук В.В. Будда. – Мн.: "Современное слово", 1998. – С.18-20.

⁴ Степанянц М.Т. Восточная философия. – М.: "Восточ.лит-ра", 2001. – С.16-17.

⁵ Махмудов Т. "Авесто" ҳақида. – Т.: "Шарк", 2000. – 5 б.

Бирок "Авесто"да диний-трансцендентализм эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг реал масалалари, яъни одамдаги эзгу амалларни кўпайтириш ва эзгуликни ер юзида барқарор воқеликка айлантириш, бахтли ҳаёт куриш ҳақида фикр юритилади. "Пайғамбар Заратуштра илоҳ Ахура-Маздадан сўради:

- Эй, Ахура – Мазда!

Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким?

Ахура – Мазда жавоб берди:

- Эй, Заратуштра!

Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатта тайёрласа!..

Эй, Заратуштра!

Кимки ғалла экса, у ҳақиқатни экади..."

Зардуштийликда бахтиёр оила, уй-жой куриш, гўзал диёр, юрт барпо этиш инсон ҳаётининг мағзи-маъноси, мавжудлик ва мангуликнинг шарти сифатида қаралган. Заратуштра Ахура – Маздага мурожаат этади: " – Эй, оламини яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Замин ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги иккинчи жой қаер?

Ахура – Мазда жавоб берди:

- Бундай жой бир Ашаван уй тиклаган макондир. Ўша уй мубад рўзгор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади... Тевалар хўраки фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб. Уй бекаси бахтиёр. Фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради. Тирикликнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка ковушади..."¹

Кўриниб турибдики, бахтиёр ва фаровон ҳаёт куриш, фарзандларнинг шод ва соғлом ўсиши, тириклик ота-боболаримиз улуғлаган, ҳаётини идеалга айлантирган мақсадлардир. Ушбу мақсадларга етиш учун фақат тилақлар етарли эмас, эзгуликнинг, адолатнинг, Ахура – Маздага эътиқоднинг қарор топиши зарур.

Ахура – Мазда оламини яратган; у эзгулик, ёруғлик, фаровон турмуш, тинч ва осойишта меҳнат қилиб кун кўриш тарафдори. Зардуштийлар Ахура – Маздани илоҳ сифатида идеаллаштирганлар. Фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Маҳмудовнинг қайд этишича "барча яхшилик, гўзаллик ва

¹ Ўша жойда.

гўзаллик ҳомийси Аҳура – Маздага олтита ёрқин кучлар мадд беради. "Абадий яхшилик", "яхши фикр", "яхши тартиб", "муносиб кудрат", "илоҳий тобеълик", "сиҳат-саломатлик", "абадийлик" сингари тушунчаларнинг ўз илоҳлари бўлиб, улар Аҳура – Мазда атрофида яхшилик уруғини селиб юради"¹. Натижада Аҳура – Мазда "Эзгу фикрат", "Эзгу калом" ва "Эзгу амал" бирлигининг идеаллаштирилган тимсоли, образи сифатида намоён бўлади.

Профессорлар Ҳ.Бобоев ва С.Ҳасановларнинг ёзишича, Зардушт ҳақу ҳақиқатга, адолатга, эзгуликни қарор топтиришга хизмат қилувчи марказлашган кучли давлат тузиш тарафдори бўлган. "Зардуштнинг ижтимоий-сиёсий идеали кучли марказлашган ҳокимият тузиш, ҳар қандай адолатсизлик, жаҳолат ва ҳуқуқсизликка қарши курашишдан иборатдир. Бу зардуштийлик ғояларидан, кейинчалик янги дин яратмоқчи бўлган Моний ҳамда Маздак Исломга қарши курашда кенг фойдаланганлар. Бу таълимотдан насоролар дини ҳам баҳра олган"². Шунинг учун профессор Исо Жаббаров Уйғониш даврини зардуштийликдан бошлашни таклиф этиб ёзади: "Асли дастлабки гуманистик ғоялар, ислохотчилик ҳаракати Ўрта Осиёнинг буюк фарзанди Зардуштдан бошласак ҳақиқатга тўғри келади. Чунки унинг таълимоти инсонпарварлик ғояларини биринчи бўлиб идеаллаштирган, дунёвий ҳаётни муқаддаслаштирган, унинг асосий ақидалари кейинги жаҳон динлари – христианлик ва исломнинг ақидавий ва ибодат қоидаларига ҳам замин бўлган"³.

IV. Ислом ва ислом фалсафаси.

Ижтимоий идеал субъектнинг ташки дунёга, жамиятга, тараққиётга муносабати, унинг онгидаги, субъектив қарашларидаги ифодаси, образи бўлса-да, у объект ва субъектнинг навбатманавбат онгдаги тасвири эмас, балки инсоннинг гносеологик тажрибаси, маънавий-руҳий изланишлари маҳсулидир. Ижтимоий идеал нафақат инсон ва жамият муносабатлари, худди шунингдек, объектнинг субъективлашиш, оддий тасавурларнинг идеаллашиш жараёнларининг маҳсули ҳамдир. Ислом ва ислом фалсафасида инсон ва жамият муносабатлари, объект ва субъектнинг ижтимоий онгда

¹ Ўша жойда – 236.

² Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. "Авесто" маънавийтимиз сарчашмаси. – Т.: "Адолат", 2001. – 117 б.

³ Жаббаров Исо. Антик маданият ва маънавият хазинаси. – Т.: "Ўзбекистон", 1999. – 63 б.

акс этиши, объектнинг субъективлашиш ва оддий тасаввурларнинг идеаллашиш жараёнлари гносеологик, антропологик, психологик ва спиритуалистик чуқур тадқиқ этилган. Бу борадаги адабиётларни ҳатто санаб кўрсатишнинг ҳам имкони йўқ, шунинг учун биз мавзунинг ислом дини таъсири остида Ўрта Осиё мутафаккирлари, файласуфлари асарларида баён этилган қарашлар билан чекланишга мажбурмиз.

Ислом фалсафаси тарихи кўрсатадики, арабларда ижтимоий-фалсафий таълимотларнинг юзага келишига таъсир этувчи мифология бўлмаган. "Арабларда назарий рефлексия уларнинг мусулмонликка юз тутишидан бошланади. Ислом фалсафасининг асосий ақидалари ҳудода, охираатнинг мавжудлиги, Муҳаммад пайғамбарнинг комиллиги, Оллоҳ қонунлари сифатида шариатга қаттиқ ишончдadir.¹ Ўз пайтида Ибн Рушд шариатни инсон ақлидан ташқаридан деб билган.² Ҳақиқатан ҳам, ислом диний-ирфоний қарашларида ушбу ақидалар етуқлик, комиллик, идеал сифатида талқин этилади. Бирок ислом фалсафасида, илмида ижтимоий тараққиёт ва шахс камолоти билан боғлиқ шундай ҳаётий ғоялар ҳам борки, айнан улар Шарқ фалсафасининг ўзига хослигини, анъаналарини ва гносеологик ривожланишини белгилаб берган.

Ислом фалсафасида инсон ва инсонпарварлик ғояси марказий ўринда туради. Тўғри, исломда одам Етуқ, Комил, Оллоҳ каби идеал эмас, аммо етуқлик, комиллик, илоҳий сифатларга эга бўлиши мумкин мавжудот сифатида қаралади. Қуръони Каримда айтилишича, Худо инсонни ер юзида халифа қилиб яратган, барча фаришталар, иблисдан ташқари, тирик мавжудотлар ва жониворлар унга бўйсунди. "Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик".³ Аммо бу инсонга сизғинишни, уни идеал даражага кўтариш зарурлигини англамайди. "Ал-инсон ал-комил" концепцияси кишининг комилликка етишини назарда тутса-да, у Худо даражасидаги ко-

¹ Степанянц М.Т. Восточная философия. – М.: "Восточ.лит-ра", 2001. – С.14.

² Ибн Рушд. Опровержение опровержения (фрагменты). Избр. произв. мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. – М.: "Вост.лит-ра", 1961. – С.513.

³ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. "Ал-Исро" сураси. – Т.: Тошкент Ислом университети нашриёти, 2001. – 289 б.

миллик эмас, акс ҳолда Оллоҳ инсонга имманент бўлиб қолади, бу эса ислом ақидасига зиддир.¹ Шунинг учун ислом фалсафасида инсоннинг Оллоҳга тенглашиш даражасида комилликка эришиши эмас, балки унинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги асосланади. Ал-Ашарий, ал-Кинди, Газзолий, Форобий, Ибн Сино, ал-Кирманий, Ибн Рушд, Беруний, Ибн Араби, Ибн Халдун фалсафасида, Саъдий Шерозий, Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий поэтикасида, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро диний-ирфоний карашларида комил инсон ғояси маънавий-ахлоқий идеалга интилиш тарзида қаралади.² Шунинг учун ҳам "ислом фалсафасида одамнинг фэъл-атвори, қилиқлари, жамиятга келтирган фойдазиёни, катталарга, ота-онага муносабати, нафсини тийиши ёки тамағирлиги, очкўз ва баднафслиги, хушмуомалалиги, меҳроқибатлилиги, хулқ-одоби, билимдонлиги ёки нодонлиги, одамийлиги ёки ситамгарлиги, ростгўйлиги ёки фирибгарлиги, олийҳимматлиги ёки пасткашлиги, саҳийлиги, бойликка ружу қўйиши, фаъм-фаросатлиги, аёлларга муносабати, бағрикенглиги, ҳасадчи ва ғийбатчилиги ва бошқа ҳагги-ҳаракатига қараб яхши ва ёмонга бўлинади".³

Ислом ва ислом фалсафасида олам ва одам, инсон ва жамият, шахс ва давлат уйғунликда, бир-бирига диалектик боғлиқликда қаралади. Ғарб фалсафасида шахс жамиятга, давлатга, трансцендентга қарши чиқиши, ҳатто бутун тарихий-маданий тажрибанг инкор қилиши мумкин. Масалан, Нисше нигилизми, Маркс коммунизмини эсланг. Шарк, ислом фалсафасида эса инсон билан жамият ўртасидаги мураббатлик, гармония ижтимоий тараққиёт шартин ҳисобланади.

Ислом фалсафасидаги "борлиқнинг умумийлиги" (ваҳдат ал-вужуд) ал-Форобий, Ибн Рушд, "Соф Биродарлар" ижтимоий-сиёсий концепцияларининг асосини ташкил этади. Масалан, Ибн

¹ Степанянц М.Т. Восточная философия. – М.: "Восточ.лит-ра", 2001. – С.59.

² Буюк сиймолар, алломалар. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995; Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2000; Аликулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. – Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ институти" нашриёти, 2006 ва б.

³ Аликулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. – Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ институти" нашриёти, 2006. – 18 б.

Рушд ўзининг "Метафизика" асарида борлиқнинг умумийлигини социумнинг идеал ташкил этилган умумийлиги, Форобий эса идеал тарзда ташкил этилган "Фозил одамлар Шаҳри" (Мадина ал-ахёр), "Соф Биродарлар" "Маънавий етук Шаҳар" (ал-Мадина ар Рўхайния), Ибн Сино "Адолатли Шаҳар" (ал-Мадина ал-Адл), Ибн Баджий "Етук Шаҳар" (ал-Мадина ал-камол), Ибн Рушд "Эзгу Шаҳар" (ал-Мадина ал-Фадил) орқали очиб беради. Бу аслида ислом фалсафасидаги идеал жамият, идеал давлат ҳақидаги ижтимоий-сиёсий концепциялардир. Уларга кўра социум "борлиқнинг умумийлиги" орқали қаралиши, ушбу умумийнинг таркибий қисми сифатида идрок этилиши зарур. Фалсафа (фалясифа) дунёнинг ўз қисмлари билан гармоник тарзда ўрганадиган фандир. Шу нуқтан назардан у идеал жамиятни олам билан одам, инсон билан жамият ўртасидаги муносабатларни "борлиқнинг умумийлиги" тартиблари орқали ташкил этиш эса бахт-саодат (идеал) имконидир.¹ Ушбу мақсадлар реалликка асосланган, уларни амалга ошириш ижтимоий муносабатларни, инсон билан жамият ўртасидаги алоқаларни, жамият ва давлатнинг бошқариш ишларини зарур йўналишда олиб боришга боғлиқдир.

Ислом фалсафасида ижтимоий-утопик ғоялар, жамиятни такомиллаштиришга қаратилган идеал проектлар, тасаввурлар ҳам мавжуддир. Улар "идеал давлат", "идеал шоҳ", "адолатли тузум", "каннатий ҳаёт", "умумий роҳат-фароғатли турмуш" каби ғоявий-назарий қарашларда, файласуфларнинг орзу умидлари, идеал тасаввурларида намоён бўлади.

Ислом фалсафасида кишиларнинг идеал бирлигини ижтимоий-сиёсий таҳлил қилган ва ушбу бирлиқни идеал жамият, инсоният тараққиётининг идеал модели сифатида қараган буюк заминдошимиз ал-Форобийдир. Форобийнинг фикрича, "идеал, етук жамият – мунтазам тартибдаги жамият; у тирик организмга монанддир, бу жамиятда ҳар бир инсон ўз қобилият ва билимларига яраша ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди ва ўз вазифаларини ижро эта-

¹ Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья. – М.: "Мысль", 1989. – С.55-56.

² Қаранг: Мусаев Ф. Демократик давлат қарилшининг фалсафий-ҳуқуқий мисаллари. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 34-35 б.

ди”.¹ Мутафаккир ”идеал шаҳарни бошқаришнинг идеал усули – монархиядир”² деб ҳисоблайди. Монарх (мутафаррид бир раиса) халқ (авом)нинг бахс-саодати ҳақида ўйлаши, унинг фуқаролар (райят) билан муносабатлари эса меҳр-муҳаббатга, сийлашга қурилмоғи лозим.³ Шунинг учун Форобий монарх (хукмдор, давлат бошлиғи)га қолган амалдорлар ва оддий кишилардан фарқ қилувчи ўн икки фазилат зарурлигини қайд этади. Форобийнинг ижтимоий-утопик қарашлари у ёки бу даражада ”Соф Биродарлар” (”Ихвонус сафо”) уюшмаси аъзолари, Беруний, Ибн Сино, Ибн Туфайл, Ибн Баджа, Ибн Рушд, Фирдавсий, Умар Хайём, Ибн Халдун, Низомий Ганжавий, Давоний, Жомий, Навоий, Кошифий, Мирзо Бедил, Аҳмад Дониш сиёсий, фалсафий меросига таъсир этди.⁴ Энг муҳими шундаки, Ўрта Осиё мутафаккирлари мавжуд тузумдаги нопоклик, зўравонлик ва адолатсизликларни танқид қилишдан кўркамдилар, ушбу иллатларни танқид қила туриб, улар кишилар келажagini бахтиёр ҳаёт, адолатпарвар тузум, эзгу амалли ва ниятли хукмдор билан боғлаб тасвирладилар. Гуманизмга, тенгликка, меҳр-оқибатга, шахс билан жамият, давлат ўртасидаги алоқаларини умумхалқ манфаатларига қуришга интилиш уларнинг идеал жамият ва идеал давлат ҳақидаги қарашларининг моҳиятини ташқил этади. Уларни амалга ошириш амри маҳол, ижтимоий идеалга етиш учун зарур объектив ва субъектив шарт-шароитлар мавжуд эмас эди. Шу нуқтаи назардан буюк заминдошларимизнинг ижтимоий идеали келажакка йўналтирилган утопия, ҳаёл бўлиб қолаверди.

1.3. Ғарб фалсафасида ижтимоий идеал ғоялари

”Ижтимоий идеал” кишилиқ жамияти билан бирга пайдо бўлган тушунча, воқелиқ сифатида тафаккур тарихида азалий мавзулардан бирига айланган. Ғарб фалсафасида у Платон давридан бошлаб илмий-назарий концепция сифатида ўрганиб келинади.

¹ Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараккиёти тарихидан. – Т.: ”Ўқитувчи” – ”Зиё-Ношир”, 1997. – 81 б.

² Ўша жойда.

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 165-168 б.; Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: ”Ёзувчи”, 2001. – 60-61 б.

⁴ Социально-утопические идеи в Средней Азии. – Т.: ”Фан”, 1983. – С. 120-125.

Ҳозир эса ижтимоий идеал, инсониятнинг келажаги ва тараққиёт йўллари ҳақида фикр юритмайдиган сиёсий-фалсафий, ижтимоий-ҳуқуқий ва социологик оқимлар, мактаблар йўқ. Уларнинг қарашлари ҳақида тўла тўхталиш имконига эга эмасмиз, шунинг учун муаммо моҳиятини очиб беришга қаратилган энг муҳим йўналишлар ҳақида тўхталишимиз мумкин ҳолос. Ушбу йўналишларни қуйидагиларга ажратиш мумкин.

1. "Етук жамият", "етук давлат" – "олтин давр" концепцияси.
2. "Бахт", "бахтиёр ҳаёт қуриш" ғоялари.
3. Ижтимоий адолат концепцияси.
4. Марксизм ва ижтимоий тенглик ғояси.
5. Экзистенциализм ва структурализм.
6. Индустриализм ва конвергенция назарияси.
7. "Умумжаҳон давлати", "умумжаҳон бирлиги" концепцияси.
8. Информацион жамият.
9. Демократик фуқаролик жамияти.

Аввало шуни айтишимиз керакки, ижтимоий идеал инсон онгида шунчаки тасаввур, образ, модел эмас, балки инсоннинг келажак ҳақидаги тасавури, образи, моделидир. Шунинг учун ҳар қандай ижтимоий идеал келажакка йўналтирилган, келажакдаги ҳаётни, жамиятни, тузумни гипотетик тасаввур этишдир. Юқоридаги йўналишларда ҳар доим ҳам "ижтимоий идеал" тушунчалари ишлатилавермайди, бироқ улар негизида келажакдаги ҳаёт, жамият, тузум гипотетик назарда тутилади. Айнан шу нуқтаи назардан улар ижтимоий идеалнинг йўналишларидир.

"Етук жамият", "етук давлат" концепцияси илк бор Платоннинг ижтимоий-сиёсий фалсафасида илгари сурилган. Унинг фикрига кўра, етук давлат "ҳар ким ўзига муносиб, лойик ишни амалга оширишида", "яхшилар нолойикларни бошқарганида"дир.¹ "Яхшилар" деганида Платон "табиатига ва тарбия олган"ига кўра олижаноб кишиларни назарда тутди. Кўпчиликни ташкил этувчи аёллар, уй хизматчилари, қуллар, нафс ва ҳирсга берилганлар "нолойиклар"дир. Шунинг учун Платон, К.Поппер иборасига кўра, идеал жамият, идеал давлат "орзу, фантазия, ёки ақлимиз идеяси эмас... у илгари бор эди", дейди. Бу ўринда Платон ибтидоий даврдаги жамиятни, мулкый муносабатлар, "меники-сеники" бўлмаган

¹ Платон. Сочинения в трех томах. Т.3. Ч.1. – М.: "Мысль", 1971. – 225.

ибтидоий жамоавий ҳаёт тарзини назарда тутади.¹ Ундан кейинги жамият ва давлатларни у еврилишга юз тутган деб ҳисоблайди. Ушбу еврилишни бартараф этишни Платон "олтин давр"га қайтишда, жамиятдаги ўзгаришларни, айниқса ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни турғун, ўзгармас тартибларга бўйсундиришда кўради. "Платон бизга ҳар қандай ўзгариш ёвузликдир, турғунлик эса илоҳийдир, етукдир, идеал ҳолатдир, деб ўргатади".² "Агар "олтин давр"даги жамият, давлат етук бўлса, деб киноя қилади К.Поппер, у нима учун ўзгарди, қандай қилиб ноетукка айланди экан?"³

Бирок Платоннинг ижтимоий-сиёсий фалсафасида софократия ғояси асосий ўринда турганини унутиб бўлмайди. Софократия – файласуфлар давлати демакдир. Платон давлатни файласуфлар бошқарсин деган фикрни илгари сурган. Ушбу идеал давлат файласуфлар, шарқона талқинда донишмандлар давлатидир. Тўғри, софократияда Платоннинг шахсий сиёсий мақсади яширинганини К.Поппер очиб берган, лекин у (софократия), айниқса Шарқда трансформацияга учраб донишмандлар, фозил ва маърифатпарвар кишилар жамияти сифатида талқин этиладиган бўлган. Демак, Платоннинг ижтимоий идеал ғояларида историцизм ва консерватизм мавжуд бўлса-да, улар моҳиятан ижтимоий-сиёсий фалсафада, халқлар орзуларида идеал жамият ҳақидаги илк илмий-назарий таълимот, қараш сифатида яшаб келади.

"Бахт", "бахтиёр ҳаёт қуриш" барча кишиларга, барча жамиятларга хос идеалдир. Ғарб фалсафасида бахтиёр ҳаёт қуриш, кишиларни бахтли қилиш ғояси ижтимоий идеал сифатида Аристотелдан бери муҳокама қилинади.

Аристотел фикрига кўра, бахт бирор нарса учун ёки бирор нарса орқали эмас, балки "бахт қаракат мақсади сифатида аллақандай етуклик (тўлалик, яқунлик) ва ўзи-ўзи учун тақомиллик"⁴ дир. "Бахт учун тўлиқ эзгу амаллар, ҳамда ҳаётнинг тўлалиги зарур".⁵ "Тўлиқ эзгу амаллар" ва "ҳаётнинг тўлалиги"ни тасаввур этиш қийин, шунинг учун ҳам файласуф Солоннинг "Ким тирик экан уни бахтиёр

¹ Поппер К. Чары Платона. Открытое общество и его враги. – М.: "Культурная инициатива", 1992. – С.57.

² Ўша жойда. – С.68-69.

³ Ўша жойда. – С.72.

⁴ Аристотель. Сочинения в 4-х томах. Т.4. – М.: "Мысль", 1983. – С.63.

⁵ Ўша жойда. – С.69.

аташ мумкин эмас” деган иборасини келтиради.¹ Лекин гўзаллик, эзгу амаллар, эзгулик – бахт, бад сифатлар, жирканч ҳаракатлар бахтсизлик боисидир.² Ушбу фалсафий-этик ёндашув кишини эзгу амалларга даъват этиши сабабли қимматлидир.

“Бахт ва бахтиёр ҳаёт” ахлоқан етук инсон билан боғланган. Кишининг бахтиёр яшаши унинг мол-мулки, лавозими билан эмас, эзгу амаллари, эзгу ниятлари туфайлидир. Ахлоқан етуклик ҳам эзгулик концепциясидан келиб чиқиб талқин қилинади. “Эзгу амалли шундай бир кишини танлаш зарурки, - деб ёзади Сенека, - у мудом кўз олдинда турсин ва шундай яшагингки, гўёки ушбу идеал сенга тикилиб, сени ҳаракатларингни кузатаётгандек бўлсин... Бошқанинг фикрларида яшаб уни тўғри яшашга ўргатган бахтиёрдир! Аммо бошқани идеал билиб ўзи комилликка интиладиган янада бахтиёрдир!”³ “Бизга ахлоқимизни тузатадиган кимдир намуна бўлиши даркор, чунки эгри чизикни фақат чизгик билан тўғирлаш мумкин”.⁴

Ўзини-ўзи бахтиёр қилиб ахлоқий етукликка, керагидан ортиқни истамай, изламай ахлоқан идеалга етиш стоикларнинг ижтимоий-фалсафий ғояси эди. Улар фақат “ахлоқан яхшилайдиган кишилар давраси”да бўлишни, “бойликка меҳр қўйиб “вақтдан олдин бахтсиз бўлмаслик”ни тарғиб қилдилар. “Мен бойликни кераклиги учун эмас, - деб ёзади Сенека, - балки ҳақирлиги учун инкор қиламан... Ҳақиқий бойликка интил... ичишга суви, ейишга нони бор киши Юпитер билан бахтиёрликда беллашиши мумкин”.⁵

“Бахт” ва “бахтиёр ҳаёт” ғоялари Бозций, Август Блаженный, Фома Аквинский, Лейбниц, Фейербах, Монтень, Бэкон, Дж.С.Милл, Ларошфуко, Нисше, А.Швейцер, Т.Бендит, Т.Карсон, Тейер де Шарден, Генри Торо, Аббаньяно Никола, Э.Фромм, Д.Остин, А.Кенни, М.Фуко каби мутафаккирларнинг асарларида у ёки бу муаммолар билан тадқиқ этилган. Уларда бахт, бахтиёрлик индивиднинг экзистенциал борлиқдан, бошқа “Мен” билан алоқаларидан оладиган “психологик қуввати”, энергияси, хуллас, шахсининг рухий-маънавий ҳолати сифатида қаралади. Тўғри, баъзи

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда. – С.71.

³ Сенека А. А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское кн.изд., 1986. – С.23.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда. – С.338.

файласуфлар бахтнинг идеал билан боғлаб талқин қилсалар-да, унга индивидуализм нуқтаи назаридан ёндашадилар. Гоҳо эса бахтни идеалдан, идеални бахтдан, реал ҳаётдан излашни бемаънилик сифатида талқин этадилар. Масалан, италиялик файласуф А.Никола (1901-1990) "Ҳаёт ҳикматлари" асарида "Бугун кишилар идеал эмас, балки бевоҳида эҳтиёжларини қондириш, меҳнатнинг заҳмати ва оғирлигидан қутулиш, ҳеч қандай куч-қувватни, масъулликни талаб этмайдиган кўнгил очиш ва хурсандчилик билан яшаш йўлларини изламоқда",¹ деб ёзади. Бахтиёр яшашнинг бундай талқини асрлар давомида шаклланган меҳнатни эъзозлаш, меҳнат қилиб кун кўришни қўллаб-қувватловчи "қадриятларнинг қадрсизланиши"ни келтириб чиқармоқда. Ижтимоий ҳаётнинг, муносабатларнинг ўта мураккаблиги шахсга ўз "мен"ини намоён қилишга имкон қолдирмаяпти, натижада у борлиққа итоат этиб яшашга мажбур. Файласуф, "бугун биз куч-қувватимиз ва хотиржамлигимизни қайта тикловчи кучни ёлғизликдан изламоқдамиз",² деб ёзади.

Ғарб фалсафасида бахт, бахтиёр ҳаёт ва идеал масалаларининг спиритуалистик, социологик, аксиологик, психологик, антропологик, футурологик масалалари турли илмий-назарий концепциялар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.³ Биз учун муҳими шундаки, бахт, бахтиёр ҳаёт шахсий иш эмас, у "ижтимоий онгга тааллуқли воқелик сифатида шахснинг ўзлигини тўла намсён этишидир". Демак бахт, бахтиёр ҳаёт ижтимоий борлиқдагина мавжуддир, шахс ушбу борлиқда ўзлигини намоён этибгина бахт топади.

Ижтимоий адолат концепцияси Ғарб фалсафасида марказий ўринда туради. Бирорта эътиборли ижтимоий-сиёсий, фалсафий оқим адолат, ижтимоий адолат муаммоларини четлаб ўтмаган. Агар Аристотел "адолат" тушунчасини давлат, ҳуқуқ, сиёсий муно-

¹ Аббаньяно Никола. *Мудрость жизни/Всемирная философия. XX век.* – Мн.: "Харвест", 2004. – С.15.

² Ўша жойда – С.17.

³ Бу борада қуйидаги адабиётларга мурожаат қилиш мумкин: Ландесман П.А. *Счастье как социально-этическая проблема.* – Баку, "Илим", 1966; Нешев К. *Этика счастья.* – М.: "Мысль", 1982; Татаркевич В. *О счастье и совершенстве человека.* – М.: "Прогресс", 1981; Barrow R. *Happiness.* – Oxford, 1980; Ellin P.N. *The paradox of Happiness.* – N.Y., 1975; Дубко Е.Л., Титов В.А. *Идеал, справедливость, счастье.* Изд-во Моск.ун-та, 1989; Попов Б.Н. *Взаимосвязь категорий счастья и смысла жизни.* – М.: "Наука", 1986 в.б.

сабатлар, эзгу амаллар мезони сифатида караса,¹ Эпикур уни "кишиларнинг бир-бирига зарар етказмаслик ва зарарга чидай олмаслик ҳақидаги ўзига хос шартнома",² Цицерон фикрига кўра эса адолат "ҳар кимга ярашадир ва кишилар ўртасидаги тенгликдир".³ Фома Аквинский ижтимоий адолатни қонунлар билан боғлайди; уларни адолатли (табиий ва идоҳий қонунларга зид келмайдиган қонунлар) ва адолатсиз (кўпчилик манфаатларига мос келмайдиган, қонун чиқарувчини ҳимоя қиладиган қонунлар) қонунларга бўлади.⁴

Гоббс "адолат" тушунчасини кишилар ўртасида тузиладиган шартноманинг бажарилиши билан боғлайди. Шунинг учун у ушбу шартноманинг (адолатнинг) бажарилишини таъминлаш учун мажбурловчи куч, ҳокимият зарур деб билади.⁵ Монтескье эса бошқачароқ фикрни билдиради. Ижтимоий адолат кишилар яратадиган расмий қонундан олдин келади. Шунинг учун кишилар яратадиган қонунлар адолатли бўлиши ва адолатли муносабатлардан келиб чиқиши лозим. Мутафаккир "қонунлар руҳи" ("дух законов") деганида қонунларнинг адолат мезонларига, ақлу идрок талабларига, ҳуқуқий негизларга, кишилар ўртасида тенгликни қарор топтуғувчи муносабатларга қурилган бўлишини назарда тутди.⁶ Ж.Ж.Руссо эса адолатга, тенгликка, эркинликка ва "ижтимоий шартнома"га асосланган ўзига хос идеал давлат лойиҳасини тақдим этади. Кишилар ихтиёрий тарзда индивидуал иродасини умумий иродага итоат эттириб, "бўлинмас умумий"ни юзага келтирадилар.⁷

XX асрда рўй берган инкилоблар ва жаҳон урушлари ижтимоий-сиёсий фалсафани тоталитаризм, большевизм ва милитаризмнинг моҳиятини, инсон эркига, ижтимоий адолат принципларига ушбу ҳодисаларнинг акс таъсирини ўрганишга ундади. Натижада бир қатор сиёсий фалсафага оид асарлар, назариялар пайдо

¹ Аристотель. Сочинения в 4-х томах. Т.4. – М.: "Мысль", 1984. – С.380.

² Материалисты Древней Греции. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.217.

³ Цицерон. О государстве. – М.: "Наука", 1979. – С.33 (гл. XXII).

⁴ Антология мировой философии Т.1. Ч.2. – М.: "Мысль", 1969. – С.823-862.

⁵ Гоббс Т. Левиафан. – М.: Гослитиздат, 1936. – С.113.

⁶ Монтескье Ш. О духе законов/Избр. произведения. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.164.

⁷ Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре, или принципы политического права. – М.: "Мысль", 1969. – С.160-162.

бўлдики, улар ижтимоий адолат ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириб юборди. Ҳозир ижтимоий тараққиёт адолатни ўрнатишдангина иборат эмас, балки унинг антиподи ва умуман демократияга, тараққиётга ва инсониятнинг мавжудлигига хавф солаётган ҳодисаларга қарши фаол кураш билан ҳам боғлиқ деган фикр қарор топган. Демак, ижтимоий идеал ғайригуманистик, ғайридемократик ва ғайритараққий кучларга қарши бирлашиб курашишни ҳам ўз ичига олади. Шундай фикр Аренд Ханна (1906-1975), Арон Реймон (1905-1983), Блох Эрнст (1885-1977), Бохенский Юзеф Мария (1902-1995), А.Вебер (1868-1958), М.Вебер (1864-1920) Каннети Элиас (1905-1994), Ортега-и-Гассет Хосе (1883-1955), К.Поппер (1902-1994), Э.Тоффлер (1928), Ф.А.Хайек (1899-1992), К.Ясперс (1883-1969) асарларида турли талқин ва ибораларда илгари сурилади. Бироқ бизнинг мавзумизга оид томони шундаки, ижтимоий адолатни қарор топтириш, шахслараро муносабатларда, бошқариш тизимида адолатни ўрнатиш идеал жамият ва идеал давлат ғоялари билан уйғун келган. Кишилар идеал жамият ва идеал давлатни энг аввало ижтимоий адолат қарор топган тузум сифатида қарайдилар ва ўзининг келажак ҳақидаги тасаввурларини, тараққиёт моделини адолат образида кўрадилар.¹

Марксизм ва унинг ижтимоий тенглик ғояси XIX асрнинг охирилари ва XX асрнинг 80-90 йилларигача Европа ва Россияда кенг тарқалган эди. Ушбу таълимот ва ғоя негизида синфсиз, хусусий мулксиз, бир қатлам (синф, ишчилар)дан иборат тузум, "давлат ўлган" коммунистик жамият куриш ётган.

Маркс ва Энгельс ижтимоий тенгсизликнинг келиб чиқиш боисини хусусий мулкда, синфлар (бой ва камбағаллар)нинг келиб чиқишида деб биладилар. "Ўзининг ишчи кучидан бошқа ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган киши, - деб ёзади Маркс, - ҳар қандай ижтимоий ва маданий ҳолатда ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган кишиларнинг қули бўлишга мажбурдир".² Шу тарика Маркс мулксизликдан қулликни, мулкый муносабатлардан ижтимоий

¹ Ханна А. Истоки тоталитаризма. – М.: "ЦентрКом", 1996; Раймон А. Демократия и тоталитаризм. – М.: "Текст", 1993; Блох Э. Тюбингенское введение в философию. – Екатеринбург, Изд-во Уральск.ун-та, 1997; Бюхенский Ю. Сто суеверий. – М.: "Прогресс", 1993; Вебер А. Германия и кризис культуры/Культурология. XX век. – М.: "Юрист", 1995 ва б.

² Маркс К. Энгельс Ф. Сочинения. Т.19. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.13.

тенгсизликни келтириб чиқаради. Ушбу ижтимоий тенгсизликни ижтимоий тенглик (аслида эса бу ишчилардан ташқари катлам устидан зўравонликни юзага келтирган) билан алмаштириш учун у жамиятни, мавжуд анъаналарни зўравонлик, революция йўли билан ўзгартириш ғоясини ишлаб чиқади. Унинг назариясига кўра ижтимоий тенглик ўрнатиладиган, инсоният орзу қилиб келаётган, идеал билган жамият бу коммунизмдир. Ушбу таълимотнинг ғайритараққий ва ғайриинсоний характери уни большевиклар амалга оширишга киришгач маълум бўлди. "Рус коммунизми, - деб ёзган эди Н.А.Бердяев, - тенгсизликни бартараф этмади, балки ижтимоий тенгсизликни ўзининг моҳиятига, мавжудлик воситасига айлантирди".¹

Ғарб фалсафасида келажак, унинг идеал тасаввури, образлари ҳақида турли футурологик қарашлар, мактаблар мавжуддир. Ушбу мактаблардан бири экзистенциализм ва структурализмдир. Экзистенциализмнинг йирик намояндalари К.Ясперс, Г.О.Марсель, М.Бубер, Ж.П.Сартр, А.Камю, Марло-Понти, М.Хайдеггер, Г.Маркузе, структурализм тарафдорлари Ф.де Соссюр, В.Пропп, К.Леви-Стросс, Р.Барт, М.Фуко, К.Лакан, Ж.Деррида, Х.Эко, Ж.Делез, Ж.Бодрийяр каби тадқиқотчилардир.

Экзистенциалистлар ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларини экзистенция, яъни шахснинг субъектив тасаввурлари, онги, келажак ҳақидаги идеали, назарий модели, "мустақил онтологик воқелик", "соф субъект" билан алмаштиришга интиладилар.² XX асрда кенг тарқалган ушбу ёндашув, ижтимоий ҳаётнинг футурологик талқини сифатида нафақат фалсафа ва социология, шу билан бирга адабиёт, санъат, эстетика, теология, гносеология, тарих соҳаларида ҳам намоян бўлди.

К.Ясперс "тарих моҳияти" "шахс ўзини тарих оқимида англаши"дадир деб билади. Шахс абадий эмас, тугалланмаган, тарих, тараққиёт абадий, ҳар бир босқичда у ўз якунига эга. Аммо тарих бутунлигича тугалланмаган, шахс ушбу бутунни англашга интилиб мақсад, идеал, келажак моделини яратади.³ Файласуфнинг фикрига

¹ Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. – СПб, "Питер Пресс", 1994. – С.33.

² Экзистенциализм/Новейший философский словарь. – Мн.: В.М.Скакун, 1998. – С.833.

³ Ясперс К. Истоки истории и ее цель/Мировая философия. XX век. – Мн.: "Харвест", 2004. – С.816-818, 823.

кўра, келажак кишиларнинг фанга "сохта эътикод"дан қутулиб фақат субъектив, иррационал, бироқ бор вужуди билан худого "фалсафий ишониш"и орқали яратилади. Шунинг учун ҳам К.Ясперсни "протестант кўринишидаги христиан экзистенциализми"нинг асосчиси ҳисоблашади.¹ Умуман Ғарб фалсафасида инсониятнинг келажagini худого эътикодда, ишонишда кўришга даъват этувчи файласуфлар (С.Кьеркегор, Р.Бульман, П.Тиллих ва б.) ва оқимлар (диний экзистенциализм, тейярдизм ва б.) етарлича топилади. Уларнинг назарида кишилик излаб келаетган идеал – худо, идеал жамият эса илоҳий кадриятлар қарор топган жамиятдир. Чунки инсон, В.Франкл иборасига кўра, "ўзи билмаган ҳолда художўйдир".² У кундалик ташвишлари боис "олдида ўтирган томошабинларнинг юзларини аниқ кўрмайдиган театр актёрига ўхшайди", аммо унинг юраги мудом "буюкнинг борлигини" ва уни ўз ҳаётининг моҳияти, идеали сифатида қатнашаётганини туйиб туради".³

Атеистик экзистенциализмнинг асосчиси М.Хайдеггер ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунилари борлигини рад қилган ҳолда борликни, инсоннинг вақтда мавжудлигини ва фаолиятига ўта мавҳумлаштиришга интилди. Унинг ёзишига кўра "экзистенция фақат одам деган мавжудотга тааллуқлидир. Кишининг моҳияти унинг экзистенциясидадир". Ҳатто "борликнинг моҳияти ҳам унинг экзистенциясидадир".⁴ Шу тарика экзистенция келажак модели, идеали, экзистенциализм ушбу идеалнинг мавжудлигини асослаш усулига айлантирилади. Бошқа жойда М.Хайдеггер ёзади: "Қачон шахс экзистенция қилса, биз тарихийлаштирилган субъектнинг ва барча инсониятнинг квинтэссенционал потенциалларини барча кишилар, бутун Борликнинг илк тизимий квинтэссенциясининг у ёки бу тарихий қондициясининг фрагменти сифатида гапиришимиз мумкин".⁵ Экзистенция никоби остида фикрларни бу даражада мавҳумлаштириш, тарихни, келажакни, идеални субъектнинг ўта субъектив хусусияти сифатида тақдим этиш М.Хайдеггернинг бутун ижодига хосдир.

¹ Будущее человеческого общества. – М.: "Мысль", 1971. – С.120.

² Франкл В. Человек в поисках смысла. – М.: "Прогресс", 1990. – С.129.

³ Ўша жойда. – С.128.

⁴ Хайдеггер М. Время и бытие. – М.: "Республика", 1993. – С.198, 199.

⁵ Хайдеггер М. Мысли. Постулаты. Афоризмы... - Мн.: "Совр.слово", 1998. – С.197.

Экзистенциализмдаги маъхумлик ва ҳамма нарсани экзистенцияга, шахснинг субъектив идрокига боғлаш фалсафада объективликни, тизимий ёндашувни, илмий асослашни ёқлаб чиқишга ундади. Шу тарика структуализм оқими юзага келди. "Агар экзистенциализм инсонни ва унинг фаолиятини ўрганишга қодир эмас деб фанни инкор қилган бўлса, структуализм фанни нафақат тан олди, шу билан бирга гуманитар фанларни, инсон ҳақидаги илм соҳаларини физика ва химия каби аниқ фанларга айлантиришга интилди".¹ Натижада, қутилмаганда, уларнинг бир-бири билан уйғунлашиши юз берди, яъни "экзистенциализм тарих қонуниятларини тан олмади ва тарихни англашдан, кўра олишдан воз кечди, структурализм ҳам худди шундай қилади".² Хуллас, структурализм объектнинг ички тизимига эътибор бериб ундаги инсоннинг ҳаётий мақсадини, идеалини, жараёнларни ҳисобга олмади. Унинг учун мақсад ва идеалга асосланадиган жараёнлар эмас, балки ички тизимни англаш, ўрганиш муҳим эди.³

Илмий-техник кашфиётлар, технология билан боғлиқ индустриал ўзгаришлар ижтимоий фалсафада "индустриал жамият", "постиндустриал жамият", "информацион жамият" каби тушунчаларни ҳам келтириб чиқарди. Ушбу назарияларга мувофиқ, инсоният аграр муносабатлардан индустриал муносабатларга ўтмоқда, келажак, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш интеллектуал салоҳиятга, техника янгиликларининг ҳаётга жорий этилишига боғлиқ бўлади. Индустриал жамиятнинг хусусиятлари машиналар ишлаб чиқувчи корхоналар, эркин савдо-сотик ва умумий бозор, фабрика меҳнатида кўзга ташланади.⁴ Ушбу қарашлар таъсири остида жамият тараққиёти ва кишилар идеали "ўзига қулай шарт-шароит яратиш", "ҳаётдан ҳузур олиб яшаш", урбанизацияга, комфортга интилиш тарзида талкин қилинадиган бўлди. Ғарб фалсафаси, айниқса "оммавий маданият", "саноат маданияти" кишиларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини индустриал жамият яратаётган нарсаларни "тезроқ ва кўпроқ истезъмол қилиш" ҳақида қайгура бошлади.

¹ Будущее человеческого общества. – М.: "Мысль", 1971. – С.134.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда. – С.134-136.

⁴ Индустриальное общество//Новейший философский словарь. – Мн.: Изд-во В.М.Скакун, 1998. – С.266.

Индустриал (постиндустриал, информатсион) жамиятнинг назарий-фалсафий масалалари М.Вебер, У.Ростов, Р.Арон, Э.Тоффлер, Ф.Машлуп, Г.Дарендофф, А.Гэлбрейт, Дж.Беннингер, Т.Стоуньер, Дж.Нисбет томонидан тадқиқ этилган.

М.Вебер (1864-1920) капитализмнинг таракқиётини протестант этикаси билан изоҳлади ва индустриал таракқиётни "формал рационаллаштириш"да, "рационал негизнинг универсал хукмдорлиги"да кўрди. У ижтимоий таракқиётнинг "иедал тип"ларини яратишни ўз тадқиқотлари учун "методологик концепция"га айлантирди ва ақлу идрокни "соф техникавий қобилият" деб қаради.¹ Умуман М.Вебер тадқиқотларида "индустриал жамиятнинг идеологияси ўзининг тула ифодасини топди. Моҳиятига кўра "формал рационаллик" (ёки "формал рационаллаштириш" "фойда ҳисоб-китоби" (бу ерда қорхонанинг оладиган фойда ҳисоб-китоби назарда тутилаябди – С.А.) принципини ижтимоий муносабатлар соҳасига ўтказилишини англатади, у капиталистик қорхонадаги муносабатлар тизимини (буғун жамият микёсида) мутлақлаштиришга олиб келди". Шу тариқа "формал рационаллаштириш индустриализм идеологиясининг кейинчалик ижтимоий модернизациялаш концепцияси номини олган қарашда муҳим тарихий-фалсафий асос сифатида ривожлантирилди".² Демак, таракқиёт идеали "формал рационаллаштириш"да яъни кишилараро муносабатларни бюрократик принципларга мувофиқлаштириш, "индивидларда формал-рационал хатти-ҳаракатлар"ни шакллантиришдадир.³

АҚШлик социолог Э.Тоффлер (1928) "учинчи тўлқин", яъни "ўта индустриаллашган цивилизация"га ўтишни башорат қилади. Унинг фикрига кўра, инсоният аграр ва индустриал таракқиётдан ўта индустриаллашган даврга ўтмоқда. 50-йиллардан бошлаб саноат ишлаб чиқаришида, таъминотда, кишилар турмуши ва эҳтиёжларида кескин ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Индустриал жамиятда шаклланган умумийлик, стереотиплар, аъъаналар ҳавфли, яъни ранг-барангликни емирувчи ҳодисаларга айланди, "ўта индустриал цивилизация" (постиндустриал жамият)да эса "қелажак авлодлар учун мутлақ янги институтлар ва конституциялар" яратилади. "Учинчи тўлқин"га ўтиш учун янги ғоялар, "компьютер ва

¹ Вебер Макс//Мировая философия. – Мн.: "Харвест", 2004. – С.278.

² Будущее человеческого общества. – М.: "Мысль", 1971. – С.153.

³ Ўша жойда. – С.152.

спутниклардан тортиб то видеодиск ва интерактив телевидениегача зарурдир. Бунинг учун онгли аксилмарказлаштирилган синовлар ўтказиш керак бўлади”.¹ Албатта, Э.Тоффлернинг “ўта индустриаллашган цивилизация” моделида мавхумлик, субъективлик кўп. Бирок у Ғарб фалсафасидаги индустриал жамият ҳаётидан қоникмаслик аънаналарини ифода этади. “Учинчи тўлқин” асарида постиндустриал жамият қуриш кишилар учун ижтимоий идеал бўладими ёки бўлганми деган саволга жавоб берилмайди, натижада “учинчи тўлқин” социологнинг ҳаёлий образи, идеал тасаввури бўлиб қолади. У.Ростоу эса индустриал жамиятни “келажак модели”, образи, идеали сифатида тақдим этади; у инсоният тараққиёти ўлибу идеалдадир деб кўрсатади.² Француз социологи Р.Арон социализм ва капитализмни индустриал жамиятнинг кўринишлари сифатида қараб, “ягона индустриал жамият” ғоясини илгари суради. Унга кўра келажак индустриаллашган модерн жамият томон бормоқда, идеал тараққиёт постмодернизмдадир.³ Социализм ва капитализм ўртасида ўхшашлик, муштараклик мавжуд, улар индустриал тараққиётда, иқтисод, бошқариш, рационал изланишлардадир деган ёндашиш конвергенция назариясининг ҳам асосидир. Ушбу ёндашишни ҳозир Ғарбда кенг тарғиб қилинаётган глобаллашув ғоясининг негизи эди дейиш мумкин. Айнан конвергенция назарияси ҳар хил тузумлар, жамиятлар ҳаётидаги индустриал жамият моделига мос келадиган жиҳатларни топишга ва ўрганишга, шу нуқтаи назардан глобаллашув ёндашишга йўл очиб берди.⁴

Келажакнинг идеал моделини “умумжаҳон давлати” тузиш ғоясида ҳам кўришимиз мумкин. Бундай давлат тузишга Доро I, Александр Македонский, Чингизхон, Наполеон, коммунистлар ҳаракат қилганлар, бироқ уларнинг саъй-ҳаракатларини ижтимоий тараққиёт мудом рад этган, чунки улар бундай давлатни куч билан барпо этишга интилганлар. Лекин “умумжаҳон давлати”, “умумжаҳон бирлиги” тузиш ғояси Ғарб фалсафасида ҳамон яшаб келади.

“Умумжаҳон давлати”, “умумжаҳон бирлиги” ижтимоий тараққиёт модели, идеали сифатида А.А.Бейли, Г.Кларк, Л.Сон,

¹ Тоффлер Э. Третья волна. – М.: АСТ, 1999. – С.696.

² Postow W. Stages of Economic growth. – N.Y., 1961. – P.15-16, 24.

³ Будущее человеческого общества. – М.: “Мысль”, 1971. – С.165-184.

⁴ Бу ҳақда кенгроқ маълумотни юқоридаги адабиётдан (с.184-204) олишингиз мумкин.

Н.Казинс, Ч.Осгуд, Р.Уайт, А.Стрэнчи каби тадқиқотчилар томонидан назарий-фалсафий асосланади. Ушбу ёндашувда, жаҳонда қуролланиш пойгаси авж олмақда, табиатдан норационал фойдаланиш оғир оқибатларга олиб келмоқда, бир давлатлар бойиб иккинчи давлатлар қашшоқлашиб инсониятнинг мавжудлигига хавф солмоқда, деган фикрлар асосланади. Бу муаммаларни айрим олган давлат ёки қитъатлар доирасида эмас, балки умумжаҳон давлатини ё Умумжаҳон Давлатлар Федерациясини барпо этиш орқалигина бартараф қилиш мумкин.¹

Ҳақиқатан ҳам кейинги XX асрда давлатлар қуролланишга ружу қўйдилар, содир бўлган I ва II-жаҳон урушлари эса халқлар бошига чексиз укубатлар олиб келди. Илмий-техник кашфиётлар, индустриаллаштиришни кучайтириш иқтисодий, демографик, табиат билан боғлиқ экологик инқирозларни келтириб чиқардики, Халқаро Ассоциациялар Иттифоқининг маълумотига кўра, кишилиқ бугун 13 мингдан зиёд глобал муаммоларга рўпара турибди.² Бироқ бу ижтимоий тараққиёт ягона умумжаҳон давлати тузишни тақозо қилади дегани эмас, чунки XX аср охирида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар инсоният миллий суверен давлатлар орқали ривожланиш йўлидан бераётганини кўрсатади.

Алиса А.Бейли, бутун дунёда национализм, капитализм, рақобат, миллий этатизм, ўз манфаатларини ўйлаш устунлик қилмоқда, деб ёзади.³ Ушбу муаммоларни инсоният тараққиёти йўлида ҳал этиш "умумжаҳон бирлиги"ни, янги цивилизацияни талаб этади. "Дунёдаги эзгу иродали кишиларнинг сабр-матонати, узлуксиз интилишлари ва уюшқоқлиги туфайли умумжаҳон бирлиги амалга оширилади".⁴ А.Бейли "эзгу иродали кишилар"га умид қилади, айнан улар инсониятни "умумжаҳон бирлиги"га бирлаштиради ва порлоқ ижтимоий идеал – тартибли, адолатли, маънавий ҳаёт гуллаган, фаровон турмуш қуришга етаклайди, деб билади. Лекин муаллифнинг гуманистик идеали реал борлиқдан, дунёдаги мавжуд муносабатлар тизими ва характеридан келиб чиқмайди, чунки "эзгу иродали кишилар"нинг интилишлари ҳали камлик

¹ Strachey A. The Unconscious Motives of War//A Psychoanalytical Contribution. – London, 1975. -- P.221.

² Надлер Дж., Хибино Ш. Мышление прорыва. – Минск, "Поппури", 1999. – С.66.

³ Бейли Алиса А. Проблемы человечества. – М.: "ЛМА", 1997. – С.15, 160.

⁴ Ўша жойда. – С.165-166.

қилади. Халқларнинг, давлатларнинг, сиёсий жамиятларнинг "умумжаҳон бирлиги"ни фақат утопик орзу, ҳаёл, узокка йўналтирилган ва узок тараққиётни талаб этувчи гипотетик ғоя, идеал сифатида қабул қилиш мумкин.

Демократик фуқаролик жамияти ғоясининг негизи антик даврга бориб тақалса-да, унинг илмий-назарий асослари Ғарб янги давр фалсафасида, ижтимоий-сиёсий таълимотларида ишлаб чиқилди. Бу борада Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Кант, Гегель, В.Гумбольдт, Т.Жефферсон, Ж.Мэдисон, Б.Констан, А.де Токвиль, К.Бентам каби тадқиқотчиларнинг изланишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ж.Локк фуқаролик жамиятини эркин бошқаришга қурилган ижтимоий ҳаётнинг кўриниши сифатида қарайди. Шу нуқтаи назардан у "мутлақ монархия" фуқаролик жамиятига тўғри келмайди ва, демак, у фуқаролик бошқаруви шаклларидан бири бўла олмайди",¹ деб ёзади.

И.Кант эса фуқаролик жамиятининг моделини қуйидагича тасаввур қилган: а) инсон ҳамма нарсани ўзининг ақли, кучи билан яратади, шунинг учун у яратган нарсалари учун масъулдир; б) инсон манфаатлари тўқнашиб, рақобатлашиб туради, ушбу манфаатларни ҳимоя қилиш зарурати уларни ўз-ўзларини такомиллаштириш боисидир; в) ҳуқуқ ва қонунлар фуқаролик эркини, инсоннинг кадр-қиммати, шаънини ҳимоя қилиш кафолатидир.²

Тўғри, Ғарб фалсафасида фуқаролик жамияти ғояси бугун дەرли муҳокама қилинмайди, чунки Ғарб олимларининг фикрига кўра, фуқаролик жамияти "орқада қолган давр"дир. Лекин унинг негизидаги демократия, хусусий мулк, ҳурфикрлик, шахс ва давлат, инсон ва жамият, иктисодиёт ва инсон камолоти масалалари азалий мавзулардир. Уларнинг умумижтимоий ва умуминсоний муаммоларни, кишиларнинг эзгу, адолатпарвар ва тараққийпарвар жамият қуришга қаратилган орзуларини, идеалларини акс эттириши ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Ғарб фалсафасидаги инсоният тараққиёти, ижтимоий идеал ҳақидаги ғояларни яна давом эттириш мумкин, бироқ юқоридаги йўналишлар мавзу ҳақида зарур тасаввурлар уйғотади.

¹ Локк Дж. Два трактата о правлении//Сочинения в 3-х т. Т.3. – М.: "Мысль", 1988. – С.312.

² Исламов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. – Т.:ТДЮИ, 2002. – 9-10 б.

1.4. Ижтимоий идеал: тизими ва функционал хусусиятлари

Шарк ва Ғарб фалсафаси ижтимоий идеални анланган ҳодиса, яъни кишиларнинг анланган орзу-тилаклари, келажак ҳақидаги идеал тасаввурлари ва мақсадларини ифода этувчи гипотетик қарашлари деб билади. Анланган воқелик эса, у гипотетик характерда бўлса ҳам, ўзининг ички ва ташқи алоқаларига, тизимлари ва функционал хусусиятларига эга бўлади. Демак, ижтимоий идеални маълум бир тизим сифатида қараш лозим.

Кейинги йилларда илмий-техник тараққиёт, назарий билимларнинг ривож илм-фанда "бутун", "tizim", "комплекс", "кенг қамровли ёндошиш", "комплекс бошқариш" деган тушунчалар орқали содир бўлмоқда. "Ушбу умумилмий тушунчалар, бир томондан, фалсафий принципларни, қонунлар ва категорияларни аниқлаштиради, иккинчи томондан, улар у ёки бу сабаблардан хусусий фанларда ўз аксини топмаган умумий қонуниятларни мантиқий давом эттиради; улар билимларни бир соҳадан иккинчи соҳага ўтказиш воситаси сифатида хизмат қилади ва шу тариқа диалектика ғояларининг, категория ва принципларининг аниқ фанларга киришига ёрдам беради". Бу тушунчаларни фалафадан аниқ фанларга шунчаки ўтказиш ёки тадқиқ қилиш эмас, балки тадқиқ этилаётган объект (мавзу, муаммо, предмет)нинг тизимлилиги ва комплекслиги хусусиятидан келиб чиқади.

"Тизим" ва "комплекс" фалсафада гоҳо синоним тушунчалар сифатида қаралади.² Тўғри, улар ўртасидаги фарқ, функционал тафовутлар бутун ичидаги қисмлараро муносабатлар, таъсирлар ва алоқаларни ифода этади. Шу тариқа тизим қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги орқали объектнинг бутунлиги ёки бутунга ҳос хислатларини анлаш имконини беради. Демак, "tizim" ёки "tizimli ёндошиш" объект ичидаги қисмлараро муносабатларни, алоқаларни ва ўзаро таъсирларни тадқиқ этиш усулидир. Бирорта қисм бошқа қисмларсиз, улар билан интеграл алоқаларга киришмай мавжуд бўлолмайди; умумий, бутунга ҳос хислатлар қисмлараро интеграл алоқалар натижаси сифатида қаралиши даркор. Аммо бу бутуннинг хислатлари қисмлараро интеграл алоқаларнинг

¹ Готт В., Урсул А.Д. Общенаучные понятия и их роль в познании. – М.: "Наука", 1975. – С.29-30.

² Файзиёв А.А. Комплексный подход в научном познании. – Т.: "Фан", 1985. – С.11-12.

Йиғиндиси экан деган сода, жўн хулосага олиб келмаслиги лозим, чунки бутуннинг хислатлари кисмларда ҳеч қачон тўла акс этмайди, акс ҳолда бутун билан қисм ўртасида фарк қолмайди. "Комплекс", "комплекс ёндошиш" ушбу бутунни англашга, унинг бутунлигини бор ташки алоқалари ва ички хусусиятлари билан идрок қилишга қаратилгандир. Шунинг учун "комплекс" тушунчаси тизимнинг моҳиятини ифода этади, унинг бутунлигидан келиб чиқади, қисмлараро муносабатлар, алоқалар ва ўзаро таъсирларни алоҳида-алоҳида воқеликлар сифатида эмас, балки яхлит бирлик, бутунлик деб қарайди. Ушбу бирликдаги, бутундаги содир бўладиган ўзгаришлар диалектикасини ўрганиш комплекс ёндошиш усулининг мақсадидир. Тизим эса бирлик, бутун ичидаги қисмлараро интеграл алоқаларни тадқиқ этади.¹

Тизимли ёки комплекс ёндошиш хусусий фанлардаги ўзига хос ёндошишларни рад этмайди. Масалан, ижтимоий идеал нафақат ижтимоий фалсафа, худди шунингдек тарих, этика, психология, эстетика каби фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши табиий ҳолдир. Хусусий фанлар нуқтаи назаридан ёндошиш объектни чуқурроқ билишга, унинг ички қисмларида кечаётган ўзгаришларни тўлароқ англашга ёрдам беради. Бирок ҳеч қандай хусусий ёндошиш объектнинг барча жиҳатларини қамраб ололмайди, фақат комплекс ва системали (фалсафий) ёндошиш бизни ҳақиқатга яқинлаштиради.² Бу ўринда хусусий фанларнинг функционал ёндошиши билан фалсафанинг умумметодологик аҳамиятга эга тизимли, комплекс ёндошиши бир-бирини тўлдириб келиши лозимлигини кўргамиз.³ Ушбу ёндошувни, бизнинг фикримизча, ижтимоий идеалга ҳам тадбиқ этиш зарур.

Ижтимоий идеал инсоннинг онги, тафаккури, гносеологик изланишларига оид воқелиқдир. Унинг моҳияти ижтимоий борликдадир, яъни тасаввур, образ, мақсад ва гипотетик тасаввурларнинг негизини ҳаёт, борликнинг онгга таъсири ташкил этади. Маълумки, онгнинг ўзи ҳам, ижтимоий борлик ҳам мураккаб ижтимоий тизимларга тааллуқлидир. Шунинг учун ижтимоий идеал ижтимоий борликка оид мураккаб воқелик сифатида биринчидан, ён-атрофда кечаётган динамик воқелиқдан, динамизмдан вақтинча

¹ Шентулин А.П. Диалектический метод познания. – М.: Политиздат, 1983. – С.110-112; Файзиёв А.А. Комплексный подход в научном познании. – Т.: "Фан", 1985. – С.18-22.

² Комплексный подход в научном познании. – Т.: "Фан", 1985. – С.31.

³ Ўша жойда.

ажратилган, статик (турғун, мухим) ва, иккинчидан, ҳаракатда, ижтимоий ҳаётга хос динамизмда, фаолиятда қаралиши керак.¹ Биринчи ҳолат объектни барқарор ҳолда, вақтинча турғунликда идрок этишни, яъни у умумий жараёнлардан ажратиб олиб тадқиқот мақсади нуктаи назаридан таҳлил қилишга ундайди, иккинчи ҳолатда объект умумий жараёнлар, ижтимоий борлиқ билан уйғуликда ўрганилади. Биринчи ҳолат объектнинг нафақат мавжуд ҳолатини аниқлашга, шунингдек, унинг келажагини моделлаштириш, иккинчи ҳолат эса объектни фаолиятда, бошқа фаолиятлар билан уйғунликда, юзага келиш, ривожланиш, сўниш ёки бир кўринишдан икки кўринишга ўтиш – динамизмда қараш имконини беради.²

Ижтимоий идеални яхлит, бутун тизим сифатида қараш учун уни маълум бир мета тизимнинг, яъни ижтимоий тузум ёки ташқи ҳаётнинг мақсадидан ёки ушбу мақсадга қиёслаш лозим.³ Чунки мазкур тизимнинг вужудга келиши, мавжудлиги ва вазифалари фақат мета тизим таркибидагина аниқланиши мумкин.⁴ Демак, ижтимоий идеал шахснинг ҳаёлот, тасавури, образи бўлса-да, унинг келиб чиқиши, мақсадлари, функциялари ташқи ҳаёт, социум ва жамият мақсадлари таъсиридандир. Ижтимоий идеал ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди, у объектив борлиқ ва жараёнларнинг субъективлашган ифодасидир. Шунинг учун идеални "субъект-объект муносабатларининг функцияси" сифатида қараш шаклланган.

Ибтидоий жамоа тузуми давридаги муносабатлар чекланган, маълум бир уруғ, қабила доираларида кечган бўлса-да, антик даврнинг ҳам ўзига хос ижтимоий идеаллари бўлган. Кейинги ижтимоий-тарихий босқичларда юзага келган идеаллар субстанционал тарзда антик даврдаги ижтимоий идеаллардан ўсиб чиққан.

Ижтимоий онг тасодифийликни ёқтирмайди, у эволюцион ўзгаришларга мойилдир. Нима, қандай ғоя, айниқса ижтимоий идеал ижтимоий онгда шаклланса, ушбу ғоя, идеал ўзидан олдинги ижтимоий муносабатлар, халқ маданияти ва ҳаёт тарзи негизида, уларнинг бевосита таъсирида қуртак отади. Бизга бутун мутлак янги бўлиб кўринган ғоя, идеал қайси бир қирралари ёки моҳияти

¹ Каган М.С. Системный подход и гуманитарное знание. – Л.: Изд. ЛГУ, 1991. – С.20.

² Ўша жойда. – С.20-21.

³ Ўша жойда. – С.21.

⁴ Иивоаров Д.В. Проблема носителя идеального образа. – Свердловск, Изд. Уральского ун-та, 1986. – С.5.

билан узоқ ўтмишда яшаган аجدодларимиз тасаввурларининг даври экани ҳаёлимизга келмайди. Ваҳоланки, ижтимоий идеалнинг тизимли кўринишлари ва хусусиятлари антик даврлардаёқ кўзга ташланади. Шунинг учун ижтимоий идеалнинг эволюциясини, қисқача бўлса-да, кузатмасдан ўтолмаймиз.

Илмий адабиётларда антик даврда ижтимоий идеал бўлганми ёки бўлмаганми деган савол устида турли қарашлар, фикрлар баён қилинган, бу борада баҳслар олиб борилган.¹ Ҳақиқатан ҳам ибтидоий турмуш тарзидан ўзини ажратмаган, ўтмишини бугундан, бугунини эртасидан фарқлашни ўрганмаган, ҳали ғайриҳаётий, мифологик тасаввурлардан ҳалос бўлмаган кишиларда ижтимоий идеал бўлиши мумкинми эди? Шунинг учун ҳам О.В.Лармин, ижтимоий идеалнинг шаклланиш жараёни ҳақида тўхталиб, у "чамамда ақлий меҳнат – жисмоний меҳнатдан ажратилган даврда, қулдорлик жамияти шаклланиш арафасида юзага келган",² деб ёзади. Унинг фикрига кўра ижтимоий идеал ҳақидаги тасаввурлар кишининг мавжуд ижтимоий ҳаёт уни қониктирмаганида юзага келади. Ибтидоий давр кишиси эса ўзини уруғ, қабиладан ажратмаган, у мустақил фикрлаши мумкин эмас эди. Демак, унда ўз эҳтиёжларини қондиришга имкон берувчи янги жамият, ҳаёт ҳақида фикрлар ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Кейинги босқичда уруғ-қабилادошлик муносабатлари кишини ҳам интеллектуал, ҳам истисодий нуқтан назаридан эҳтиёжларини қондира олмайди, бу табиий равишда кишини янги жамият, янги ҳаёт, янги муносабатлар излашга даъват этади.³ Шу тариқа ибтидоий уруғ-қабилачилик муносабатларининг еврилиши билан кишилар онгида ижтимоий идеал ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган.

Агар ибтидоий давр фалсафаси, мифологияси ва космологик қарашларига назар ташласак, дастлабки босқичларда кишилар ўзини табиатдан ажратмаганини кўраемиз. Тотемистик ва аними-

¹ Аяжсимов А.Ф. Духовная жизнь первобытного общества. – М.: -Л.: - Гослитиздат, 1966; Блещкан М.И. К вопросу об общественном идеале в мифологии и литературе. – Ужгород, 1965; Лосев А.Ф. История античной эстетики. Ранняя классика. – М.: "Мысль", 1983; Пенчев Г. Эстетический идеал и общественные противоречия//Современная прогрессивная эстетическая мысль. – М.: "Мысль", 1974.

² Лармин О.В. Эстетический идеал и современность. – М.: "Наука", 1984. – С. 16.

³ Гуманов С.В. Общественный идеал: диалектика развития. – М.: Изд. Моск.ун-та, 1986. – С.61.

стик қарашлар илк кишиларнинг олам, ўзи, ўзининг ҳаёти ҳақидаги тасаввурларини ифода этади. Э.Тайлорнинг ёзишига кўра, анимизм ибтидоий кишиларга хос бўлган ўта содда диний тасаввурлардир). Аммо "анимист руҳ моддий оламни бошқаришига киши ҳаётига тирикликда ҳам, ўлгач ҳам таъсир этишига қаттиқ ишонади". Шу билан бирга Э.Тайлор анимизмда "ахлоқий-маънавий идеал манжудир"¹ деб кўрсатади.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг юзага келиши, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, диний тасаввурлар ва трансцендентал тажрибаларнинг маълум бир идеологияга айланиши, айниқса ижтимоий-сиёсий институтларнинг шаклланиши ижтимоий идеални аниқ кўринишларда намоён бўлишига олиб келди. Агар ибтидоий босқичда киши идеалини вужудининг борлиги орқали идрок этган, "у ўзи-ўзига мавжудлик, у бутунлигича реаллик ва идеаллик" бўлса, кейинги босқичда киши ўзини нафақат табиатдан, худди шунингдек, бошқа "мен"лардан ҳам ажратадиган, ўйи ва фикрини келажакка йўналтирадиган, мавжуд тартиблардан қониқмай янги, етук, ҳар томонлама ўйланган режалар тузадиган онгли мавжудотга айланади. Энди киши ўйи ва нигоҳини кўпроқ келажакка тикади, келажакда зиддиятларсиз ҳаёт мавжуд деб билади. Фаровон ҳаёт, адолатли тузум, инсонпарвар жамият ҳақида метафизик мушоҳада юритади, гипотетик моделлар яратади, ён-атрофидаги кишилардан, жамиятдан қониқлик, ахлоқий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий-эстетик идеаллар кидиради. Тўғри, баъзан кишилар идеал жамиятни тарихдан, ўтмишдан топганлар. Масалан, "олтин давр" концепциясида "сеники-меники" бўлмаган, "ҳамма бир киши, бир киши ҳамма киши учун яшаган" ибтидоий жамоа тузуми орзу қилинади. "Олтин давр" фақат Қадимги Юнонистонда бўлмаган. Майя ривоятларига кўра илк кишилар бахтиёр ва ғам-ташвиш билмай яшаган. Скандинав мифологияси илк кишиларнинг тинч ва фаровон яшаганидан хабар беради. Хитой мифологиясида "олтин давр" Яо ва Шуня, Мисрда Осирис ва Изида ҳукмронлик қилган қадимги даврларда бўлган деб қайд этилади. Австралиялик аборигенларда қадимги аجدодлари озод яшагани ҳақида мифлар мавжуд. Иудейлардаги жаннат ва ундан одамнинг қувилиши ҳақидаги ривоят "олтин давр" тўясининг ўзига хос талқинидан бошқа нарса эмас. Ушбу ривоят ва афсоналар уруғчиликнинг еврилик мураккаб, гоҳо замондошлари учун ф-

¹ Тайлор Э. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – С.212.

жиали бўлган ижтимоий жараёнлар таъсирида юзага келган, шунинг учун барқарор муносабатларга қурилган уруғчилик "олтин давр" тарзида тасвирланган".¹

Шундай "олтин давр"ни биз "Алпомиш" халқ достони, Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридаги Жамшид подшоҳлик қилган даврларда ҳам кўрамыз. Профессор Исо Жабборовнинг ёзишига кўра, Жамшид "подшоҳлик қилган даври ёруғлик зулмат устидан, адолат ёвузлик устидан, инсонлар девлар устидан узил-хесил ғалаба қилган, ҳатто ўлим енгилган, ҳар бир даврга даво топилган замон, деб таърифланади".² Жамшид "Шоҳнома"даги мифологик образдир, унинг подшоҳлик қилган даври эса энг қадимий, "сеники-меники" бўлмаган уруғчилик даврига бориб такалади, албатта. Тўғри, бу даврдаги муносабатларни прогрессив деб аташ қийин, лекин улар таъсирида шаклланган ижтимоий идеални "ўзига хос мустақил тарихий тип" деб қараш мумкин.³

Янги ижтимоий-тарихий субъектларнинг, яъни хунармандлар, савдогарлар, мулк эгалари, давлат ва жамиятни бошқариш билан шуғулланувчи аслзодалар, зиёлиларнинг тарих саҳнасига чиқиши ижтимоий идеалга янгича мазмун-моҳият бахш этди, уруғчилик давридаги мифологик идеал ўрнини кўпроқ реаллик, кишиларнинг ҳаёти, орзу интилишлари билан боғлиқлик эгаллай бошлади. Ижтимоий муносабатларнинг чуқурлашуви ижтимоий идеалларнинг ранг-баранглашувиغا, кишиларнинг келажакка қарашларида ижтимоий-сиёсий истак ва тилакларнинг ёрқин намоён бўлишига олиб келади. Мулкчи муносабатларда зиддиятлар, оддий кишиларда тугилган норозиликлар, мавжуд тартиблардан қониқмаслик ва уларни такомиллаштириш истаклари ижтимоий идеалга таъсир этмай қолмади. Айниқса давлатнинг йирик ижтимоий-сиёсий институтга айланиши, йирик мол-мулкнинг давлат кўлида тўпланиши, давлат сиёсатининг кишилар ҳаётига, яшашига таъсирининг ошиши ижтимоий-сиёсий идеалларнинг ўзига хос типларини, кўринишларини шакллантирди.

Дунё халқларида ижтимоий идеал типлари бир хил кўринишда, бир хил жараёнлар таъсирида шаклланган деб бўлмайди. Ижтимо-

¹ Туманов С.В. Общественный идеал: диалектика развития. – М.: Моск.ун-та, 1986. – С.63.

² Жабборов Исо. Антик маданият ва маънавият хазинаси. – Т.: "Ўзбекистон", 1999. – 59 б.

³ Туманов С.В. Общественный идеал: диалектика развития. – М.: Моск.ун-та, 1986. – С.72.

ий идеаллар аниқ ижтимоий муносабатлар, тарихий-маданий парадигмалар, халқ менталитети таъсири остида шаклланади. Масалан, Қадимги Рим, Спарта ва Афина давлатларидаги қулдорлик муносабатлари кишиларни давлат иродасига, манфаатларига қурбон қилиб давлатни идеал даражага кўтарган. Киши ўз ҳолича "мустақил субъект" эмас эди, унинг ихтиёри, эрки, ҳаёти давлатнинг мулки эди. Спартада гўдақдан тортиб барча эркин фуқаролар давлат хизматида бўлган, энг муқаддас институт сифатида давлатни ҳимоя қилишга, унинг кучини оширишга хизмат қилган. Умуман Қадимги Юнонистондаги қулдорчилик муносабатлари, агар Платон ёндошувидан келиб чиқсак, "шахсни давлат манфаатларига хизмат қилдиришга", яъни давлатни умум сифатида идеаллаштиришга қаратилган эди. "Идеал давлат ва оқил, адолатли қонунлар Платон томонидан идеяни (асло фуқаро, инсон манфаатларини эмас – С.А.) рўёбга чиқариш сифатида талқин этилади".¹

Профессор К.Шониязовнинг ёзишига кўра, худди ўша антик даврда Ўрда Осиёда "ишлаб чиқаришнинг асосий кучи қуллар бўлмастан, балки жамоа аъзолари бўлган... Жамоа тузуми ҳарбий демократик бўлиб, унда синфлар ва эксплуатация мавжуд бўлган, аммо давлат ҳали пайдо бўлмаган эди".² Кейинчалик давлат пайдо бўлгач ҳам аҳолининг асосий машғулоти, фаолияти деҳқончилик, чорвачилик бўлиб қолган, бу эса ўлкамизда аграр муносабатларни етакчи ўринда туришини таъминлаган. Ижтимоий идеал ушбу асосий ижтимоий муносабатлардан келиб чиқиши, уларни такомиллаштириши шартдир. Ҳақиқатан ҳам "Авесто"да "ким галла экса заминни ҳаммадан бахтиёр этади"³ деб кўрсатилади, бу билан деҳқон, деҳқончилик улуғланади. "Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўли билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза кизга ўхшайди. Бу киз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагидан ҳалол ёстикдошига фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўл-кўл меваларини инъом этади".⁴ Аслида бу сўзлар деҳқончиликни, фаровонликни, ҳалолликни идеаллаштиришдир.

Ушбу мисоллар ижтимоий идеални реал ҳаёт, борлик, кишиларнинг орзу-интилишлари, мавжуд муносабатларни такомиллаштириш истаклари билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

¹ Нерсисянц В.С. Философия права. – М.: Норма-Инфра, М., 1998. – С.409.

² Шониязов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: "Шарк", 2001. – 110 б.

³ Маҳмудов Т. "Авесто" ҳақида. – Т.: "Шарк", 2000. – 56 б.

⁴ Ўша жойда. – 57 б.

Ижтимоий муносабатлар, реал ҳаёт ва борлик ўта ранг-баранг, кенг, уларнинг барчаси ҳам ижтимоий идеал даражасига кўтарилавермайди, албатта. Ижтимоий идеалда кишиларни олға интилиб яшашга, уларни янада мукамал ҳаёт, янада такомиллашган муносабатлар, янада гўзал ахлоқ, одоб, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган прогрессив ғоялар, мақсадлар, ниятлар мужассамдир. Шунинг учун олдин қайси ижтимоий идеал типи пайдо бўлган деган саволга жавоб бериш кийин, чунки ижтимоий идеалда борлик борлигича, тўлалигича ўзи намоён этади. Унда маълум бир ижтимоий муносабатлар етакчилик қилсада, етакчилик қилмаётган муносабатлар ҳам ўз идеалини яратишини рад қилиб бўлмайди. Масалан, СССР даврида Маркс – идеал шахс, марксизм – илмий-ғоявий идеал, пролетариат – идеал синф, пролетар диктатураси – идеал давлат, коммунизм – идеал жамият тарзида тарғиб қилинган бўлса-да, ўзбек халқи қалбида идеалларни ўзининг аجدодларидан, орзу-тилақларидан излаш гоҳ очик (Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон ва б. жадидчилар), гоҳ зимдан (И.Мўминов, Э.Воҳидов, А.Орипов ва б.) давом этди. Демак, ижтимоий идеал реал заминидан, халқ ва миллатнинг тарихий-маданий ҳаёти, гносеологик тажрибаларидан, ижтимоий-сиёсий қарашларидан ташқарида шаклланмайди. У ижтимоий онг шакли сифатида халқнинг, миллатнинг интилишларини, ҳаётини янада фаровонлаштиришга, эзгу ва адолатпарвар давлат, гўзал ва инсонпарвар жамият қуришга қаратилган мақсадларини ифода этади. Миллатга, миллий маданиятга тааллуқли бўлмаган шахс, субъект йўқ, шунингдек миллатга, миллий маданиятга, заминга дахлдор бўлмаган ижтимоий идеал ҳам йўқ. Аммо ушбу миллийлик ижтимоий идеалдаги умуминсонийликни, ундаги ғояларнинг, қарашларнинг энг аввало гуманизмга қурилган бўлишини асло рад этмайди. Умуминсонийлик, гуманизм ижтимоий идеални прогрессив воқеликка айлантиради, халқни, миллатни инсоният билан ҳамжихат яшашга ундайди.

Ҳар бир ижтимоий-тарихий босқич ижтимоий идеалга ўз таъсирини ўтказиши, ҳатто азалий орзу бўлиб келаётган бахтиёр ҳаёт, адолатпарвар давлат, инсонпарвар жамият қуриш ҳақидаги тасавурлар ҳам ушбу босқичларда маълум бир йўналишларида тўлдирилган, бойитилган ёки бутунлай трансформацияга учраган. Масалан, коммунистик режим давридаги ижтимоий идеал билан мустақил Ўзбекистон халқи қалбида шаклланган ижтимоий идеал бир-биридан кескин фарқ қилади. Коммунистик режим пролетар синфи манфаатларига иккиланмай хизмат қилувчи "гармоник ри-

вожланган шахс”ни коммунистик идеал деб атади,¹ мустақиллик ушбу идеални озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга тайёр, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “Элим, юртим деб яшайдиган, демократик кадриятларга содиқ, маърифатли ва юксак маънавиятли, “Ватан ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этадиган, ўз иқтидори билан она юртни улуглашга кодир, истеъдодли ва садоқатли йигит-қизлар”² да кўради. Коммунистик идеал синфийлик тарафдори, у жамиятни, инсониятни очкўз буржуазия ва йўқсил халққа бўлиб, сунъий тарзда революциялар кўзғотиш тарафдоридир; мустақиллик идеали миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш, зиддиятларни муроса, консенсус орқали ҳал этиб эволюцион ривожланишни таъминлашга интилади.

Юқоридаги мисоллар ва мулоҳазалар ижтимоий идеал типологик хусусиятлари нуқтан назаридан қуйидаги ички тизимларга классификация қилиш имконини беради.

I. Ижтимоий-сиёсий идеал.

II. Ижтимоий-ахлоқий идеал.

III. Бадний-эстетик идеал.

IV. Мустақиллик (ижтимоий-миллий тараққиёт) идеали.

Ижтимоий идеалнинг кенг қамровли ва мураккаб воқелик экани унинг ички тизимларини аниқлаб олишга, ушбу тизимларга хос белгиларни, хусусиятларни гуруҳлаб, ички маънавий яхлитликни, тизимлиликни яратишга ундайди. “Классификация – эмпирик информациялар тўпламини ташкил этиш усули. Классификациянинг мақсади – ички тизимларни маълум бир тартибга, жуда кўп информацияларни ўлчов-нормативга солиш...”³ демакдир. Классификацияда ҳар бир воқеа, ички объект умумий тизимдаги ўрнига мувофиқ очиб берилади. Бу аслида системали ёндоқиш демакдир.

Юқоридаги йўналишлар ижтимоий идеал (умумий тизим)нинг ички тизимлари сифатида қаралади. Улар ўртасидаги ўзига хосликлар, тафовутлар нисбийдир. Ижтимоий-сиёсий идеал, агар ижтимоий идеалнинг прогрессив воқелик эканидан келиб чиқсак, ижтимоий-ахлоқий идеалсиз бўлиши мумкин эмас. Кишилар сиёсий ин-

¹ Целикова О.П. Нравственный идеал строителя коммунизма. – М.: Политиздат, 1973; Фролов И.Т. Коммунистический идеал человека и пути к нему. – М.: Политиздат, 1979 ва б.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: “Шарк”, 1999. – 65 б.

³ Классификация//Новейший философский словарь. – Мн.: Изд. В.М.Скакун, 1998. – С.316.

ститутларнинг адолатварвар ва халқпарвар бўлишини орзу қилганларида энг аввало улар фаолиятида эзгу ният ва эзгу амаллар устуворлик қилишини назарда тутадилар. Улар ҳар қандай ҳолда ҳам куч ишлатишни, зўравонлик механизмларидан фойдаланишни мақбул кўрмайдилар.

Ёки бадний-эстетик идеални олайлик. Ғузаллик қанчалик мафтункор, ўзига чорловчи бўлмасин у моҳиятан ахлоққа, одобга, инсондаги туйғуларни инсонпарварлаштиришга хизмат қилганидагина ҳақиқий қадрият касб этади.¹ Маънавият, ахлоқ, одоб мустақиллик идеалида ҳам бош мақсад сифатида келади. Ўз навбатида мустақиллик идеали ҳам кишиларимиздаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-ахлоқий ва бадний-эстетик идеалларга таъсир этади, уларга моҳият бахш этади.

Ижтимоий идеалнинг ижтимоий борлиқ ва муносабатлар билан субстанционал боғлиқлиги идеалларнинг функционал хусусиятларида намоён бўлади. Ҳар бир ички тизимнинг ўзига хос функционал хусусиятлари мавжудки, айнан улар орқали биз тизимларни бир-биридан фарқлаймиз.

Ижтимоий-сиёсий идеалнинг функционал хусусиятлари кишиларнинг мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга, жараёнларга, давлат ва бошқа сиёсий институтларнинг фаолиятига бўлган муносабатлари сифатида келади. Кишилар ўзини ижтимоий-тарихий жараёнларнинг субъекти эканини англаганларидан бери давлат, жамият ҳаётига, сиёсий муносабатларга, жараёнларга бефарқ қарамайдилар. Тўғри, бу муносабатлар ҳар доим ҳам очик кўринишда намоён бўлавермайди. Ижтимоий идеал кўпинча яширин, инсон қалби ва руҳида, яқин давралардагина ўзини намоён этган. Тоталитар бошқариш ижтимоий идеалларни батомам йўқ қилишга, ўзини ижтимоий-сиёсий идеал даражасига кўтаришга интилган. Бу эса ижтимоий-сиёсий идеаллари яқин кишиларни яширин гуруҳлар, партиялар, клублар тузишга мажбур қилган.² Демак, ижтимоий-сиёсий идеални очик намоён қилиш имкони ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаган, чунки ижтимоий-сиёсий идеал тузумдан, бошқаришдан қониқмаслик, ҳатто уларга зид ёндошишларни илгари сурган. Ижтимоий-сиёсий идеални очик айта олмаслик, уни тақиклаб қўйиш, ушбу идеални илгари сурувчиларни, субъектлар-

¹ Лармин О.В. Эстетический идеал и современность. – М.: "Мысль", 1984. – С. 17 ва б.б.

² Гекертон Ч.У. Тайные общества всех веков и всех народов. – Т.: "Шарк", 1994. – С. 5-6.

ни таъқиб қилиш турли ғалаёнларга, норозиликларга, ҳатто революцияларга (масалан, 1789 йилги буюк француз революцияси) сабаб бўлган. Фақат ҳақиқий демократик жамиятдагина ижтимоий-сиёсий идеални очик айтиш имкони мавжуддир.

Ижтимоий-сиёсий идеал жамият ва давлатни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тилақдир. Унда ижтимоий-сиёсий идеал, прогрессив воқелик сифатида, жамиятни зўрлаб ўзгартиришни, революцияни назарда тутмайди. Экстремистик гуруҳларнинг мақсади, улар назарда тутаётган жамият ва диний фундаментализм тарафдорларининг уринишлари эса прогрессив қарашлар эмас, шу боис улар ижтимоий идеал сифатида қаралиши ҳам мумкин эмас.

Ижтимоий-ахлоқий идеал эса инсоннинг маънавий, руҳий, диний ҳаётини юксак ахлоқ даражасига кўтаришни, жамиятда юксак гуманистик қадриятларни қарор топтиришни назарда тутади. Илоҳи борича зўравонликни, бад сифатларни, бузукликни, инсонни маънавий таназулга етакловчи иллатларни камайтириш ва улар ўрнига инсонпарварликни қарор топтириш ижтимоий-ахлоқий идеалнинг функционал хусусиятларидир. Ушбу функциялари орқали ижтимоий-ахлоқий идеал "ахлоқий онгни ривожлантириш дастури"¹ сифатида келади. Шу нуктаи назардан "ахлоқий муносабатларни ривожлантиришнинг йўли, кишилар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришнинг намунаси дир".²

Бадий-эстетик идеал инсоннинг ён-атрофдаги нафосатни илғашни ва эъозлашини, гўзаллик яратиб яшашга, бадий-ҳиссий изланишларида бетакрорликка, улуғворликка, юксак гуманизмга интилишини ифода этади. Онгли ҳар бир киши ниманидир севади, нимадандир ҳайратланиб унга тақлид қилади, ақлу идрокни лол қолдиргудек бирор нарсани яратади. Шу тарика унда бадий-эстетик идеал шаклланади.

Мустақиллик халқимиз, миллатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар ясаётган воқелиқдир. Ижтимоий идеалимиз ушбу ўзгаришлар таъсирида, улар билан уйғунликда шаклланмоқда. Мустақиллик идеали янги ижтимоий воқелик сифатида онгимиздан, борлигимиздан жой олган; у ҳозир барча идеалларимизни реал ҳаётини заминга, реал муаммоларга қуришга имкон бермоқда.

¹ Дубко Е.Л., Титов В.А. Идеал, справедливость, счастье. – М.: Изд. Моск. ун-та, 1989. – С.11.

² Ўша жойда.

II- БОБ. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

2.1. Ижтимоий-сиёсий идеал: типологик белгилари ва ижтимоий онгда намоён бўлиши

Ижтимоий идеалнинг ижтимоий борлик билан субстанционал боғлиқлиги ижтимоий-сиёсий идеални ҳам жамият ва давлатни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган тасаввурлар, қарашлар билан узвийликда ўрганишни талаб этади. Ижтимоий борликдан ташқарида, унинг бевосита таъсирсиз шаклланадиган ижтимоий фикр бўлмаганидек, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятдан, жаргёнлардан айрича яратиладиган ижтимоий-сиёсий идеал йўқдир. Шунинг учун ижтимоий-сиёсий идеалнинг типологик белгиларини кишиларнинг ижтимоий-сиёсий институтлар, давлат ва сиёсий партиялар, ҳокимият тизимлари ҳақидаги қарашларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш мумкин. Бу ўринда биз асосий эътиборимизни ўлкамиз халқларидаги ижтимоий-сиёсий идеални тадқиқ этишга қаратамиз. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг илмий фундаментал аҳамиятга эга "танлаган ўз тараққиёт ва ислохот йўлимизда тезкорлик билан илгари силжиш учун кучли руҳий қувват берадиган – миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир",¹ деган сўзларидан келиб чиқамиз.

Академик Э.Ртвеладзенинг ёзишига кўра, Марказий Осиёда илк давлатлар цивилизация асосида пайдо бўлган. Шаҳар – давлатлар атрофида қишлоқлар жойлашган.² Цивилизациянинг пайдо бўлиши эса деҳқончилик асосидаги иқтисодиёт, металлургия, ҳунармандчилик, аввал айирбошлаш кейин эса товар - пул муносабатлари, мулкий табақаланишдан келиб чиққан гуруҳ ва синфлар, монарх бошчилигидаги иерархик бошқариш, давлат-идора аппаратлари, ворислик ҳуқуқи ва ёзув, юридик

¹ Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: "Ўзбекистон", 1995. – 5 б.

² Ртвеладзе Э. Цивилизация, государства, культуры Центральной Азии. – Т.: 2005. – С.27-28.

институтларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.¹ Катта бўлмаган, аммо ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-диний марказлар ролини ўйнаган шаҳарчалар давлатнинг илк кўринишлари, кишиларда ижтимоий-сиёсий тасаввурларни шакллантирган маърифий марказлар бўлган. Бундай марказлар ролини ўтроқ ҳаёт тарзига қурилган шаҳарлар (Жаркўтон, Ден-Нау, Бақтр, Соғд ва б.) ўйнаган. Тўғри, бу даврларга оид ижтимоий-сиёсий идеал ҳақида манбалар учрамайди, бироқ умумий тарихий-маданий жараёнлар, уларга оид топилмалар цивилизация қонунларига мувофиқ айрим фикрларни айтиш имконини беради.

Жез даврига келиб ўлкамизда чўл қабилаларининг ўтроқлашуви рўй беради. К.Шониязовнинг ёзишига кўра, "жез даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, бир-биридан фарқ қилувчи икки тарихий-маданий регион мавжуд бўлган: суғориш усули билан деҳқончилик қиладиган Олд Осиёда кенг тарқалган ўтроқ аҳоли маданияти ва жез даврида чўл жойларида яшовчи қабилаларга тааллуқли маданият. Бу кейинги маданият кишилари чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар... Бу маълумотлар Амударёнинг қуйи оқимларида ҳамда Зарафшон водийсида милоддан олдинги II-мингинчи йилларда, жанубда мавжуд бўлган ўтроқ деҳқончилик маданияти шимолда яшовчи чўл қабилаларининг жез даврига оид маданияти билан узвий боғлиқ бўлганидан далолат беради".² Ушбу узвий боғлиқлик Ўрта Осиёда цивилизациянинг шаклланишини белгилаб беради, ижтимоий-сиёсий онгдаги ўзгаришлар ҳам моҳиятан ушбу икки маданият синтезига тааллуқлидир. Ҳатто кейинчалик эр.авв. VII-VI асрларда уруғчилик тузумининг ёмрилиши, синфий тенгсизликнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг бой ва камбағалларга ажралиши, илк давлатларнинг юзага келиши каби туб тарихий ўзгаришларда ҳам юқоридаги икки маданият синтезига бўлган муносабатлар сақланиб қолади.³ Масалан, қирғиз халқ эпоси "Манас"нинг бош қаҳрамони чорвадор элатларнинг "идеал ҳукмдор", "халоскор" образидир. Манас учун тарқок чорвадор қабилаларни бирлаштириш, ташқи душманларга уюшган ҳолда қарши туриш, ғайритабиий кучга, жангчилик фазилатларига эга бўлиш хосдир. Манас аслида чўл қабилаларининг идеал ҳукмдор, идеал қаҳрамон тимсолидир. Ўзбек халқининг "Алпомиш"

¹ Ўша жойда. – С.50.

² Шониязов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т. "Шарк", 2001. – 105 б.

³ Ўша жойда. – 109 б.

достонида ҳам таркок элатларни бирлаштириш ғояси марказий ўринда туради, Алпомиш эса ўтрок элатларнинг бирлашиб яшаш, марказлашган давлатнинг тарқалиб кетишига йўл қўймайдиган идеал қаҳрамон, ботир, олижаноб ва адолатпарвар ҳукмдор образидир. Тўғри, улар мифлаштирилган образлардир, бироқ қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатларида, айниқса марказлашган давлат тузишга интилишларида ўша даврдаги аждодларимизнинг аҳил-иноқ бўлиб яшаш, мустақкам ва адолатпарвар давлат тузиш орзулари мужассамлашганини пайкаш қийин эмас. Даврлар ва эпосларни тарғиб этувчиларнинг ёндошишлари таъсирида "Манас" ва "Алпомиш" маълум бир ўзгаришларга, трансформацияга учраши табиий ҳолдир, аммо эпослардаги ижтимоий-сиёсий ғоя, концепция ўзининг илк моҳиятини йўқотмаган.

Э.Ртвеладзеннинг ёзишига кўра, Ўрта Осиё, икки дарё оралиғида қадимда турли типдаги давлат бирлашмалари бўлган. Аҳмонийлар даврида Фарғона ва Чочдан ташқари вилоятларда мутлак монархия, Кушан давлатида мутлак теократик монархия, Қангю ва Юечжида чекланган монархияга асосланган конфедератив шоҳликлар, Бақтрияда эса маҳаллий ҳукмдорларнинг наслий бошқариши мавжуд эди.² Минг афсуски, ушбу ижтимоий-сиёсий институтларнинг аждодларимиз онгига қандай таъсир қилгани ва, ўз навбатида, аждодларимиз уларга қандай муносабатда бўлгани ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Бироқ Қадимги Хитой (Сюань-Цзянь, Цзянь-Ханьшу) ва Қадимги Юнон (Геродот, Ктесия, Африан, Курций Руф, Страбон ва б.) тарихчиларининг қолдирган хабарларига кўра, ўлкамиз халқлари ушбу сиёсий институтлар агрофида бирлашган, ўзининг бошқариш идоралари ва усулларига эга бўлган. Уларнинг ижтимоий-сиёсий идеаллари ҳам ушбу давлат бирлашмалари, ҳукмдор ва амалдорларнинг ҳаёт тарзи чет элликларнинг босқинчилик юришлари, интеграция ва миграция таъсирида шаклланган. Демак, ижтимоий-сиёсий идеал ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади. Ички омилларга мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, сиёсий институтлар, ҳукмдорлар ва амалдорларнинг ҳаёт тарзи, оддий халққа муносабатлари, маънавий ва маърифий изланишлар киради. Айниқса диннинг етакчи маънавий омилга айланиши билан унда тарғиб қилинган ижти-

¹ Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: "Наука", 1974. – С.12-14.

² Ртвеладзе Э. Цивилизация, государства, культуры Центральной Азии. – Т.: 2005. – С.55-58.

мой-сиёсий ғоялар маълум бир идеалларга айланади. Жаҳон динларининг юзага келиши билан эса бу жараён кучаяди, диннинг ўзи ҳам сиёсий кучга, халифалик ва черков давлатга, идора институтига айланиши рўй беради. Ташки омилларга чет эллар билан алоқалар, интеграция, чет элликларнинг бостириб келиши ва ўз тартибларини ўрнатиши, маълум бир табиий сабаблар (масалан, сув босқини, ер қимирлаши, қурғоқчилик ва б.) туфайли миграция кабилар киради. Бу ўринда ўлкамизнинг Ғарб ва Шарқни, Шимол ва Жанубни бир-бирига боғлаб турган минтақа бўлганини ҳам эслаш зарур.¹

Ижтимоий-сиёсий идеалнинг типологик белгилари қуйидаги ранг-баранг омиллар таъсирида намоён бўлади:

- 1) жамият ва давлатни бошқариш шакллари;
- 2) этносиёсий тажрибалар ва этнопсихологик муҳит;
- 3) ахлоқий-маънавий парадигмалар;
- 4) ижтимоий-сиёсий тажриба ва анъаналар;
- 5) идеаллаштирилган воқеалар, қахрамонлар, образлар;
- 6) сиёсий идеология;
- 7) ижтимоий-сиёсий кизиқишлар ва манфаатлар.

Айнан ушбу энг муҳим омиллар ижтимоий-сиёсий идеални ўзига хос типологик воқеликка айлантиради, уларнинг хусусиятлари эса ижтимоий-сиёсий идеал типологик белгиларининг ижтимоий онгда намоён бўлишини ифодалайди.

Жамият ва давлатни бошқариш шакллари ҳар бир ижтимоий-сиёсий тузумда, ҳар бир тараққиёт босқичида, стратегик мақсадларга мувофиқ, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг кечишига кўра ҳар хил бўлган. Бир жамият ва давлатда мутлақ ўзгармаган бошқариш шакллари бўлганини тарих билмайди.

Давлат типлари бошқариш шакллари белгилайди. В.В.Ильиннинг классификациясига кўра, давлат типи "ҳалқ – ҳокимият – ҳудуд" триадаси тизимидаги ҳалқ – страт – этнос – миллат, ҳокимият – хусусий – ҳуқуқий – оммавий, ҳудуд – унитар – федерация – конфедерация каби "фундаментал комплекслар қосибинацияси" орқали аниқланади. Натижада бир-бирида фарқ қилувчи 27 давлат типи юзага келади.² Бу ўринда бизнинг вазиса-

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 398 б.

² Ильин В.В. Политология. – М.: Книжный дом "Университет", 1999. – С.290.

миз ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўта мураккаблигини, улар натижаси сифатида юзага келадиган бошқариш шаклларининг ранг-баранглигини қайд этишдир. Лекин давлат типиди қандайдир бошқариш шакли (шакллари) устуворлик қилади, албатта. Масалан, пролетар диктатураси ўрнатилган СССРда тоталитар бошқариш, Қадимги Афина кулдорлик давлатида ҳарбий демократия, конфедератив давлат Швецарияда миллатларнинг оммавий бошқариши устуворлик қилади. Бирок ушбу бошқариш шакллари ўша даврдаги ва ўша мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий идеални ифода этади дейишга асос бўла олмайди, чунки реал бошқариш шакли билан идеал бошқариш айнан воқеликлар эмас. Шу билан бирга реалликдан, энг аввало мавжуд ижтимоий-сиёсий муносабатлардан келиб чиқишини эсласак, улар идеалга таъсир этмай, унга йўналиш бахш этмай қолмаслигини пайқаймиз.

Ижтимоий-сиёсий идеал мавжуд реалликдан қониқмаслик ва жамият, давлат ҳаётини такомиллаштириш, юксакликка кўтариш истагининг маҳсулидир. Шунинг учун у мутлак соф утопия эмас. Адолатли давлат, фаровон ҳаёт, инсонпарвар жамият барпо этиш ғоялари маълум бир ижтимоий-сиёсий муносабатлар заминида пайдо бўлган. Демак, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум ва муносабатларда ижтимоий-сиёсий идеалнинг куртаклари шаклланган бўлади. Шу нуқтаи назардан мавжуд жамият ва давлатни бошқариш шакллари ижтимоий-сиёсий идеални шаклланиш, ривожланиш, трансформацияга учраши, яъни социодинамикаси ҳақида тасаввурлар беради.

Шарқ давлатларидаги жамиятни бошқариш шаклларини кузатишдан маълум бўладики, ижтимоий-сиёсий идеал жамиятни революция йўли билан ўзгартиришга эмас, балки бошқаришни такомиллаштиришга қаратилгандир. Шарқда бошқариш ҳеч қачон ҳукмдор ва амалдорларнинг шахсидан, уларнинг ахлоқий-маънавий фазилатларидан айрича қаралмаган. Шарқона ижтимоий-сиёсий идеалда ахлоқий-маънавий фазилат касб-кор кўникмасидан, мартаба ва лавозимдан юқори қўйилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрига кўра, "Шоҳликка дэвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фикрига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади..."¹ Бундай фикрларни Низомулмулк, Алишер Навоий,

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қудратгу билиг. – Т.: "Фан", 1971. – 329 б.

Бобур, Аҳмад Дониш, Фитрат асарларидан истаганча келтириш мумкин. Демак, Шарқда ижтимоий-сиёсий идеал ҳукмдор ва амалдорлардаги ахлоқий-маънавий сифатларни яхшилаш орқали жамият ва давлатни бошқариш шакллари юксалтиришни назарда тутади.

Ижтимоий-сиёсий идеал кишиларнинг жамият ва давлат ҳаётини такомиллаштиришга қаратилган ғоялари, фикрлари, орзу ва мақсадлари сифатида мавжуд этносиёсий тажрибаларга, этнопсихологик муҳитга таянади. Тарихий-маданий, этносиёсий тажрибалар, миллий менталитет ва турмуш тарзи ижтимоий-сиёсий онга, қарашларга таъсир этмай қолмайди. Масалан, Ғарб ижтимоий-сиёсий идеалларида жамият ва давлатни революцион йўллар (аграр революция, индустриал революция, социал революция, илмий-техник революция, сексуал революция ва б.) билан ўзгартириш қаратилган ғоялар, концепциялар кўплаб мавжуддир. Лекин Шарқ халқлари улар кетидан беихтиёр эргшиб кетавермайди, чунки Шарқда тараққиётни, мавжуд тажрибалар ва институтларни нигилистча рад этиш, улар ўрнига мутлақ янги тартиблар ва институтлар барпо этиш такаббурлик ҳисобланади.¹

У ёки бу халқ, этносларнинг тарих соҳасига чиқиши ва жаҳон цивилизациясидаги ўрни уларнинг ижтимоий-сиёсий онги, шакллантирган давлатига боғлиқдир. "Сиёсий маънода давлат миллатни шакллантиради. Барча миллат – этнослар у ёки бу маънода ўзи ёки бошқалар билан уюшиб давлат тузишга қаратилган сиёсий эволюцияни босиб ўтади".² Ушбу жараёнда этнос сиёсий тажриба орттиради ва ҳар бир бурилишда ушбу этносиёсий тажрибасига мурожаат этади. Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиши билан халқимизнинг тарихий, ҳуқуқий ва давлатчиликка оид тажрибаларига мурожаат этилиши, Амир Темурнинг марказлашган давлат тузишдаги фаолиятини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши бунинг исботидир. Чунки, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар қил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди".³ Этносиёсий

¹ Панария А.С. Политология. О мире политике в Востоке и на Западе. – М.: "Книжный дом "Университет", 1999. – С.198.

² Абдулатипов Р. Этнополитология. – СПб., "Питер.", 2004. – С.94.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. – Т.: "Ўзбекистон", 1998. – 9 б.

тажриба ёш авлодга ижтимоий-сиёсий онгни, идеални шакллантиришда муҳим мактаб, сабоқ ролини ўташини ҳам унутиб бўлмайди.

Ижтимоий-сиёсий идеал этнопсихологик муҳит, яъни халқ менталитети, тасаввурлари, урф-одатлари, давлат ва жамиятни бошқариш ҳақидаги фикрлари, анъаналари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ушбу тажрибаларсиз, муҳитсиз "этнос билан давлат ўртасидаги диалектик боғлиқликни англаб бўлмайди".¹

Этнопсихологик муҳитда маълум бир халқ, этносга хос бўлган маънавий-руҳий ҳолатлар, кадриятлар, қарашлар ҳукмрон бўлади. Шахс ушбу омиллар таъсирида ижтимоий-сиёсий тузумга, институтларга, партияларга муносабат билдиради, улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ғояларини илгари суради. Этнопсихологик муҳит шахсга, кишига ёшлигидан таъсир этади, гоҳо у ушбу таъсирни тўла англамаслиги, муҳитдаги кадриятларни ўзгармас, барқарор воқелик сифатида қабул қилиши мумкин, шу тариқа унда маълум бир ижтимоий-сиёсий ва этномаданий стереотиплар шаклланади.

Этнопсихологик муҳит ўзига халқ, этносга тааллуқли кадриятларни рад этса, бошқа миллий давлатларга хос хусусиятларни, нормаларни, бошқариш усулларини менсимаса, уларга қарши чиқса, салбий йўналишдаги идеалларни шакллантириши мумкин. Бу ўринда мана 60 йилга яқин давом этиб келаётган Фаластин билан Исроил ўртасидаги қонли тўқнашувларга уларда шаклланган бир-бирига зид сиёсий стереотиплар сабаб бўлаётганини эслаш мумкин. Лекин этнопсихологик муҳитнинг шахсда ўз халқи, миллатига оид хусусиятларни, ахлокий-маънавий кадриятларни, ҳаёт тарзини, фикрлашни уйғотса ёмон эмас, чунки киши халқи, миллати орқалигина ўзини ижтимоий мавжудот эканини идрок этади.

Ижтимоий-сиёсий идеалнинг киши онгида акс этишида ахлокий-маънавий парадигмаларнинг бетакрор ўрни бор. Айниқса Шарқ халқларида улар инсон ва жамият камолотининг белгиси сифатида қаралади. Ижтимоий-сиёсий институтлар, лидерлар, ҳукмдорлар ва амалдорлар фаолияти ҳам аввало уларнинг ахлокий-маънавий фазилатлари билан ўлчанади. Бу ўринда ахлокий идеал сиёсий идеалнинг моҳиятини белгилаб келишини кўрамыз. Шарқ халқларида гўзаллик ва қаҳрамонлик тимсоли бўлган Рустам

¹ Абдулатипов Р. Этнополитология – СПб., "Питер", 2004. – С.96-97.

(“Шоҳнома”) ва Фарҳод (“Фарҳод ва Ширин”) образлари ўзининг инсонпарварлиги, меҳр-муруввати, ахлоқий фазилатлари билан идеал образларга айланган. Хўжа Самандар Термизий (XVII аср) ўзининг “Хукмдорларга насиҳатлар” (Дастур ал-мулук) асарида ёзади: “Номуносиб кишиларга энг яхши умидларингни ишониб ўз йўлингни йўқотиш, чўнтагингда илон олиб юриш билан тенгдир”. Маънавий ахлоқини синаб кўрмаган кишига бошқаришни, хукмдорликни топшириш унда такаббурлик ва кибрни туғдиришдир.¹ Шунинг учун ҳам муаллиф идеал шоҳ сифатида Рустамни тилга олади.

Ахлоқий-маънавий парадигмалар халқ, миллат қалбидан, ҳаёт тарзидан чуқур жой олган гуманистик кадриятлардандир. Уларни тўнтаришлар, революциялар ҳам йўқ қила олмайди; айнан ушбу парадигмалар халқни, миллатни уюшиб, бутун инсоният билан интеграцияга киришиб яшашини таъминлайди. Ўзбек халқидаги инсонпарварлик, эзгуликни кадрлаш, беозорлик, меҳр-мурувватлилиқ, бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик, тинч-тотув яшашга интилиш каби ахлоқий-маънавий кадриятларни большевиклар революцияси, катагонлар ва мафкуравий тазйиқлар ҳам йўқ қила олмади, у синфий курашларни эмас ўзаро муросада яшашни, консенсусни ёқлаб келди. Буюк аждодларимизнинг гуманистик мероси кўрсатадики, ахлоқий-маънавий фазилатлар, етуклик инсонни шарафга етакловчи, уни турли иллатлардан халос этиб идеалга, баланд даражага кўтарувчи кучдир. Шунинг учун А.Авлоний ёзади: “Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи ахлоқ тарбиясидур”.²

Ижтимоий-сиёсий идеал халқ, миллатнинг ижтимоий-сиёсий тажрибаси ва анъаналари инъикосидир. Бу ўринда нафақат тўпланган тарихий тажриба, худди шунингдек, содир бўлаётган ўзгаришларда фаол қатнашиш, янги ҳаёт куриш тажрибаси ҳам назарда тутилади.

Собик шўролар даврида халқимиз, миллатимиз ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этган, турли лавозимлар ва партия ташкилотларида зарур мансабларни эгаллаган, маданий бойликлар, илмий асарлар яратган бўлса-да, уларнинг негизида синфий, мафкуравий манфаатлар ётган эди. Марказнинг қарори, амри мутлақ

¹ Ходжа Самандар Термизий. Дастур ал-мулук (Назидание государям). – М.: “Наука”, 1971. – С.77.

² Ватан ва миллат муқаддасдир. – Т.: “Маънавият”, 2000. – 46 б.

ҳақ кўрсатма сифатида қабул қилинган. "Шўро даврида, - деб ёзади сиёсатшунослик фанлари доктори Н.Жўраев, - жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб борилди. Аммо, масаланинг жиддий томони шундаки, шўро даври тадқиқотчилари гоҳ билиб-билмай, гоҳ атайлаб, фидойилик ва ташаббускорлик билан коммунистик мафкурага хизмат қилдилар. Натижада халқимиз тарихини сохталаштирдилар, уни коммунистик мафкура талабига мослаштирдилар. Шўро ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга бутун вужудлари билан хизмат қилдилар".¹ Ушбу танқид зиёлиларни, олимларни камситиш, номини ёмон отлик қилиш учун айтилган деб ҳисобламаслик даркор. Мустабид тузум, ғоявий яккаҳоқимлик миллий ўзликни намоён этишга имкон бермади. Демак, жамиятда бир ғоянинг ҳукмронлик қилиши, маъмурий буйруқбозлик эркин ривожланишга, плюрализмга, ижобий ташаббусга ғов бўлади. Мазкур аянчли тажриба қайта такрорланмаслиги учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас"² деб кўрсатилган.

Ижтимоий-сиёсий идеал фақат субъектив воқелик, ғоя, образ, тинчлик бўлиб қоламандай, у реал борликка тадбиқ этишни, иложи борича кишиларни идеалга яқинлаштиришни тақозо этади. Айниқса ижтимоий-сиёсий ҳаётда идеални рўёбга чиқариш имкони яратилганида унга етиш учун курашмаслик мумкин эмас. Шунинг эсада тутиш керакки, ижтимоий-сиёсий идеалга етиш осон кечмайди, у идеал субъектларининг уюшишини, ўзгаришларда фаол қатнашишини, мавжуд идеални тараққиёт талабларига мувофиқ янги мазмун, моҳият, режалар билан бойитиб боришни талаб қилади.

Ижтимоий-сиёсий идеал кишилар онгида гоҳо идеаллаштирилган воқеалар, тарихий шахслар, қаҳрамонлар образлари тарзида шаклланади. Чунки Т.Карлейл (1795-1881) ёзганидек: "Жаҳон тарихининг ҳар бир босқичида унинг халоскори бўлган ва кишилар қалбига идеал сифатида чўғ ташлаган Буюк одамга дуч келамиз. Шунинг учун дунё тарихи буюк одамларнинг таржимаи ҳолидир...

Жўраев Н. Тарих фалсафаси. - Т.: "Маънавият", 1999. - 26 б.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2003. - 5 б.

улар янги парадигмалар ва моделларнинг кенг маънодаги ижодкорларидир”.¹

Бу ўринда буюк кишиларнинг жамият, халқ, тараққиёт олдидаги хизматлари назарда тутилмоқда. Баъзи кишиларга идеал образни афсоналар, бадиий тўқималар, ҳатто маълум бир мафқуравий-сиёсий мақсадларга қаратилган мифлардан яратиш хос. Масалан, большевиклар таркатган миф КПСС лидерларини, тоталитар давлат асосчиларини реал ижтимоий-сиёсий воқелиқдан беҳабар кишилар онгида доҳийга айлантирган. Айниқса мамлакатдаги биқиклик, ошкоралиқнинг йўқлиги, бир-биридан шубҳаланиш мифни, ҳатто у реалликка асосланмаса-да, содир бўлган воқеликка айлантирган. Бундай миф, идеаллаштириш кишиларнинг ўша даврдаги маънавий ҳаётини, тасаввурларини ифода этган.² Шунинг учун эркин фикрлаш, мустақил изланишга ўрганиш, доғмалар, афсоналар ва мифларга танкидий муносабатда бўлиш онгни ”сохта пайғамбарларга ишониш” (К.Поппер)дан сақлайди. Тарихни яхши билмай, тарихий билимларга ва тафаккурга эга бўлмай ”идеаллар”, ”буюк шахслар”, ”пайғамбарлар” яратиш салбий оқибатларни, маҳдудликни, мутаассибликни келтириб чиқади, онгни заҳарлаб кишини ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашишдан чалғитади.

Киши эркин тарзда ўзига у ёки бу тарихий шахсни идеал билиб унга эргашиш, эътиқод қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким ҳаётини мақсади ва кизиқишларига қараб идеал танлайди, гоҳо киши умри давомида идеалларини ўзгартириши мумкин. Бироқ идеал ижтимоий тараққиётга зид образ, гоё, мақсад бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда идеал субъекти билан жамият ўртасида зиддиятлар, шахс учун фожиали воқеалар келиб чиқади. Ижтимоий-сиёсий идеал танлашда, онгни янги мазмун ва олижаноб гоёлар билан бойитадиган идеал топишда адашмаслик учун тарих синовидан ўтган, халқ, миллат ва давлат ҳаётида йирик ижобий воқеликлар бошлаб берган ёки туб ўзаришлар ясаган шахсларга мурожаат қилиш ўринлидир. Бу ўринда буюк бобомиз, соҳибқирон Амир Темурни эсласак бўлади. ”Ҳаммамиз яхши биламизки, - дейди Юртбошимиз И.А.Каримов, - тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин ай-

¹ Штомпка П. Великие личности как агенты изменений//Психология и психоанализ власти. Т.2. - Самара, изд. Дом ”БАХРАХ”, 1999. - С.42.

² Осмыслить культ Сталина. - М.: ”Прогресс”, 1989; Борев Ю.Б. Сталиниада: мемуары по чужим воспоминаниям с историческими притчами и размышлениями автора. - М.: ”Книга”, 1991.

тинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?! Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Амир Темур бизнинг шаън-шавкатимиз, гуруримиз, ифтихоримиздир”.¹

Бундай идеаллар мамлакатимиз тарихида, ижтимоий-маънавий ҳаётида кўплаб топилди. Шахсни ижтимоий-сиёсий фаолликка ундовчи, унда жамият, халқ, миллат учун фойдали фазилатларни, ахлоқий-маънавий қадриятларни шакллантирувчи идеалларгина ижобий аҳамиятга эгадир.

Ҳеч бир давлат, ижтимоий-сиёсий тузум, халқ, миллат ўзининг сиёсий идеологиясиз яшай олмайди. Сиёсий идеология миллий давлатнинг шаклланиш, қарор топтириш, уни мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий бўлиқда ўзининг позитив жиҳатларини намоён этиш шарти ва дасғуридир. Шу билан бирга сиёсий идеология халқ, миллат онгида жамият ва давлат тараққиёти, келажаги, стратегик мақсадлари ҳақида зарур қарашларни, тасавурларни шакллантиришнинг назарий асос ҳамдир.² Айнан сиёсий идеология жамиятда кечадиган ижтимоий-сиёсий жараёнларни рационал бошқариш концепцияси вазифасини ўтайди ва зарур сиёсий норматив қадриятларни яратди.³ Сиёсий идеология ижтимоий-сиёсий қарашлар тизими сифатида халқ, миллат онига давлатчилик ҳақидаги қарашларни сингдиради, улар тафаккурида тараққиёт моделини, андозасини шакллантиради. Миллий давлатчилик шаклланаётган пайтда сиёсий идеология миллий давлатчиликнинг назарий асослари ролини ўйнайди, ҳали миллий ўзлигини англамаган, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг онгли субъектига айланмаган кишиларни, аҳоли қатламларини ижтимоий-сиёсий тузум, миллий давлат атрофида бирлаштиради.

¹ Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир//Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 167 б.

² Ильин В.В. Политология. – М.: “Книжный дом “Университет”, 1999. – С.371.

³ Человек и общество: Краткий энциклопедический словарь-справочник (политология). – Ростов-на-Дону, изд. “Феникс”, 1997. – С.158-159.

Сиёсий идеология маълум бир синф манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган мафкура эмас, у мутлақ ҳақликка даъвогар таълимот, догма ҳам эмас. Мустақил Ўзбекистон давлатининг идеологияси ҳар хил илмий-назарий изланишларга, эркин фикр алмашишга, давр талабларига ва тараққиёт хусусиятларига мувофиқ ўзгариб, бойиб бориш хусусиятига эга қарашлар тизимидир. У мустақилликни мустаҳкамлаш орқали миллий демократик тараққиёт ҳақида утопик эмас, балки реал, аммо ҳаётбахш идеалларни яратишга имкон беради. У ижтимоий-сиёсий идеалларнинг бўлишига қарши эмас, балки у ушбу идеалларни реал воқеликка, ҳаёт тарзига айлантириш тарафдоридир. Коммунистик идеология ўздан бошқа таълимотларни рад этди, синфий манфаатлар мавжудлигини рад қилган қарашларни ревизионистик, аксилинкилобий ёндошишлар деб атади. Мустақил давлатимиз идеологияси эса миллий ва умуминсоний тараққиёт тажрибаларига асосланади, улардаги ижобий жиҳатларни ўзда уйғунлаштиради. Шу тариқа у миллий тараққиёт моделини, идеал тасаввурдаги жамият ва давлат типини яратади. Бу ўринда биз халқимизнинг, миллатимизнинг азалий орзулари билан мустақил давлатимиз ривожланишнинг стратегик мақсадлари янги ижтимоий-сиёсий идеаллар – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барго этиш мақсадида уйғунлашаётганини кўрамыз.

Юқорида келтирилган ва очиб берилган барча омиллар ижтимоий-сиёсий қизиқишлар ва манфаатлар ифодаси маҳсулидир. Инсоннинг барча фаолияти маълум бир қизиқиш ва манфаатларга қурилганидек, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий хатти-ҳаракатлари негизида ҳам маълум бир ижтимоий-сиёсий қизиқишлар ва манфаатлар ётади. Бундан ижтимоий-сиёсий идеалнинг шаклланиши ва унинг онгда ифодаси ҳам истисно эмас.

Маълумки, қизиқиш ва манфаатлар социодинамик ҳодисалардир. Агар Платон учун "идеал давлат" ва "идеал жамият" ибтидоий жамоа тузуми бўлса, киниклар учун ҳаёт секинчи ва азобларини бир тарзда, матонат билан кечирувчи стоик идеал эди; марксизм ва большевиклар учун синфсиз, мулксиз, давлатсиз жамият етуқлик тимсоли бўлса, Ғарб халқлари учун индивидуализм, индустриал ёки постиндустриал жамият идеал ижтимоий борлик бўлиб кўринган. Ҳар бир ижтимоий-тарихий босқич қизиқишлари ва манфаатларига мувофиқ ўзининг ижтимоий идеалларини яратган. Қизиқиш ва манфаатларнинг ўзгариши билан ижтимоий онгда

ҳам, ижтимоий идеалларда ҳам ўзгаришлар содир бўлган, албатта. Шу билан бирга ижтимоий идеалларнинг проектив, узоқ келажакка йўналтирилган ҳодиса эканини унутмаслик керак. Қизиқиш ва манфаатлар реаллиги билан идеалдан фарк қилади, ижтимоий идеалларда реалликдан ўзиш устун туради. Қизиқиш ва манфаатлар тез қондирилиши мумкин, ижтимоий идеаллар эса тез қондирилиши билан эмас, балки "тез қондирилмаслиги", умр бўйи излаб, интилиб яшашга ундаши билан қадрлидир. Ондан тез қондириладиган мақсад ва манфаатлар эмас, кишини тинмай ўзига чорлайдиган, уни тинмай изланиб, яратиб яшашга ундайдиган ижтимоий идеал чуқур ўрин олади.

2.2. Адолатли давлат – ижтимоий-сиёсий идеал тимсоли

Ижтимоий-сиёсий идеал ўзидан кенг ижтимоий идеал тизимига тааллуқли, боғлиқ бўлганидек унинг ўзи ҳам ички тизимлари (унсурлари)га эга. Моҳиятан "системанинг ҳар бир унсури шу система доирасида бўлинмас деб ҳисобланиши керак. Шунинг билан бир каторда объектларнинг турли хилдаги тузилмавий даражалар тартибда ташкил топганлиги ҳақидаги қарашга мувофиқ бир системанинг ўз ичига бошқа системани олиши ва ўзининг бошқа система таркибига кириши, тузилишни ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Иерархиявий тузулишда қуйи даражадаги системалар изчил ҳолда юқори даражадаги системаларга киради, деганидир".¹ Демак, тизим -- системаларда иерархиявий алоқа, боғлиқлик мавжуд, шундай алоқагина тадқиқот объектини яхлит тизим – система сифатида қараш имконини беради.

Ижтимоий-сиёсий идеал мақсад ва вазифаларини ижтимоий идеалдан, ижтимоий идеал эса ижтимоий борлиқдан олади. Ижтимоий борлиқнинг кенг, улкан тизим – система эканлиги унинг таркибий қисмлари (ижтимоий-сиёсий идеал, ижтимоий-ахлоқий идеал, бадиий-эстетик идеал)нинг иерархиявий боғланишини таъминлайди. Ушбу боғлиқлик нафақат қисмлараро, худди шунингдек, ушбу қисмлар ичидаги унсурлараро муносабатларга ҳам тааллуқлидир.

Ижтимоий-сиёсий идеал тизимига оид унсурларни "адолатли давлат", "эркин ва фаровон ҳаёт", "инсонпарвар жамият"

¹ Фалсафа қискача изоҳли лугат. – Т.: "Шарк", 2004. – 288 б.

Йўналишларида қараш мумкин. Илмий-назарий таҳлилни осонлаштириш учун уларни тизим ичидаги тизим сифатида қараш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ушбу тизим ичидаги тизимлар (бундан кейин тизим ёки тизимлар деб атаймиз) моҳиятан ижтимоий-сиёсий тизимга оид воқеликлардир. Улар бевосита ижтимоий-сиёсий тизимни такомиллаштириш, уни янада юксалтириш, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятини идеал даражага қўтаришни назарда тутди.

"Адолат" сўзи "адл" сўзидан ясалган. "А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"да келтирилишича "адл" сўзи адолат, одиллик, ҳақлик, тўғрилик, ҳаққонийлик маъноларини англатади. ("Ҳақни ботилдин бировким қилди фарқ, Адли бирла равшан этти фарбу шарк").¹ Шу билан бирга ўша жойда адл сўзи инсоф маъносига ҳам ишлатилиши кўрсатилади ("Мулку кишвар элига дод айла, Адл ила иккисини обод айла").²

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да адл сўзи юқоридаги маъноларда берилган. Аммо унда "адолат" тушунчасига "одиллик ва холисона иш тутиш, ҳаққонийлик, ҳаққоният, одиллик"³ деб изоҳ берилади. Ушбу изоҳларни умумлаштириб "адолатли давлат" тушунчасига тадбик этганда одил, тўғри, холис фаолият олиб борувчи давлат талқини келиб чиқади. Демак, адолатли давлатнинг функционал хусусиятлари мамлакатда одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик ва инсоф ўрнатишдадир.

Адолатни давлат функциясига киритган мутафаккир Аристотелдир. У ёзади: "Адолат тушунчаси давлат ҳақидаги тасаввур билан боғлиқдир, чунки адолат мезони бўлган ҳуқуқ сиёсий муносабатларни йўлга қўювчи норма ҳисобланади".⁴ Бу ўринда биз мутафаккирнинг ҳуқуқ билан адолат уйғун келиши зарур деган фикрига ҳам дуч келамиз. Худди шунингдек, Аристотель адолатни эзгулик, табиий ва сунъий (фуқаролик, ижтимоий) адолат, қонун, адолатлик ва адолатли иш, ҳулқ-атвор, ҳуқуқ қабилар билан боғлаб талқин этади.⁵

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 1-т. – Т.: "Фан", 1983. – 39-40 б.

² Ўша жойда. – 40 б.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: "Рус тили" нашр., 1981. – 27 б.

⁴ Аристотель. Сочинение в 4-томах. Т.4. – М.: "Мысль", 1983. – С.380.

⁵ Ўша жойда//Никомахова этика. – С.300, 310; Дубко Е.Л. Социальная справедливость//Этическая мысль. – М.: Политиздат, 1988. – С.61 ва б.

Адолат, ижтимоий адолат, адолатли давлат ҳақидаги орзулар, тасаввурлар қадимдан кишилар ўйини банд этиб келади. Ҳанузгача бу борада турли баҳслар ва ёндошишлар мавжуддир. Кишилиқ жамияти мавжуд инсонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни такомиллаштириш ҳақидаги хоҳиш-истаклар ўлмаган экан у адолатли давлатни ижтимоий идеал сифатида тасаввур қилишда давом этаверади.

Адолат ва адолатли давлат ғоясининг ижтимоий-сиёсий идеалга айланиши қуйидаги ижтимоий-сиёсий омиллар билан боғлиқдир.

1. Ижтимоий тенгликни таъминлашнинг зарурлиги.
2. Адолатли ҳукмдор (шоҳ, монарх ва б.) ғояси.
3. Инсонларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш.
4. Зўравонликни, ноҳақликни бартараф этиш истаги.
5. Жиноятнинг жазоланиши талаби.
6. Жамият ва давлатни бошқаришда тартибларга, қонунларга амал қилишни қарор топтириш зарурияти.

7. Шахснинг трансцендент, худо олдида жавобгарлиги.

8. Адолатнинг ижтимоий-ахлоқий (этика) нормалар билан уйғунлиги.

9. Адолатли давлат тараққиёт шартини эканлигини тасдиқлаш эҳтиёжи.

Ижтимоий-сиёсий идеалнинг шаклланиши жамиятда юзага келган тенгсизлик ва адолатсизликни бартараф этиш, ҳар кимнинг меҳнатига яраша ҳақ олиши, тақдирланиши принципини қарор топтириш истаги билан боғлиқдир. Меҳнат тақсимотининг ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши тенгсизлик ва адолатсизликка йўл очиб берган. Айниқса йиғилган бойликларнинг маълум бир марказларда, қатламлар қўлида тўпланиши – редистрибуция кишилар ўртасида тенгсизликни авж олдирган.¹ Бундан ташқари, дунё тарихи кўрсатадики, қабила, илк жамиятларнинг яшаш учун қулай жой излашининг кучайиши натижасида жамоалараро тўқнашувлар, урушлар экзоэксплуатация мулкий ва гуруҳий табақаланишни, эксплуатацияни юзага келтирган. Жамоалар ичидаги мулкий табақаланиш эмас, айнан экзоэксплуатация (бошқа қабилаларни ўзига қарам, қул қилиш натижасида юзага келган эксплуатация)

¹ Гринин Л.Е. Генезис государства как составная часть процесса перехода от первобытности к цивилизации//Философия и общество, 2002, № 2 (27). Москва. – С.45.

бойликларни тақсимлаш тизими, политгенез (ҳам мулкӣ-иктисодӣ, ҳам ижтимоӣ-сиёсий) ва тенгсизлик қарор топган.¹

Политгенезда ижтимоӣ-сиёсий институтлар аҳамиягининг ошиши, албатта, ижтимоӣ бойликлар тақсимотини давлат қўлига ўтишига олиб келган. Диннинг давлат устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ингилиши, жамият ҳаёти учун зарур муаммоларнинг давлат томонидан ҳал этилиши аҳоли ўртасида дифференциацияни кучайтирмаслиги мумкин эмас эди. Хуллас, мулкӣ-иктисодӣ, сиёсий, касбий, ижтимоӣ табақаланишнинг кучайиши билан ижтимоӣ тенглик ғояси идеалга айланади.

Ижтимоӣ тенглик адолатли давлат, инсонпарвар жамият барпо этиш шарти бўлгани учун уни тараққиёт, фаровон ҳаёт идеали сифатида қарашни деярли барча мутафаккирларнинг асарларида, динларда, ахлоқий ва ижтимоӣ-сиёсий таълимотларда учратиш мумкин. Баъзан ушбу идеал йирик халқ ҳаракати, инқилоблар тарзида намоён бўлади. Ўлкамизда рўй берган Маздак (488-531 йиллар) қўзғолони, сарбадорлар ҳаракати (1365 йил) тенгсизликни, ноҳақликни бартараф этишга қаратилган эди.

Ижтимоӣ тенглик деганда кўпинча хусусий мулкни йўқ қилиш орқали моддий бойликларни ижтимоӣлаштириш назарда тутилди.² Ҳа, марксча-ленинча догма ҳукмрон даврда хусусий мулк эксплуатация, тенгсизлик, антагонизм манбаи сифатида қаралган. Бирок ижтимоӣ-тарихий тараққиёт кўрсатадики, эркин ва фаровон яшаш, ўз меҳнатидан завқланиш ва тинмай янги-янги маҳсулотлар яратиш хусусий мулк билан боғлиқдир. Демак, жамиятда мутлақ ижтимоӣ тенглик бўлмайди, чунки шахслар интеллектуал, кизиқишлари ва қобилиятлари нуқтаи назаридан тенг эмас. Лекин адолатли давлат ушбу тенгсизликни мутлақ даражага кўтармайди, балки ҳар кимнинг ўз қобилиятларини ўстириш учун тенг, энг аввало ҳуқуқий имкониятлар яратади. Ижтимоӣ тенглик – ҳуқуқий, сиёсий тенглиқдир.

Шарқ халқларида адолатли давлатнинг қарор топишини ҳукмдор (шоҳ, подшоҳ, монарх ва б.) билан боғлаш анъанадир. Адолатли подшоҳ ғояси аслида Шарқда кенг тарқалган ҳукмдорни сакраллаштириш анъанасига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам Шарқда, айниқса мусулмон ижтимоӣ-сиёсий таълимотларида

¹ Ўша жойда. – С.47.

² Ниязов П.М. Идеал равенства. Современные буржуазные концепции и реальность. – Т.: "Фан", 1977. – С.138.

ҳукмдор адолатли давлат бошлиғи, жамиятда адолатли ўрнатувчи илоҳий кучга эга образ сифатида тасвирланади.¹

Низомулмулк тавсифига кўра, шоҳлар адолатли ва адолатсизларга бўлинади. Эл-юртда адолатли бошқариш шоҳнинг адолатли бўлиши билан боғлиқдир. У Афоридун, Александр Македонский, Нуширавон, Хорун, Маъмун, Мутассим, Исмоил Сомоний, Султон Махмуднинг фаолиятини ибрат қилиб келтиради. "Одил подшоҳлар ҳамиша заифлар ҳақида ўйлайдилар",² деб ёзади.

Адолатли давлатни шакллантириш шоҳнинг вазифасидир, ушбу вазифа унга худо томонидан юклатилган. Нуширавон дейди: "Жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қиламан, чунки Худойи таоло мени шу иш учун юборган".³

Муҳаммад аз-Зоҳирий ас-Самарқандийнинг машҳур "Синдбоднома" асарида етук давлатнинг белгилари адолатли ва қатъиятли шоҳ, оқар сув ва ҳосилдор ер, оқилу фозил маслаҳатчилар, мохир табиблар ва саховатли кишилар экани таъкидланади.⁴

Кайковуснинг "Қобуснома"да эса адолатли бошқариш белгилари сифатида пок ва имнлик, ақлу фаросат билан иш тутиш, ростгўйлик, раҳмдиллик, адолатсизликка, шошма-шошарликка йўл қўймаслик кабилар киритилади. Унда шоҳга қарата дейилади: "Агар ўз шаҳрининг ҳолини билмасанг, бегоналар ҳолини қандай қилиб билурсан?"⁵ Фуқаролари ҳолидан хабар олиб турган подшоҳ изғулик ва адолатни ўзига одат қилади, раият ҳам унга эргашади. Шу тариқа ўрта асрдаги шоҳлар фаолиятида адолат нафақат тилак, орзу, балки жамият ва давлатни тўғри бошқаришга қаратилган адолат, адолатли шоҳ ва давлат уйғун тушунчалар бўлиб, улар марказида шоҳнинг тургани бежиз эмас. Ҳукмдорлик шоҳга худо томонидан берилган, ерда, мамлакатда осойишталик ва адолатни ўрнатиш худо амрини адо этиш, илоҳий талабларни кишилар қалбига жо қилишдир. Ушбу талабларнинг бузилиши нафақат мамлакатда ғалаёнларни, норозиликларни келтириб чиқаради, адолат-

¹ Сюзкняйнен Л.Р. Политическая и правовая мысль Арабского Востока//История политических и правовых учений. – М.: Норма. М., 1998. – С.139-142.

² Низомулмулк. Сибсатнома ёки сидр ул-мулк. – Т.: "Адолат", 1997. – 47 б.

³ Ўша жойда. – 44 б.

⁴ Муҳаммад аз-Зоҳирий ас-Самарқандий. – Т.: Ибн Сино номидаги нашр., 1993. – 10, 12, 13 ва б. б.

⁵ Кайковус. Қобуснома. – Т.: "Истиқлол", 1994. – 153 б.

сизликка йўл қўйган шоҳни худо ўзининг хатти-ҳаракатлари учун ҳам, раиятнинг қилмишлари, исёнлари учун ҳам жазолайди.

Шарқ халқлари шоҳни идеаллаштирар экан унга ўта муҳим сиёсий масъудият юклайди, яъни бутун ҳокимият, бошқариш тизими, жамиятда адолатнинг, тенгликнинг қарор топиши унинг сифатларига боғлиқдир.

Инсонларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминламай адолат ва адолатли давлат ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. "Бошланғич жамиятларда инсон ҳуқуқлари (чегараланган соҳада бўлса ҳам) ёзилмаган қонун-қоидалар (урф-одат ҳуқуқи) орқали ҳимоя қилиниб, уларга нисбатан меҳру шафқат кўрсатиб юрак куйдириш, ўша даврларда қабул қилинган ахлоқий меъёрлар орқали ташвиқ ва тарғиб этилиб келган".² Ўзбекистон ҳудудида шарият қонунлари, ислом ҳуқуқи ўрнатилгунича мулкый, оилавий муносабатларни, кишиларнинг давлат олдидаги бурчларини ифода этган қонунларга амалга қилинган. А.Саидов ва А.Жузжонийнинг ёзишича ўлкамизда зарур ҳуқуқий маданиятдан дарак берувчи "қонун нормаларини ҳаётга тадбиқ этиш, уларнинг ижросини таъминлашнинг мураккаб механизми мавжуд бўлган".³

Ислом дини қарор топгач "Оллоҳнинг ўзи Муҳаммад орқали шориъ (шариятнинг эгаси – қонун тузувчи) бўлгани учун, бошқа қонун тузувчи кишиларга зарурат бўлмайди. Ислом қонунлари асосан илоҳий моҳиятга эга бўлгани учун ҳеч қачон ўзгартирилмайди, аммо уларнинг фаръий-жузъий масалалари борасида ҳукумат органлари фикр юритиш ҳуқуқларига эгадирлар".⁴ Аслида бу инсонларнинг энг аввало худога кейин подшоҳга итоат этишини таъминлашга қаратилган эди. Чунки Куръони Карим "Оллоҳга пайгамбарга ва амр эгаларига (Сизларга ҳоким бўлган кишиларга) бўйсунинг" деб даъват этади.⁵ Бу ўринда биз ҳокимиятни сакраллаштиришни кўраимиз. Шу билан бирга ислом инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ўзига хос қонунлар, нормалар, механизмлар яратган. "Эй одамлар, - дейилади Куръони Каримда, - дарҳақиқат биз сизларни бир эркак ва бир аёлда яратдик ҳамда бир-бирингиз

¹ Сатывалдиев Р.Ш. Политическая и правовая мысль ранеесредневекового мусульманского Востока. – Душанбе, 1999. – С.189-194.

² Саидов А., Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: 1998. – 23 б.

³ Ўша жойда. – 33 б.

⁴ Ўша жойда. – 34 б.

⁵ Ўша жойда. – 35 б.

билан танишиб, дўстлик ва биродарликда яшашингиз учун, сизларни турли-туман қабила ва элатлар қилиб қўйдик. Албатта Аллоҳ назаридаги сизларнинг энг муқаррамроғингиз энг тақводирингиздир”¹.

Кенг, фалсафий маънода ушбу оят ислом динида инсон ҳуқуқларига катта эътибор берилганини кўрсатади.

Албатта, инсон ҳуқуқлари масаласи ҳар доим ҳам ҳукмдорлар эътиборида бўлавермаган. Ўлкамизда авж олган ички низолар, тожтахт учун кураш, раиятга ўтказилган зулмлар XVI асрдан кейин одатий ҳолга айланган. Шунинг учун ҳам “Абдурауф Фитрат Бухоро амирлиги қозилар маҳкамасида, умуман, қози судларида ҳукм сурган қонунсизликлар, қозиларнинг шариат қонунларига ғилоф ишлари моҳиятини халққа тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Уларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини, барча қирдикорларини аёвсиз фош этади”². Аслида эса, Фитратнинг фикрига кўра, қозилар, шу жумладан амир ҳам, “шариат ҳукмини ижро этиш, ҳақиқатни юзага чиқариш, адолатли судловни амалга оширишдир”³. Адолат қонунларига риоя этмаслик, ахлоқсизлик, амирликда авж олган ўзбошимчалик охир натижада хонликни таназзулга олиб келди.⁴

Кишилар адолатли давлат ва инсонпарвар жамият барпо этишни мудом салбий ҳолларни, айниқса зўравонлик ва ноҳақликни бартараф этиш билан боғлаганлар. Зўравонлик, ноҳақлик инсон шаънини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини топтовчи ҳодисадир. Ҳеч бир киши уларга чидай олмайди, уларнинг ҳар қандай кўриниши норозилик уйғотади. Бирок, ижтимоий ҳаёт шундай тузилганки, ижтиёрий тарзда, фақат панду насихат билан эзгуликни, тенг ҳуқуқликни, адолатни қарор топгириш кийин. Маълум бир объектив ва субъектив омиллар куч ишлатишни, зўравонлик механизмларидан фойдаланишни, жазо қўллашни тақозо этади. Кишилардаги, бир томондан, зўравонликни ёқтирмаслик, ундан нафратланиш мавжуд бўлса, иккинчи томондан, ижтимоий манфаатлар йўлида кучдан, тазйиқдан, жазолардан фойдаланиш зарурати эзгулик би-

¹ Куръони Карим. – Т.: “Чулпон”, 1992. – 435 б.

² Эргашева М. Абдурауф Фитрат – буюк ҳуқуқшунос. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр. 2001. – 31 б.

³ Ўша жойда.

⁴ Фитрат. Амир Олимхоннинг кечмиши/Ўзбекистон адаб. ва санъати, 1990, 31 август.

лан ёвузлик ўртасидаги боғлиқликни азалий мавзулардан бирига айлантирган. Ушбу зиддиятларни бир ёклама ҳал этиш қийин, мумкин ҳам эмас, бироқ кишилардаги адолатли давлат ва инсон-парвар жамият қуриш орзуси, истаги, идеали иложи борича салбий хислатларни камайтириш йўлларини топишга ундайди. Бу ўринда биз ижтимоий-ахлоқий идеал билан боғлиқ мавзуга дуч келамиз. "Ижтимоий идеал" асарининг муаллифи, рус коммунизмини "ларарли ходиса" деб атаган П.И.Новгородцев ёзади: "Ахлоқий онг учун инсоният келажакда роҳат-фароғатда яшайдими ёки йўқми деган савол эмас, балки ҳаёт учун эзгулик зарурий моҳиятга эгали ёки йўқми деган савол муҳимдир. Муҳими шундаки, кишининг ижоди, фикри, ишлари ички моҳиятга эга бўлсин, Мутлак олдида қадри ва ўзини оқлашга асос бўлсин".¹ Файласуф ахлоқий идеални Мутлак билан боғласа-да, бу диний-фалсафий оқим тарафдорлари учун хос хислат, зўравонликни, ноҳақликни диний-ахлоқий фазилатлар орқали бартараф этишга интилади. Лекин зўравонликни, ноҳақликни бартараф этиш истаги П.И.Новгородцев яшаган XX аср бошида ҳам, ундан кейин ҳам кишилар қалбидан ўкмади.

Адолатли давлат барпо этиш гоёси нафақат зўравонлик ва ноҳақликни тўхтатиш, шунингдек, жиноятдаги жазолаш билан ҳам боғлиқдир.

Низомулмулк жиноятларнинг кўринишига: 1) исёнкорлик, 2) шариятни менсимаслик, 3) худони тан олмаслик, бўйсунмаслик, 4) қалбида ҳоинликка мойиллик, 5) подшоҳга итоат этмаслик, 6) кўрслик кабиларни киритади.² Жиноят мавжуд экан жазо ҳам бўлиши даркор.

Кейинги асрларда жазонинг турлари кўлайди, аммо бу жиноятларнинг камайишига олиб келаётгани йўқ. Ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар, айниқса халқ аҳолининг оғирлашуви, ишсизлик, моддий бойликларнинг амалдорлар томонидан ўзлаштирилиши кабилар қонунбузарликнинг янги-янги турларини келтириб чиқарди. Содир этиладиган жиноятлар ва қонунбузарликлар кишиларнинг, айниқса оддий халқнинг адолат тантанасига бўлган ишончини сўндиради. Шу билан бирга уларда ижтимоий адолат қачонлардир қарор топади деган умидни янада мустаҳкамлайди. Айнан шунинг учун ҳам бирорта шикоят жазосиз

¹ Новгородцев П.И. Об общественном идеале. – М.: Изд. "Пресса", 1991. – С.63.//Приложение к журналу "Вопросы философии".

² Низомулмулк. Сийёсатнома ёки сийр ул-мулк. – Т.: "Адолат", 1997. – 185-199 ё.

колмаслиги лозим, акс ҳолда зўравонликка, ноҳақликка, оддий кишилар шаънини, ҳуқуқини топташга имкон яратилади. Биз бу ўринда, албатта, ҳар қандай жиноят қамоқ билан жазоланиши зарур деган фикрни билдирмоқчи эмасмиз, жазо ахлоқий-тарбиявий, иқтисодий, маълум бир ҳуқуқларни чеклаш кабилар тарзида бўлиши мумкин. Лекин жиноят мудом ўзининг ҳуқуқий баҳосини олиши шарт. Ана шундагина адолат тартибларига ва талабларига мувофиқ яшаш қарор топади.

Ҳар қандай жамият ва давлат бошқаришга муҳтождир. Шунинг учун ҳам жамият ва давлатни бошқариш ҳар доим ўга муҳим муаммолардан бири бўлиб келган.

Бошқариш тўғрисида гап кетганида давлат томонидан ўрнатилган қонунларга, тартиб ва қоидаларга амал қилиш, субординация алоқаларида таъмагирликка, алдашга, ўз манфаатини кўзлашга йўл қўймаслик, халқ мулкани талон-тарож қилмаслик чора-тадбирларини кўриш назарда тутилади. Бу ўринда Амир Темури таърибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Низомиддин Шомий ёзади: "Султонлар ва давлат арбоблари замон тақозосига кўрсатувчи, тамоман қаҳру ғазаб зоҳир этувчи ёхуд икки камолотга ўртача маромини тутувчилар. Ана шу учинчиси камолотга яқинроқдир ва у... бир комилот бўлиб, унинг лутфу қаҳри ҳар бир замон талабига кўра олам аҳлига намоён бўлиб туради. Унинг хайрли ишлари, расм-русумлари, феъл-атвори ва сўзларининг таъсири фақат йиллар эмас, кўп асрлар давомида замона саҳифасида боқий қолади, набира-чабиралари, дўстлари ва яқинлари ўша йўлдан юрадилар, унинг феъл ҳаракати ва нуфузли ҳукмларига эришадилар. Бу даврони шоҳиди ва бу маънонинг нишони адолатли, энг ҳимматли улуғ амир – Соҳибқирон Амир Темури Кўрагоннинг ажууди шарифларидир. Унинг адолатли сиёсати жазога яқин, қаҳи эса лутфга аралашдир... Ожиз кишилару раиятларни, савдогару деҳқонларни муҳофаза этишда қонунларга риоя қилиб, адолат расмини бажо келтиради".¹

Амир Темури давлат мулкани авайлаб-асрашни, молиявий ишларда тежамкор бўлишни талаб этган. У бу борада нафақат хизматкорларини, шунингдек, фарзандларининг сарф-харажатларини ҳам қузатиб, уларни исрофгарчиликка йўл қўймасликка ундаган.²

¹ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – 20-21 б.

² Ўша жойда.

Бошқариш ишларига покдил, ўз соҳасини биладиган мутахассисларни кўйиш давлатни адолат қонукларига мувофиқ ишлашини таъминлайди. Нопок амалдор нафакат ўзини, ўзи билан бирга бутун бошқариш тизимини, давлатни бадном этади. Шунинг учун ижтимоий-сиёсий идеал энг аввало давлат ва жамиятни бошқаришга покдил, тўғри, халқ манфаатларини ўйлайдиган амалдорларни кўйишни кўзлайди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаблашиши билан бирга бошқариш ҳам мураккаблашади. Демократик кадриятларнинг қарор топиши осонгина бошқариш фаолиятидаги муаммоларнинг ҳал этилишига олиб келавермайди. Ўзини-ўзи бошқаришнинг кенгайиши давлатнинг бошқариш ишларини янги поғонага кўтаришни талаб этади. Яъни халқ ҳокимиятчилигининг янги-янги кўринишларидан, имкониятларидан кенгрок фойдаланишни заруриятга айлантиради. Бошқариш субъектларининг кенгайиши эса жамиятда демократияни, давлат фаолиятида ижтимоий адолатни қарор топтиришга олиб келади. Аслида ижтимоий-сиёсий идеал ҳам жамият ва давлатни бошқаришни демократлаштиришга қаратилгандир.

Шарқ халқлари ҳаётида, қарашларида худо, трансцендент алоҳида ўрин эгаллаб келган. Гап бу ерда худога догма сифатида қарашда эмас, балки ижтимоий борлиқдан юқоғирок бир мавжудот борки, бутун коинот, шу жумладан, инсон ҳам, ана шу илоҳий куч ўрнатган тартибларга, қондаларга амал қилиб яшаши лозим. Акс ҳолда инсон аклини, онги ва кучини рўқач қилиб такаббурликка берилиши, ён-атрофни ўз нафсига қурбон қилиши мумкин. Инсон хатти-ҳаракатларини оқилона бошқариш зарурлигини баъзан унутиб қўяди, унга ташқаридан назоратчи лозим. "Албатта Оллоҳ осмонлар ва Ердаги ғайб-сирларни билур",¹ дейилади Қуръони Каримда. Бу аслида одамга унинг барча хатти-ҳаракатлари сирли куч томонидан кузатилиб тургани ҳақида эслатишдир.

Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий таълимотларида Осмон, Коинот, Яратган кишилар ҳаётини бефарқ кузатувчилари эмас, балки уларни Ерда эзгулик, адолат, тенглик, инсонпарварлик қарор топтириш учун юборганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Деярли барча динлар кишиларнинг энг аввало худо, трансцендент олдида масъул эканини қайд этади. Биз бу борада махсус (4.4.) тўхталамиз. Бу

¹ Қуръони Карим. – Т.: "Қўлпон", 1992. – 494 б.

Ўринда шуни айтишимиз мумкинки, инсон руҳи ўзидан юқори, ўздан улуғроқ бир нимани излашга, яратишга интилади. Деярли барча файласуфлар ушбу улуғроқ бир нимани худо билан боғлайдилар. Худо, трансцендент тартиблари, қоидалари айрим шахсларнинг, монарх ёки гуруҳларнинг, давлатларнинг эмас, балки "экзистенциал борлик" (Н.А.Бердяев)нинг манфаатлари ифода этади. Шунинг учун ҳам Ердан ҳақиқатни, адолатни тополмаган аж-подларимиз уларни хўкдан, худодан излаганлар. Адолатли шохнинг "Осмон фарзанди" (Конфуций), "худонинг сояси" (Низомулмулк) деб аталиши ва унда ижтимоий-сиёсий идеал тимсолини кўриш сабаби ҳам шундандир.

Адолатни қарор топтириш мамлакатда осойишталик, тенглик, эзулик, ҳақиқат ўрнатиш шартигина эмас, у жамият ва давлатни тараққий эттириш гарови ҳамдир. Ижтимоий адолат қарор топган жамиятдагина кишилар давлатга ва унинг ислохотларига ишонади. Давлатга, унинг адолат тарафдори эканига ишониш халқни, миллатни тер тўкиб ишлашга, ўз Ватани равнаки учун жон куйдиришга даъват этади.

Адолатли давлат халқнинг фаровон яшашини таъминлайди, чунки у қабул қиладиган қарорлар ва қонунлар халқнинг манфаатларини кўзлайди.

Ижтимоий-сиёсий идеалнинг адолатли давлат тарзида намоён бўлишини Бобур амал қилган куйидаги принципларда кўриш мумкин: 1) ҳар қандай вазиятда оқилона иш тутиш; 2) имкон қадар ўз яқинларига, бошқариш ишлари билан банд ҳамроҳларига, ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган амалдорларга зарар етказмаслик; 3) амалдорларнинг, қўл остидагиларнинг хизматларига қараб тенг кўриш ва ғамхўрлик қилиш; 4) куч ишлатиш лозим бўлган жойда адolat қилиб, бошқа, тинч, келишув йўллари билан муаммони ҳал этиш; 5) одамларга, ҳатто душманларга ҳам яхшилик, адолат қилиш.¹ Албатта, адолатни қарор топтириш осон, жўн ҳал этиладиган муаммо эмас, у мудом эзгулик сари интилиб яшашни тақозо этади. Замонавий давлатлар уни ҳуқуқда деб биладилар. Қонунларга амал қилиш, кишиларнинг ҳуқуқларини эъзозлаш, шаънини камситмаслик жамиятда адолат принципларини қарор топтириш кафолатидир.

¹ Хусанбоев О. Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари. – Т.: ТДҶОИ, 2005. – 44 б.

2.3. Бахтли ва фаровон ҳаёт барпо этиш ижтимоий-сиёсий идеалнинг мақсади

Ижтимоий-сиёсий идеал моҳиятан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва унинг институтлари фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги тасаввурлар, образлар бўлса-да, кишилар ушбу истакларини бахтиёр ва фаровон ҳаёт билан боғлайдилар. Улар учун мавжуд институтлар фаолиятини такомиллаштириш эмас, балки такомиллаштириш негизда бахтли яшаш, фаровон умр, турмуш кечириш ётади.

Илмий адабиётларда "англанган ҳаётий идеал", "бахт идеали", "бахт излаш завқи" каби тушунчалар учрайди. Гоҳо ушбу тушунчалар "ҳаёт моҳияти", "умр маъноси" каби тушунчалар билан боғлиқ, ҳатто яқин тарзда талқин қилинади.¹ Агар англанган ҳаёт мавжуд борлиқни идрок этиш, ҳаётий, субстанционал асосни умр билан боғлашга интилиш бўлса, бахт идеали мавжуд ҳаётни янада завқли, янада олижаноб ва гўзал кўриш истагидир. Бахт идеалида мавжуд ҳаётни келажакда тасаввур қилиш, ижтимоий тараққиётга интилиш нияти қатнашади. Ҳаётдан олинадиган завқ бахт идеалининг кишига келтирадиган жўшқин туйғу, беғубор орзулар, ғамгуборсиз ўйлар билан боғлиқдир.

"Бахт – азалий мавзу, - деб ёзади В.Алимасов. – Бахтли бўлишни истамайдиган киши йўқ. Аммо энг ғаройиби ҳам шундаки, "ҳеч ким бахт нималигини аниқ билмайди" (В.Татаркевич, поляк файласуфи)".² Ҳақиқатан ҳам бахт ҳақида кишилар қадимдан фикр юритадилар, унга етишни орзу қилмаган, ўйламаган одам йўқ. Лекин ҳар ким уни ўзича, ўзининг ҳаёт тажрибалари ва тасаввурларидан келиб чиқиб тасаввур этади.

Бахт ҳақида ўйлаганида киши мавжуд борлиқдан, ўз ҳаётдан коникмагандек, унга ижтимоий ҳаётдаги етишмаслик, номуқим-маллик, ноқислик халақит бераётганидек бўлади. "Ҳаётда бахт йўқлигига, - деб ёзади В.Алимасов ўз ўқувчисига, - мени ишонтира олмайсиз. Ҳатто ўзингизни ҳам, Инсоннинг қалби бир-бирини мавҳ этишга шай эҳтиросларга тўла, бири сўнса, иккинчиси жунбупга келади. Назаримда "ҳаётда бахт йўқ", деб ёзаётганингизда юрагингиз ақл измида эмас, алам измида эди. Дарвоқе, эсладим. Олдинги

¹ Полов Б.Н. Взаимосвязь категорий счастья и смысла жизни. – М.: "Наука", 1986. – С.14-15.

² Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. – Т.: "Маънавият", 2001. – 3 б.

учрашувимизда, институтга кирсам, энг бахтли одам бўлардим, дегандингиз. Минг афсус, ҳаёт сизга бағритошпик қилди. Шу боис оламни сиз зимистонд, деб айблашга шайсиз”.¹ Хуллас, олим, “одам учун одам бахт”, “одам ўз бахтини ўзи яратгани учун бахтиёрдир”, деган фикрни илгари суради.²

Идеал нигоҳимизни узоқ-узоқларга йўналтирса-да, у объективлашиш мумкинлигини рад этмайди. Агар идеал ечиб бўлмас орзу, утопия бўлса, инсон ундан осонгина воз кечар эди, албатта. Чунки бу тақдирда “ҳаёт беъмаъни ўйинга айланган бўларди”,³ бахтли идеал борлигига эса ҳеч ким ишонмасди. Ҳаётий мақсадни, бахтли ҳаёт ёки бахтли идеални объективлаштириш, реалликка айлантириш имконининг борлиги киши дилида умид уйғотади, қачонлардир бахтли идеалга етаман деган фикрга олиб келади. Бироқ бу идеални осонгина етадиган мақсадга айлантирмаслиги лозим, акс ҳолда у ҳаётий мақсадлардан бирига ёки тез ора эришиладиган неъматлардан бирига айланади. Идеалга етишни инсон ички бир туйғу, ҳаёл билан идрок этади, англашга интилади, бироқ ушбу интилиши мудом эҳтимоллик даражасида қолади. Эҳтимоллик уни жон-жаҳди билан, бутун ақлий ва маънавий кучини идеал томон йўналтиришга ундайди. Эҳтимоллик идеални йўқотиб қўйиш хавфини уйғотади, ушбу хавф инсонга ором бермайди, уни сергак на қўзланган мақсадга интилиб яшашга қорлайди. Ҳаётий мақсадларга эҳтимоллик идеалдагидек катта хавф солмайди, улар инсоннинг дадил хатти-ҳаракатлари, топқирлиги, ишбилармонлиги натижасидир. Масалан, хусусий дўкон очишни киши ҳаётий мақсад қилиб қўйиши мумкин. У астойдил интилса, ушбу мақсадига етишини билади, бунинг учун унга билим, ишбилармонлик ва дадиллик керак. Идеал эса ҳаётий мақсаддан кенг, узоқроқдир. Унга етолмаслик эҳтимоли мавжуд, чунки умр қисқа ёки идеалнинг ўзи ҳаётий мақсадлардек аниқ, равшан эмас. Бахт эса ҳаётий мақсадга етишдан олинадиган завқ, шавқ, кўтаринки эмоционал ҳолатдир. Идеал бахт ва ҳаётий мақсадлар билан қўшилиб келса, улар, яъни бахт ва ҳаётий мақсадлар, умр мазмуни норматив – кадрланадиган хусусият касб этади.⁴ Бу эса, табиий ра-

¹ Ўша жойда – 4 б.

² Ўша жойда – 9 б.

³ Попов Б.Н. Взаимосвязь категорий счастья и смысла жизни. – М.: “Наука”, 1986. – С.14-15.

⁴ Ўша жойда – С.15.

вишда, шахсда эмоционал, хиссий муносабатларни келтириб чиқаради.

Бахт ва бахтли идеал ҳақида фикрламайдиган, улар ҳақида ёзмаган олим, ёзувчи, шоир йўқ. Ғарб муаллифларининг асосий концепцияларини В. Татаркевич старли даражада очиб берган.¹ Шу билан бирга у Шарқ мутафаккирларининг бахт ва бахтли идеал ҳақидаги қарашларига, тилларни билмаганидан бўлса керак, "тиши ўтмагани"ни қайд этади. Шунинг учун биз ушбу мавзуда кўпроқ диққатимизни Шарқ халқлари (мутафаккирлари)нинг концептуал фикрларига қаратамиз.

Ижтимоий-сиёсий идеал прогрессив ғоя, тасаввур, қараш, образ сифатида илмий-назарий изланишларини келажакка қаратган мутафаккирлар таълимотида мужассамдир. Шу нуқтаи назардан биз Шарқ мутафаккирларининг таълимотларига, мавзу доирасидан келиб чиққанда эса уларнинг бахтиёр ва фаровон ҳаёт ҳақидаги назарий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий меросига муружаат этамиз.

Шарқ фалсафасида ижтимоий-сиёсий идеал концепцияси, Платон ва Аристотель қарашлари таъсирида, илк бор Абу Наср Форобий (870-950 йиллар) томонидан "фозил одамлар шаҳри" образида илгари сурилган. Мутафаккирнинг бахтиёр ва фаровон ҳаёт ҳақидаги концепциясини тўлиқроқ тасаввур қилиш учун уни куйидаги йўналишларда қараш ўринлидир.

1. Фозил одамлар шаҳри (идеал давлат) барпо этиш кишиларни бахтиёр яшашини таъминлаш мақсадидан келиб чиқади.

2. Бахтиёр бўлиш эзгу амалли ақл билан боғлиқ.

3. Бахтиёр бўлиш ахлокий-маънавий фазилатлар маҳсулидир.

4. Бахтиёр бўлиш моддий борлиққа эмас, қалб, руҳ ва авлодлараро руҳлар уйғунлигидан келиб чиқади.

5. Кишиларнинг бахт-саодатли яшашни фозил одамлар шаҳрининг раиси - "юраги" (ҳукмдор, малики ва б.)га боғлиқдир.

Форобийнинг фикрига кўра фозил одамлар шаҳрининг мақсади жамиятнинг ҳар бир аъзосини бахтли қилишдир. "Фозил шаҳар аҳолиси, - деб ёзади Форобий, - фалсафасининг мақсади, уни бошқариш натижасида кўзда тутилганидек, жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун бахт-саодат томон йўлни ахтариб топишдан иборат-

¹ Татаркевич В. О счастье и совершенстве человека. - М.: "Прогресс", 1981. - С.25-335.

дир”¹. Демак, етук, идеал давлат куриш охириги натижа эмас, балки фукараларнинг бахт-саодтли ҳаёт кечиришга эришиш асосий максаддир. Мутафаккирнинг идеал давлат ва бахт-саодат, фаровон ҳаёт ҳақидаги бошқа фикрлари ушбу концептуал ғоядан келиб чиқади.

Тўғри, Форобий ўз даврининг фарзанди сифатида етук давлатда стратификация бўлишини рад этмайди, мулкий тенгсизлик мавжудлигини назарда тутади. Аммо бу фарқлар кишиларнинг бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечириши мумкинлигини ҳам рад этмайди.

Мутафаккир кишининг бахт-саодатли умр кечиришини унинг ҳагги-ҳаракатлари, эзгу амаллари билан боғлайди. Бу билан у зўравонлик, бад хулқ-атвор кишини бахтиёр қила олмаслигини таъкидлайди. Шунинг учун у, фозил шаҳарда бахт-саодатга элтувчи бир асосий нарса бор, у ”таҳсинга лойиқ ишлар”дир, деб кўрсатади, чунки билим, албатта, эзгу амаллар, фаолият билан мустаҳкамланиши даркор. Бунинг учун кишининг қалби, руҳи эзгу амаллар қилишга мойил бўлиши зарурдир. Фозил шаҳар одамларини эзгу амалларга, билимларга тарбиялаш асосий вазифалардан ҳисобланади.² Бу вазифани Форобий шаҳар бошлиғи – ҳукмдорга юзлайди.

Файласуф билим ва фаол ақлга алоҳида урғу беради. Билимнинг ўзи бахт-саодат учун етарли эмас, унинг фаол ақл билан қўшиливи даркордир. ”Бахт-саодат тушунчаси ”фаол ақлга яқин гурган нарсадир ва унинг маъно-моҳияти фаол ақл билан қўшиливида яширингандир. Бахт-саодат фаол ақлнинг энг яқин босқичига шиддат билан етишивидир. Бахт-саодат инсон руҳининг шундай камолот вужудига эришишидирки, бу жойда руҳ учун моддий таянчга эҳтиёж қолмайди. Бундай мартабада ҳар қандай жисмдан ташқил топган ашёлар ҳам ўз моддий ўзагидан ажралиб, ундан абадий маҳрум ҳолда, доимий қоладилар. Бундай мартабали жой фаол ақл маскани бўлиб, унга фақат иродали фаолият орқалигина эришилади...”³

¹ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: ”Ёзувчи”, 2002. – 12 б.

² Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арибо-исламских философов средневековья. – М.: ”Мысль”, 1989. – С.90.

³ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: ”Ёзувчи”, 2001. – 13 б.

Кўриниб турибдики, Форобий бахт-саодат ҳақида мегафизик мушоҳада билан чекланиб қолмайди, у бахт-саодат манбаини идеал шаҳар (давлат) қуришга йўналтирилган билимнинг фаол ақл билан қовушишида кўради. Файласуфнинг ушбу рационал фикрлари узи Шарқ сиёсий фалсафасининг асосчиси сифатида қарашга ундайди. Фаол ақл, амалий фикр, "маърифат бахт-саодат ва камолот сари қўйилган биринчи кадамдир".¹

Форобий бахт-саодатга, идеал давлат қуришга нафақат билим, фаол ақл, амалий фикр, ҳуди шунингдек, қонунлар ва қаҳр, таҳсил-луб – қуч, зўрлаш орқали ҳам эришилади деб билади.

Маълумки, ҳамма фуқаролари мутлақ эзгу ниятли ва эзгу амалли жамият бўлмаган, бўлиши ҳам дарғумон. Агар жамиятда қабиҳ ишлар содир этилса, ҳукмдор ушбу ишларни баргараф этиш учун қуч ишлатиши мумкин. Шу тариқа Форобий таълимотида қуч, қаҳр орқали бахт-саодатга эришиш ҳақида фикр пайдо бўлади.² Бу идеал давлат ғоясига тўғри келмайди, чунки идеал жамият етуқлик, эзгулик тимсолидир. Унда қуч, қаҳр, зўравонлик ишлатишга ўрин бўлмайди. Шунинг учун ҳам А.А.Игнатенко Форобий ижтимоқий-сиёсий идеалидаги ушбу зиддиятни таъкидлаб кўрсатади ва файласуф кишиларнинг бир стратификациядан бошқа стратификацияга, қуйи қатламдаш юқори қатламга ўтишини тақиқлаш тарафдори бўлганини, ҳатто бу қондани бузгани жазолашни илгари сурганини қайд этади.³ Бу ўринда Форобий Платон ва Аристотелга жуда яқин турган.

Форобий инсон икки ҳаёт кечиради деб билади. Биринчиси кишининг тирик мавжудот сифатида барқарор яшаши учун ейиш, ичиш, кийиниш билан банд ҳаётдир. Бу ҳаёт унинг камолот босқичига ўтиши учун зарурдир (ал-камол ал-аввал). Иккинчи босқичдаги ҳаётни файласуф "ал-камол ал-охир" деб атайдди. Ушбу босқичда фозил шаҳар одамлари бир-бирига ёрдам бериб, иттифок бўлиб "охирги камолотга" эришадилар. А.А.Игнатенко фикрига кўра, бу босқич нариги дунё эмас, балки қомиллик излашнинг иккинчи, юқори босқичидир. Унда моддий эҳтиёжлар эмас, балки "руҳ тана эҳтиёжларидан халос бўлиб "охирги қомилликка" инти-

¹ Ўша жойда. – С.15 б.

² Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья. - М.: "Мысль", 1989. – С.65.

³ Ўша жойда. – С.64.

лади”¹. Нафақат индивидуал рух, шунингдек, авлодларнинг рухлари ҳам бир-бирига кўшилиб, абадийлик касб этиб, бахт-саодатга элтади. Иккинчи ҳаётга, босқичга ўта олмаган, яъни эзгу амалларни ҳаёт тарзига, фикр манбаига айлантира олмаган кишининг руҳи ўлиши билан майдаланиб кетади.²

Форобий фозил шаҳар кишиларининг бахтли, фаровон яшашини идеал ҳукмдор образи билан боғлайди. Ҳукмдорни у ”шаҳар юраги” деб атайди. Вужуднинг тўлақонли ҳаёт кечириши, фаолиятда бўлиши учун юрак қандай аҳамиятга эга бўлса, шаҳар бошлиғи ҳам кишиларнинг камоликка ва бахтли ҳаётга эришишида шундай рол ўйнайди.³ Бизнинг мавзу учун муҳим томони шундаки, бахтли, фаровон ҳаёт учун билим, ақл фаоллиги, хуш ахлоқ-одоб зарур бўлса-да, уларнинг замирида ижтимоий-сиёсий институтнинг фаолияти, мавжуд эзгу амалларни қўллаб-қувватлаши ётади. Ижтимоий-сиёсий институт ”шаҳар юраги” сифатида ижтимоий идеалнинг ядросига айланади. Бу билан Форобий ижтимоий утопик қараш тарафдорига айланади, чунки ”шаҳар юраги” ўздан ўзи ҳеч қачон тенглик, бахт-саодат, фаровонлик ташаббусқори бўлмаган.

Ижтимоий-сиёсий идеалнинг маълум бир кўринишини биз ”Соф биродарлар, садоқат дўстлари ва адолатли кишилар” уюшмасининг (X асрнинг иккинчи ярми) қарашларида ҳам кузатамиз. Ушбу уюшма ҳақида А.К.Зайцев, А.А.Игнатенко, М.Хайруллаев, Ҳ.Алиқулов ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида етарли маълумотлар топишимиз мумкин.⁴

”Соф биродарлар” ижтимоий борлиқни вужудий ва маънавий-руҳий бошқариш мумкин деб ҳисоблашади. Жамиятнинг табакаланишини тўрт гуруҳга ажратишади. Охирги, тўртинчи даражада осмондан туриб ўз ҳукмини амалга оширувчи илоҳий кучни кўришади. Ушбу куч Маънавий-руҳий шаҳарни бошқаради ва ҳар кимнинг амалларида, эътиқоди ва ахлоқига қараб роҳат-фароғат инъом этади.⁵ Тўғри, ушбу идеал шаҳарни Қонунбардор бошқарса-

¹ Ўша жойда. – С.75.

² Ўша жойда. – С.77.

³ Ўша жойда. – С.88.

⁴ Зайцев А.К. Философия ”Братъев чистоты”. – Баку, Изд. АН Азб.ССР, 1961.; Хайруллаев М. Культурное наследие и философская мысль. – Т.: ”Фан”, 1965; Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т.: ”Фан”, 1995 ва б.

⁵ Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья. – М.: ”Мысль”, 1989. – С.110-116.

да, унинг фаолиятида субъектив жihatлар, hatто абстракция устун туради. Уюшма аъзолари мавжуд тартибларни танкид қилиб, адолатли тузум, идеал жамият барпо этиш гоъсини илгари сурадилар. Hatто улар кишиларнинг hatти-харакатлари ва адолатсизликларидан ҳайвонлар олийжаноброқ деб биладилар.¹ Идеал жамиятни улар эксплуатациясиз, зўравонликсиз ҳаёт тарзида, олижаноб ахлоқ-одоб қарор топган жамиятда кўрдилар. Кишилар бахт-саодатли яшаши учун эзгу амалли, ўқимишли, фозил кишилар раҳнамолигида маънавий-руҳий баркамолликка интилишлари зарур.

Шарқ фалсафасида буюк заминдошимиз Ибн Сино (980-1032 йиллар)нинг алоҳида ўрни бор. У энциклопедик олим ва мутафаккир сифатида мавжуд ижтимоий тузум, борлиқда инсоннинг ўрни, унинг комил, етук бўлиши йўллари, жамиятнинг келажаги, давлатни бошқариш масалалари ҳақида ўйламаслиги мумкин эмас эди. Минг афсуски, мазкур мавзуга бевосита тааллуқли бўлган Ибн Синонинг "Бахт ҳақида", "Бахтга эришиш ҳақида", "Илоҳий сиёсат ҳақида" асарлари ҳанузгача топилмаган.

Ибн Синонинг фикрига кўра инсон якка яшай олмайди, у ижтимоий мавжудотдир. Аристотель кишини ижтимоий-"сиёсий мавжудот" деб атаган эди. Ибн Сино "Адолатли шаҳар" – идеал давлат, уни "файласуф – пайғамбар бошқариши зарур" деб ҳисоблаган.² Шундай фикр Платон томонидан илгари сурилган эди. Ибн Сино Платон ва Аристотелдан жамиятда стратификациянинг сақланиши ҳақидаги фикрларни ҳам қабул қилган. Куйи табақадагилар, куллар Адолатли Шаҳарга хизмат қилишлари шарт, уларни хизмат қилишга мажбур этиш зарур.³ Бахт-саодатга эришиш Ибн Сино талқинига кўра, адолатли, оқил, камсуқум ва довюррак ҳукмдорнинг давлатни бошқаришидир.

Тўғри, бизгача етиб келган асарлари ичида Ибн Синонинг бахт-саодатли ҳаётга эришиш йўллари қандай, нима қилганда кишиларни бахтиёр қилиш, бунинг учун давлат, жамият нималарни амалга ошириши зарур деган саволларга жавоб излагани учрамайди. Бирок мутафаккир Адолатли Шаҳар гоъси билан келажак ҳаётни идеал-

¹ Зайцев А.К. *Философия "Братьев чистоты"*. – Баку, Илд. АН Азб.ССР. – С.66.

² Игнатьенко А.А. *В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья*. – М.: "Мысль", 1989. – С.144.

³ Ўша жойда. – С.148-149.

лаштириб гасвирлаган. Айнан Адолатли Шаҳар Ибн Сино тасаввуридаги ижтимоий-сиёсий идеалдир.

Шарқ-араб фалсафаси Андалусия (Испания)да яшаб ижод этган мутафаккирлар ижодига, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашларига ҳам бевосита таъсир этган, улар Форобий, Ибн Сино меросидаги идеал давлат, бахт-саодатли ҳаёт ҳақидаги фикрлардан баъраманд бўлиб ўзлари ҳам янги ёндашувларни илгари суришган. Баъзан уларни Шарқ фалсафаси ва ижтимоий-сиёсий таълимотларининг давомчиси сифатида қарашади, чунки улар турмуш тарзи ва фалсафий мушоҳадаларига кўра Ғарб халқларига нисбатан Шарқ маданиятига яқиндирлар. Бу ўринда биз Абу Бакр Муҳаммад ибн Яҳйё Ибн ас-Саиҳ – Ибн Божо, Абу Бакр Муҳаммад Ибн-Абд-Оллоҳ Ибн Муҳаммад Ибн Туфайл, Абул Валид Ибн Рушдни назарда тутаёلمиз.

Ибн Божо (XI аср охири – 1139 йил) Форобий аъёналарини давом эттириб етук, идеал давлат ва унда яшайдиган кишиларнинг хуқ-атвори, бахтли яшаш йўллари ҳақида фикр юритади. У идеал давлат-шаҳарларни турли "Фозил Шаҳар" (ал-Мадина ал-Фозила), "Етук Шаҳар" (ал-Мадина ал-Комил), "Етук Фозил Шаҳар" (ал-Мадина ал-Фозил ал-Комил), "Имомлар Шаҳри" (ал-Мадина ал-Имомийа) номлари билан атайди.

Идеал давлатдан олдин Ибн Божо "вужудий шаҳар", "безакли шаҳар", "гасаввурий шаҳар" ва "хотира шаҳар"лар борлигини, уларнинг ўзига хос хислатлари, белгилари мавжудлигини таҳлил қилади. Мутафаккир назарида мавжуд бўлган барча шаҳарлар, давлатлар "киши руҳини касал қилган". Хаста руҳ, дил эса эзгуликни, олийжанобликни, ҳақиқатни кўра олмайди. Шунинг учун кишилар комилликни етук, соф ниятли кишилар яшайдиган эмас, балки бад ахлоқ, бузук ниятли кишилар яшайдиган, етук бўлмаган шаҳардан излашга ўрганган.¹ Бундай шароитда, файласуф фикрига кўра, киши бахт-саодатни яққалиқдан (товаххуд) излайди. Яққа киши Фаол Ақл билан уйғунлашиб бахтга эришади.

Бу ўринда мутафаккир бойлик, давлат, моддий неъматлар эмас, балки ақлни чархлаш, билим олиш саодат эканини таъкидлайди. Ислом фалсафасидаги суфийлик Ибн Божо қарашларига таъсир этган. Аслида ҳам нопок, ғофил кишилар даврасида дил, руҳ, киши

¹ Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья. - М.: "Мысль", 1989. - С.176-177.

"маънавий комиллик", юксаклик, эзгулик тополмайди, бундай дав-
радан кўра якка, ёлғиз ҳолда ўзининг руҳини, маънавий поклигини
асраб қолган афзал.

Шу билан бирга Ибн Божо мутлақ зоҳидликни, яккаликни
тарғиб этмайди, акс ҳолда унинг идеал шаҳар давлатларининг ўзи
бемаъни ҳаёл ўйинларига айланарди. Якка киши Фаол Ақл билан
қўшилганида, яъни ижтимоий ҳаётдагина етук шаҳар яратиши
мумкин. Шунинг учун файласуф, "билим олмасдан, ҳеч қандай
меҳнат қилмасдан, ҳар бир онда мутлақни эслаш билан олий бахт-
саодатга эришиб бўлмайди", деб ёзади.¹ Бахт-саодатга эришиш
омили ижтимоий ҳаётда, кишилар даврасида, жамиятадир. Аммо
Етук Шаҳарни барпо этишни ва кишиларни, ҳамма бахтиёр қилиш
сирини биладиганлар мудом кам бўлади. Ушбу якка кишилар
(мутаваҳҳидлар) ҳақиқатни ва кишиларга бахт-саодат келтириш
йўллари билгани учун нопок давраларни, нокомил уюшмаларни
бирлаштириб Етук Шаҳарни барпо этадилар.² Демак, кишиларни
бахтиёр қилиш идеал давлатни қарор топтириш орқали амалга
оширилади.

Абу Бакр Муҳаммад Ибн-Абд-Оллох, Ибн Муҳаммад Ибн Ту-
файл (XII аср боши – 1186 йиллар)нинг фалсафий мероси – повести
"Яхзон ўғли Ҳайёт (Ҳайет) ҳақида қисса" асари орқали маълумдир.
Асар мифологик характерга эга бўлса-да, унда маълум бир ижти-
моий-сиёсий идеал, бахт-саодат ҳақида фикрлар, гоёлар илгари су-
рилган. Гап шундаки, у ижтимоий тузумнинг тағайунга учраётган-
нини англади ва ўз қаҳрамони Ҳайё (Ҳайёт)ни кўшни оролда яша-
ётган кишилар даврасига ўтказди. Ҳайё (Ҳайёт) қарасаки, киши-
лар эзгуликдан узок, нафс ва фахшга берилган, нарсаларни қўлга
киритиш ўйи билан банд. У кишиларни эзгулик, поклик, инсонпар-
варлик йўлига бошламоқчи бўлади, лекин бефойда. Кишиларнинг
гофиллигидан, бадият ва очкўзлигидан кўнгли қолган Ҳайё (Ҳайёт)
ўз оролига қайтиб кетади ва умрини Ҳақиқат излашга бағишлайди.

Ибн Туфайл нопокликка, очкўзликка, ўткинчи нарсаларга бе-
рилган кишиларни эзгулик, тўғрилиқ, поклик йўлига қайтариш
кийинлигини тасвирлайди. Бахт-саодатни моддий нарсаларни эгал-
лашда кўрган кишиларни Ҳақиқат йўлига қайтариб бўлмайди.

¹ Ўша жойда. – С.179.

² Ўша жойда. – С.184.

Ибн Туфайл ижтимоий ҳаётни танқид қилади, лекин уни такомиллаштиришнинг аниқ йўлларини таклиф қилмайди. Унинг қаҳрамони кишилар даврасини тарқ этади, ўзи яққа қолишни, шу тарика ўз индивидуаллигини, зоҳидлигини бахтиёр яшаш усули, идеал ҳаёт тарзи сифатида тақдим қилади. Тўғри, Ибн Туфайлнинг асарига ҳозирги давр ва қарашлар нуқтаи назаридан ёндошиш мумкин эмас. Лекин асарда кишиларни бахтиёр ва фаровон яшашини таъминлашнинг аниқ ижтимоий-сиёсий масалалари муҳокама қилинганда, утопик ғоянинг ижтимоий-фалсафий қимматини сширган бўларди.

Абул Валид Ибн Рушд (1126-1198 йиллар) Шарқ перипатетикларининг андалус мактабига дахлдор файласуфлардан ҳисобланади. У ўттиз саккиз таҳлилий асарлар ва "Раддиятга раддия" каби бетакрор асарлар муаллифидир.¹

Ибн Рушд Эзгу Кишилар Шаҳри – идеал давлати концепциясини илгари сурган. У Платоннинг "Давлат" асарига таҳлил ёза туриб, ўзининг ҳам ижтимоий-сиёсий қарашларини баён этади. Унинг "номус шаҳри" (Мадина ал-карама), "пасткашлик шаҳри" (мадина ал-хисас), "ижтимоий шаҳар" (ал-мадина ал-жамийа) ва "итоат этилганлар шаҳри" (мадина ал-тахаллуж) каби шаҳар-давлат кўринишларини таҳлил қилар экан Муҳаммад пайғамбар давридаги ва "эътиқодли имомлар" даври давлат бошқаришини идеал сифатида қарайди.² Файласуфнинг фикрига кўра, тарбия, тарғибот, мусика ва бошқа ижтимоий воситалар орқали кишиларни эзгу амалли, демак, идеал давлатга мос инсонлар қилиб шакллантириш мумкин.

Ибн Рушд ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли деб билади, аёллар ҳам бахтиёр яшаш ва оиласини фаровон қилиш имкониятларига эга. Ақл, идрокка амал қилинган жамиятда ижобий ўзгаришларга эришса бўлади.³

Шубҳасиз, Ибн Рушднинг барча кишиларни тенг ҳуқуқли деб қараши Шарқ ва ислом олами учун прогрессив ҳодиса эди. Унинг ушбу фикрлари ислом мутаассиблари ўртасида норозилик уйғотган бўлиши мумкин.

¹ Степаняц М.Т. Восточная философия. – М.: "Восточ.лит.-ра" РАН, 2001. – С.446-447.

² Игнатенко А.А. В поисках счастья. Общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья. – М.: "Мысль", 1989. – С.236.

³ Уша жойда. – С.240.

Шарк мутафаккирларининг идеал давлат ва жамият ҳақидаги қарашлари ортодоксал ислом тарафдорларининг жаннат ва дўзах, умумжаҳон диний давлат ҳақидаги фикрларидан фарқ қилади. Улар, биринчидан, инсоннинг ақлига, маънавий-маърифий кучига ишонадилар, иккинчидан, бахтли, фаровон ҳаёт қандайдир сеҳрли кучнинг инъоми эмас, балки эрқаку аёлнинг эзгуликка интилиши натижасидир. Мутаассиблар илоҳий куч қудратини мутлақлаштирадилар, бу дунёдаги азоб-уқубатларни бир синов, келгуси дунёда – ўлгандан кейин насиб этиладиган роҳат-фароғат манбаи, жаннат эса абадий, ҳақиқий ҳаётдир деб таъкидлайдилар. Бундай ғайриҳаётий қарашлардан фарқли ўларок Мажид Хавафий, Авҳадий, Убайд Законий, Алишер Навоий, Кашифий, Давоний, Абдурахмон Жомий илоҳий адолатнинг мавжудлигини тан олган бўлсалар-да, инсоннинг ақлу идрокига, маънавий-ахлоқий камолотига, бахтли яшашига қатъий ишонч билан қарадилар.

Давоний бахтли яшашни фозил кишилар давлати билан боғлайди. "Бу шундай шаҳарки, - деб ёзади у фозил кишилар давлати ҳақида, - унда кишиларни бахтли қилиш қоидалари амал қилади, бахтсизликка олиб боровчи ҳоллар бартараф этилади".¹ Оқил кишилар бошқарган ушбу давлатда бахтиёр, фаровон яшаи оддий ҳол, қоида, қонунлар талаби ҳисобланади. Ғофиллар шаҳри, давлати эса кишиларни бахтсизликка, изтиробларга элтади. Бундай фикрни ўз пайтида Форобий, Ибн Сино ҳам билдирган. Давоний буюк заминдошларининг фикрларига таянган, албатта.

"Бахтиёр одам – ҳеч қандай ёмон нарсани қилишни истамайдиган одамдир" (А.Блаженный). Шунинг учун фалсафада бахтиёрлик эзгу амаллар билан боғлаб талқин қилинади. Тўғри, ёмонликни истамаслик психологик ҳолатдир. Маълумки, психологик ҳолат ўзгарувчандир, у ўзгармаган тақдирда ҳам мудом бахт-саодат манбаи бўлиб қола олмайди. Диний-фалсафий талқиндаги бахт эзгуликда, куч ишлатмаслик, илоҳий куч қудратига ва зўравоннинг жазоланишига ишонишдандир. "Бахтнинг моҳияти олий эзгуликка эришишдир" (Ф.Аквинский).² Олий эзгулик эса илоҳий кучда ёки илоҳий кучга эътиқоддандир. Бахтнинг бундай илоҳий талқини баъзан мавҳум бўлиб кўринади. Эзгуликка интилиб, эзгу амаллар билан яшаш ҳақиқат ҳам гўзал инсоний фазилат ҳисобланади. Ам-

¹ Социально-утопические идеи в Средней Азии. – Т.: "Фан", 1983. – С.120.

² Ўша жойда.

мо ушбу фазилат фақат шахснинг хоҳиши, интилиши маҳсули эмас, унинг намоен бўлишига ижтимоий омиллар ҳам таъсир этади. Ҳамма гап шундаки, ижтимоий-сиёсий идеал ушбу омилларни инсонпарвар жамиятдан кидиради ва, айнан инсонпарвар жамиятдагина кишилар, ҳамма ўзини баб-баробар бахтиёр сезади.

Бахт-саодат ва уни идеал жамият билан боғлаб қараш қуйидаги фикрларни билдиришга ундайди.

Биринчидан, Шарқ мутафаккирлари кишиларнинг бахт-саодатини реал ижтимоий борлик, идеал давлат ва жамият билан уйғунликда қарайдилар. Идеал давлат ва жамиятни утопик гоё сифатида яратиш муаммо эмас, аммо уларни барпо этиш кишиларни, ҳаммани бахтиёр яшашини таъминлаш воситасидир. Демак, идеал давлат ва жамият эмас, балки кишиларни бахтли қилиш асосий мақсаддир.

Иккинчидан, яқка шахс, зоҳид бахтиёр бўла олмайди. Бундай шахслар учун бахтиёрлик аслида ўзини ижтимоий бурчдан ҳолос этиш, авлодлар олдида ҳеч қандай масъулият сезмаслик, боқибегам яшаш усулидир. Шарқ мутафаккирлари кишининг бахтли умр кечиришини ижтимоий борлик билан боғлайдилар. Ҳатто шахсий ҳаётини ижтимоий ҳаёт орқали қоплаши, реал муаммоларни ҳал этишда фаол катнашиб, ўзини-ўзи ҳалос, яъни бахтиёр қилиши мумкин.

Учинчидан, бахтиёрлик психологик ҳолатни инкор этмайди. "Ўзини бахтиёр сезмаган – бахтиёр эмас" (Эпикур). Киши моддий неъматларга тўла эғалик қилсаю, агар у ушбу фаровонликни туймаса, ҳеч қачон бахтиёр бўла олмайди. Баъзан киши арзимаган бир сабабдан ўзини энг бахтиёр сезади. Демак, моддий бойликлар, неъматлар ўзидан-ўзи кишини бахтиёр қила олмайди, бахтиёр бўлишга психологик тайёрлик ҳам лозимдир.

Тўртинчидан, бахтиёрлик диалектикаси қуйидагича: "а) бахтга даъвогарлар кўп, бироқ бахтга сазоврлар кам; б) кишининг энг шакий кунлари – энг завқли кунларидир; в) киши ҳар недан бахт топиши мумкин бўлганидек, улардан бахтсизлик ҳам топиши мумкин; г) барча истаклари рўёбга чиқса, одам ўзининг нокомиллиги ҳақида ўйламасликдек бадбахтликка дучор бўлади; е) ўзгалар бахтидан бахтиёрлар чинакам бахтиёрдир".¹ Демак, бахтиёр ва фпронвон яшаш ранг-баранг ижтимоий омиллар билан боғлиқ

¹ Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлар лаззати. – Т.: "Маънавият", 2001. – 46 б.

вокеликдир, унинг намоён бўлиши ижтимоий-сиёсий идеални тўғри танлашга бориб тақалади.

2.4. Инсонпарвар жамият барпо этиш ижтимоий-сиёсий идеал сифатида

Ижтимоий идеал моҳиятан инсонпарвардир. Ушбу аксиома ҳеч кимда эътироз уйғотмайди, бироқ идеални ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш ҳақидаги қарашлар, концепциялар хилма-хил, баъзан бир-бирига зиддир. Бу ўринда биз социологик, этатистик, теологик, антропологик (гуманистик) ҳатто антигуманистик концепцияларга ҳам дуч келамизки, шунинг учун "инсонпарвар жамият", "гуманизм" тушунчалари, уларнинг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтишимиз зарур.

"Гуманизм" антропоцентризмга қурилган ижтимоий-сиёсий, этикага оид тушунча бўлиб, инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатларини юксалтиришни назарда тутди.¹ Европа Уйғониш даври мутафаккирлари (Эразм Роттердамский, Волла, Леонардо да Винчи, Монтень, Бэкон, Мор, Компанелла, Пико делла Мирандола, Франсиско де Витория ва б.) қадимги Юнон мутафаккирларининг инсон ҳақидаги ижобий фикрларига гаяниб инсонпарварликни фалсафий-ахлоқий реалликка, воқеликка айлантиришга, яъни жамият ҳаётини гуманизм принципларига қуришни ёқлаб чиқдилар. Агар Қадимги Юнон, айниқса илк насронийликдаги тушқунлик (Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий ва б.)ни Уйғониш даври мутафаккирлари "инсонни инсонга фаол ахлоқи"² даражасига кўтардилар. Ижтимоий борликни ижтимоий этика, гуманизмга йўғрилган ахлоқий кадриятларга таянган ҳолда ўзгартириш, юксалтириш, инсон фаолиятига оптимизм бахш этиш XIV-XVI аср мутафаккирлари рационал этикасининг моҳияти эди. А.Швейцер, Иисус этикаси пессимистик хусусиятга эга эди, деб ёзади, Эразм Роттердамский ва бошқа мутафаккирлар унга ижтимоий ҳаётни ўзгартиришга, инсонпарварликни кадрловчи келажакни қурувчи оптимизм бағишладилар.³ Рационал этика билан бирга ижтимоий тараққиётга

¹ Новейший философский словарь. – Мн.: Изд. В.М.Скаун, 1998. – С.185.

² Швейцер А. Культура и этика. – М.: "Прогресс", 1973. – С.155.

³ Ўша жойда.

ишонч пайдо бўлди. "Тараққиётга ишонч эса жамият ва инсониятни ўзгартириш мақсадини аён қилди".¹

Гуманизмнинг рационал этик таълимотга, унинг жамиятни ва инсониятни ўзгартирувчи идеал гоёга айланиши ўта муҳим ҳамда зиддиятларга тўла икки муаммони ҳал этиши, илмий-назарий нуқтаи назардан очиб бериши зарур эди. Биринчиси – эзгулик билан ёвузлик ёки яхшилик билан ёмонлик, иккинчиси альтруизм билан эгоизм ёки фидойилик билан манманлик ўргасидаги қарама-қаршилиқни ҳал этишдир. Ушбу муаммоларни охиригача ҳал этиш мумкин бўлмаса-да, ҳар ҳолда рационал этика насронийликдаги пессимистик қарашлардан фарқ қиладиган ёндашув асосида уларга ўз муносабатини билдириши, ижтимоий ва инсон тараққиётига мос тавсияларни бериши зарур эди.

Эзгулик (яхшилик) ва ёвузлик (ёмонлик) азалий мавзулардан бири ҳамда инсоният билан ёнма-ён яшаб келаётган воқеликлардир. Бугенвилль ва Руссо юқоридаги мунофий хислатлардан холи, "азалий тинчлик"да яшаган ибтидоий одамни ахлоқан комиллик идеали сифатида қараган эдилар.² Аммо ҳаёт мудом бири-бирини инкор этувчи мунофий кучлар, гоҳ у, гоҳ бу сифатларнинг детерминациясига мувофиқ кечганини "Руссо ҳам, унинг издошлари ҳам, чамаси, билишмаган".³

Тўгри, Эразм Роттердамский инсондаги ушбу мунофийликни руҳ ва вужуднинг зиддиятларида деб билди. У, "Агар сенга вужуд берилмаганида сен илохий бўлардинг, агар сенга ақл берилмаганида сен ҳайвоний бўлардинг" деб ёзади. Монтень эса одам ўзгарувчан мавжудот, унда ҳеч нима барқарор, бошдан охиригача муқаррар эмаслигини ёзади: "Биз турли режалар орасида иккиланиб яшаймиз, бизнинг истакларимизда ҳеч қандай муқимлик, ҳеч қандай эркинлик, ҳеч қандай ўзгармайдиган нарса йўқ... Биз барчамиз яхлитликдан маҳруммиз ва ҳар бири ушбу онда ўз ролини ўйнайдиган айрим бўлақчалардан ташкил топганмиз. Бизнинг ички тузилишимиз шунчалар ранг-баранг ва турфаки, ҳар хил онларда биз нафақат бошқалардан, шунингдек, ўзимиздан ҳам фарқ

¹ Ўша жойда. С. -155-156.

² Скрипник А.П. Моральное зло в истории этики и культуры. – М.: Политиздат, 1992. – С.14.

³ Ўша жойда. – С.15.

⁴ Человек: Мыслители прошлого и настоящего о его жизни, смерти и бессмертии. – М.: Политиздат, 1991. – С.239.

киламиз”.¹ Ушбу фикрлардан келиб чиқсак, мутлак бир хислат билан яшовчи, мутлак бир қадриятга, нормага эргашувчи киши йўқ, эзгулик билан ёвузлик орасида гоҳ унга ён босиб, гоҳ бунга ён босиб яшаш инсон қисмати деган хулосага келамиз. Бирок ижтимоий идеални бу жавоб қониқтирмайди, чунки ушбу дуализм у излаётган идеал ҳолат, идеал хислат, идеал инсон эмас. Ижтимоий идеал мунофийликни қайд этишни эмас, бу ҳолда унинг оддий қараш ва оддий фикрдан, тасаввурдан фарқи қолмасди, балки идеални, бекаму-қўстлик ва етукликни истайди. Демак, у, прогрессив воқелик сифатида, тараккиётга гоҳ ёки зид ҳолатларни рад этиши, эзгуликнигина тан олиши лозим. Реалликдан ўзиш орқали идеални реалликка айлантириш истаги ижтимоий идеалнинг хислатидир. Шу нуқтаи назардан ижтимоий идеалга прогрессив томонни мутлақлаштириш ҳосдир. Мутлақлаштириш аслида тараккиётнинг, ривожланишнинг аксидир. “Етуклик ҳеч нимага эҳтиёж сезмасликдир, ноқомиллик эса эҳтиёж бўлиб яшашни давом эттиришдир”.² Ижтимоий идеал ичидаги ушбу зиддиятни батамом ҳал этиб бўлмайди, аслида у инсон табиатидаги зиддиятлар маҳсулидир.

Ижтимоий идеал эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги зиддиятни гуманизмни қўллаб-қувватлаш, инсонпарвар жамият барпо этишга қаратилган тасаввурларни шакллантириш орқали ҳал этмоқчи бўлади. Бу ҳам утопиядир, бироқ ушбу зиддиятларнинг оддий кузатувчиси, бефарқ томошабин бўлгандан ёвузликни камайтиришга ундовчи, ҳатто утопия бўлса-да, инсонпарвар ғоялар афзалдир.

Эзгулик ва ёвузлик инсонга ҳос хислатлар бўлса-да, уларни у ёки бу томонга ўзгартириш мумкин. Э.Фроммнинг ёзишига қўра зўравонлик, ёвузлик инсон табиатига ҳос хислат эмас, улар цивилизациялар маҳсулидир.³ Демак, ёвузликни камайтириш имкони маъжуд, у жамиятни инсонпарварлаштиришдир.

Гуманизм, инсонпарвар жамият альтруизм ва эгоизм, фидойилик ва манманликни ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан ҳал этишни тақозо қилади. Чунки ушбу мунофий хислатлар эзгулик ва ёвузлик каби инсонни азалдан таъкиб қилади. Бирор мутафаккир, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий таълимот йўқки, уларни у ёки бу доирада, йўналишда тадқиқ этмаган бўлсин. Ижтимоий иде-

¹ Ўша жойда. – С.261, 264.

² Аристотель. Сочинения в 4-х т. Т.4. – М.: “Мысль”, 1983. – С.301.

³ Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – М.: “Республика”, 1994. – С.225.

ал ҳақидаги барча ғоялар, таълимотлар уларга ўз муносабатини билдиради ва, бу табиий ҳолдир, альтруизмни қўллаб-қувватлайди. Аммо Ғарбда инсон эрки, демократик кадриятлар шиори остида индивидуализмни, рақобатни, ким ўзини қўллаб-қувватловчи қарашлар ҳам мавжуд. Улар идеал жамиятни шахсга ўз имкониятларини, салоҳиятини тўла, ҳатто табиатни эксплуатация қилиш, бойлик орттириш ҳисобига бўлса ҳам, рўёбга чиқаришни таъминлайдиган ижтимоий тузумда кўрадилар. Инсон дунёга келган экан у ўзидаги кучларни тўла намоён эта олиш имконига эга бўлиши даркор. Технократик жамиятлар ақлу идрокни мутлақлаштириш орқали инсонни табиатга, борликка қарши қилиб қўяди, уни ўз "мен"ини тўла намоён этишни идеаллаштиради.

А.Швейцер фикрига кўра, альтруизм билан эгоизм ўртасидаги алоқадорликни уч усул билан изохлаш мумкин: 1) эгоизм изчил фикрлаш жараёнида ўзидан-ўзи альтруизмга ўсиб чиқади; 2) альтруизм аввало ижтимоий онда шаклланади кейин эса шахсга ўтади; 3) альтруизм ва эгоизм инсон табиатида мудом мавжуддир.¹

Биринчи усулдан келиб чиқилса, эгоизм "фаол ақл" натижасида альтруизмга айланади. Инсон ўз ҳагги-ҳаракатларини ўзи тинмай баҳолаб борса, улардаги ижобий ва салбий томонларни киёсласа, у, табиий равишда, ижтимоий манфаатларга хизмат қилиши зарурлигини англаб етади. Чунки ижтимоий борлик шунчаки муҳит, макон эмас, у инсонни гўдаклигидан вужудига сингган субстанциядир. Инсон онтологик нуқтаи назардан ҳам, субъектив нуқтаи назардан ҳам ижтимоий борлик маҳсулидир. Айнан ушбу омил ундаги эгоизмни альтруизмга айлантиради.

Баъзан бу жараёни илоҳий омиллар билан ҳам боғлаб изохлашади. Худо кишига онг, гафаккур инъом этган экан у умумийга интилиши шарт. Умумий орқали у ўзининг инсонийлигини исботлайди. "Ҳақиқий инсонпарварлик, - деб ёзади Н.А.Бердяев, - худога монандлик, инсондаги илоҳийликдир... Инсонга ўхшаш учун Худога ўхшаш лозим. Инсоний образга эга бўлиш учун Худо образига эга бўлиш даркор. Инсон ўзига ўзича жуда оз инсонийдир, у ҳатто ғайринсондир. Инсон инсонпарвар эмас, балки Худо инсонпарвардир. Худо инсондан инсонийликни талаб этади..."² Файласуф одам ўзидаги ҳайвоний ҳислатларни кўпроқ намоён этишга

¹ Швейцер А. Культура и этика. – М.: "Прогресс", 1973. – С. 159.

² Бердяев Н.А. Диалектика общественного и человеческого. – М.: АСТ; Харьков: "Фолио", 2005. – С.427.

мойил деб кўрсатади. "Ҳайвон эмас, балки ҳайвонга айланган одам хавфлидир".¹ Инсоннинг худо билан алоқадорлиги, инсонпарварликнинг худодан келиб чиқиши гуманизмни азалий, муқаддас воқеликка айлантиради. Инсон ушбу муқаддас воқеликни ўзида барқарор ҳислатга айлантириб, ерда гуманизмни шакллантиради. Инсонпарвар жамият, Н.А.Бердяев концепциясига кўра, одамнинг эгоизмдан воз кечиб худо максадларига ўзини фидо этиши, яъни илоҳий альтруизмга ўтиши босқичидир. Бироқ бу илоҳий альтруизм мутлақ худо манфаатини назарда тутмайди, балки инсондаги инсонпарварликни юксалтиришга қаратилгандир. "Одамдаги ижтимоийлик курашлар натижасидир".² Ушбу кураш инсонпарварликка, уни қарор топтиришга қаратилган курашдир, албатта.

Альтруизмнинг ижтимоий онгдан индивидуал хатти-ҳаракатга ўтиши ҳақидаги иккинчи усул социоцентризмдир. Бу тақдирда "ижтимоий борлик ижтимоий онгни белгилайди". Тўғри, ижтимоий борлик онгнинг барча кўринишига таъсир этади, баъзан шахс тўла тарзда ижтимоий муҳит маҳсули сифатида намоён бўлади. Лекин ушбу усулда шахс альтруизмининг мустақил воқелик эканини англаш қийин. Шахс альтруизми ижтимоий онг ёки ижтимоий манфаат воситасига айланади, унда эрка, иродага, бурчга ўрин қолмайди. Олдий кузатишлардан ҳам маълумки, баъзан шахс фидойилик кўрсатаётганида хатти-ҳаракати ижтимоий манфаатларга мос келадими ёки мос келмайдими бу ҳақда ўйлаб ўтирмайди. У ўзининг онгидан жой олган ғоясига ёки шахсий манфаатларига эргашиши, уларни ҳимоя қилиши мумкин. Монтеннинг ёзишига кўра, Александр Македонскийнинг машхур саркардаси Антигонни до-вюрраклиги ва эзгу қалбли аскар экани учун хурмат қилади. Жанглардан бирида Антигон ярадор бўлади, Македонский уни тез даволашни буюради. Шундай қилишади ҳам, лекин аскар энди до-вюрраклигини йўқотган эди. Бунинг боисини сўраганда аскар дейди: "Бунга, ҳукмдор, ўзинг айбдорсан. Бераҳм ҳаётдан қутулиш учун мен до-вюрраклик кўрсатардим..."³ Демак, альтруизм ижтимоий онгдан, манфаатлардан келиб чиқавермайди. Агир ижтимоий онг, манфаатлар устуворлик қилганида деярли барча альтруизмга мойил ва ўзи билмаган ҳолда факат альтруизм ҳислати билан яшарди.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда. – С.429.

³ Человек: мыслители прошлого и настоящего о его жизни, смерти и бессмертии. – М.: Политгиздат, 1991. – С.261.

Минг афсуски, ижтимоий онг детерминизми ҳар доим ҳам шахс онгини, тажрибасини енгиб ўтавермайди.

Учинчи усул альтруизм ва эгоизмни инсон табиатига мудом хос хислат деб қарашни ёқлаб чиқади. Бу фикрга кўшилиш мумкин. Бироқ қандай шароитда альтруизм ва қандай шароитда эгоизм шахс онгидан, хатти-ҳаракатларида устувор ўрин эгаллайди деган савол очик қолади. Аслида гуманизмнинг, инсонпарварликнинг ижтимоий воқеликка айланиши ҳам ушбу саволга жавоб топишдадир.

Инсонпарвар жамият инсоннинг манфаатларини кондиришни, ахлоки ва одобини, маънавиятини юксалтиришни, ижтимоий борлиқда инсонни олий кадриятга айлантиришни назарда тутати. Унинг учун инсонга хизмат қилмайдиган, ундаги ижобий фазилатларни, кучларни қўллаб-қувватламайдиган институт, нормалар, қоидалар бўлиши мумкин эмас. Нимаки инсон камолотига хизмат қилмаса, унинг ижтимоий ҳаётдан жой олиши мақсадга мувофиқ эмас. Шу билан бирга ҳар бир давр, ҳар бир минтақа ва халқ, миллат "инсонпарвар жамият", "гуманизм" тушунчаларига ўзининг ташкинларини ҳам қўшиб келади. Гуманизм ғояларини илгари сурган XIV-XVII аср Европа мутафаккирлари учун инсонпарвар жамият энг аввало эркинлик, озодлик, тенглик, биродарлик шиорларига асосланган адолатли жамият эди.¹ Урта асрдаги буюк заминдошларимиз учун инсонпарвар жамият – ижтимоий идеал сифатида инсон билан борлиқ, одам билан худо, ахлоқ билан фаолият уйғунлашган жамият эди. Мустақил Ўзбекистон учун ижтимоий-сиёсий идеал – фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Инсонпарварлик эса ушбу идеалнинг моҳиятини ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддимасида "инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш" халкимиз олдида қўйилган стратегик мақсад экани қайд этилган.

Инсонпарвар жамият инсон кадрини, шаънини, манфаатларини, камолотини ўзининг бойлиги ва тараққиёт мақсади деб биладиган жамиятдир. Инсонпарвар жамиятдаги ижтимоий муносабатлар инсонни улуглаш мақсадига қурилади, инсонга хизмат қилиш бошқаришнинг бош тамойили ҳисобланади.

Инсонпарвар жамиятда қуйидаги принциплар, нормалар ва кадриятлар устувор бўлади:

¹ Культура. Нравственность. Человек. – Т.: "Фан", 1991. – С.26.

1) ижтимоий-сиёсий институтларнинг мақсади инсон манфаатларига хизмат қилади;

2) инсон қадр ва шаънини ҳимоя қилиш барча ҳуқуқ нормаларида муқаррар бўлади;

3) шахснинг интеллектуал салоҳиятини, ижодий қобилиятини юксалтириш ижтимоий институтларнинг бош вазифасига айланади;

4) инсон тараққиёти мамлакат ривож, иқтисодий юксалиш, маданий ўзгаришлар мезони сифатида қаралади;

5) мамлакатдаги ҳар қандай ўзгаришлар негизда инсон манфаатларини тўла қондириш ва унинг ижтимоий-ахлоқий, маънавий тараққиётини таъминлаш ётади;

6) демократик қадриятлар шахс эркини, индивидуаллигини, ўзига ҳослигини қўпчилик манфаатларига, хоҳишларига қурбон қилиш орқали эмас, балки шахсий ва умумий манфаатларни, кизиқишларни уйғунлаштириш орқали қарор топтиради;

7) умумпланетар миқёсда гуманистик меъёрлар, нормалар, парадигмалар ишлаб чиқилади, уларга амал қилиш эса жаҳонда тараққиёт мезонига айланади.

Ушбу принциплар у ёки бу қўламда ижтимоий-сиёсий борлиқда амалга тадбиқ этилмоқда. Масалан, ижтимоий-сиёсий институтларнинг инсон манфаатларига хизмат қилиши принципини олайлик. "Инсон ҳуқуқлари ҳақида умумжаҳон Декларацияси" (1948 йил 10 декабр), "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақида халқаро пакт" (1966 йил 16 декабр) ва бошқа халқаро ҳужжатларда¹ инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари БМТга аъзо давлат устига юклатилиши, барча давлатлар ушбу гуманистик нормаларга риоя этиши таъкидланади. "Халқларнинг тинчлик ҳуқуқлари ҳақида Декларация" (1984 йил 12 ноябр), "Тараққиёт ҳақида Декларация" (1986 йил 4 декабр), "Ижтимоий тараққиёт ва ривожланиш ҳақида Декларация" (1969 йил 11 декабр) каби БМТ ҳужжатларида ҳам халқларнинг тинч-тотув яшаш манфаатлари, ижтимоий-маданий тараққиётни кафолатлаш принциплари белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатлар инсонни бошқа кучлар, институтлар томонидан камситилишига, ҳуқуқларини ва шаънини топталишига йўл қўймайди. Аммо ижтимоий-сиёсий борлиқда инсон шаънига турли тажовузлар уюштириш ҳоллари ҳамон учраб туради. Турли ўлка ва давлат-

¹ Права человека: Единство общечеловеческого и национального. – Т.1. – Т.: ИПК "Шарк", 1995. – С.17-79; 100-127.

ларда учраётган ички низолар, миллатлараро тўқнашувлар инсон манфаатларига нафақат зид, балки моҳиятан ғайринисонийдир. Демак, инсонпарвар жамият барпо этиш ғояси эскирмаган, у янги бир йўналиш ва янги бир моҳият билан пайдо бўлмоқда. Ҳатто постмодернизм ҳам инсонпарварликни рад этмайди.

Инсонпарвар жамият умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг қарор топишини такозо этади, чунки умуминсоний ахлоқ кишиларни миллати, ирки, маданияти, фуқаролиги, жинси ва мавқеидан қатъий назар гуманистик парадигма атрофида бирлаштирувчи қучдир. Ушбу гуманистик парадигмага инсоният эъзозлаб ва амал қилиб келаётган мавжудотга озор берма, ўлдирма, бировнинг молига кўз олайтирма, фахшдан, нафсга берилишдан ўзингни тий, меҳнат қилиб кун кўр, топганингни аввал оила аъзоларингга, кейин кариндошларингга, ундан кейин эса бошқаларга сарфла, оила қуриб, фарзандлар тарбиялашни унутма, ёмонликни хаёлингга ҳам келтирма, билим олишга меҳр қўй ва фарзандларингни ҳам билим олишга ўргат, бошқалар билан инок, тотув яшаш каби қоидалардан иборатдир. Бир қарашда дидактик хусусиятга эга ушбу фикрлар узок асрлик тажрибалардан ўтган, инсониятнинг унутилмас қадриятларига ва тараққиёт шартига айланган. Инсонпарвар жамият ушбу қоидалар ва принциплар асосига қурилади.

Инсонпарвар жамият инсон билан борлик, шахс билан давлат, манфаат билан табиат, ахлоқ билан ҳуқуқ, сиёсат билан маънавият ўртасида мудом уйғунлик, мураббатлик бўлишини таъминлайди. Уларнинг бирон-бири ўз манфаатларини мутлақ ҳақ деб даъво қила олмайди. Шу жумладан, инсон манфаатлари ҳам.

Юқорида биз инсонпарвар жамиятда инсон манфаатларига хизмат қилиш устувор принцип ҳисобланади дедик. Лекин бу инсон манфаатларини мутлақлик даражасида тушунишга олиб келмаслиги зарур. Борлик уйғунликни, гармонияни талаб этади. "Инсониятнинг бошқариш қийин тараққиёти кескин ўзгаришлар қилиш даврига олиб келди, - деб ёзади "Рим клуби"нинг президенти А.Печчеи. - Келажак мисли кўринмаган офатлар ёқасига келиб қолди ва шунингдек, у ёркин уфққа элтиши ҳам мумкин. Ҳозирги замон кишининг адашишга ҳақи йўқ..."¹ А.Печчеи инсоният глобал инқирозларга рўпара келаётганини, улардан қутулиш энг аввало инсонга, "гуманистик инқилобга" боғлиқ деб кўрсатади.

¹ Печчеи А. Человеческие качества. - М.: "Прогресс", 1980. - С.180.

Факат инсон қалбида, дилида рўй берадиган "гуманистик инқилоб" унда борлик учун масъуллик ҳиссини уйғотиши ва инсоний сифат ўзгаришларига олиб келиши мумкин".¹

Кейинги тўрт аср инсон ақлу идрокини улуғлаб, унинг манфаатларини, фаолиятини, табиатни ўзгартириш қобилиятларини мутлақлаштириб келди. Натижада инсон билан табиат ўртасида глобал зиддиятлар пайдо бўлди. Энди эса ушбу инкирозларни, зиддиятларни бартараф этиш учун инсонни ҳам, унинг атрофини ҳам инсонийлаштириш заруриятга айланди. Факат "инсонийлик инкилоби", яъни инсондаги олий инсоний сифатларни ривожлантириш бизни халос этиши мумкинлигини англашимиз лозим".²

Инсонпарвар жамият нафақат юксак ахлоқий-маънавий фазилатларга, худди шунингдек, юксак маданиятга ҳам қурилади.

Талантсиз одам йўқ, ҳамма у ёки бу ижод билан шуғулланишга мойилдир. Маданият тарихида шундай мисоллар борки, киши 50-60 ёшидан кейин ўзидаги ижодий кучларни намоён этган. Масалан, андижонлик Абдунаби Бойқўзиёв (Интизор) 50 ёшидан ошгач поэзия, шеър ёзишга мойиллик сезади ва илк китобини нашр эттиради. Мана "Довонда" шеърдан парча:

Симиллаб оғрийди туманнинг бағри,
Қайдадир ихрайди тоғлар, қиялик.
Юзимга урилар ургурнинг қаҳри,
Шундоқ тепамизда хавотир, ҳадик.
Бошини ҳар ёққа уриб борар йўл,
Ўнги чоҳ, сўли – кир, орти маломат.
Ҳайратнинг кўзи кўр, тафаккур малул,
Бу ерларда факат яшар хаёлот.³

Ёки "Изингизда зорлар" шеърдан парча тинглайлик:

Дилим хунобидир – шеърларим, байтим
Сизга айтарларим, дерларим айтдим.
Мана илкингизда – қалбимдир қадах,
Хоҳ уни сипқоринг, хоҳ тўқинг чайқаб.⁴

Фалсафий моҳияти, маъноси ва кофиявий тузилиши нуқтаи назардан ушбу мисраларга "профессионал" шоирлар ҳам ҳалас қилиши мумкин.

¹ Ўша жойда. – С.181.

² Ўша жойда. – С.209.

³ Бойқўзиёв А. Жудолиғ дашти (шеърлар, дoston). – Т.: "Шарк", 2006. – 23 б.

⁴ Ўша жойда. – 63 б.

Инсонпарвар жамият ҳар бир кишидаги ижодий сифатларини тўла намоён этиш имконини беради. Ижтимоий идеал нуқтаи назардан эса бу жамият ҳар бир фукаросида доҳийона талант эгасини, адабиёт ва санъатда, ижодда бетакрор асарлар яратишга кодир субъектни кўради. Шахсни ёшлиқдан маданий бойликлар яратишга ўргатиш умумий ҳаёт тарзига, ота-оналарнинг бош вазифаси ва келажак олдидаги бурчига айланади. Кишилар йиққан бойликлари, қурган данғиллама уйлари билан эмас, талантли фарзандларни тарбиялаётгани билан фخرланадиган бўладилар. Ҳар бир кўча, муҳолиш, уй, мактаб ана шундай бетакрор талант эгаларининг номлари билан аталади. Майдонлар, кутубхоналар, маданият саройлари талантли кишилар ўз асарларини намоёиш қиладиган, ижод тўғрисида эркин фикр алмашадиган ва баҳслашадиган масканларга айланади. Кишилар қалбини майда-чуйда гаплар, фисқу фасод эмас, балки ўқиган ёки кўрган асарлари ҳақидаги ўй-фикрлар, эртага, ҳатто бир-икки ойдан кейин қандай драматургнинг асари театрларда қўйилиши ва унинг мувафакқияти ҳақидаги тилаклар эгаллайди. Ҳар бир ижодий-маданий ютук, кашфиёт йирик воқеа сифатида муносиб олқишланадиган, ҳар бир шоир ёки олимнинг уйи вафотидан кейин издошлари, ўқувчилари йиғиладиган уй-музей бўлади...

Инсонпарвар жамият қандайдир бошқа идеал жамиятлардан мутлақ фарқ қиладиган жамият эмас. У барча идеал жамиятларнинг субстанционал моҳиятини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай идеал жамият ва идеал давлат энг аввало инсонпарварлик принципларига қурилади. Лекин у ҳар бир жамият ва давлатнинг ўзига хос тараққиёт йўллари борлигини инкор этмайди.

III- БОБ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ: ОНГ, ХУЛҚ-АТВОР ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙЎНЛИГИ

3.1. Ижтимоий-ахлоқий идеал ва Шарқона маънавий императив

Ижтимоий идеалнинг навбатдаги ички тизими, қисми ижтимоий-ахлоқий идеалдир. Улар субстанционал моҳиятига кўра узвий боғланган бўлиб, иккинчиси биринчисидан стратегик мақсад йўналиш олади. Ички тизим, қисм у ёки бу даврга, тарихий-маданий парадигмага қараб долзарблик касб этиши ёки долзарблик касб этмаса, айрим гуруҳлар, партияларнинг гипотетик тасаввурлари, инсон ва келажак ҳақидаги ўйлари даражасида қолиши мумкин. Лекин ижтимоий идеалнинг бирорта тизими ёки қисми ахлоқий идеални асосий мақсадларидан бири сифатида эътироф этмай ўта олмайди, чунки ҳар қандай идеал, прогрессив воқелик сифатида, инсонпарвар жамият барпо этишни назарда tutади.

Ижтимоий идеал мавжуд ижтимоий муносабатлардан, реалликдан, шу жумладан, тарихий-маданий муҳит ва парадигмадан ўсиб чиқади. Ижтимоий борлиқдан мутлақ узилган, ундан айрича кечадиган идеал йўқ. Демак, ижтимоий-ахлоқий идеал ҳам маълум бир тарихий-маданий тажрибага, шаклланган маънавий қадриятларга, анъаналарга таяниши лозим. Аммо бу таяниш мавжуд тажриба, қадрият ва анъаналар билан айнан эмас, балки уларнинг онгда субъективлаштирилган (идеаллаштирилган) кўриниши, мавжуд хулқ-атвор, маънавий қадриятлар ва бутун ижтимоий-ахлоқий ҳаётни такомиллаштиришга қаратилган гоё, тасаввур, мақсаддир.

Ижтимоий-ахлоқий қадриятлар, тушунчалар ва нормалар бугун кашф этилган эмас. Бу борадаги ҳар қандай янгилик, идеал мавжуд тажрибаларнинг идеаллаштирилган давомидир. Ушбу тарихий-маданий негизидан узилган ёки уни инкор қилган янги норма, идеал охир натижада инсоннинг ўзига қарши чиқади, уни маънавий таназулга етаклайди. Мавзуимиз Шарқона маънавий-ахлоқий императивдан келиб чиқади, биз ўрганмоқчи бўлган ижтимоий-ахлоқий идеал, тадқиқочимиз концепциясига мувофиқ, бевосита ушбу императивга мурожаат қилишга ундайди.

Ахлоқ инсоннинг ҳаёти ва фаолиятининг барча қирралари билан ҳамбарчас боғлиқ ижтимоий воқелиқдир. Шунинг учун ушбу

музаккаб вокеликни маълум бир императив сифатида қараш мудом ҳўлик бўлмайди. Аммо фикр-мулоҳазаларимиз ва тадқиқот предметимиз аниқ бўлиши учун Шарқона маънавий-ахлоқий императивни маълум бир тизимда, боғлиқликларда қарашимиз зарур. Биз уларни кўйидаги йўналишларда ўрганиш мумкин деб биламиз.

1. Олампарварлик.
2. Инсонпарварлик.
3. Ватанпарварлик.
4. Оилапарварлик.
5. Эзгулик тантанасига ишонч.
6. Ижтимоий аҳиллик ва дўстлик.
7. Бағрикенглик.
8. Меҳр-муҳаббат, ишқ.
9. Аждодларга иззат-хурмат ва содиқлик.
10. Ҳалоллик ва меҳнатсеварлик.
11. Олийжаноблик.

Шарқ фалсафасида одам билан оламнинг уйғунлиги, олампарварлик масаласи аксиома даражасига кўтарилган.¹ Бирорта фалсафий оқим уни, яъни олампарварлик ғоясини шубҳа остига олмаган.

Илк фалсафий оқимлардаёқ одам билан олам уйғунлиги масаласи муҳокама этилишини кузатамиз. Масалан, ҳинд ведалари ва упанишадларидан олдин яратилган "Маҳобҳорота"да Яратган одам билан олам яхлитлигини қайта ва қайта қаҳрамонга, яъни Аржунага таъкидлаб дейди: Йога – билим ва Йога – ҳаракат уйғунликка, етукликка олиб боради, деб тарғиб этганман. Худоларни сиз қурбонлар билан таъмин этасиз, худо ўз навбатида сизларни қурбонлар билан таъминлайди, шу тариқа, бир-бирингга ёрдам бериб Олий Эзгуликка этасиз. "Оламнинг бутунлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қил".²

Қадимги Хитой ёдгорлиги "Ўзгаришлар китоби"даги триграмма ва гексограммалар олам бутун бирликдан иборат, борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар бир-бирига боғлиқ, ёруғлик ва қоронғулик, ғайрат ва лоқайдлик, иссиқ ва совуқ, эркак ва аёл, тугилиш ва ўлиш, хуллас, мавжудлик негизида диалектик боғлиқ бутунлик ётади деган маънони англатади.³

¹ Степанянц М.Т. Восточная философия. – Т.: "Вост. лит-ра" РАН, 2001. – С.1.

² Семенов В.С. Бхагаватгита в традиции и в современной научной критике. – М.: Гл.восточ.лит-ра "Наука", 1985. – С.159.

³ Шуцкий Ю.К. Китайская классическая книга перемен. Ицзин. – М.: "Русское книг. изд. Товарищество", 1993. – С.12-13.

Ушбу энг қадимги Шарк ёдгорликларидаёқ кишилар ўзини оламнинг бир уйғун қисми сифатида билгани кўзга ташланади. Тўғри, илк ибтидоий қарашлар уларда ақс этмаслиги мумкин эмас эди. Айниқса мифологик тасаввурлардаги одамнинг маълум бир хайвонлардан; предметлар ва табиий ҳодисалардан келиб чиққани, тарқалгани ҳақидаги фикрлар илк фалсафий қарашларга ўтгани шубҳасиз. Лекин улар инстинктив хусусиятга эга бўлса, фалсафий оқимларда энди англанилган, идрок этилган қарашлар даражасига кўтарилади. Масалан, буддизм ва бошқа ҳинд фалсафий мактабларида табиатга зарар етказиш қораланади, маймун, сигир, ҳатто айрим ўсимликлар илоҳийлаштирилиб уларни нобуд қилиш тақиқланади. Шундай ёндошишларни биз "Авесто"да ҳам учратамиз. "Инсон, - дейилади "Авесто"да, - бир умр сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жами яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир".¹

Оламни асраш – инсонни асрашдир. Бу ўринда гап одам билан оламнинг нафақат уйғунлиги, худди шунингдек, ушбу уйғунликни асраш инсонга боғлиқлиги устида кетаябди. "Олампарварлик" ижтимоий-ахлоқий тушунча сифатида инсонга, унинг борликка муносабатига тааллуқлидир. Айниқса XX асрда авж олган глобал инкирозлар олампарварлик ғоясини инсониятнинг тирик қолиш ёки тирик қолмаслиги билан боғладики, энди барча илмий-назарий изланишлар янги тараққиёт моделини, идеал ҳаёт тарзини яратишни ўз бурчига, вазифасига айлантирди. Г.Маркузе "қолипланган шахс" ("одномерный человек") деганида эса индустриал жамият инсондаги индивидуалликни бартараф этиш йўлидан бораётганини танқид қилади, жамиятнинг репрессив таъсири нафақат табиатга, худди шунингдек, шахсга ҳам салбий таъсир этади деб кўрсатади.² Шунинг учун инсоният табиатни репрессив тарзда эксплуатация қилишдан олампарварликка, яъни ўз майл ва эҳтиёжларини чегаралашга, чеклаш ва идора этишга ўтиши лозим.

Инсонпарварлик ижтимоий-ахлоқий идеалнинг марказий ғоясидир. Аслида ижтимоий-ахлоқий идеал жамиятда, кишиларда инсонпарварликни юксалтириш, барча муносабатларда инсонпарварлик принципидан келиб чиқиш назарда тутилади.

¹ Одам ва олам. – Тошкент. 2005. – 22 б./Тинчлик таълими ва маданиятлараро ҳамжиҳатлик маркази.

² Маркузе Г. Эрос и цивилизация. Одномерный человек. – М.: ООО "Изд-во АСТ", 2003. – С.525-526.

Ижтимоий борлик инсон томонидан яратилган, ундаги институтлар ва неъматлар ҳам инсонга аталган, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Ижтимоий-ахлоқий идеал инсонни, ундаги инсонийликни улуғлашдан келиб чиқади. Комил, баркамол инсон ғояси ижтимоий-ахлоқий идеал ифодасидир. Ушбу идеал айрим олган шахсда ўзининг тўла ифодасини топиши мумкин. "Киши, - деб ёзади Абу Райҳон Беруний, - ахлоқий мукамалликка эриша олади, хулқ ва одатлардаги нафсоний суръатларни нафс эгаси нафсни тозалаб, унга ахлоқий даво қилса ва тадрижий суръатда ахлоқ китобларида зикр қилинган йўллар билан ундан (нафсдан) касалликни кетказса, нафсни ёмон хулқ ва одатлардан яхшига кўчирмоққа қодирдир".¹ Бироқ айрим шахсдаги етуқликнинг ижтимоий воқеликка айланиши мураккабдир. Чунки инсон табиатан мавжуд тартибларни, сифатларни, нормаларни тўла-тўқис қабул қилмайди, уларга ниманидир ўзидан кўшишга интилади. Гоҳо эса у мавжуд кадрятларни ўзгартиришни, уларнинг ўз манфаатларига хизмат қилдиришни мўлжаллайди. Ушбу зиддият, ранг-баранглик инсонлар сонига қараб пропорционал кўпаяди ва жамиятдаги муносабатларни, кишилараро алоқаларни мураккаблаштиради. Шубҳасиз, ранг-баранглик ижтимоий тараққиётни нафақат қизиқарли жараёнга айлантиради, шу билан бирга турли манфаатлар ва қизиқишларнинг иқинлашишига, уйғунлашишига имкон беради.

Инсонпарварлик кенг қамровли фазилатлардан биридир. Унга меҳрибонлик, саховат, олижаноблик, бағрикенглик, адолатсизлик ва виждонсизликка муросасизлик, ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, кексаларни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш қабилар кирди.² Ушбу фазилатларни идеал тарзда тасаввур этиш маълум бир гносеологик қийинчиликлар келтириб чиқаради. Инсоннинг онги, тасаввур ва фаолият доираси чекланган, у ижтимоий сифатларни тўлалигича ўзида мужассам этолмайди. Юқоридаги инсоний фазилатларни тўлалигича бир шахсда намоён бўлишини фақат идеал тарзда тасаввур қилиш мумкин. Бироқ ижтимоий-ахлоқий идеал инсонийликни, инсонийликка оид фазилатларни энг аввало жамиятда, ижтимоий муносабатларда қарор топишини назарда тутади. Бу энг аввало ижтимоий-маданий ҳаётга тааллуқлидир. Шунинг

Хикматлар гулдастаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1982. – 63 б.

² Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т., "Фан", 1994. – 56-57 б.

учун ҳам А.Швейцер ёзади: "Маданий инсон идеали ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқий инсонпарварлигини сақлаб қолган инсон идеалидир".¹

Ватанпарварлик ижтимоий-ахлоқий фазилатлардан бири сифатида кишини ўзи туғилиб ўсган замин, ўлка, ер билан боғловчи туйғудир. Ушбу заминда яшовчи кишиларнинг ғами-ташвишлари билан яшаш, улар яратган неъматларни, қадриятларни, бойликларни авайлаб-асраш, эъзозлаш, бор кучини ва меҳрини эл-юрт тинчлигига, фаровонлигига сарфлаш ушбу туйғу моҳиятини ташкил этади. Бу туйғудан, фазилатлардан мураккаб маҳрум шахс учрамайди, ammo ижтимоий-ахлоқий идеал уларни ҳаёт тарзига айлантириш тарафдоридир.²

Ватан туйғуси фидойилик, қаҳрамонлик ва эзгулик туйғулари билан уйғун келади. Ватан туйғуси ўз ҳовлингни, останангни ўйлаш, асрашгина эмас, у ўсиб-унган, вояга етган заминни, ушбу заминдаги эл, халқ, кишилар ғамини ўйлаш ҳамдир. Шунинг учун Ватанни элдан, халқдан, Юсуф Хос Ҳожиб ибораси билан айтганда, "одам боласи уругидан" айириб бўлмайди:

Олам халқи қишлоқ, шаҳарни кўйиб,

Туриб тоққа чиқса оғир юк чекиб.

Бузулғай олам, барча қолғай қуруғ,

Одам боласидан кесилғай уруғ.³

Ватанпарварликнинг остонадан, ҳовли-уйдан кенглигини Р.Усмонов куйидагича ифодалайди: "Ватанпарварлик туйғуси уйнингнинг остонасидан бошланади, дейдилар, бу – тўғри, лекин у бошланган ерда тўхтаб қолса, миллий маҳдудликка, маҳаллийпарастликка айланиб қолиши мумкин. Билъакс, Улуғ Ватан сари йўл бошласа, у сени халқлар дўстлигининг гўзал бўстониغا олиб қиради".⁴

Ватанга меҳр-муҳаббатни халқимиз кишидаги энг мўътабар, гўзал, нодир фазилат сифатида қараб келган. Ушбу туйғуни идеал сифатида қалбига жо этмай киши ўзини у ёки у бу эл, юрт, замин фарзанди эканини исботлай олмайди. Шарқ маънавий-ахлоқий им-

¹ Разум сердца: Мир нравственности в высказываниях и афоризмах. – М.: Политиздат, 1989. – С.322.

² Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т., "Фан", 1994. – 33-35 б.

³ Ҳикматлар гулдастаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1992. – 136 б.

⁴ Усмонов Р. Саодатнома. Танланган асарлар. – Т.: "Ўқитувчи", 1995. – 19 б.

перативида ватанпарварлик қахрамонлик, фидойилик каби фазилатлар билан уйғунликда қаралади. Масалан, А.Темур, Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти ушбу уйғунликнинг бетакрор, идеал намуналаридир.

Ватанпарварлик кундалик ҳаёт, ижтимоий бурчларни адо этиш қабилар билан, шубҳасиз, боғлиқдир. Лекин ижтимоий-ахлоқий идеал сифатида у Ватан озодлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган, миллий тараққиётни реал воқеликка айлантириб эл, юртнинг олижаноб, узокни кўзловчи мақсадларига сидқидилдан хизмат қилишдир. Озод ва обод Ватан барпо этиш ушбу идеалнинг квинтсенциясидир.

Шарқ маънавий-ахлоқий императивида оилапарварлик инсон зотининг, миллат ва халқнинг мавжудлик шарти сифатида қаралади. Оила ҳаётнинг, тирикликнинг, умрбоқийликнинг бошидир, ҳеч бир халқ, миллат оилавий муносабатларни йўлга қўймай, оилани "муқаддас бирлик"ка, идеал уйғунликка айлантормаё ўзини сақлаб қололган эмас. Оилани улуғлаган халқ, миллат ўзини улуғлаган халқ, миллатдир. "Оила, - деб ёзади Н.А.Бердяев, - фаровон ҳаётни таъминлашнинг дунёвий институти, инсоният ҳаётини биологик ва социологик тартибга солиш воситаси бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади... Оила эрдан ҳамда заруриятдан туғилган".¹ Файласуфнинг фикрига кўра, оила илоҳийдир, у ўзини ҳайвоний шахватни фарзандлар туғиш орқали ҳам маънавий, ҳам ижтимоий оқлашдир.²

Оилапарварлик эркак ва аёл, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни мустақкамлашга қаратилган фазилатдир. Аслида бу муносабатлар халқимизни азалдан қизиқтириб, ундаги ахлоқий қарашларга моҳият, йўналиш бериб келади.

Эркак ва аёл, ота-она ва фарзанд Шарқ маънавий-ахлоқий императивида уйғун бирлик сифатида қаралади. Улар илоҳий куч орқали бир-бирига боғлиқдир. Оилапарварликдаги ижтимоий-ахлоқий идеал ушбу уйғунликдадир. Буни халқимизнинг "Аёл ердан чиққан эмас, эркак – унинг отаси. Эркак кўкдан тушган эмас, аёл – унинг онаси"³ деган макотида кўришимиз мумкин. Ёки ҳадислардаги ушбу фикрларга қўлок солайлик:

¹ Бердяев Н.А. "Любовь – полет"//Семья. Кн.2. – М.: Политгиздат, 1990. – С.257.

² Ўша жойда. – С.257-258.

³ Аёл – муқаддасан. – Т.: "Ёзувчи", 1999. – 52 б.

"Никоҳ ила турмуш куриб, кўпайинглар. Зеро, мен қиёмат куни бошқа умматлар олдидан сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман".

"Оила нафақасидаги тежамкорлик тирикчиликнинг ярмига тенг".

"Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқликни сизларга харом қиламан".

"Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил".

"Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашинглар".

"Қаровсиз қолган мўминлар оилаларига кечаю-кундуз моддий ёрдам кўрсатиб юривчи одамнинг гуноҳларини Тангри кечириб юборади".

"Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу-одобдан буюкроқ мерос беролмайди".

"Қимки кичикларга раҳму-шафқатли, катталарга иззат-икромли бўлмаса, у бизлардан эмасдир".¹

Ислон дини ва маданияти оилани, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга ўзининг ижтимоий-ахлоқий вазифаси сифатида қарадики, айнан ушбу анъана халқимизда "оила – муқаддас даргоҳ" деган тасаввурни, ҳаёт тарзини шакллантирди.²

Ижтимоий-ахлоқий идеал эзгуликни ҳаёт тарзи сифатида қарор топтиришини назарда тутди. Эзгулик билан ёвузлик, адолат билан ноҳақлик, тўғрилиқ билан ёлғон, нопоклик ўртасидаги кураш давом этиб келаётгани каби кишиларнинг орсуси, тилаги ижобий кучлар тантанасига қаратилгандир. Тўғри, ушбу мунофий кучлар ўртасидаги зиддиятларни батамом бартараф этиш мумкин эмас, чунки борлиқ ва инсон характерининг ўзи қарама-қаршилиқлардан иборат. Бироқ ижтимоий-ахлоқий идеал эзгуликни ижтимоий норма, ҳаёт тарзи, халққа, миллатга, жамиятга хос фазилат сифатида қарор топтиришига қаратилган мақсаддир. Айрим олган шахслар ёки гуруҳлар ушбу идеални ўзида тўла шакллантирмаслиги мумкин, бироқ жамият эзгулик нормаларисиз, одамийлик, поклик, меҳр-муруватсиз яшай олмайди.

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: "Фан", 1990. – 68, 64, 56, 40, 12, 152, 136 бетлар.

² Сафарова С. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлар. – Т.: "Ўзбекистон", 2003. – 112-113 б.

Ижтимоий-ахлоқий идеални қарор топтириш, жамиятни эзгулик томон йўналтириш воқеликнинг шахс поғонасида ҳам, жамият поғонасида ҳам осон эмас. Чунки, Абу Ҳомид Ғаззолий Ёзганидек "инсон жавҳари аввал яралишда ноқислик ва камлик бирла халқ килинибдур. Инсон меҳнат ва машаққатсиз бу нуқсонлардан кутулиб, камолга етмаги мумкин эмас. Инсон мушоҳада, яъни риёзат ва ибодат билан жамоли боқамол давлатига мушарраф бўлгусидир".¹ Эзгуликнинг қарор топиши ҳам шундай, машаққатли изланишлар, маънавий-руҳий тарбия, инсондаги эзгу, оқил, ижодкор кучларни рўёбга чиқариш учун курашиш зарур бўлади. Шунда ҳам эзгулик тўла қарор топган жамият бўлганини инсоният билмайди.

Ижтимоий-ахлоқий идеал эзгуликни улуғлаганида, уни ижтимоий тараққиёт шарти сифатида қараганида қандайдир ғайриҳаётий нормаларни шакллантиришни эмас, балки, мавжуд "ахлоқий муносабатларни такомиллаштиришни, кишилараро муносабатларнинг етук намунасини назарда тутати".² Демак, ижтимоий-ахлоқий идеал биринчидан, мавжуд ахлоқий-маънавий императивдан, кишилар ҳаётидан жой олган муносабатлардан келиб чиқади, иккинчидан, ахлоқий онгни янги бир нормаларга, идеалга, мезонларга йўналтиради. Моҳиятан улар бир-бирига боғлиқ бўлиб, уйғунлашган ҳолда идеал ахлоқий муносабатларни ташкил этади.

Ижтимоий-ахлоқий идеалда ижтимоий аҳиллик ва дўстлик жамият эволюцион ривожланишининг қафолати сифатида қаралади. Бирорта ижтимоий-ахлоқий ғоя ушбу қадриятларни чеклаб ўтган эмас, чунки инсонлар азалдан дўстликка, иноқликка, аҳил яшашга интилиб, уларни улуғлаб келади.

Ижтимоий аҳиллик ва дўстлик кўп миллатли ва турли элатлардан ташкил топган замонавий давлатлар учун муҳимдир. Масалан, Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат, элат ва уруғлар яшайди. Республикамизда олиб борилаётган тинчлик, тотувлик ва бирдамлик сиёсати ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ бу борада ён-ғирғимиздаги давлатларда жиддий муаммолар мавжудки, инсоният тараққиётига улар салбий кўрсатиши мумкин.

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимийи саодат. Рух ҳақиқати. – Т.: "Адолат", 2005. – 25 б.

² Дубко Е.Л., Титов В.А. Идеал, справедливость, счастье. – М.: Изд. МГУ, 1989. – С.10.

Ижтимоий-ахлоқий идеал нуқтаи назаридан кишилар, миллати, ирқи, жинси ва мавқеидан ҳаётий назар, тенг, бир-бирига дўст, биродардир, зарур пайтларда улар бири-бирига ёрдам беради, мавжуд тартибларга, ахлоқий нормаларга риоя этади. Ҳа, бу талаблар кундалик эҳтиёж, кишилараро муносабатларни шакллантириш принциpidир. Лекин ижтимоий-ахлоқий идеал кундалик амал қилинадиган принциплардан юқоридир. Маълум бир негиз, асос ушбу принципларда мавжуд, ижтимоий идеал уларга таянади. Шу билан бирга ижтимоий идеал шахс ва жамиятнинг "максимал ри-вожланиш имқони"¹ эканини унутиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти манфаатларни ранг-баранглаштиради ва ушбу манфаатларни қондиришда ўзаро рақобатни юзага келтиради. Демократия, тенг ҳуқуқлик ҳам ушбу воқеаларни ҳаёт тарзига ай-лантиради. Ҳозир бозор демократияси умуминсоний тараққиёт мо-делига айланган экан рақобат қамаймайди, балки кенгайди. Ушбу рақобат антогонистик кураш омилига айланмаслиги учун жамиятда умумий ижтимоий-ахлоқий идеаллар, принциплар қарор топган бўлиши шарт. Шундай ижтимоий-ахлоқий идеал, бизнинг назари-мизда, ижтимоий аҳиллик ва дўстлик ғоясидир. Ушбу ғоя, ўз на-вбатида, Шарқ халқлари маънавий-ахлоқий императивида жой ол-ган бағрикенглик билан боғлиқдир.

Илмий адабиётларда бағрикенглик "жамиятдаги турфа мадани-ятлилик, плюрализм, турли-туманлик ва хилма-хилликларнинг мавжудлигини тан олиш, қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ҳурмат қилишга қаратилган ижобий муносабат, сабрлилик, қаноатлик, тоқатлилик, бардошлик, чидамлилик"² деб таъриф берилади. Ушбу таърифда бағрикенгликни ижтимоий муносабатларгача кенгайти-ришга интилиш кўзга ташланади. Аммо бағрикенглик халқимизга хос фазилат сифатида миллий-маданий ҳаётнинг ўзига хос кўринишига айланган.

Ҳар қандай ижтимоий-ахлоқий фазилат каби бағрикенглик ҳам шахс ва жамият тараққиётига таъсир этувчи, турли миллат вакил-лари, турли эътиқод, маданият ва қарашларни умумхалқ манфаат-лари орқали синтезлаштирувчи ғоядир. У асосан бутун ижтимоий-ахлоқий фазилатларни ўзида жамлаган, тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий адолат принципларига таянадиган қадриятдир. Ижтимоий-ахлоқий

¹ Ўша жойда. – С.16.

² Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати. – Т.: 2005. – 13 б.

идеалга мувофиқ у миллатлараро дўстлик муносабатларининг юк-сак, олижаноб, эзгуликка, ҳамкорликка, интеграцияга қурилган етук шаклидир. Ҳамкорлик, биродарлик, бир-бирига қулоқ солиш, бир-бирини эшита олиш ҳозирги пайтда энг зарур хислатга айланган. Кишиларда безовталиқ, ўзгалар ғамига беғамлик, ўзини ўйлаш, ҳатто бағритошлиқ тез-тез учрайдиган воқеликларга айланаётгани кузатилади. Эрих Фромм инсон таназзули муаммосини махсус тадқиқ этиб ёзади: "Айтиб бўлмайди, агар тарихий шароит туғилса ва улар ҳокимият тепасига келса орамиздан юзлаб фюрерлар ўсиб чиқади".¹ Биз инсонни қанчалиқ улуғламайлик қулай они келганида у ўзидаги яқобий-инсоний хислатларни унутиши, шахсий манфаатларини ҳар қандай ахлоқий хислатлардан устун қўйиши мумкин. Барча кишилар шундай қилмаса-да, инсоний фазилатларини унутадиган шахслар ҳар бир даврда топилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий-ахлоқий идеал инсонни таназзулга етакловчи бад сифатларга қарши меҳр-муҳаббатни, ишқни, инсонни олижаноб қилувчи севгини улуғлайди.

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,

Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун!

Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,

Ҳусни нетсун кишиким, они йўқ.²

Алишер Навоийнинг ушбу мисраларидан маълум бўладики, ишқ, муҳаббат икки жаҳон асосидир, агар улар бўлмаса ҳаёт эъзозли эмас.

Буюк шоир "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" дostonларида ишқни, муҳаббатни идеал даражада тараннум этган.

Шарқ маънавий-ахлоқий меросида, императивида авлодлараро муносабатларга, айниқса аждодларга иззат-ҳурмат, улар меросига, тажрибасига, ўғитларига содиқлик инсондаги асосий фазилатлардан бири сифатида қаралади. Чунки ёшларда ижтимоий-ахлоқий фазилатлар катталарнинг ҳаётий тажрибасини, ҳаёт тарзини ўрганиш, ўғитларига қулоқ тутиш, ворисийлик принципларига амал қилиш орқали шаклланади. "Ёшлар, - деб ёзади Форобий, - касб-хунар, иш-тажриба, ахлоқий тажриба орғтирганларидан сўнг, уларни аста-секин эгаллашда юқорилай борадилар ҳамда назарий

¹ Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – М.: "Республика", 1994. – С.372.

² Навоий Алишер. Ҳикматли сўзлар. – Т.: 1985. – 16 б.

билимларининг ҳаммасида мантикий фикрлаш йўлини ишлатишга одатланадилар”.¹

Кишилардаги ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва олижаноблик ажойиб ахлоқий фазилатлар сифатида буюк заминдошларимиз томонидан қадимдан идеал сифатида қуйланади.

Аҳмад Югнакий ёзади: “Халқнинг етуғи саҳий кишидир; саҳийлик шараф, мартаба ва гўзалликни орттиради”. “Кишиларнинг муҳаббатини ўзинга жалб қилмоқчи бўлсанг, саҳий бўл, саховат сени сеvimли қилади”.² Алишер Навоий эса “Ҳимматлиларнинг ихтисоси саҳийликдир, бу икки шарафли сифат покиза кишиларга хосдир”.³

Юқоридагилардан маълум бўладики, ижтимоий-ахлоқий идеал ранг-баранг фазилатларни ўз ичига олиши мумкин. Бирок унинг негизида инсон ва жамиятни маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан юксакликка кўтариш, ғайриинсоний иллатларни камайтириш, ҳатто йўқ қилиш истаги ётади. Келтирилган фазилатлар Шарқ маънавий-ахлоқий меросидан чуқур жой олган, улар императив сифатида мутафаккирларни баркамол инсон ва жамият ҳақида ўйлашга ундаган.

3.2. Ижтимоий-ахлоқий идеалнинг шахс маънавий камолотида тутган ўрни ва моҳияти

Ижтимоий-ахлоқий идеалнинг генезиси ҳам, уни ижтимоий воқеликка айланиши ҳам инсонларнинг, шахсларнинг тасаввурларига боғлиқдир. Идеал бирданига ижтимоий воқеликка айланмайди, у аввало айрим олган шахслар ҳаётидаги тўқнашувлар, зиддиятлар ва ён-атрофга уларнинг муносабатлари тарзида шаклланади. Масалан, ўрта аср Европасида авж олган диний мутаассиблик, зўравонлик, қолоқлик Уйғониш даври мутафаккирлар қалбида, онгида норозилик уйғотди, маърифатпарварлик, тенглик, адолат ҳақидаги ғояларни, идеал жамият ва идеал муносабатлар ҳақида утопик қарашларни шакллантирди. Тоталитар тузум миллий ўлкалардаги халқлар қалбидан озод ва фаровон ҳаёт миллий давлат яратиш ғоясини сиқиб чиқара олмади, балки, имкон келган заҳоти республикалар ушбу орзу, тилагини амалга оширишга, ўзининг

¹ Форобий Абу Наср. Рисолалар. – Т.: “Фан”, 1982. – 76 б.

² Ҳикматлар гулдастаси. – Т.: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1982. – 252 б.

³ Ўша жойда. – 253 б.

ижтимоий-сиёсий идеалига етишга дадил интилдилар. Ушбу идеаллар аввал XX асрнинг бошларида яшаган маърифатпарвар жадидчилар томонидан илгари сурилган эди. Кейинчалик улар орзу армонга айланди, ҳатто тоталитар бошқариш авж олган 50-60 йилларда унутилгандек бўлди. Бирок 80-йилларнинг охирига келиб миллий истиқлол ғояси қайта жонланди ва миллатимизнинг, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий идеали сифатида мустақил давлат барпо этишга ундади.

Ижтимоий идеал илмий-назарий ва гипотетик қарашларнинг маъзи, квинтэссенцияси сифатида ижтимоий тараққиёт сирларидан, қонуниятларидан яхши хабардор шахслар, мутафаккирлар онгида пайдо бўлади. Айнан шундай кишилар ижтимоий идеални яратувчи ва тарғиб этувчи кучларга айланадилар, улар илгари сурган ғоялар жамиятга тарқалади, кишилар онгидан, тасаввурларидан, орзу-тилақларидан жой олади. Демак, ижтимоий-ахлоқий идеал билан шахснинг маънавий камолоти узвий боғлиқдир.

Инсон ён-атрофидан, ҳаётдан, фаолиятдан маъно, фикр, етуклик излайди. У умр бўйи бетартибликни бартараф этишга, ўлимни тўхтатишга, гўзалликни, умрбоқийликни қарор топтиришга интилади. У нимани кўрса, уни янада мукаммаллаштириш, янада гўзаллаштириш ҳақида ўйлайди. Янги-янги нарсаларни яратиш инсоннинг энг олижаноб фазилатидир. Ором билмаслик, тиниб-тинчимаслик, камолотга тинмай интилиш фақат инсонга хосдир. Шунинг учун ҳам инсон ўзининг номукаммаллигини билади, аслида маданият ва цивилизация шу идрокдан пайдо бўлган.¹

Маънавий камиллик излаш руҳий, психологик воқелик бўлса-да, у шахснинг ён-атроф, жамият, инсоният билан муносабатлари маҳсули сифатида юзага келади, чунки шахснинг ўзи ижтимоий борлиқнинг маҳсулидир. Маълумки, ижтимоий борлиқ ранг-баранг муносабатлардан, турли қизиқиш ва манфаатлар тўқнашувларидан иборат. Демак, шахс ушбу мураккаб жараёнлардан у ёки бу томонни, кадриятни, манфаатларни ҳимоя қилиб ўзлигини шакллантиради. Ижтимоий-ахлоқий идеалнинг шаклланиши ҳам шахс ўзлигини англаши билан боғлиқдир.

Шахснинг ўзлигини англаши тарихий зарурият натижасидир. Ўзликни англаш "Инсоннинг жамият ва бошқа кишилар билан му-

¹ Милс А. А. Гармония и дисгармония личности. – М.: Политиздат, 1990. – С.30.

носабатлари жараёнида ўзини назорат этиш ва ўзини идора қилиш каби ҳаётий муҳим восита сифатида пайдо бўлган. Агар меҳнат ва жамият пайдо бўлмаганида кишида ўзини англаш ҳам шаклланмас эди. Шундай экан, ўзини англашсиз, чамаси, жамият ва ҳақиқий инсоний меҳнат ҳам муваффақиятли ривожланмас эди”.¹ Демак, жамият ва меҳнат ўзликни англашни келтириб чиқарган, ўзликни англаш эса, ўз навбатида, шахсни ижтимоий-маънавий, ахлоқий тушунчаларга етаклаган.

Ўзликни англашда онг, тафаккур, тил, турмуш тарзи, маданият кабилар муҳим ўрин тутати. Аслида маънавий камолот ҳам ушбу воқелиklar, кадриятлар орқали шаклланади. Бу ўринда биз ўзликни англаш билан маънавиятнинг бир негиздан, манбалардан ўсиб чиққанини кўраимиз. Шунинг учун ҳам шахснинг маънавий камолоти ҳар доим юқоридаги тил, турмуш тарзи, тафаккури, маданияти каби воқелиklar орқали тадқиқ этилади.

Бирок ўзликни англаш идеал танлаш томон ташланган биринчи қадам ҳисобланади. Кишининг ўзини ён-атрофдан, бошқа “мен”дан ажратиши ҳали идеал бўла олмайди. Шахснинг “мен”и билан идеал ўртасида катта фарқ мавжуд. Шу билан бирга ўзлигини англаган шахсгина ўзига ижтимоий идеал яратади, чунки шахс ўзини англашга интиланган заҳоти ўзининг келажак ҳақидаги тасаввурларини, келгуси ҳаёти ҳақидаги қарашларини шакллантиради. Бу ўринда у ҳаёлида, онгида назарий моделга, идеалга интилиб турли муносабатларга киришади.

Шахснинг ўзлигини англашида ижтимоий идеал муҳим роль ўйнайди. Айниқса шахснинг ўзини у ёки бу миллатга тааллуқли эканини англаши маълум бир идеаллар орқали рўй беради. Масалан, кишиларимизда ўзбек миллатига тааллуқли эканини идрок этиш халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган. Тўмарис, Широқ, Зардушт, Маъмун, Амир Темур, Бобур, Улуғбек, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев, Нақшбанд каби буюк аждодларимизга ўзини қиёслаш, уларнинг ҳаёти ва жасорати билан фахрланиш орқали рўй бермоқда. Шу билан бирга ушбу буюк аждодларимиз маънавий баркамоллик тимсоли ролини ҳам бажаради, чунки шахс улардаги эзгу фазилатларни, ватанпарварликни, эл-юрт дарди билан яшаш тажрибасини ўрганади, уларга тақлид қилади.

¹ Спиркин А.Г. Происхождение сознания. – М.: “АСТ”, 1999. – С.184.

² Фалсафа қисқача изоҳли лугат. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 199-200 б.; Орқаев А. Миллий гоё ва маънавият. – Т.: “Маънавият”, 2002. – 68-69 б.

Ўтмиш, ҳаёт идеалларга тўла, ота-она, ўқитувчи, санъаткор, шоир, ҳунарманд ёки бошқа бир касбкор эгаси, ҳуллас, дуч келган кишида идеал бўла оладиган хислатларни, фазилатларни топса бўлади. Киши ён-атрофидагилардан у ёки бу фазилатларни ўрганиб, уларга таклид қилиб яшайди. У ижтимоий ҳаётда қанчалик фаол бўлса, кишилардан шунча кўп нарса ўрганади ва улардан ижтимоий идеални шакллантириш учун ниманидир олади. Шунинг учун гоҳо ижтимоий идеал аста-секинлик билан, онг туби (подсознание)дан жой олади ва фақат шу шахснинг ўзига хос идеални шакллантиради. Ушбу идеал бошқа кишиларнинг идеалига ўқшамаслиги, балки уларникидан кескин фарқ қилиши мумкин.

Шахснинг маънавий камолоти учун ижтимоий-ахлоқий идеални тўғри танлаш муҳим ўрин тутаети.

Ижтимоий-ахлоқий идеални танлаш ҳаётий мақсадни, ушбу мақсадга етиш усуллари ва воситаларини, маънавий бойликларни танлашлардан иборатдир. Шу нуқтаи назардан ижтимоий идеални танлаш маънавий воқелик, жараён сифатида шахснинг бутун ҳаёти ва фаолияти, мақсадларига етиш усуллари билан боғлиқдир.¹ Мавжуд имкониятлардан бирини танлаш ёки ранг-баранг моделлардан ҳаётий мақсадга мос келувчи идеални ажратиб олиш шахснинг қандай маънавий бойликларни ўзлаштиришга интилишидан дарак беради.

Маълумки, шахс дуч келган мақсад, идеал кетидан эргашиб кетавермайди. Энг аввало у ўзининг қалбига, руҳига, тасаввурларига – субъектив эҳтиёжларига мос келадиган идеални танлайди. Бу ўринда шахс ўзига яқин тутган кишининг (кўпинча бу киши ўқитувчи ёки бирорта ҳаётий тажрибага эга шахс бўлади) даъватларига, ҳаёт тарзига эргашади. Тўғри, баъзан шахс ўзига бадий асарлар қаҳрамонларини идеал сифатида танлайди. Лекин бу ўринда ҳам ўқитувчининг ушбу қаҳрамонлар ҳақидаги ҳикоялари муҳим таъсир кўрсатади. Демак, ижтимоий-ахлоқий идеал маънавий бойликларни танлаш натижасидир. Буни А.Эркаев қуйидагича ифода этади: "Маънавият нисбатан умумий бўлган ижтимоий баҳолар, меъёрлар, мўлжаллар, идеаллар мажмуи сифатида, урф-одат ва қабул қилинган расм-русумлар ҳамда кишилар ўртасидаги мафкуравий муносабатлар, яъни маънавий маданият ва маънавий

¹ Бахштановский В.И. Моральный выбор личности: альтернативы и решения. – М.: Политиздат, 1988. – С.38.

муҳит сифатида бошка ижтимоий муносабатларга, алоҳида шахслар ва гуруҳлар хулқ-атвориға, фаолиятиға чеклаш ёки рағбатлаш, ундаш орқали таъсир кўрсатади”.¹

Илмий адабиётларда идеални танлашга оид турли фикрлар билдирилади. Охир натижада ахлокий хулқ-атвор, ахлокий фаолият кишининг идеалини намоён этади. Бу ўринда Понти Пилатнинг Исо алайҳиссаломни қатл этиши зарурми ёки қўйиб юбориши, Сукротнинг зиндондан қочиб ўз ҳаётини сақлаб қолишими ёки ўз фуқаролик бурчига итоат этиб ўлимга рози бўлишими, Ҳамлетнинг “мумкинми ёки мумкин эмасми” деган саволлардан бирини танлаши назарда тутилади.² Бир қарашда ушбу шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ўта хусусий хислат бўлиб кўринади. Аммо уларда ё эзгуликни, ёки ёвузликни танлаш имконияти мавжуд. Ахлокий хатти-ҳаракат, яъни қабул қилинган қарор, ҳукм улар эргашаётган идеалга бериладиган маънавий баҳодир. Шунинг учун “натижанинг интилишга мос келиши – ахлокий норма; маънавият танлашга нафақат кадр бахш этади, балки унинг зарур императиви ҳамдир”.³

Шахснинг маънавий камолоти инсон – жамият – табиат учлиги орасидаги ранг-баранг, гоҳо эса зиддиятларга тўла жараёнлар таъсирида кечади. Ижтимоий-ахлокий идеал аслида ушбу жараёнлар таъсири маҳсулидир. Бирок идеалда муқимлик, ўзгармаслик, барқарорлик мавжуд, акс ҳолда уни кун аро ўзгартиришга тўғри келарди. Шахс маънавий ахлоқининг шаклланиши юкоридаги уликнинг танланган идеал билан гармоник алоқаларини тақозо этади. Чунки борлиқдаги тартиб ва хаос, ҳаёт ва ўлим, идеал ва реаллик, эркинлик ва зарурият, хусусий ва умумий, объективлик ва субъективлик, рационал ва иррационал, қонуний ва тасодиф идеални синовдан ўтказиб, гоҳо ундан воз кечишга ундаб туради. Демак, шахс маънавий ҳаётда нафақат ушбу зиддиятларни бартараф этиб, худди шунингдек, уларни танлаган идеали билан уйғунлаштириб, улар ўртасидаги ижтимоий-ахлокий нормаларга мос келувчи гармоник алоқаларни йўлга қўйиб туради, акс ҳолда ё идеалдан воз кечишга, уни унутишга, ёки ижтимоий-ахлокий нормаларга қарши боришга тўғри келади.

¹ Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: “Маънавият”, 2002. – 77 б.

² Бакштановский В.И. Моральный выбор личности: альтернативы и решения. – М.: Политиздат, 1988. – С.14.

³ Ўша жойда. – 17 б.

Шахс билан жамият ўртасидаги алоқаларнинг уйғунлиги, гармония талабларига қурилиши ижтимоий заруратдир. Ушбу заруратни ижтимоий-ахлоқий идеал рад этмаса-да, мудом ҳам қўллаб-қувватлайвермайди. Шахснинг ўзига хос фазилатлари, индивидуаллиги кўпинча идеални ҳимоя қилиш тарзида намоён бўлади. Зиддиятларга тўла ижтимоий ҳаётда шахснинг ўз индивидуаллигини асраб қолиши осон эмас. Бунинг учун идеал маънавий императив сифатида, шахснинг хатти-ҳаракатларига йўл-йўриқ, жамият билан бўладиган муносабатларига моҳият, кадрият бериши лозим. Бирок "маънавиятнинг меъёрий характери хатти-ҳаракатларни чеклаш, уларни мавжуд ахлоқ ва қонун доирасида сақлаб қолиш билан белгиланмайди. Маънавиятнинг меъёрий характери биринчи навбатда чеклашда эмас, балки муайян фаолиятга ундашда намоён бўлади... Маънавият ўзининг муҳофаза қилиш, танлаш, чеклаш, баҳолаш, ундаш каби меъёрлаш хоссаларидан келиб чиқиб, ҳар қандай алоҳида олинган кадриятларнинг, шу жумладан, четдан қабул қилинган ютуқларнинг ҳам, муайян тарзда фаолият кўрсатишини тақозо этади ва жамият аъзоларининг ижтимоий-ахлоқий хулқ-атворини белгилайди"¹.

Ижтимоий-ахлоқий идеал шахс маънавий камолотида қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ахлоқий хатти-ҳаракатларга мақсадга йўналтирилганлик бахш этади.

2. Юксак ахлоқий фазилатларни танлаш ва уларни ижтимоий муносабатлар билан уйғунлаштиришга ёрдам беради.

3. Шахснинг ўз индивидуаллигини асрашга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

4. Жамият идеалини тўғри англашга ва унга ижобий муносабат билдиришга ундайди.

5. Шахсда умуминсоний муаммоларга қизиқишни ва унда умуминсоний ахлоқий фазилатларни, кадриятларни қарор топтиради.

Ижтимоий идеал узоқ келажакка йўналтирилган гипотетик ғоя, образ бўлса-да, у маълум бир мақсадга етишни инкор этмайди. Инсон ижтимоий идеалда мақсадга йўналтирилганлик бўлмаса, киши ушбу идеалдан тез воз кечади. Бу ўринда биз ижтимоий идеалда "яқин мақсад"лар бўлишини таъкидламоқчимиз.

¹ Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: "Маънавият", 2002. – 79 б.

Киши маънавий бойликларни ўзлаштирмай, уларга ўз муносабатини билдирмай маънавий камолотга етолмайди. Жамиятда шаклланган ушбу маънавий бойликларни киши қайтадан кашф этмайди, балки уларни ўзлаштириб, ҳаётий мақсадлари нуқтан назаридан қайта ишлаб, ўзлаштиради. Тўғри, "миллатнинг маънавияти ҳеч бир шахс, ҳеч бир ижтимоий гуруҳ томонидан тўлалигича ўзлаштирилмайди. Кишиларнинг ва гуруҳларнинг амалий фаолиятида маънавиятнинг факат ўзлаштирилган қисмигина рўёбга чиқади".¹ Агар маънавий бойликлар ўзлаштирилмаса, шахс ҳаётидан, ҳулқ-атвори ва ижтимоий муносабатларидан жой олмаса, демак, ушбу бойликларнинг қиммати ё етарли анланмаган, ёки улар етарли даражада ҳаёт синовидан ўтмаган бўлади. Лекин ўзлаштирилмаган маънавий бойликлар консерватив воқелик сифатида мутлақ рад этилиши, уларни ўзлаштириш тақиқланиши мумкин эмас. Бугун талаб этилмаган, ўзлаштирилмаган маънавий бойликлар эртага ёки келажакда қайта жонланиши, маънавий бойликлар каторидан муносиб жой олиши мумкин. Масалан, шўролар даврида дин, диний урф-одатлар қолоқлик, мутаассиблик белгиси сифатида рад этилди. Боғча болаларидан тортиб то академик билим даргоҳларигача ҳамма жойда атеизм тарғиб қилинди ва улуғланди. Ҳа, ақлу идрок динга, диний тасавуриарга шубҳа билан қараш ёки уни рад этиши мумкин. Диндаги тургун ақидалар, у ёки бу нормаларни, қарашларни мустаҳкамлаштириш илмий-назарий изланишларда эътироз уйғотган. Бироқ тараққиёт ақлу идрокни, илм-фанни мутлақлаштириш мумкин эмаслигини, бу шахс маънавиятини қашшоқлаштиришни келтириб чиқаришини кўрсатди.

Ижтисмий-ахлоқий идеал ахлоқий хатти-ҳаракатларни регуляция қилади, уларни маълум бир андозага, нормаларга мувофиқ кечишини таъминлайди. Шахс ўзининг хатти-ҳаракатларида ушбу идеалнинг ўғитларидан, тажрибаларидан ёки ҳаёлий муносабатларидан келиб чиқади. Энг муҳими шундаки, шахс ижтимоий-ахлоқий идеалга таянишда, ўзининг маънавий ҳаётида улардан фойдаланишда нофаол субъект бўлиб қолмайди. Идеал бекаму кўст образ, символ, модел бўлган тақдирда ҳам шахс нафакат ўзининг манфаатларини, худди шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг динамик хусусиятларини ҳам ҳисобга олишга мажбурдир.² Ушбу

¹ Ўша жойда. – 78 б.

² Дубко Е.Л., Титов В.А. Идеал, справедливость, счастье. – М.: Изд. Моск.ун-та, 1989. – С.7.

уйғунлик, мутаносиблик, гармония бўлмаса, танланган идеал шахснинг маънавий камолотига, ижтимоий тараққиётга хизмат қилмайди.

Ижтимоий идеал оддий хулқ-атворни, хатти-ҳаракатни танлаш эмас, балки юксак ижтимоий-ахлоқий фазилатларни танлаш, уларни жамият манфаатлари билан уйғунлаштиришдир. Идеалдаги улуғвор мақсадларга интилиш, юксак фазилатларни ҳаёт тарзига, хулқ-атворга айлантириш кишида фахр, гурур ва шу асосда ўз идеали учун курашиш, зарур бўлса, унинг учун жон бериш каби фидойиликка, қаҳрамонликка, жасоратга ундайди.

Юксак ижтимоий-ахлоқий фазилатларга инсонпарварлик, халқпарварлик, кишилар қалбида эзгу туйғуларни шакллантириш, ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, хулқ-атворда намуна бўлиш, дўстлик каби қадриятлар қиради. Шу нуқтаи назардан О.Мусурмонова тўғри қайд этади: "Юксак маънавий маданиятли инсонда ватанга муҳаббат, самимий дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, мустаҳкам эътиқод, имон, нафосат, ахлоқий маданият сингари фазилатлар мужассамлашади. Унинг сифат даражаси кишиларнинг умуминсоний ва миллий қадриятларга, халқнинг маънавий меросига бўлган мучосабатларида намоён бўлади".¹

Олима юксак маънавий фазилатнинг шаклланиш жараёнини қуйидагича ифодалайди: "Шахснинг ички маънавий дунёси маънавий эҳтиёж, маънавий қизиқиш, маънавий фаолият ва маънавий қадрият каби асосий белгилар тизимидан иборат бўлиб, улар ўзаро бир-бири билан боғлиқдир. Шахснинг маънавий эҳтиёжи маънавий қизиқишни юзага келтиради, у шахс фаолияти жараёнида намоён бўлади ва натижада маънавий қадрият юзага келади. Маънавий қадрият ўз навбатида юқори маънавий эҳтиёжнинг пайдо бўлишига асос бўлади. Маънавий ривожланишнинг бу айланиш даври узлуксиз давом этади".²

Юксак ахлоқий фазилатлар ушбу узлуксиз жараёнларни маълум бир узок ҳаётий мақсад, тасаввур, ўй, модел, образлар синтезидан ўтказишади. Маънавий шаклланишда қарор топган ахлоқий қадриятларнинг бир қисми кундалик ҳаёт талабларига хизмат қилса, уларнинг ноёб, ардоқли, азиз бўлган қисми, ядроси (ўзаги) юксак маънавий фазилатга айланади. Ушбу фазилат инсон хатти-

¹ Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: "Ўқитувчи", 1996. – 9 б.

² Ўша жойда. – 10 б.

ҳаракатларининг, ижтимоий муносабатларининг моҳиятини белгилаб беради. Кишига, унинг ижтимоий-ахлоқий ҳаёт тарзига баҳо берганимизда биз унинг ушбу фазилатларидан келиб чиқамиз.

Юксак ижтимоий-ахлоқий фазилатлар моҳиятан жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Жамиятнинг маънавий ҳаёти иқтисодий, сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий омиллар таъсирида ўзгариб, тез трансформацияга учраб, бутун тузумнинг социодинамик ривожланишини таъминлайди. Агар маънавий ҳаётда тезкорлик, модернизациялашиш бўлмаса, шахснинг маънавий интилишлари билан жамият ҳаёти ўртасида узилиш юзага келади. "Жамиятнинг маънавий ҳаёти халқнинг, кишининг маънавий талаби ва қизиқишини қондира олмаса, бу нарса жамият аъзоларининг моддий ва маънавий фаоллигига салбий таъсир кўрсатади".¹

Юксак ижтимоий-ахлоқий фазилат жамият маънавий ҳаётини янада юқорироқ поғонага кўтаришга хизмат қиладиган моделдир. У жамият манфаатларига асосланса, таянса-да, уларнинг айнан ўзи эмас ёки уларга мудом эргашиб ҳам юрмайди. Юксак фазилат жамиятнинг қундалик ҳолатидан, одатий хатти-ҳаракатлардан маънавий қиммати нуқтаи назаридан олижаноб, юқори, ибратли воқелиқдир. У ноёблиги, "анқонинг уруғи"дек ниҳоятда камлиги туфайли кишиларда ҳаёрат уйғотади, айнан шу хислати туфайли бошқаларга юксаклик тимсоли, идеал хулқ-атвор бўлиб кўринади.

Шахс маънавий камолоти ижтимоий манфаатлар билан қанча уйғунлашиб, баъзан улар таъсирида шаклланиб келмасин, у шахснинг ўз индивидуаллигини асрашга хизмат қиладди.

"Маънавият энг аввало миллатни, миллий маданиятни, миллий турмуш тарзини - миллий ўзликни муҳофаза қиладди. У ижтимоий-маданий филтер вазифасини бажаради ва миллий анъаналарга ёт, миллийликка путур етказувчи, миллатнинг ахлоқий, эстетик, фалсафий қарашларига, ғиймон-эътиқодига, адолат ва ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларига мос келмайдиган нарсаларни қабул қилмасликка, аксинча, уларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қиладди ҳамда миллий ривожланиш учун зарур бўлган ўзга халқларнинг ютуқларини ва тажрибасини ўзлаштиришга интилади. Миллий турмуш тарзини муҳофаза қилишга ва ривожлантиришга кучи ет-

¹ Ўша жойда. - 10 б.

маса, инкирозга учрайди”.¹ Ушбу илмий-назарий фикр шахснинг маънавий камолотига ҳам тааллуқлидир.

Шахс “Инсон, - деб ёзади Н.А.Бердяев, - табиий, ижтимоий ва маънавий мавжудотдир. Шу билан бирга у эркин ва қул, фидойилликка, севишга ва эгоизмга, пасткашликка мойил, унда Илоҳий образи ва ўткинчи дунё образи, табиийлик ва ижтимоийлик мужассам... Инсоннинг эрки жамият томонидан берилган бўлиши мумкин эмас... у моҳиятан кишига маънавий мавжудот тарзида тааллуқлидир”.² Демак, шахснинг эрки, ўз индивидуаллигини асраши ташқи омиллар натижаси эмас, у шахснинг маънавий олами, маънавият камолотга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқдир.

Ижтимоий-ахлоқий идеал киши қалбидан жой олгач, унинг “мен”ига айланади, шу тариқа шахс билан идеал яхлитликни, уйғунликни ташкил этади. Аслида шахснинг индивидуаллигининг ўткинчи, кундалик қизиқишларидан пайдо бўлувчи хислатлари эмас, балки идеали орқали идрок этиладиган, идеали белгилаб берадиган эҳтиёжлари ва ҳатги-ҳаракатларидан иборатдир. Демак, шахснинг индивидуаллиги идеалининг ифодаси, идеали эса индивидуаллигининг негизидир.

Ижтимоий идеал нуктаи назардан шахс индивидуаллигини керакли томонга ўзгартириш масаласи бугун илмий доираларда кенг муҳокама қилинмоқда.³ Гап фақат генинженерияси, биология билан боғлиқ эмас, насли, танани ўзгартириш охир натижада унинг маънавий оламини ҳам ўзгартиришга олиб келади.

Илмий-техник тараққиёт ташқи оламини кескин ўзгартириб юборди, юз йил олдинги ҳаракат оқимини бугунги ҳаёт оқимиغا қиймасак эшак араванинг “Нексия” билан беллашувини эслатади. Бу табиий равишда цивилизациянинг янги босқичга кўтарилганидан, инсон энди янги муҳитда, янги оламда яшашига мажбур бўлаётганидан дарак беради. Демак, кишининг маънавий дунёсида ҳам ўзгаришлар бўлиши шарт, акс ҳолда ташқи

¹ Эрқаев А. Миллий гоё ва маънавият. – Т.: “Маънавият”, 2002. – 77 б.

² Бердяев Н.А. Царство духа и царство кесаря. – М.: “Республика”, 1995. – С.306-307.

³ Сержантов В.Ф. Философские проблемы учения о конституциях человека. – Л.: “Наука”, 1974; Раслов В.М. Биологические основы индивидуально-психологических различий. – М.: “Наука”, 1979; Фролов Н.Т. Перспективы человека. – М.: Политиздат, 1983; Маслоу А.Г. Дальние пределы человеческой психики. – М.: Изд. “Евразия”, 1997 ва б.

Ўзгаришлар билан ички, руҳий-маънавий ҳаёт ўртасидаги фарқлар жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Илгари сурмоқчи бўлган фикримиз шундаки, илмий-техник ўзгаришлар, янги цивилизация ва янги муҳит инсон ҳаётини, кишилардаги бетакрорликни, ранг-баранглик ва ноёбликни бир қолипга солмаслиги, ижтимоий борлиқни сийқалаштирмаслиги, глобаллашув байроғи остида шахс индивидуаллигига хавф солмаслиги даркор.

Ғарб фалсафасидаги индивидуализмни мутлақлаштирмаган ҳолда, ундаги шахс ўз эрки, хатти-ҳаракати ва фаолияти учун жавобгар, ўз кадриятларини ҳимоя қилиш унинг "ассертив ҳукуки"¹ экани ҳақидаги қарашда ижобий ёндошиш мавжудлигини инкор қила олмаймиз. Тўғри, ижтимоий-ахлоқий идеал фидойиликни талаб этади, фидойисизлик идеал йўқ, лекин бу шахс ўз индивидуаллигидан воз кечиши зарур деган хулосага олиб келмайди. Ижтимоий идеал шахснинг маънавий камолотига унинг индивидуаллиги орқали таъсир этади, у шахс индивидуаллигини ижтимоий фойдали томонга ривожлантиришга, йўналтиришга хизмат қилади.

Шахснинг маънавий камолоти жамият идеалини аниқ билиш, унинг хусусиятлари ва мақсадларидан яхши хабардор бўлишни тақозо этади.

Шахснинг ижтимоий идеали билан жамиятнинг идеали айнан воқеликлар бўлиши шарт эмас, бироқ улар моҳиятида уйғунлик, энг аввало инсонпарварликни улутлашга қаратилган бўлиши лозим. Акс ҳолда "идеаллар тўкнашуви", кураши юзага келади, бу эса ижтимоий тараккиётга хавф уйғотади.

Жамиятнинг идеали миллатнинг, халқнинг умумий эҳтиёжларидан, келажак ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиқади. У баъзан миллий-ижтимоий тараккиёт модели сифатида шаклланади. Тарихий-тадрижий анъаналарга, асрлар оша миллат, халқ эъозлаб, шарафлаб келаётган ғояларга таяниш, уларни янги давр мақсадлари нуқтаи назаридан бойитиш ушбу моделнинг хизмати ҳисобланади. Шахс эса идеални ўзи, яқка, руҳий-ҳаётий мақсадига мувофиқ танлайди. У жамият идеалидан фарқ қилиши, гоҳо унга қарши туриши ҳам мумкин. Тарихий-тадрижий анъаналар, аждодларнинг тажрибаси унга ҳеч қандай таъсир этмаса, демак, шахснинг идеали ўз истакларини мутлақлаштиришга қаратилганидан

¹ Калпони В., Новак Т. Как делать все по своему. – Санкт-Петербург, "Питер", 1995. – С.12.

дарак беради. Жамият ичида яшай туриб ўз идеалингни ҳам, истакларингни ҳам мутлақлаштиришнинг мумкин эмас, бу шахснинг ўзи учун хавфлидир. Шахснинг маънавий камолоти аслида шахсий идеал билан ижтимоий (жамият) идеалини уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш орқали шаклланади.

Ижтимоий идеал моҳиятан прогрессив воқелик бўлгани учун умуминсоний характерга эга. Шахсда умуминсоний ахлоқий фазилатларни, кадриятларни қарор топтиришга хизмат қиладиган идеалгина прогрессивдир.

"Умуминсоний кадриятлар ўзининг мазмуни, моҳияти, кенг миқёсда амал қилиши, дунёдаги кўплаб халқлар, элатлар, миллатларнинг ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги ва истикболдаги тараққиёти билан узвий алоқадорликда эканлиги, ўзида жаҳон цивилизациясининг яхлит ва бир бутунлигини ифодалаганлиги билан минтақавий ва миллий кадриятлардан тубдан фарқ қилади".¹ Демак, инсониятга дахлдорлик ижтимоий-ахлоқий идеал шакллантирадиган кадриятлардир. Шахснинг маънавий камолоти ушбу кадриятлар таъсирида шаклланади, уларни қанчалик ўзида тўла акс эттирганида намоён бўлади. Шахснинг маънавий ҳаёти билан умуминсоний ахлоқий кадриятларнинг уйғунлиги маънавий тараққиёт кафолатидир.

3.3. Трансцендент ахлоқий-маънавий идеал сифатида

Трансцендентнинг ахлоқий-маънавий идеал билан боғлиқ ижтимоий воқелик экани ҳақида илк бор И. Кант фикр юритган эди. Унинг фикрига кўра, агар олам жонсиз ёки жонли, аммо онгсиз мавжудотлардан иборат бўлганида унинг (оламнинг) яратилишида ҳеч қандай мақсад қолмасди. Телеология оламнинг яратилишида илохий мақсад бор деб билади, айнан ушбу мақсад худонинг борлигини исботлайди. Жамиятда амал қилинадиган ахлоқий-маънавий қонун аслида юқоридаги "идеал мақсад"нинг борлигидан келиб чиқади, чунки худо оламни яратаётганида маълум бир мақсадни назарда тутган. Ушбу илохий мақсад ўз навбатида ахлоқий-маънавий қонунларни ҳам тан олишни, аниқроғи трансцендентни идеал сифатида қарашни келтириб чиқаради.²

¹ Фалсафа. – Т.: "Ўқитувчи", 1997. – 291 б.

² Кант И. Сочинения в 6-томах. Т.5. – М.: "Мысль", 1966. – С.433-485.

И.Кант, нарса "Ўзи-Ўзида" ва ҳар томонлама боғлиқ, деб билади. Ушбу боғлиқликда нарсанинг Ўз ҳолича мавжудлиги ва умум билан мавжудлиги аён бўлади. Нарсаларнинг умум боғлиқлиги асосида "трансцендентал идеал" этади. "Бу инсон ақли англаб ета оладиган ягона ҳақиқий идеал"дир.¹ Файласуфнинг таъкидлашича, ушбу идеал комилликнинг, етукликнинг илк образи (первообраз), киши унга интилади, у орқали барқамол бўлишга талпинади, "аммо у билан бир поғонада бўлолмайди".²

Худо, илоҳий борликнинг мавжудлиги антик даврдан бери қайд этиб, турли йўналишда таҳлил этиб келинаётган бўлса-да, уни маънавий-ахлоқий идеал сифатида тадқиқ этиш шу кунгача амалга оширилмаган. Худо, Оллоҳ, Яратган ҳақида турли илмий-назарий, спиритуалистик ва ахлоқий қарашлар баён қилинган, гоҳо бири-биридан фарқ қилувчи таълимотлар илгари сурилган. Ушбу қарашлардаги гносеологик изланишлар қимматини рад этмаган ҳолда шуни айтишимиз зарурки, худони маънавий-ахлоқий идеал сифатида тадқиқ этиш илмий-назарий концепциямиз моҳиятидан келиб чиқади. "Инсон ўз образига монанд, худди жуда қадим замонлардагидек, худони яратади. Энг муҳими эса ушбу инсон образи ва унга монандлар Худо образи ва Унга монандга яқинлашсин".³ Демак, муаммо ким кимни яратганида эмас, балки ким кимга эргashiши кераклигидадир. Худонинг ижтимоий-маънавий-ахлоқий идеаллиги ҳам аслида шундadir.

Н.А.Бердяевнинг фикрига кўра, Худо ё хўжайин, шох, ота – ижтимоий образлар, ёки ҳаёт, ёруғлик, руҳ, ҳақиқат, олов қуввати – илоҳий образлар сифатида қаралади. Худо табиий ва ижтимоий реаллик эмас, "Худо Рухдир, Худо Эркинлик ва Муҳаббатдир. У Рухнинг ижодида ўзини тўла намоен этади, Рухнинг ижодида Худо ўзини рўёбга чиқаради".⁴ Ушбу фундаментал аҳамиятга эга фикрлар Худони қуйидаги амаллари орқали ижтимоий-ахлоқий идеал сифатида қараш имконини беради:

1. Худо сламни етук, мукаммал қилиб яратган.
2. Худо сламни эзгулик учун яратган.

¹ Кант И. Критика чистого разума. – Санкт-Петербург, "ТАЙМ-АУТ", 1993. – С.344.

² Ўша жойда. – С.345.

³ Бердяев Н.А. Диалектика божественного и человеческого. – М.: АСТ; Харьков: "Фолио", 2005. – С.345-346.

⁴ Ўша жойда. – С.348-349.

3. Инсон худонинг эзгу ниятларини ерда қарор топтириш учун яратилган.

4. Инсон эркин яшаш учун яратилган.

5. Ижодкор руҳ инсон орқали илоҳий муҳиг, етук ижтимоий борлик яратади.

6. Инсон орқали мангулик яратилади.

7. Ўзини ва оламни қутқариш инсоннинг ахлоқий-маънавий камолотига боғлиқ.

Деярли барча дин ва мифологияда оламнинг яратилиши ҳақида фикрлар мавжуд. Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистон мифологиясида оламнинг яратилиши мавҳум қолади. Масалан, ҳинд мифларида "аввал ҳеч нима, сувдан ташқари бўлмаган". Сувлар оловни яратадилар, кучли иссиқликдан Олтин Тухум, бир йил ўтгач, ушбу тухумдан илоҳ – Брахма пайдо бўлди, дейилади.¹ Бу ўринда оламнинг яратилиши тасодифий, англамаган ҳол эканини кўрамиз. Аммо "Авесто"да оламнинг яратилиши англаган ҳол сифатида қайд этилади. Профессор Т.Маҳмудовнинг қайд этишича "Зардуштийлик динининг марказида ҳам жисмоний ва руҳий оламнинг яратилиши ётади. "Бир қасидада пайғамбар Зардушт сўрайди: "Ким ойнинг ҳам чиқиб, ҳам сўнишини яратган? Ким шамол тезлигини булутлар билан қовуштирган? Қайси мусаввир нур ва зулматни, туш ва бедорликни яратган? Ким эрталаб, тушки пайт ва кечага итоат этувчининг руҳини бошқаради? Ким отанинг юрагига ўгил кўриш орзусини солган?"

Бунинг ҳаммасини Ахура-Мазда бунёд этган. Уни ўзи ўз руҳидан, одамни жонли, онгли, ўзини ўзи англаувчи қилиб яратган² кейинчалик "Инжил"да олам худонинг Иродаси, Идроки ва Муҳаббати билан англаган ҳолда яратилгани таъкидланади.³ Демак, антик даврдаёқ оламнинг яратилишида илоҳий кучнинг эзгу ниятлари, иродаси, муҳаббати мавжудлиги тан олинган. Худо оламни бекаму кўст, етук, ўз муҳаббатига, эзгу ниятларига мос тарзда яратган. А.Меннинг ёзишича, "Инжил космогенезни хуйидан тепага, ноорганикдан инсонга ўсишини тасвирлайди".⁴

¹ Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы древней Индии. – М.: Гл.ред. Вост лит-ры, 1982. – С.15.

² Маҳмудов Т. "Авесто" ҳақида. – Т.: "Шарк", 2000. – 32 б.

³ Инжил. – Стокгольм, 1983. – 1-3 б.

⁴ Мень А. Истоки религии. Второе перераб.изд. – Брюссель, 1991. – С.133.

Жаҳон динлари – буддавийлик, насронийлик ва исломнинг шаклланиши, тарқалиши билан олам худонинг англаган фаолияти, иродаси ва муқаббати экани кенг кайд этиладиган бўлди. Етуклик, мукамаллик худонинг сифати, у яратган олам ҳам етукдир, мукамалдир.

Илмий доираларда худонинг ушбу сифати турли баҳсларга, тортишувларга сабаб бўлиб келади. Агар оламни худо яратган бўлса, унинг нияти эзгулик, муқаббат бўлса, ёвузлик, зўравонлик, қаҳр каби иллатлар, ўлим, табоҳлик, офатлар қаердан пайдо бўлган? Н.А.Бердяев ушбу саволга жавоб бериб ёзади: "Худо эрк ва муқаббатда, ҳақу ҳақиқат ва гўзалликда мавжуддир. У зўравонлик ва ёлгон олдидан судья ёки жазоловчи сифатида эмас, балки баҳо сифатида, виждон сифатида катнашади. Худо шундай Зотки, дунёнинг қаҳру қазабидан, манфурлигидан ва ваҳшатларидан қочиб Унда яшириниш мумкин".¹ Тўғри, бу ўринда файласуф "зўравонликка қаршилик кўрсатмаслик" принципига мойилдир, у шахснинг руҳий-маънавий оламини кураш орқали эмас, балки ички рефлексия сифатида ўзгартиришни кўзлайди. Насронийликда "бир чеккангга урса иккинчи чеккангни ҳам тут" деган даъват мавжуд, Н.А.Бердяев ушбу принципдан келиб чиққан. Агар кучга куч қарши қўйилса антагонизм кучаяди, оламдаги яхлитлик, етуклик, мукамаллик бузилади. Зўравонликка қарши чиқмасдан оламдаги етуклик, мукамаллик, гармонияни сақлаб қолиш, шарқона ибора билан айтганда, "худого солдим"дир.

Минг афеуски, ижтимоий ҳаётда ушбу принциплар амал қилавермайди ва зарур натижаларга олиб келмайди. Инсоният юкоридаги илоҳий принциплар ўрнига конун, ҳуқуқ, ахлоқ, бошқариш каби ижтимоий нормаларни барқарор воқеликка, ҳаёт тарзига, тараққиёт шартига айлантиришга интилмоқда. Лекин динлардаги худо оламини етук, мукамал яратган деган ғоя инсоният мавжудлигининг бош принципи бўлиб қолмоқда. Ушбу етукликни, мукамалликни бузиш, айниқса инсон эҳтиёжини оламнинг мавжудлик, гармоник ривожланиш талабларидан устун қўйиш бу яқин асрларда инсоният қутулиши амри маҳол глобал инкирозларга олиб келганини унутиб бўлмайди.

¹ Бердяев Н.А. Диалектика божественного и человеческого. – М.: АСТ; Харьков: "Фолио", 2005. – С.349.

Худо оламни егук, мукаммал яратган деганда ғайрихаётий утопия эмас, балки инсон – жамият – табиат ўртасидаги алоқаларнинг "илохий гармония"си, уларнинг бири иккинчиси ёки инсон билан жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлиги эмас, улар ўртасидаги муҳаббатга, бир-бирини асрашга қурилган алоқалар назарда тутилади. Ушбу олампарварлик принципи туфайли худо ижтимоий-ахлоқий идеал бўлиб кўринади.

Инсоннинг худога етуклик, мукаммаллик тимсоли сифатида қарагани инсон қалбining ечиб бўлмас идеалга талпинишидир, албатта. Лекин ушбу идеалга инсон ташвишлари, ўйлари мутлақ бегона эмас. Ижтимоий борликда эзгулик ва ёвузлик каби мунофий кучлар мавжуд, инсонда эзгуликни барқарор воқеликка айлантириш истаги сўнмаган экан худо ёвузликни қораловчи, эзгуликни улугловчи тимсол, идеал бўлиб қолаверади.

Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш диндаги ҳам, ижтимоий-ахлоқий таълимотлардаги ҳам азалий мавзулардан биридир. Ислом динига кўра, душманлик, шайтон васвасасига учраб бад қилиқлар кўрсатувчи кимсалар Парвардигор хоҳиши туфайли яратилгандир. Қуръони Каримнинг "Анъом сураси"да дейилади: "...ҳар бир пайғамбар учун инсу жин (дам бўлган) шайтонларни душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун гўзал (ялпирок) сўзлар билан васваса қиладилар. Агар Парвардигорингиз хоҳласа, ундай қилмаган бўлур эдилар. Бас, уларни тухмат, бўҳтонлари билан бирга тарк этинг!"¹ Бирок душманлик, тухмат, бўҳтон каби салбий иллатлар жазосиз қолмайди. "Абатта, гуноҳ қилгувчи кимсалар ўзлари қилиб ўтган гуноҳларига жазо олажақлар".² Демак, зўравонлик, душманлик маҳв бўлади, эзгулик Оллоҳ олдида қарор топади.

Худо оламни, ҳаётни эзгулик учун яратган, бунинг учун у инсон олдида катта вазифа ўқлайди. Имом Ғаззолий Оллоҳдан кўрқишни эзгуликни қарор топтириш шарти деб билади. Шу сабабли у Абул Лайс тилидан Оллоҳдан кўрқиш етти нарсада намоён бўлади деб ёзади. Улар тилда, қалбда, кўзда, меъдада, қўлда, оёқда, итоатладир.

"1. Тилда: Оллоҳдан кўрққан одам тилини ёлғондан, ғийбатдан, бошқаларга бўҳтон қилишдан ва бекорчи сўзлар айтишдан тияди...

¹ Қуръони Карим. – Т.: "Қўллов", 1992. – 117 б.

² Ўша жойда.

2. Қалбада: Оллоҳдан кўрққан одам қалбида мусулмон қардошларига душманлик ҳис қилмайди; ёлгон, бўҳтон ва ҳасад қилиш каби ғайринсоний туйғуларни қалбидан йўқ қилади. Чунки ҳасад, кишининг гўзал амалларини маҳв этади... 5. Қўлда: Оллоҳдан кўрққан одам кўлини ҳаромга узатмайди, аксинча, Оллоҳнинг ризосига уйғун нарсаларга узатади. 6. Оёқда: Оллоҳдан кўрққан одам исён йўлида эмас, Оллоҳга итоат йўлида одимлайди. Илм-маърифат ва яхши ахлоқ ўрганиш мақсадида олимлар ва солиҳ кишилар мажлисига боради...¹ Имом ал-Ғаззолий давом эттириб, кишини ғайринсоний иллатлардан огоҳлантиради: "Азиз биродарим, билиб қўйки, қонуний йўлда зўр бериб ишлагани ҳолда яна факирона яшаётган кимса қаноатли бўлиши, таъмагир бўлмаслиги, кўзи бошқаларнинг мол-мулкида бўлмаслиги ва ғайриқонуний фойда топиш йўлларига бош уриб кетмаслиги ҳам керак. Одам бундай сифатларга ейишда, кийишда ва маскан борасида қаноатли бўлиши, дабдаба кетидан қувмаслик ва ортиқча ҳою-ҳаваслардан қочиш орқали эга бўлиши мумкин. Агар киши кўпроқ бойликка эга бўлгиси келса ёки орзу-ҳавасларга берилса, қаноатли бўлолмайди ва шубҳасизки, очкўзлик ва ҳирс номли ёмон итворлар билан пок номига доғ туширади. Ҳирс ва очкўзлик кишини ёмон ахлоқ сари, ғайримашруъ ва ҳаром фойда йўлларига бошлайди. Зотан, одам-зотнинг табиати ҳирс, очкўзлик ва қаноатсизликка мойилдир".² Ҳа, очкўзликка берилган, ҳирсга ўч киши учун яхши амаллар, эзгулик эмас, балки ўз нафсини қондириш муҳимдир. У адолат, тенглик, ўткинчи дунё ҳақида ўйламайди, у қанча мол-мулк йиғса, ҳаром ва зўравонлик билан бўлса-да, давлат ортгирса, завқ олади, ҳаётининг мазмунини қимнидир алдаш ва эзишда кўради. Рақобатга, қим ўзидига, чиройли ва мазза қилиб яшашга, ичимликлардан, аёллардан шавқ, ҳузур олиб кайф-сафога даъват этувчи цивилизация кишини мол-мулк тўплашга мажбур этади. Мол-мулки йўқ одам дунё роҳат-фароғатларидан, неъматларидан бебаҳрадир. Лекин дин, ҳудо нафси, ҳирсни, ҳасадни жиловлашга даъват этади, шу нуқтаи назардан у идеалдир. Эзгу, ният ва эзгу амал билан яшаш ушбу идеал шиоридир. Шу нуқтаи назардан инсон худонинг эзгу ниятларини ерда қарор топтиришга даъват этилган.

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат-ул қулуб (Қалблар кашфиёти). – Т.: "Янги аср авлоди", 2004. – 9-10 б.

² Ўша жойда. – 202 б.

Барча динлар инсонга ёвузлик, бедиллик, зулм ва ноҳақликдан халос қилишни ваъда беради. Худога ишониш аслида кишининг ёвузлик, ноҳақликдан халос бўлиш ниятидан пайдо бўлган. "Агар ёвузлик бўлмаганида инсоният табиий дунё билан чекланган бўларди. Зулм ва изтироб-ғамлардан холи табиий дунё инсон учун ягона илоҳият бўлиб қоларди. Агар зулм ва у юзага келтирадиган ғам бўлмаганида улардан халос бўлиш эҳтиёжи ҳам туғилмасди. Зулмдан келиб чиқадиган ҳаётдаги изтироб ва азоб инсоният ўтайдиган буюк илоҳият мактабидир. Агар зулм ва азоб-уқубатлардан холи бўлганида ҳаёт ўзидан коникиш ва ўзидан мағрурланишга айланарди. Зулм ва азобларнинг борлиги улардан идеал тарзда фарқ қилувчи эзгулик қондаларига қурилган илоҳий ҳаёт борлигидан далолат беради".¹ Демак, ҳаётдаги зулм, ноҳақликни мутлақ бартараф этиб бўлмайди, айнан улар кишида зулм, ноҳақлик йўқ идеал ҳаёт мавжуд деган ғояни шакллантиради. Инсон ушбу идеал ҳаётни барпо этиш учун яратилгандир. Бунинг учун инсон насронийликка кўра, ўз айбини туйиб, исломга кўра худо олдида қўрқиб яшаши зарур.

Инсон Илоҳий Рух билан ўзининг руҳини уйғунлаштириб дунёни шакллантиришда фаол қатнашади. Худо инсоннинг иродасини, эркини ўзига қарам қилмайди, балки, аксинча, ўзини инкор этишга, ўзининг йўлини топишга тўла имкон беради.² У ўзининг эркин ижодий фаолияти орқали худонинг эзгуликка қаратилган ниятларини рўёбга чиқаради. Эркин ижодий фаолият энг аввало шахснинг илоҳий талабларга монанд ўзининг ахлоқини шакллантирганидандир. Ушбу ижтимоий-ахлоқий фаолиятда, ижодий изланишда инсон эркиндир, шахс улар оқали ўзидаги "илоҳийлик ва инсонийлик"ни намоеъ қилади.

Илоҳийлик ва инсонийлик дунё динларида уйғун қараладиган ноқеликлардир. Ислом динидаги маънавий императив илоҳийликни улуғлашга каттароқ эътибор қаратади, лекин у инсонийликни, инсон эркини, ижодий фаолиятда озодлигини эсдан чиқармайди. Тўғри, айрим олган фикрларда, ҳадисларда Оллоҳни мутлақлаштириш кўзга ташланади. Умумий моҳиятга кўра, ислом дини инсонни дунёни инсонийлаштиришда фаол қатнашишини талаб этади. Қуйидаги ҳадислар ушбу фикримизни тасдиқлайди:

¹ Бердяев Н.А. Диалектика божественного и человеческого. – М.: АСТ; Харьков, "Фолио", 2005. – С.162-163.

² Мень А. Истоки религии. – Брюссель, 1991. – С.110.

"Кимнинг қалбига Тангри инсониятга нисбатан раҳму шафқат ато этмаган бўлса, у энг зиёнкор бандадир".

"Ҳаё – имондандир".

"Мўмин кишида қуйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик".

"Беш хил гуноҳ кечирилмайди: 1. Тангрига ширк келтириш. 2. Ноҳақ қон тўкиш. 3. Мўминларга нисбатан бўҳтон уюштириш. 4. Жангда қочиш. 5. Қасам ичиб бировнинг ҳақини ноҳақ ўзлаштириш".¹ Демак, дин бадахлокни қоралайди, уни Тангри олдида гуноҳкор деб билади. Тангри олдида гуноҳ ҳисобланган нарса мутлақ эмас, у ювилиши, покланиши мумкин. Бунинг учун инсон гуноҳдан кейин эзгуликка қўл уриши даркор. Инсоннинг худо олдидаги эрки, эркин ижодий фаолияти ана шундай эзгу амаллардандир.

Худо ўзининг эзгу ниятларини ерда қарор топтириш учун пайғамбарларни, расулларини юборади. Ушбу зотлар инсониятнинг ахлоқсизликдан, зулмдан, фаҳш ва шайтон васвасаларидан қутулишига даъват этадилар, шу тариқа ўзининг халоскорлик вази-фасини бажардилар. Шунинг учун динларда (Буддавийликда – Шакиа Мунья, насронийликда – Исо, исломда – Муҳаммад)ни пайғамбарларга, уларнинг даъватларига иккиланмай ишониш, уларнинг ҳаёт тарзига идеал деб қараш шаклланган.

Дин умумий тартибларни, ақидаларни, ҳар бир киши амал қилиши лозим бўлган қоидаларни яратса-да, инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқини, унинг ўз майли, эҳтиёжи ва қизиқишларига эргашинини инкор қилмайди. Аслида инсон ўзининг кимлигини, қандай ижтимоий идеални қалбига жо этганини, қандай ҳаётий мақсадлар билан яшаётганини ушбу эркин фаолиятида намоён қилади.

Илмий-назарий концепциялар инсоннинг эркин яшашини, фаолиятини ижтимоий детерминизм билан боғлайдилар. Ижтимоий борлик қонунлари, талаблари ва жамиятдаги муносабатлар инсон фаолиятини белгилаб беради. Диншунослар эса уни илоҳий куч, илоҳият билан боғлайдилар. "Ўзидаги олий куч-қувватни ривожлантириш, мақш қилдириш ва тарбиялаш орқали, - деб ёзади А.Мень, - инсон ўзининг потенциал эркини рўёбга чиқариши мумкин. Акс ҳолда унинг ўз иқтидоридан воз кечишига тўғри келади".²

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: "Фан", 1990. – 86, 186 б.

² Мень А. Истоки религии. – Брюссель, 1991. – С.181.

Муаллиф тўғри кўрсатади, инсонга ўзининг табиий биологик ҳолатини енгиш, ижтимоий таъсирдан ўзиш хос. "Инсон табиий борлиқ бера олмайдиган етукликни, мукамалликни қидиради. Бу ўринда жамият ва ижтимоий муносабатларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Инсон ўз эркини англаб энди табиий-биологик даъватларга кулоқ тутишни истамайди. Унинг чексиз ривожланишга интилиши ҳам шундадир".¹ Лекин илоҳий иқтидорни ижтимоий муҳит таъсирида рўёбга чиқиши мумкинлигини унутиб бўладими? Киши вужудида илм-фан аниқлай олмаётган табиий-биологик ва онг билан боғлиқ жараёнлар содир бўлаётгани ундаги хислатларнинг фақат илоҳий куч таъсири орқали ривожланиши мумкин дейишга ҳали асос бўла олмайди. Шунинг учун эрк, эркин фаолият фақат илоҳий-руҳий ҳолат маҳсули эмас; инсоннинг "ижтимоий мавжудот" (Аристотель) эканлигининг ўзи унинг хатти-ҳаракатларини ижтимоий муҳит билан боғлашга ундайди.

Инсоннинг эркин яшаши, эркин ижод қилиши деганда икки фазилат назарда тутилади: 1) Инсоннинг илоҳий қонунларни ҳаётга тадбиқ этиши; 2) инсоннинг ижтимоий-маданий бойликлар яратиб яшаши. Биринчи фазилатда инсон пайгамбарлар орқали нозил қилинган ақидаларни, нормаларни ҳаётга жорий этади. Бу ўринда инсоннинг эрки, фаолияти ана шу илоҳий қонунлар доирасида кечади. Иккинчи фазилатда инсон ижтимоий-маданий ҳаёт субъекти, лекин у яратиш, ижод қилишда илоҳий куч таъсири остида бўлади.

Биринчи йўналишда инсон фаолияти, эрки чегараланган, олдиндан белгилаб берилган. Агар шундай тартибга амал қилинмаса, диннинг умумийлик моҳияти йўқолади, у оддий панд-ўғит, насиҳат ёки ўтқинчи тажриба бўлиб қолади. Диндаги муқим, барқарор ва инсон руҳини мангу, муқаддас ўйлар билан тўлдирувчи жиҳатлар мавжудки, айнан улар динни илоҳий воқелик сифатида қарашга ундайди. Иккинчи йўналишда инсон диний, ҳатто ижтимоий таъсирлардан озод, яъни уларга эргашини ёки эргашмаслик, улардаги қайси ғояларни, фикрларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик унинг ихтиёридадир. Бирок, диний-руҳий талқинларга кўра, ижодий фаолият инсоннинг "илоҳий борлиққа яқинлашиши", ўзининг "илоҳий сифатларини намоён этишидир".² Машҳур француз ёзувчиси Г.Флобер тавсифига кўра, "ижодкор Худонинг бир жисмидир, ушбу жисм орқали У ўзининг мазмунини очиб беради". Бетховен-

¹ Ўша жойда. – С.132.

² Истоки религии. – Брюссель, 1991. – С.185.

нинг тан олишича, нафис куйлар оҳанги билан у "Худонинг кулоки остида гапираётгани"ни эшитган. Л.Н.Толстой эса гоҳо ўзини Худо иродасини ҳаётга жорий этаётганини сезиб ижод қилган.¹ Бундай мисолларни, ижодкорларнинг руҳий-иррационал туйғуларга берилишини яна кўплаб келтириш мумкин. Илоҳий кенгликка яқин турганини сезган кишигина эрки, иродаси, ақли, ижодий кучи билан уни қамраб олишга эҳтиёж сезади. "Натижада бизнинг ердеги ҳаётимиз, ижодий фаолиятимиз мукамалга, идеалга етиш завқи билан тўлади".² Инсон эркин яшай туриб, эркин ижод қила туриб, илоҳийни англайди, ўзидаги илоҳий сифатларни ривожлантиради ва рўёбга чиқаради. Илоҳий муҳит, етук ижтимоий борлиқ ушбу хатти-ҳаракатларнинг, яъни инсоннинг ўзидаги илоҳийлик ва инсонийликнинг уйғунлашуви натижасидир. Уларда трансцендентал қарашлар, тартибларгина эмас, балки, ижтимоий тараққиёт талабларини ҳам амал қилади. Трансцендент инсондаги илоҳий қучқувватни ижтимоий тараққиёт талаблари билан гармонияга келтириш воситасидир. Трансцендент мутлак, "ўзи ўзи учун" мавжуд эмас, у илоҳий муҳит билан етук ижтимоий борлиқни уйғунлаштирувчи идеалдир.

Динда илоҳийликни мангулик билан боғлаш, инсон қалбини мангулик, умрбоқийлик ғоялари билан тўлдиришга интилиш кучли. Одам нафақат ўз ҳаёти, худди шунингдек, авлодларининг ҳаётини ҳам умрбоқий қилиш ҳақида ўйлашини трансцендент яхши билади. Н.А.Бердяев, инсон азалдан ҳаёти ва умрбоқийлик учун курашиб яшайди, деганида ҳақ эди. Дили, руҳидаги ушбу эҳтиёжни, истакни тўғри илғагани учун одам трансцендентга ишонади, унга эргашади, уни идеаллаштиради.

Умрбоқийликка, мангуликка интилиш инсон филогенезисига ҳос воқелиқдир. Ҳали ўлмаётган киши ўз авлодларининг ҳаёти, келажаги ҳақида қайғуради; унинг фарзандлар кўриб, уларни соғсаломат ўстиришга, вояга етказишга борини сарфлаши ҳам аслида шундадир.

"Боқийлик ва ўлим", "муқаддас ва ўткинчи" каби тушунчалардан келиб чиқувчи силлогизм, тасаввурлар кишилар онгини қадимдан банд этиб келади. Инсон ва унинг ўлмас руҳи ҳақидаги ғоялар Сукрот давридан бери фалсафада муҳокама қилинади, лекин илм-фан бу борада илоҳий қарашлар каби эътиборли ҳулосаларга

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда. – С.186.

келмаган. Чунки умрбокийликни, мангуликни чексизликка, бепеёнликка – етуклик ва мукамалликка талпинувчи қалб, рух истайди, куруқ мантиқни севувчи идрок, ақл эса уни бемаънилик деб рад этади. Айрим олган инсон умри чекланган, ақл, идрок ушбу кўрсаткичдан келиб чиқади.

Ушбу мавзуга оид жуда кизиқарли асарлар¹ яратилган. Улардаги назарий концепцияларни таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Мавзумиз доирасидан келиб чиқиб қуйидагиларни айтишимиз мумкин.

Биринчидан, трансцендентнинг умрбокийлик, мангулик ҳақидаги қарашлари унинг хусусиятидан келиб чиқади. Трансцендент хусусиятига, табиатига кўра борлик, чексизлик, беҳадлик рамзидир. У ҳамма нарсада, ҳамма вақтда, ҳар бир онда мавжуддир. Инсон онги, ақлу идроки ушбу борликни, чексизликни, беҳадликни камраб ололмайди. У ушбу трансцендентни туйиб, трансцендентнинг ичида, унинг таркибий қисми сифатида яшаши мумкин.

Иккинчидан, чекланган чекланмаган олдада ожиздир. Шу нуқтаи назардан инсон трансцендентни улуғлаб, идеал билиб яшашга мажбур.

Учинчидан, инсон "Ўлим – ҳақ" дер экан, бу билан у ўз қисматига мутлак тобе эмаслигини, яъни ўлимни енгил қалбидаги ўйи эканини билдирмоқчи бўлади. У ўлимга, ҳаётдан беиз, бенишон кетишга бор кучи билан қарши чиқади. Фарзандлар кўради, уларни вояга етказиб ўз умрини умрбокий қишади, бетакрор бойликлар яратиб мангуликка даъвогар бўлади. У динни, худони ҳам шу мақсадда ўйлаб топган. Уильям Жеймс "Худо мангулик асосчидир"² деганида шуни назарда тутган.

Тўртинчидан, динлар бу дунёни ўткинчи деб билади, инсон руҳини "ўлмас субстрат" деб атайди. Мангулик, умрбокийлик нариги дунёдадир. Тириклик мангу дунё олдидаги синовдир. Шу тариқа жаннат ва дўзах – мангу ҳаёт тисоллари яратилган. "Жаннатий ҳаёт", "жаннатий одам", "жаннатий ўлка" ижтимоий-утопик голярнинг сеvimли мавзуси бўлиб келади.

Бешинчидан, трансцендентга умрбокий эзгулик, эзгу амалларга, эзгуликка интилиш ва эзгу ахлоқни, хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш хосдир. Эзгуликни, ахлоқни азалий деб эълон қилиши

¹ Бу ҳақда кенгрок маълумотни қуйидаги тадқиқотдан олишингиз мумкин: Қаранг: Ламонт К. Иллюзия бессмертия. – М.: "Иностр.лит-ра", 1961.

² Ўша жойда – С.14.

трансцендентнинг ўзини ҳам азалий тимсолга айлантиради. Чунки азалий нарсагина азалий сифатга, хислатга ва истакларга эга бўлади. Шу тарика трансцендент ҳам, эзгулик ва ахлоқ ҳам умрбоқий идеалга айланади.

Айниқса жамиягда, ҳаётда кескин ўзгаришлар рўй берганида умрбоқий трансцендентга ва азалий ахлоққа, эзгуликка кишиларнинг қизиқиши ошади. Ушбу идеал орқали улар кескин ўзгаришларга ўз муносабатини билдирадilar. Аслида кишининг умрбоқийни, мангуликни исташи ҳаётда барқарорликни исташидир, чунки умрбоқийда, мангуликда муқимлик, турғунлик, барқарорлик мавжуддир. Ушбу барқарорлик орқали у ўзининг тириклигини ҳам барқарор воқеликка айлантирмоқчи бўлади. З.Фрейд фикрига кўра, "ҳеч ким ўз ўлимига ишонмайди; агар бошқача қилиб айтиш зарур бўлса, ҳар ким онг остидаги икромига мувофиқ ўзини умрбоқий деб билади".¹

Олтинчиси, инсон мангуликнинг, умрбоқийликнинг трансцендент каби субъектидир. Тўғри, у трансцендент каби борликни, коинотларни, галактикани ярағолмайди, бироқ табиатни асраши, ундан янги-янги кашфиётлар қилиши, ён-атрофини гўзаллаштириши каби хатти-ҳаракатлари орқали инсоният ҳаётини умрбоқий, мангу қила олади.

Диний таълимотларга кўра, инсон ерга ундаги бедиллик, зўравонлик, бузукликни бартараф этиш учун, ўзининг юксак маънавий-ахлоқий фазилатлари билан одам эстини ҳалокатдан ҳалос қилиш учун ташланган.

Исо пайғамбардан. абадий ҳаётга эришиш учун қандай савоб ишлар қилиш даркор, деб сўрашибди. У: одам ўлдирма, зино қилма, ўғирлик қилма, сохта гувоҳлик берма, ота-онангни ҳурмат қил, ўзгани ўзинг каби сев, мол-мулкнингни камбағалларга тарқатиб, менинг кетимдан эргаш, деб жавоб берибди.² Ана шунда киши ўзининг қалбини ҳам, ўзини ҳам ҳалос қилган бўлади.

Пайғамбарлар, диний қарашларга кўра кишиларга юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эришиш йўлларини кўрсатиш учун юборилади. Исо алайҳиссалом, "мен ҳалок қилиш учун эмас, ҳалос қилиш учун келганман"³ деганида шуни назарда тутган.

¹ Мень А. Истоки религии – Брюссель, 1990. – С.191.

² Инжил. – Стокгольм, 1992. – 49 б.

³ Бердяев Н.А. Диалектика божественного и человеческого. – М.: АСТ; Харьков, "Фолио", 2005. – С.175.

Ҳатто унинг хочга миҳланиши ҳам инсониятни бад сифатлардан, ахлоқсизлик ва имонсизликдан қутқаришга берилган қурбонлик эди.¹ Кишилиқ учун азоб тортиб хочда ўлиш Исо алайҳиссаломни иймон, эътиқод, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга трансцендентал идеалга айлантирган. Фожиа қанчалиқ кучли руҳий таъсир этиш воситасига айланган бўлмасин, унинг негизида олижаноб мақсад, кишиларни юксак ахлоққа, иймон, эътиқод билан яшашга ундаш ётганини пайқаш қийин эмас.

Демак, Шарқ халқлари ҳаётида трансцендент муҳим роль ўйнаб келади. Бирорта ижтимоий ғоя йўқки, у ёки бу даражада дин, спиритуализм билан боғлиқ бўлмаган. Маънавий ҳаёт дин, спиритуализм таъсирида ривожланиб келган, худони, яратганни идеал сифатида қараш ҳам шу сабабдир.

Худо оламни мукамал яратишга аҳд қилган, инсонни ўзига монанд, ўхшаш қилиб ясаган. Инсоннинг ўзини-ўзи камолга етказиши мумкинлиги, ён-агрофини, ижтимоий муносабатларни ҳам етук қила олиши уни ижтимоий-ахлоқий идеалнинг бош объектига айлантиради. Бу ўринда худонинг хоҳиши, талаблари билан инсоннинг кун тартибига чиқади. Инсон худо талаб ва хоҳишларининг кўр-кўрона ижрочиси эмас, у ўз хатти-ҳаракатларида, хулқ-атвор нормаларини танлашда, у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишда эркиндир. Айнан ушбу эркинлик унга маънавий масъулият юклайди, у танлаган идеалнинг ички моҳиятини очиб беради.

Худо, Шарқ халқларининг маънавий императивига кўра, етуклик, мукамаллик, идеал тимсолидир. У ҳар қандай қусурдан, камчиликдан холидир. Инсон худога монанд яратилган, худонинг хоҳиш ва талабларини ижтимоий борлиқда, ерда қарор топтиришга даъват этилган бўлса-да, у ижтимоий идеалини мустақил танлайди. Бирок шахснинг ушбу идеали Борлиқнинг, Коинотнинг, Мавжудотнинг умумий қонунларига, Инсониятнинг эзгу тилақларига қарши чикмаслиги, балки улар билан уйғун келиши даркор.

¹ Ўша жойда. – С. 176.

IV – БОБ. БАДИЙ-ЭСТЕТИК ИДЕАЛ ВА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ БОРЛИҚ

4.1. Бадий-эстетик идеал: функционал хусусиятлари ва ижтимоий-маънавий борлиққа муносабатлари

Ижтимоий идеал билан бадий-эстетик идеал ўртасидаги алоқадорликларни, боғлиқликларни ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан илк бор Л.Н.Столович очиб беришга интилдди. Бирок унинг концепциясида бадий-эстетик идеални ижтимоий идеалдан алоҳида кечадиган воқелик сифатида қарашга мойиллик мавжуд. Ҳатто унинг, "агар жамиятнинг ўзи идеал кўринишда эстетик моҳияти ва аниқ ҳиссий кўринишда тасвирланса, ижтимоий идеал билан эстетик идеал айнан бўлади",¹ деган таърифида ҳам урғуни эстетик идеалга бераётгани кўришиб туради. Олимнинг эстетик идеални алоҳида воқелик сифатида қарашга мойиллигини мутлақ рад этиш мумкин эмас, у ўзининг илмий-назарий ёндашишидан ва ўзи амалга ошираётган тадқиқот соҳасидан, эстетикасидан келиб чиққан. Тадқиқотчига ўз мавзусини, гоҳо эса ўз соҳасини мутлақлаштиришга мойиллик хослигини рад этиб бўлмайди. Бизнинг тадқиқотимизда эса бадий-эстетик идеал ижтимоий идеал тизимининг таркибий қисми, тизимнинг ички тизими сифатида қаралади. Демак, ушбу идеаллар ўртасида моҳиятан яқинлик, уйғунлик, яхлитлик бўлиши шарт, акс ҳолда улар бир тизим (система)га тааллуқли воқеликлар ҳисобланмайди.

Ижтимоий идеал кишиларнинг келажак ҳақидаги прогрессив аҳамиятга эга гипотетик қарашлари, образли тасаввурлари, моделлари, ғояларидир. Бадий-эстетик идеал эса ушбу келажакнинг бадий-эстетик образли тасаввурларидир. Бошқача қилиб айтганда "эстетик идеал зарур гузаллик ҳақидаги тасаввурлардир".²

Ижтимоий идеал билан бадий-эстетик идеал онг шакллари, уларнинг ҳар иккаласида ҳам гносеологик негиз мавжуд. Яъни улар

¹ Столович Л.Н. Категория прекрасного и общественный идеал. – М.: "Искусство", 1969. – С.11.

² Гей Н., Пискунов В. Эстетический идеал советской литературы. – М.: "Худ.лит-ра", 1982. – С.31.

ён-атрофни англашга, идрок этишга, шу тариқа маълум бир тасаввурларни, субъектив қарашларни ифода этишга қаратилган фаолият туридир. Тўғри, ён-атрофни англаш, идрок этиш турлича ёндашувларга, ғносеологик тажрибага, назарий концепцияга қурилади. Шу боис улар мутлак айнан воқелик бўла олмайди. Бу биринчидан.

Иккинчидан, ижтимоий идеал жамият, давлат, инсоният, умуман ижтимоий борликни такомиллаштиришга қаратилган ҳар қандай ғояни, образли тасаввурларни, мақсадларни ўз ичига олиши мумкин. Шу нуқтаи назардан бадий-эстетик идеални ҳам. Чунки бадий-эстетик идеал ён-атрофни шунчаки ифодалаш, тасвирлаш қусули эмас, унинг негизида ҳаётни гўзаллаштириш, комил даражада инсонийлаштириш, нафосат қонуниятларига мувофиқ ташкил этиш ҳақидаги ўй, хаёл, орзу ётади. Шу тариқа бадий-эстетик идеал ижтимоий борлиққа, кишиларнинг ушбу борликни юксалтиришга қаратилган орзуларига хизмат қилади.

Учинчидан, ижтимоий идеал кенг қамровлиги, бутун ижтимоий борлиққа, жамиятга тааллуқли воқелик экани билан бадий-эстетик идеалдан кенгдир. Ижтимоий идеал бадий-эстетик идеалга, ўзининг таркибий қисми, ички тизими сифатида, жамият олдидagi муаммолардан келиб чиқишни, уларга таянишни ва уларни такомиллаштириш йўлларини топишни вазифа қилиб қўяди. Демак, ижтимоий ҳаёт кун тартибига қўяётган муаммолар ўз навбатида бадий-эстетик идеалга ҳам тааллуқлидир.

Тўртинчидан, ижтимоий идеал кенг қамровли ва бутун ижтимоий борлиққа тааллуқли воқелик бўлгани учун унда шахсий-хусусий идеаллар ўз ўрнини топавермайди. Масалан, машҳур америкалик ёзувчи Айзек Азимовнинг "ғайриҳаётий фантастик олами" ёки Томас Морнинг "утопия ороли" бадий, илмий-назарий нуқтаи назардан қимматли ғоялардир, бироқ улар жамиятни ўзгартириш ва такомиллаштиришга тааллуқли, кишилар қуйлаб келаётган идеал жамият, идеал давлат даражасидаги моделларга, қарашларга айланмаган. Идеалнинг ижтимоий-прогрессив воқеликка айланиши учун у кишиларнинг тасаввурларидан, келажак ҳақидаги ўй, хаёл, орзулари каторидан жой олиши лозим, акс ҳолда у шахсий-хусусий фараз, гипотеза, фикр бўлиб қолади. Бадий-эстетик идеал кўпинча бундай шахсий-хусусий тасаввур даражасида, поғонасида қолиш хусусиятига эга.

Бешинчидан, ижтимоий идеал билан бадний-эстетик идеал ўргасидаги алдқадорлик, боғлиқлик иерархик муносабатларга эмас, балки бир бирини моҳиятан, диалектик бойитишга қурилган. Ижтимоий идеал жамиятнинг умумий тараққиётига оид ғояларнинг ифодасидир, бадний-эстетик идеал эса ушбу муносабатларнинг нафосат ва инсонпарварлик қонуниятларига мувофик кечишига қаратилгандир. Шу нуқтаи назардан бадний-эстетик идеал ижтимоий идеалнинг бир томонига, йўналишига тааллуқли воқелик сифатида намоён бўлади.

Олтинчидан, ижтимоий идеал мавжуд ижтимоий муносабатлардан, ушбу муносабатларда етакчилик қилаётган манфаатлардан, концепциялардан келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан ижтимоий идеал ўз даврининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий қарашларининг мағзи, квинтэссенциясидир. У мавжуд ижтимоий муносабатларни мутлақ рад этмайди, рад эта олмайди ҳам, балки уларни янада такомиллаштиришни, юксалтиришни назарда тутати. Бадний-эстетик идеал эса шахсий-хусусий ғоя сифатида бошқа қадриятларни ёқлаб чиқиши мумкин. Аммо бундан бадний-эстетик идеал мавжуд ижтимоий муносабатларни рад этувчи ғоя сифатида келар экан деган тор, бир ёқлама ҳулоса чиқармаслик зарур, акс ҳолда бадний-эстетик идеалнинг прогрессив воқелик эканини ҳам рад қилишга тўғри келади. Биз бадний-эстетик идеални алоҳида ижтимоий воқелик сифатида ўрганаётганимизда энг аввало унинг прогрессив аҳамиятидан келиб чиқамиз.

“Идеал” ижтимоий-психологик тушунчадир. Бадний-эстетик нуқтаи назардан эса у бадний-эстетик идрок, дид, онг ва қарашлар, тажриба, интуиция ва фантазия, нафосат, ижодий фаолият билан боғланиб, уйғунлашиб келади. Умумий нуқтаи назардан бадний-эстетик тушунчалар эстетика – нафосатшуносликка оид воқеликлар сифатида қаралади ва гўзаллик ижтимоий идеалнинг асосий объекти (предмети) тарзида идрок қилинади. Лекин эстетика нафақат гўзалликни, нафосатни худди шунингдек, фожиавийликни, масхарабозликни, бадбашара нарсаларнинг ифодасини ҳам ўрганади. Демак, бадний-эстетик идеал ушбу мунофий воқеликларни четлаб ўтмайди, уларга ўз муносабатини билдиради.

Бадний-эстетик онг борликни, воқеликни эстетик нуқтаи назардан англаш, идрок этиш ифодасидир. “Инсон борликни нафосат қонуниларига риоя қилган ҳолда англайди... Нафосат

қонунларига риоя этиш, яъни яратиш қобилияти инсон фаолиятининг моҳият ва мазмунини ташкил этади. Шунинг учун инсоннинг ҳар қандай фаолиятида эстетик манба мавжуд: инсон ўз фаолияти давомида моддий билан бирга маънавиятга шодлик - севинч, орзу умид, эрк-озодлик туйғуларига суяниб яшайди, моддий самаралар билан бирга ўзи ва бошқалар фаолиятининг нафосат мезонлари билан ўлчанадиган ижтимоий баҳоланишига ҳаракат қилади”.¹ Бадий-эстетик идеал ушбу нафосат қонунларига таянар экан, борлиқни гўзаллик мезонлари орқали такомиллаштиришга интилади. У шунчаки ифода, тасвир эмас, ҳатто ранг-баранг асарлар, ифодалар ва тасвирлар ҳам идеал бўлавермайди, акс ҳолда ҳар қандай бадий-эстетик қадрият идеалга айлантирилган бўларди. Идеал мавжуд воқеликлар ичидан энг юқсагини, энг етугини, энг гўзалини танлаб олади, яъни бадий-эстетик тип яратади. Ушбу тип бир томондан, мавжуд эстетик қадриятлар ва борлиқни эстетик идрок этиш талабларидан келиб чиқса, иккинчи томондан, уларни янги поғонага, етуклик даражасига кўтаришни назарда тутаяди. Масалан, Алишер Навоийнинг поэзияси бизда, ўзбек адабиётида бадий ижоднинг барча талабларига тўла жавоб берадиган, гоҳо эса янги образлар, тасвирлар, ғоялар яратувчи идеал даражада эъзозланади. "Навоий, - деб ёзади И.Ғафуров, - ҳамма ҳолларда ва ўзининг барча ҳаётий мақоматларида худди... Ҳа, худди Худо назар солиб тургандай ёзади. Сўз унга қоинотнинг қаърларидан ёғилиб келаётганга ўхшайди. Гўё унинг қаламини (ЛОГОС) қоинот тирик мавжудотга айланиб тутгандай.

Ва Навоийни ўқиётганда одам худди Хизр сувини ичаётгандай бўлади. Ва худди абадий тирикликка мансублик ҳосил қилгандай. Унинг Худо назаридан холи мисраси йўқ. Ҳар сатри, ҳар байтига Худонинг назари тушиб туради”.² Худо, маълумки, Шарк таълимотларига кўра Етуклик, Мукамаллик рамзидир. И.Ғафуров, ушбу етуклик ва мукамаллик, яъни идеал ифода Навоий ижодига хос хислатдир, деб кўрсатади.

Бадий-эстетик идеалнинг шаклланишида эстетик диднинг алоҳида ўрни бор. Аслида эстетик дид билан бадий-эстетик идеал ўзаро диалектик боғлиқ воқеликлардир. Эстетик диди шаклланган

¹ Умаров Э. Эстетика (нафосатшунослик). - Т.: "Ўзбекистон", 1995. - 77 б.

² Ғафуров И. Ҳаё - ҳалоскор. - Т.: Шарк, 2006. - 203 б.

одамнинг идеали билан ушбу диди ривожланмаган кишининг эстетик идеали ўртасида жиддий фарк мавжуд. Масалан, эстетик диди етарли ривожланмаган киши Пикассо ёки Салвадор Дали асарларида афт-ангори ёки тана тузилиши атайин бузиб тасвирланган гавдаларни илғаш, мусаввирларнинг борлиққа муносабатини бутунлай тескари тушуниши мумкин. Тўғри, ҳар кимнинг диди, шу жумладан бадий-эстетик диди ҳам, ўзига хосдир. Русчада "О вкусах не спорят" деган мақол бежиз санъаткорлар орасида кенг тарқалмаган. Ҳатто кўп йиллардан бери тасвирий санъат билан шуғулланиб келаётган мусаввирлар ичида ҳам Пикассо ва Салвадор Дали ранг тасвирларини турлича идрок этиш, баҳолаш учраб туради. Бирок ушбу мусаввирлар билан эстетик диди шаклланмаган томошабин ўртасида тафовут каттадир.

"Бадий-эстетик идеал бир томондан, эстетик дид, иккинчи томондан, эстетик қарашлар ўртасидаги муносабатларнинг кўринишидир".¹ Демак, бадий-эстетик идеал эстетик дид билан эстетик қарашларни ўзида уйғунлаштирувчи воқелиқдир. Бу ўринда Л.Н.Столовичнинг бадий-эстетик идеални оддий бадий воқелиқ даражасида талқин этаётгани кўзга ташланади. Бадий-эстетик идеал оддий бадий-эстетик воқелиқ, санъат асари ёки қараш эмас, у мавжуд эстетик борлиқни мукамаллаштиришга қаратилган образ, ғоя, тасаввурдир. Идеалнинг эстетик дид ва эстетик қараш билан боғлиқлигини ҳеч ким инкор қилмайди, аммо идеалнинг гипотетик хусусиятини, келажакка йўналтирилганини эсдан чиқармаслик лозим.

Бадий-эстетик қараш моҳиятан ижтимоий онг шаклидир. Бадий-эстетик идеал ҳам ижтимоий онг шакли, шунинг учун улар моҳиятан айнан воқелиқлардир. Аммо, функционал хусусиятларига кўра улар айнан воқелиқлар эмас. Бадий-эстетик қараш ўтмишга қаратилган ҳам бўлиши мумкин. Масалан, А.Ф.Лосевнинг ант-ак давр эстетикасига бағишланган барча асарлари эр.авв.даврларга қаратилган.² Кейинги йилларда суфийликдаги эстетик доктриналарни ўрганиш ҳам буюк тасаввуфчиларнинг бадий-

¹ Столович Л.Н. Категория прекрасного и общественный идеал. – М.: "Искусство", 1969. – С.7.

² Лосев А.Ф. История античной эстетики. – М.: "Искусство АРТ", 2001; Уни си. Очерки античного символизма и мифологии. – М.: "Мысль", 1993 ва б.

мусиқавий меросини тиклашни назарда тутати.¹ Ёки бўлмаса бадиий-эстетик қараш жамият маънавий ҳаётида кечаётган бадиий жараёнларни, бадиий-адабий, мусиқавий, тасвирий санъатда тадқиқ қилишга қаратилиши мумкин. Бадиий-эстетик идеал объекти эса – келажакдир. Келажакка йўналтирилганлик, кишиларнинг келажакдаги ҳаётида бадиий ижоднинг ўрни қандай бўлиши кераклигини идрок этиш, ўрганиш бадиий-эстетик идеалнинг мақсадидир.

Ижтимоий идеал каби бадиий-эстетик идеал ҳам бўшлиқда, ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий муҳит таъсирисиз пайдо бўлмайди. Унинг шаклланиши, маълум бир ғоя, таълимот, қараш сифатида келиши бадиий-эстетик тажрибалар, изланишлар маҳсулидир. Аслида бу тажрибалар, изланишлар бадиий ижод, ижодий фаолият ифодасидир.

Ижодий фаолиятнинг фалсафий, социологик, аксиологик, эстетик, педагогик, антропологик, тарихий, социал-психологик каби муаммолари қўздан бери тадқиқ этилади. Бу борада Платон ва Аристотелнинг илмий-назарий аҳамиятга эга асарлар қолдиргани, уларда бадиий ижодга оид бетакрор фикрлар баён қилинганини эслашнинг ўзи етарлидир. Бизнинг назифамиз ушбу фаолиятнинг хусусиятларини тадқиқ этиб янги йўналиш очиш эмас, балки, бадиий ижоднинг бадиий-эстетик идеалга алоқасини қайд этиб ўтиш, холос.

Бадиий ижоднинг идеал даражадаги кўринишига даҳо санъаткорлар, ёзувчилар, шоирлар, илм аҳлининг изланишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Махсус тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқсак бундай ижодкорлар фаолияти перцептив (диққат, ҳиссиётга берилиш, ўз устида қаттиқ ишлаш, нозик идрок этиш каби индивидуал психологик туйғулар), интеллектуал (интуиция, фантазия, ўйловчилик, топқирлик, олдиндан сезиш, қатта назарий билимга эга бўлиш), характерология (ноанъанавий йўл тутиш, бетакрор фикрлаш ва қарор қабул қилиш, юқори ташкилотчилик, ишчанлик) ва мотивация (ижоддан руҳий озуқа олиш, доимо ижодий жараён ҳақида ўйлаш, бирор йирик натижага эришиш) нуқтаи назардан

¹ Курбанмамедов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе, "Дониш", 1987; Низомов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. – Душанбе, "Ирфон", 2000 ва б.

баҳоланади.¹ Бадий-эстетик идеалнинг шаклланиши ёки ўзини намоён этиши ушбу индивидуал-психологик омилларнинг уйғунлиги, комплекс тарзда, яхлит воқелик сифатида келиши натижасидир. Масалан, ижодкорнинг перцептив-психологик хислатларини олайлик. Диккатни бир жойга, муаммога қаратиш ижодкорни чуқур, ҳар томонлама ўйлашга, мавзунинг йўналишларини бир-бирига тинмай таққослаб, қиёслаб боришга ундайди. Гоҳо ижодкор бу изланишлари натижасида нафақат бўлғуси асар ёки кашфиётнинг турли режаларини, шунингдек, нусхаларини ҳам ярагади. Лекин ижодкор ушбу нусхалардан бирини танлайди ва ўша нусхани ўқувчига тақдим этади. Бу асар, унинг бош қахрамонини ўқувчи идеал сифатида қабул қилади, бунини ижодкорнинг ўзи ҳам билмайди. Шуниси аёнки, асар ҳам, бош қахрамон ҳам ижодкор учун умри бўйи идеал бўлмаса-да, маълум бир давргача, яъни янада муҳимроқ, қадрлироқ асар, образ яратгунча идеал бўлиб қолади. Ижодкор ҳеч қачон ўз асаридан, қахрамонидан осонгина воз кечмайди. Демак, бадий-эстетик идеалнинг шаклланиши мураккаб индивидуал-психологик кечинмалар ва ҳаётий изланишлар натижасидир.

Юқоридаги ёндашувлар ва фикрлардан келиб чиқиб, бадий-эстетик идеалнинг функционал хусусиятларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Оламни билиш – тараққиёт йўлларини англаш.
2. Ҳиссий-эмоционал идрок этиш.
3. Қадриятлар яратиш.
4. Маданий-ижодий фаолият билан шуғулланиш.
5. Тарбиявий-коммуникатив вазифаларни бажарилиши ва б.

Шуни айтишимиз зарурки, бадий-эстетик идеалнинг функционал хусусиятларини субъекти ва объекти, бадий ижод тури, тадқиқотнинг концепцияси нуқтаи назаридан ҳам келиб чиқиб белгилаш мумкин. Шунинг учун ҳар бир бадий-эстетик ижоднинг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, уларнинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши ҳам ҳар хилдир.²

Бадий-эстетик идеал негизида оламни билиш мавжуд ҳаётни такомиллаштириш, гўзаллаштириш, тараққиёт йўлларини англаш

¹ Пономарев Я.А. Психология творчества и педагогика. – М.: "Педагогика", 1996. – С.222.

² Диллов А. Природа художественного творчества. – М.: "Педагогика", 1981. – С.225.

ёки кўрсатиб бериш ғояси ётади. Шу тариқа ижтимоий-маънавий борлиқ бадий-эстетик идеалнинг объектига айланади.

Бадий-эстетик идеал ижтимоий-маънавий борлиқнинг барча жабҳаларини, барча муаммоларини камраб олмайди, албатта. У ижтимоий-маънавий ҳаётда учраётган салбий сифатлар (хунуклик, фожиа, ғализлик, дағаллик, табоҳлик ва б.)ни бартараф этиш, уларни ўрнига инсон дилини, туйғусини, қалбини гўзаллаштирувчи фазилатларни қарор топтиришни мўлжаллайди.

Бадий ижоднинг, санъатнинг оламни билишга, тараққиёт йўлларини англашга йўналтирилгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Чунки ҳар қандай ижодий фаолият ниманидир билишга, ниманидир англашга қаратилади.

Д.С.Лихачевнинг фикрига кўра, санъатни идрок этиш, дид авлоддан авлодга берилмайди, уларни ҳар кимнинг ўз ўзида шакллантиради. Санъатни идрок этиш бошқаларнинг фикрларича, модага эргашиш эмас, санъат оламни қандай тарзда мустақил англаса, киши ҳам санъатни шундай мустақил англаши лозим.¹ Чунки санъат, бу ўринда бетакрор бадий ижод намуналари назарда тутилмоқда, оламни, борлиқни ҳар сафар бошқача, ҳар сафар бетакрор акс эттиради. Ушбу бетакрорлик ўз навбатида томошабиндан ҳам бетакрор, ўзига хос тарзда баҳолашни тақозо этади.

Ш.Юсупов машҳур актер Аброр Ҳидоятонинг Отелло ролини мудом мукамаллаштириб, шарқона бир талқинда беришга интилиб, доим изланиб яшаганини қайд этади. Ваҳоланки, театр актери учун тайёр образ ролига кириш етарли эди. Моҳир санъаткор идеал образ яратишга интилади. "Отелло фожиасини машҳур актёр Аброр Ҳидоятон ижросида кўрган киши бу фожиани абадий унута олмайди... Чунки, артист бу ролини ўн беш йилдан бери ижро этаётганига қарамай, ҳамон шу образни мукамаллаштириш устида иш олиб боради".²

Бадий-эстетик идеал санъат, бадий ижод орқали кишига келажакни, тараққиёт йўлларини англаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун у ижтимоий борлиқни, объектив ҳаётни шунчаки ифодачиси эмас.

¹ Лихачев Д.С. Письма о добром и прекрасном. – М.: "Детская литература", 1988. – С.133.

² Юсупов Ш. Санъат ва ҳайрат. Ғ.Т.: "Маънавият", 1997. – 73 б.

Бадиий ижод билан шуғулланувчиларга ён-атрофни, борлиқни хиссий-эмоционал идрок этиш хосдир.

Хиссий-эмоционал идрокнинг санъат, бадиий ижод усули эканини ўз пайтида Аристотель ҳам қайд қилган. "Поэтик санъатнинг келиб чиқишига, - деб ёзади Аристотель, - очик-ойдик икки сабаб бўлиб, иккаласи ҳам табиийдир. Биринчидан, гаудалантириш, ўхшатиш инсонга болаликдан хос бўлган хусусият. Инсон бошқа жонли мавжудотлардан ўхшатиш қобилиятига эга эканлиги билан ҳам фарқланади, ҳатто дастлабки билимларини у ўхшатишдан олади ва бу жараён самаралари барчага ҳузур бағишлайди".¹ Ўхшатишдан олинган ҳузур аслида хиссий-эмоционал муносабатдир.

Хиссий-эмоционал идрок ҳар кимда ҳар хил кечади. Кимгадир зерзавк, шўх ва қувнок кўринган куй ёки қўшиқ бошқа бировга маънисиз, енгилтабиатлик туюлиши мумкин. Хиссий-эмоционал таъсирнинг бадиий-эстетик идеалнинг шаклланишига таъсири ҳам ҳар хилдир. Шунинг учун барча учун умумий бўлган бадиий-эстетик идеални топиш, яратиш қийин. Аммо ижтимоий онг, идрок шакли сифатида жамиятда маълум бир умумий бадиий-эстетик идеал, тасаввурлар, қарашлар бўлиши табиий ҳолдир. Акс ҳолда бадиий-эстетик идеалда ижтимоий моҳият қолмайди.

Ўзбек халқи, ашула ихлосмандлари 60-80 йилларда Фахриддин Умаров кўшиқларини идеал, етуклик, санъатнинг бетакрор намунаси сифатида қабул қилган. Санъаткор бетакрор овозга, иқтидорга эга. "Фахриддин Умаров бундай даражага Аллоҳ ато қилган таъсирчан, қудратли овознинг ўзи билангина эришгани йўқ. У игна билан қудук қазишга, тирноқ билан тоғ кўпоришга етгулак матонат ва шижоат билан, сабр-чидам билан, юк кўтарган юзага чиқиши муқаррарлигига бўлган чексиз ишончи билан эришади..."² Санъаткорнинг куйни, шеърни алоҳида бир қобилият, ҳис-туйғу билан идрок этгани унинг овозидан, куйларнинг авжидан, классик санъатнинг энг нозик қирраларини мукамал эгаллаб олганидан дарак берарди. Айнан ушбу иқтидори ва классик санъатга муносабати томошабинлар орасида алоҳида бир ижтимоий-маънавий муҳит яратарди. Бу муҳит ўзбек классик санъатига ва классик адабиётига, ғазалчилигига меҳр-муҳаббат уйғотишдан

¹ Аристотель. Поэтика (поэзия санъати ҳақида). - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1980. - 9 б.

² Юсупов Ш. Санъат ва ҳайрат. - Т.: "Маънавият", 1997. - 148 б.

бадий асарларни яқши билиши, худди шунингдек, ўзи ҳам ижод билан шуғулланиши даркор.

Бадий-эстетик ижод тарбиявий-коммуникатив функция-ларни ҳам бажаради. Унинг ушбу функционал хусусияти санъат ва адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги эстетик тарбиявий вазифаларига айнандир. Ўз пайтида Платон санъат ижтимоий ҳаётда тарбиявий вазифани бажариши зарур деб кўрсатган эди. Санъатда "ҳеч қандай ахлоқсизлик, беҳаёлик, паст ва уятли нарсалар бўлмасин".¹

Санъат, адабиёт, ракс, мусиқа тарбиявий-коммуникатив функцияси нуктаи назаридан кишиларда эстетик онг, эстетик дид ва эстетик дунёқарашни шакллантиради. Худди шу тарзда у кишилар, жамият маънавий ҳаётига таъсир этади.

Бадий-эстетик идеалнинг ижтимоий-маънавий борлиққа таъсири билвоситадир. Яратилган бадий-эстетик кадриятлар кишиларнинг нафосат, бадий ижод, санъат, улуғворлик, бетакрорлик ҳақидаги қарашларини шакллантириш орқали уларни ушбу олижаноб фазилатларни маънавий ҳаётда қарор топтиришга ундайди.

Ижтимоий-маънавий борлиқ фақат бадий-эстетик кадриятлар, идеаллар орқалигина шаклланмайди, албатта. Бироқ бадий-эстетик идеал ҳаётли, келажакни нафосат қонунларига мувофиқ такомиллаштиришни назарда тутгани сабабли ижтимоий-маънавий борлиққа ижобий таъсир этмай қолмайди. Айниқса унинг кишиларни бадий-эстетик жараёнларнинг субъектлари бўлишга, бадий ижод билан шуғулланишга даъвати ижтимоий-маънавий ҳаёт учун муҳимдир.

4.2. Бадий-эстетик идеал маданий-ижодий воқелик сифатида ва унинг шахс маънавиятида тугган ўрни

"Бадий-эстетик идеал" шунчаки тушунча, тасаввур эмас, у ижтимоий борликни, инсоннинг руҳий-маънавий оламини, ҳаётини гўзаллаштиришга, нафосат орқали такомиллаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир. Ҳаётни гўзаллаштириш, такомиллаштириш эса маданий-ижодий фаолият орқалигина амалга оширилиши мумкин. Демак, бадий-эстетик идеал инсонни маданий-ижодий фаолиятга даъват этиши билан қимматлидир.

¹ Платон. Политика или государство//Сочинения. Ч. III. – СПб., 1989. – С.172.

ибораг эди, албатга. Шунинг учун ҳам Ф.Умаров "классик шеъриятимизнинг Навоий, Фузулий, Бобур, Машраб сингари буюк вакиллари соҳир калами билан яратилган ўнларга гагал ва мухаммасларга, Миртемир, Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Чустий, Пўлат Мўмин, Жуманиёз Жабборов, Кантар, Ўткир Рашид, Акмал Пўлат сингари шоирларнинг замонавий темадаги кўплаб шеърларига янгидан боқий умр бахш этди".¹ Шу тариқа у ўзбек классик кўшиқчилигида ўзига хос икtidори билан идеал мактаб яратди.

Бадий-эстетик идеал кишиларга, авлодларга ўрناк бўлгудек намуналар, асарлар, хулқ-атвор – кадриятлар яратади. У бадий ижод ва бадий-эстетик онг, қарашлар инъикоси сифатида келажакка хизмат қиладиган образларни шакллантиради. Масалан, ёшлар ўртасидаги ишқ-муҳаббатнинг қандай бўлишини биз Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун дostonларидаги бош қаҳрамонларнинг бир-бирига вафодорлиги, садоқати, Ватанга бўлган муҳаббатни Алпомишнинг жасоратлари орқали идрок этамиз. Бу ўринда биз халқ поэтик идеалининг дostonлардаги қаҳрамонлар образида мужассамлигини кўраимиз. Халқимиз учун бадий-эстетик идеаллар тимсоли бўлиб келган образларни биз "Орзиғул", "Ёдгор", "Эрали ва Шерали", "Ойсулув", "Тўлғоной", "Муродхон" каби дostonларда, "Уч оға-ини ботир", "Тоҳир ва Зухра", "Митти паҳлавон" каби халқ эртақларида, Насриддин Афанди ва Алдаркўса каби сиймоларда ҳам кўраимиз. Асрлар оша яшаб келатган бу образ-идеаллар ижтимоий ҳаётни мукамаллаштириш, инсон фазилатларини такомиллаштиришга қаратилгани билан халқ қалбидан жой олган. Улар шунчаки образлар, тасвирлар эмас, балки авлодларни қандай мақсадлар билан, қандай фазилатларни – кадриятларни ўзида шакллантириб яшашга ўргатиб келатгани билан қимматлидир.

Бадий-эстетик идеални бадий ижоддан қабардор шахслар – санъаткорлар, шоирлар, ёзувчилар, мусаввиّرлар, публицистлар яратади. Айнан улар жамиятда бадий-эстетик қарашларни шакллантирадилар. Таҷриба кўрсатадики, бадий ижоддан узок бўлган кишида бадий-эстетик идеал етарли даражада шаклланган бўлмайди. Бадий-эстетик идеалига эга бўлмоқчи киши нафақат

¹ Ўша жойда. – 149 б.

Шунинг учун маданий-ижодий фаолиятга ундаш, инсоннинг бадиий-эмоционал кучларини гўзаллик, нафис санъат асарлари яратишга қаратиш бадиий-эстетик идеалнинг бош функциясидир.

Бадиий-эстетик идеал мураккаб санъат, адабиёт, архитектура, фолклор, ҳунармандчилик, тасвирий санъат, театр, мусика каби ранг-баранг кўринишдаги иждодий фаолият турлари, уларнинг маҳсуллари орқали шаклланади. Шу нуктаи назардан бадиий-эстетик идеал бир томондан, мураккаб ва турли-туман бадиий-эстетик омиллар таъсирини ўз ичига олувчи синтетик воқелик, иккинчи томондан, "борлиқнинг шахсий (шахс томонидан – С.А.) ифодасидир".¹

Бадиий-эстетик идеалнинг синкретик хусусияти тадқиқотчиларда эътироз уйғотмайди, балки, аксинча, улар бадиий-эстетик воқелик "бир-бирига зид, гоҳи эса умумий тасаввурлар доирасидан кенг" жараёнларни, ноанъанавий ёндашишларни ўз ичига олишини қайд этадилар. Бирок улар бадиий-эстетик идеалнинг шаклланишида, шахснинг борлиққа муносабатида, шахс рўҳий-эмоционал ҳолатининг бадиий-эстетик дидга, идрокка, ифодага таъсири масаласида турли қарашларни билдирадilar. Ушбу қарашлар,² шубҳасиз, бадиий-эстетик идеалнинг гносеологик масалаларини кенг қамровли, чуқур, турли фанлар натижалари билан умумлаштиришга ёрдам беради, тадқиқотларнинг йўналишларини ойдinлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга улардаги ижобий жиҳат шундаки, инсон бадиий-эстетик идеалнинг бosh субъекти сифатида қаралади.

Инсонни бадиий-эстетик воқеликнинг бош субъекти сифатида қараш Аристотелга бориб тақалса-да, унинг илмий-назарий асосини И.Кантдан топамиз. И.Кантнинг фикрига кўра, инсон бoshка мавжудотлардан, ҳайвонлардан "гўзалликни идрок этиши", яъни эстетик завқланиш ва нафосат яратиш қобилияти билан ажралиб туради. "Ёқимли нарсаларни ақлу идрок этишдан маҳрум ҳайвонлар ҳам сезади, - деб ёзади И.Кант, - гўзалликни эса ақлу идрокка эга инсонлар туядилар..."³ Бадиий-эстетик идрокка қодир "инсонга нафосат - идеал", инсоният эса "қамоллик идеали" бўлиши мумкин.

¹ Андреев А.Л. Место искусства в познании мира. – М.: Политиздат, 1980. – С.126.

² Кант И. Сочинения в шести томах. Т.5. – М.: "Мысль", 1966. – С.211.

³ Уша жойда. – С.237.

Тўғри, И.Кантда шахс, инсон ижтимоий-тарихий муҳитдан, муносабатлардан ажратилган, "субъектив мақсадлилиқ" фаолият негизини ташкил этади. У кишини "предмет сифатида идрок этишга" ёрдам берадиган "нормаларнинг эстетик ғояси" ва инсоният хатти-ҳаракатларини мақсадли қиладиган "ақлу идрок ғояси"¹ натижаси деб билади. Шу билан бирга И.Кант "Гўзалликнинг нормалар ғояси" бошқаю унинг идеали бошқа нарса, воқелик эканини қайд этади. Ушбу идеал гўзаллик ҳақидаги шунчаки тасаввур, шунчаки диддан иборат эмас, балки у ахлоқий-маънавий ғоялардан келиб чиқади.² Ўз хатти-ҳаракатларида, фаолиятида ахлоқий-маънавий "нормалар ғояси"га, идеалга асосланиш, таяниш фақат инсонга хосдир. Демак, И.Кантнинг бадий-эстетик қарашларига кўра инсон, бир томондан, нафосатни идрок этиши, яратиши мумкин, иккинчи томондан, унинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурлари, идеали ахлоқий-маънавий нормалар билан боғлиқ бўлиши даркор. Умуман бадий-эстетик идеални ахлоқий-маънавий жараёнлар билан боғлаш И.Кант фалсафасида асосий ўринда туради.

Бадий ижоддаги маънавий-руҳий жараёнлар фалсафий-психологик тадқиқотларда бош мавзу бўлиб келади. Шунинг учун ҳам К.Юнг "санъат бадий тажриба сифатида психологик фаолиятдир"³ деган эди. Қандай тарзда бирор ғоя, тасаввур, фикр бадий-эстетик асарга айланади? Нима учун айнан бирор фикр кишига ором, тинчлик бермай ўзини объективлаштиришга ундайди? Бадий-эстетик идеалда ижодкорнинг индивидуал хислатлари (иктидори, эстетик билими, ижодий тажрибаси ва б.) устун туради-ми ёки ижтимоий сифатлари? Нима ижодкорни тинмай изланишга, маданий-ижодий жараёнларда фаол катнашишга, мавжуд асарлардан фарқ қилувчи дурдоналар яратишга мажбур этади? Бадий ижоддаги сирнинг ички қонунлари, уларни илмий-назарий англаш усуллари борми? Ушбу саволлар кўпдан ёри мутахассислар диққатини ўзига жалб қилиб келади, чунки бадий-ижодий фаолиятдаги рационал асосни топмай, уни ижтимоий-маънавий борлиқни гўзаллаштиришда унумли фойдаланиш мумкин эмас. Бадий-ижодий фаолиятда сир қанча кўп, ижодкорнинг руҳий-маънавий

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда. – С. 240.

³ Юнг К. Дух в человеке, искусстве и литературе. – Минск, Харвест, 2003. – С. 67.

оламини, интилишларини билиш қанчалик мураккаб бўлмасин, илм-фан ушбу сирларни, мураккабликларни англашга интилади. "Ижодда сир кўп, ҳикмат кўп, - деб ёзади В.Алимасов, фалсафа фанлари доктори, профессор, нафосатшунос ва адиб Тилаб Маҳмудовга бағишлаган мақоласида. – Серсирлиги, серҳикматлиги боис ижод мудом жозибалидир. Аммо ижоддаги сирни илғаш, ҳикматни топиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаган. Шундай ақллар борки, умрини, вужудини ижодга бахш этади, минг ваҳки, ижоддаги сир ҳам, ҳикмат ҳам унга туткич бермайди. Чунки жозибали ижод, ундаги сир, ҳикмат ақлга эмас, ижоддаги энг ҳайратли томон бу, кўпинча руҳга, қалбга юз очади".¹ Ҳақиқатан ҳам узок йиллар илмий-назарий изланишлар олиб борган Т.Маҳмудовнинг 60 ёшдан ошгач ҳикоячиликка меҳр қўйиши, драматик асарлар ёзиши сирли. Бу сирни Д.Маҳмудова ойдинлаштиргандай бўлади. "Мен унинг (яъни Тилаб Маҳмудовнинг) асарларини буюкларникига қиёслаётганим йўқ. Лекин бир нарсада у уларга жуда-жуда ўхшаб кетади. Уларга (Белинский, Достоевский ва А.Қаҳҳорларга – С.А.) ўхшаб у ўз ҳаётини, маънавий дунёсини ўз олдига қўйган мақсадни амалга ошириш учун хизмат қилдира олган инсон. Унинг бирор қуни йўқки, қатта бир мақсадсиз ўтсин. Бирор қуни йўқки, ўз меҳнатига ишонмаган, суянмаган бўлсин. Буюкларга интилиб яшаш одамни буюк қилмаса ҳам, унга қандай яшашни, ижод қилишни ўргатар экан".² Демак, иқтидор, ҳавас, идеал камлик қилади, идеаллардек яратиб, ижод қилиб яшаш даркор. Зеро "ижодкор қалбида бир иқд бор, у – яратиш, мукамалликка, илоҳийликка интилиш дардидир. Айнан ушбу иқд, ушбу дард Тилаб Маҳмудовга ҳам ором бермайди".³ Буни фалсафий-психологик ибора билан айтганда "мустақил комплекс" дейиш мумкин.

"Мустақил комплекс" ("автоном комплекс") тушунчасини З.Фрейднинг "Эдип комплекси" тушунчасига тақлид илм-фанга машҳур швецариялик олим Карл Юнг (1875-1961) олиб кирган. Унинг фикрига кўра, ижодкор қалбида шундай бир нарса (уни К.Юнг ердан ўзи мустақил тарзда озуқа оладиган дарахтга ўхшатади) борки, у онгдан мустақил, аммо қалбнинг бир қисми сифатида ҳаракат қилади. "У онгнинг руҳий иерархиясидан ажрал-

¹ Маҳмудова Д. Ярим аср ёнма-ён (эссе – қисса). – Т.: DAVR PRESS, 2006 – 302.

² Ўша жойда. – 20 б.

³ Ўша жойда. – 306 б.

ган ҳолда қалбнинг қисми сифатида мустақил яшайди ва ўзининг кучига мувофиқ онгнинг ўзбошимча йўналишларини бузадиган кўринишдаги хатти-ҳаракатлар қилади”.¹ Шу нуқтаи назардан К.Юнг онг талабларини, йўналишларини тан олмайдиган, “ўзи ўзи учун” бўлган рухий-ижодий жараёни “мустақил комплекс” деб атайди.

Онгдан мустақил тарзда ҳаракат қиладиган ижодий фаолиятни тасаввур қилиш қийин. Бироқ бадий ижодда иррационал омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Гоҳо ижодкор нима учун айнан шу рангни ёки қўл ҳаракатини, образни, символни, нотани танлаганини изоҳлаши қийин. С.Дали “бир мазок билан мутлаққа етиш”ни, “бир залл билан бутун антик давр санъатидан ўзувчи ранг тасвир яратишни”² истаган. “Бошқаларга берадиган маслаҳатларимга эргashiш нодоннинг ишидир, - деб ёзади у ўзининг истакларини изоҳлашда ожизлигини тан олиб. - Бу мумкин эмас, чунки мен бутунлай бошқаман...”³ Леонардо да Винчи эса бекиёс иқтидор соҳиби бўлишига қарамай бирорга ҳам асарини ниҳоясига етказмаган. Нима уни бир суратдан иккинчи суратга, бир соҳадан иккинчи соҳага ўтиб, ором билмай, лекин бошлаган асарларини тугатмай яшашга, тинмай изланишга мажбур этган? Унинг қалбида қандайдир сир, маънавий-рухий куч мудом етуклик, комиллик излашга, ушбу идеалга ета олмасликни англаган заҳоти бошқа идеал излашга мажбур қилганга ўхшайди.⁴

Агар онг, рационал етакчилик қилганида Леонардо да Винчи асарларига тугалланганлик, идеалига мазмун ва етуклик бахш этган, бадий-эстетик фаолиятини муқамаллик даражасига кўтарган бўларди. У ўз асарларида, шубҳасиз, идеални белгилаб беради, етуклик йўлларини аниқлайди, ранг тасвирларига ва ихтироларига бетакрорлик киритади. Шу нуқтаи назардан Леонардо да Винчи бадий ижодида онг, рационал йўқ эди деб бўлмайди. Аммо унда фаолиятдан, маданий-ижодий йўналишидан қониқмаслик, мудом янги борликни яратишга интилиш кучли. Бадий-эстетик идеал Леонардо да Винчи учун қотиб қолган,

¹ Юнг К. Дух в человеке, искусстве и литературе. – Минск, Харвест, 2003. – С.79.

² Дали С. Дневник одного гения. – М.: ЗАО Изд-во ЭКСМО-Пресс, 1999. – С.165.

³ Ўша жойда.

⁴ Жизнеописание великих художников. – М.: 1995. – С.12.

харакатсиз, жонсиз нарса эмас, балки мудом изланишга даъват этувчи мақсад, ғоядир. Бу ўринда онг, рационал эмас, уларнинг мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди, балки ҳиссий-эмоционал идрок, рухий-маънавий муносабат етакчилик қилади. Шунинг учун К.Юнг, ҳар қандай турки, туйғу, рухий кўтаринкилик ижодкор қалбининг бир қисми сифатида "муस्ताқил комплекс"га айланиши мумкин, деб ўзади.¹

"Муस्ताқил комплекс"нинг бадиий-эстетик идеалга айланиб инсонни маданий-ижодий фаолиятга ундаши негизда маълум бир бадиий-эмоционал, психологик омиллар ётади. Биринчидан, "муस्ताқил комплекс" онгдан, ҳаётий тажрибадан, бадиий-эстетик тасаввурлардан мутлақ айрича ҳосил бўладиган воқелик, маънавий-рухий ҳолат эмас. У инсон ҳаётининг, гносеологик изланишларининг маҳсули сифатида бадиий-эстетик идрокка таянади. Ушбу идрок аслида ҳаётий тажрибанинг давоми, инсоннинг ён-агрофни гўзаллаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатларининг инъикосидир. Аммо бадиий-эстетик идрок ҳаётнинг тўла ўзи эмас, у ҳатто инсоннинг гўзаллик, нафосат, эзгулик ҳақидаги тасаввурларининг ҳам тўла ўзи эмас, чунки идрокда мудом субъективлик устун туради. Субъектив идрок объектив борликни ҳеч қачон тўла ифода эта олмайди. Демак, бадиий-эстетик идрокда илгари англалмаган маълум бир маънавий-рухий ҳолат ёки ҳаётий тажриба акс этмай, унга кирмай қолади. Ушбу бадиий-эстетик идрокка кирмай қолган маънавий-рухий ҳолат ёки ҳаётий тажриба мутлақ йўқ бўлиб кетмайди, улар онг остидан (подсознательное) жой олади ва ўзига яқин туйғу-кечинмаларни тўплай боради. Иккинчидан, "муस्ताқил комплекс"нинг онгдан, идрокдан алоҳида намён бўлиши нисбийдир. Тўғри, ижодкор баъзан иррационалга, интуицияга ва ғайришуурий омиллар таъсирига берилади. Охир натижада асарда рационаллик устун келади. Шунинг учун "муस्ताқил комплекс" ижодкорнинг интравертлиги ёки экстравертлиги, индивидуал онг ости ёки жамоавий онг ости (индивидуальное подсознательное и коллективное подсознательное) билан боғлиқдир. Бадиий-эстетик идеал нуқтаи назаридан интравертлик ва индивидуал онг остида ижодкорнинг ўз рухий-маънавий кечинмаларига эргашиш, ушбу

¹ Юнг К. Дух в человеке, искусстве и литературе. – Минск. Харвест, 2003. – С.74.

кечинмаларига мос образларни етуклик тимсоли деб билиш устун туради. Ижодкордаги индивидуаллик аслида ушбу кечинмаларда намоён бўлади. Учинчидан, ижодкор ижтимоий ҳаётдан, мавжуд борлиқдан қанча узоқ бўлса, улардаги тартибларни, нормаларни ёқтирмаса ёки уларни инкор этса, ўзининг қалбидаги "мустақил комплекс"ни шунча идеаллаштиришга мойил бўлади. У ижтимоий эҳтиёжлар нуктаи назаридан эмас, балки ўз қалбидаги норозиликларни, туғёнларни, "мустақил комплекс"ни – бадиий-эстетик идеални ифодалаш мақсадидан келиб чиқади. Бу ўринда ижодкорнинг идеали билан ижтимоий борлиқнинг талаблари тўқнаш келади, агар ушбу тўқнаш жиддий зиддиятларга, курашга, бир-бирини йўқ қилишга айланмаса зарарли эмас. Мабодо аксинча бўлса, ижодкор билан жамият, тузум, муҳит ўртасида кураш аёж олади. Кўпинча бу ҳолатда ижодкор ё ушбу муҳитдан воз кечали, чет элларга кетиб қолади ёки маданий-ижодий фаолиятини тўхтатади. Бундай ғайриодатий ҳолларнинг сабаблари илмий-назарий изланишлар учун бетакрор материаллар берса-да, миёз афсуски, улар ҳали махсус тадқиқ қилинмаган. Тўртинчидан, "мустақил комплекс" ижодкордаги индивидуалликни намоён қилишга, уни тинмай излаишга ундаши билан қимматлидир. Моҳиятан "мустақил комплекс" ижодкор индивидуаллигининг, стилининг ўзидир. Буни ҳамма ижодкор ҳам сезавермайди, гоҳо эса ижтимоий муҳит, анъанавий тасаввурлар, шаклланган эстетик идрок ва дид кабилар халақит беради. Ижодкордаги бетакрорликка, буюкликка, интилиш "мустақил комплекс"ни ижтимоий фойдали бадиий-эстетик идеал даражасига кўтариши мумкин. К.Юнг бундай интилишни жамоавий онг ости тасаввурларидан бири мифологияда деб билади.¹

Маълумки, ижтимоий ҳаёт ҳар қадамда бетакрор вазиятларни, ҳолатларни юзага келтиради. Инсон ушбу бетакрор вазиятлар ва ҳолатларни ҳал этиб яшашга мажбур, бу эса унда турли салбий ҳислатларни (бағритошлик, бефарқлик ва б.) келтириб чиқаради. Мифологияда эса инсоният ўргатган, асрлар давомида шаклланган маданий-ижодий нормалар, тартиблар мавжудки, уларга дуч келган заҳоти инсон ўзини қанот чиқарган қуш мисоли сезади ва уни бекиёс куч чулғаб олади. Ушбу онларда "биз ўзимизни индивидуал

¹ Юнг К. Дух в человеке, искусстве и литературе. – Минск, Харвест, 2003. – С. 87-88.

мавжудот эмас, балки инсоният даъватига орғашувчи тур сифатида сезамиз. Айнан шунинг учун ҳам айрим олган шахс ички маънавий-руҳий кучини тўла намоён этолмайди, жамоавий тасаввурлар билан боғлиқ идеал ёрдамга келади... Умуман энг таъсирчан идеаллар архитипнинг у ёки бу даражадаги турли кўринишлари ҳисобланади”.¹ Шунинг учун ҳам, К.Юнг фикрига кўра, “ижодий жараён архитипнинг онг остидан қайта жонланишидир”.² Етук санъат асарларининг инсон ақлу идроки ва маънавий-руҳий ҳолатига тез таъсири ўзида инсоният босиб ўтган тажрибаларни акс эттирганида, уларни янги давр талаблари билан уйғунлаштирганидадир. Бу ўринда Ч.Айтматов, Э.Хемингуэй, Г.Лорка, Гёте, Гомер, Эсхил асарларини, Микеланжело, Рафаэл, Рубенс, Боттичелли, Шагал, Б.Жалолов ранг тасвирларини, Бетховен, Моцарт, Чайковский, Шуберт, М.Ашрафий мусикаларини, А.Павлова, Г.Измайлова, М.Турғунбоева, Д.Жабборова рақсларини мисол қилиб келтириш мумкин. Улардаги маънавий-руҳий кўтаринкилик, инсоннинг хаёлини бепоён кенгликларга олиб кетувчи жўшқинлик, дардчил кўнглини юпатувчи осудалик, борлик, аждодлар билан бирлигини эсига солувчи салобаддиллик, афсонавий мукамаллик, ижодий изланишлардаги етуклик идеал тимсоли бўлиб кўринади. Улар инсон вужудини борлигича чулғаб олади, ақлу идрок рационал талабдан ўзади, у бадий-эмоционал туйғуларга эргашади. Киши қандайдир кўтаринки бир ҳолатда юради, қалбида ана шундай бетакрор, улуғвор, етук асарлар яратиш истаги пайдо бўлади. Шу тариқа инсоният тажрибаси маданий-ижодий фаолият маҳсули бўлган асарлар орқали шахснинг маънавий дунёсига таъсир қилади. Бу аслида, К.Юнг ибораси билан айтганда, “давр руҳини тарбиялаш”³ ҳамдир.

Бадий-эстетик идеал шахснинг маънавий ҳаётига гўзаллик, эстетик тасаввур ва қарашлар, энг муҳими эстетик тажриба, яъни маданий-ижодий жараён орқали таъсир этади. Эстетик тажриба бадий-ижодий изланишлар демакдир. Тўғри, бадий-ижодий изланишлар нафақат санъаткорга, ижодкорга тааллуқли ҳислат, у қуруқ мантикий фикрлашга мажбур олимга ҳам хос ҳислатдир, чунки эмоционал муносабатлар барча инсонларга хосдир. Олим

¹ Ўша жойда. – С.88.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

фикрларини, кашфиётини ижтимоий муҳокамага қўяётганида ўзининг бадиий-эмоционал туйғуларидан туйилган фикрларини мантик талабларига мувофиқ жиловлашга мажбур, санъаткорда эса эмоционал туйғулар ифодаси муҳокамага қўйилади. Ижодкор шахс, санъаткор ўзининг бадиий-эстетик қарашларини қанчалик эҳтирос, туйғу, ўй билан ифода эта олса, у томошабин қалбига шунчалик тез, шиддат билан киря олади. Санъаткорда шундай сифатнинг етишмаслиги унинг айби ёки унда зарур иқтидорнинг йўқлигидир. Олим эса бадиий-эмоционал туйғуларининг эмас, балки объектив реаллик талаб этадиган қондалар, фикрлар мсҳиятига бўйсунди. Олим учун ўзининг бадиий-эмоционал ҳолатини эмас, объектив ҳаёт ва тараққиёт талабларини ифода этиш муҳимдир.

Шахс маънавиятидаги бундай зиддиятлар, қарама-қарши талқинлар мутлақ беиз кетмайди. Олим ҳам, санъаткор ҳам бошқалар учун идеал бўлгудек образ, стил, фикр яратадиган шахслардир. Шу нуқтан назардан уларнинг ижтимоий идеали ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахснинг маданий-ижодий жараёнга қўшилиши, ўзини ижодкор-санъаткор сифатида идрок этиши мураккаб, ўта зиддиятли воқелиқдир. Биринчидан, бадиий-эстетик идеалнинг шаклланиш хусусиятида зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар мавжуд, чунки идеал шахснинг ҳаётий тажрибаси синтезидан ўтиши, "мақсадлар мақсади"га айланиши даркор. Бу осон ва тез кечадиган воқелиқ эмас. Иккинчидан, бадиий-эстетик воқелиқнинг ўзи, унинг шахс маънавиятига, онига, тасаввурларига таъсири қарама-қаршилиқларга тўла. Бу ўринда "Дид ҳақида баҳслашмайдилар" ("О вкусах не спорят") деган мақолни санъатшунослар орасида кенг тарқалганини эслаш мумкин. Эстетик диддан ўрин олмаган, маънавий қадриятга айланмаган эстетик қараш, ижод тури идеал бўла олмайди, у шунчаки ўткинчи ибора, беҳис тасвир, бемаъно жумла, нота, бежило ҳаракат бўлиб қолади. Бадиий-эстетик идеал эса юксак туйғулар ва мақсадларга йўғрилган, киши маънавиятини, руҳини олижаноб, гўзал келажакка бошлайдиган, шахсни тинмай нафосат сирларини эгаллашга ундайдиган воқелиқдир. Шу нуқтан назардан бадиий-эстетик идеал ижодкорнинг, санъаткорнинг субъектив қарашларидан, ўзига хос талқинларидан, ёндашишларидан ҳам юқори туради, унда юксак олижаноблик, келажакка йўғрилганлик, шахсдаги маънавий фазилатларни юксалтириш бўртиб туради.

Шахсда ён-атрофни билиш учун зарур онтологик ва гносеологик тасаввурлар олдиндан мавжуд бўлади. Бундай тасаввурлар объект ҳақида гипотетик қарашларни уйғотади. Демак, "субъектнинг маълум бир гносеологик хислатлари объектга мос келади".¹ Бирок идеал объектга тўла мос келадиган, объект билан айнан хислат эмас, балки объектни такомиллаштиришга, мукаммаллаштиришга қаратилган ғоядир. Шахс маданий-ижодий фаолияти орқали объектни мукаммаллаштиради, такомиллаштиради, шу тариқа у бадий-эстетик идеалини ижтимоий борлиқдан олдинда юрвчи воқелик эканини намоён қилади.

Бадий-эстетик идеал маданий-ижодий фаолият билан шуғулланувчи санъаткорни ҳам, томошабинни ҳам маънавий жиҳатдан юксалтироғи, улардаги ахлоқий фазилатларни, эл-юрт учун меҳнат қилиш истагини кучайтироғи зарур. Айнан ушбу мақсадда бадий-эстетик идеал билан маданий-ижодий фаолият уйғундир. Агар шундай уйғунлик бўлмаса, бадий-эстетик идеал шахсда такаббурликни, маданий-ижодий фаолият эса парокандаликни келтириб чиқариши мумкин. Бу ўринда ўзбек халқ томоша санъатида афсус билан қайд этилаётган бир мисолни келтиришимиз мумкин. "Обид А" театр студияси, - деб ёзади Ш.Ризаев, - катта иждодий ниятлар билан таркиб топди. Унинг катор махсус томошалари яратилди. Халқ қизиқиши, эътирофи ошгандан ошиб борди. Бир неча катта дастурларни, хусусан "дохий"нинг ўзбекча хангомалари, "жиннихона", ҳиндча ҳаёлпарастлик, сохта табобат – экстрасенслар ҳақида бир катор томошалар, назаримда, маиший кулгу доирасидан кўтарилиб, афбловчи заҳарханда даражасига яқинлашди. Албатта, жуда кўп камчиликлар, эътирозли ўринлар бор эди. Лекин шунга қарамай, ўша дастурлар, менингча, ўзбек эстрада санъатида анча дадил, олға қадамлар бўлди. Афсуски, томошаларнинг айримлари ижтимоий мулоҳазаларга кўра тақиқланди. Ғайрати сўнган гуруҳ пароканда бўлди... Ваҳоланки, ҳар қандай санъ-ҳаракатлар атрофида мувофиқ маънавий муҳит, фаол хайрихоҳлик яратилмоғи лозим. Айни мисолда жамоанинг маънавий яққаланиши рўй берди. Бу яққаланиш майда ички низоларни келтириб чиқарди..."² Мана,

¹ Андреев Л.А. Место искусства в познании мира. – М.: Политиздат, 1980. – С.130.

² Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. – Т.: "Маънавият", 2000. – 37-38 б.

бозор иқтисодиёти ва демократия шароитида халқ томоша санъатига "ижтимоий мулоҳазалар", яъни юқоридагиларнинг муносабати. Маданий-ижодий жараёнларни ўз мақсадларига итсат эттириб, улар устидан ўз ҳукмини ўтказган юқоридагилар ижодий гуруҳнинг тарқалиб кетишига олиб келди. Маданий-ижодий жараённинг чикки хусусиятларини билмаслик, сал танкидга калондимоғлик билан караш, манманлик, факат ютуқларни кўришга ўрганиш каби демократик ҳаёт тарзига зид муносабатлар ижодкор фаолиятига ҳам, томошабинлар маънавиятига ҳам салбий таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун ҳам ватандошларимиз ичида Россия телевидениеси кўрсатувларини томоша қилишга интилиш юқори. Шахсга ўзининг маданий-ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш имконини берган фаолият, изланиш тури унинг маънавиятини бойишига ёрдам беради, акс ҳолда бугун ранг-баранг ахборотларга тўла оммавий-ахборот воситалари онгдаги ҳар қандай бўшлиқни эгаллашга тайёрдир. Шахс ҳар доим ҳам бадий-эстетик идеалига мос келадиган асарнигина танлайвермайди, у кундалик, маънавий эҳтиёжларини кондиришга ҳам интилади. Гоҳо эса ушбу жараён таъсирида ўзининг бадий-эстетик идеалини ўзгартириши ҳам мумкинлигини унутиб бўлмайди.

4.3. Санъат – бадий-эстетик идеални шакллантириш воситаси

"Санъат – кенг маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусика, ракс, назмни санъат деб билар эдилар. Ўрта асрларда эса санъат таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда "санъат" сўзи "воқеликни бадий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш", "ишнинг кўзини билиш ва маҳорат кўрсатиш жараёни", "ҳар қандай ишнинг ўзи ва талаб қиладиган маҳорат даражаси" маъноларида қўлланилади".¹ Демак, санъатнинг кўпфункционалиги, серкирралиги уни бошқа ижодий фаолият шаклларида фарқлашни такозо қилади. Бироқ бу ўта мураккаб ва алоҳида тадқиқ этиладиган вазифа, чунки "санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, ранго-ранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг махсус соҳаси, ҳам ижтимоий

¹ Умаров Э. Эстетика (нафосатшунослик). – Т.: "Ўзбекистон", 1995. – 135 б.

онгинг бир шакли, ҳам ўзига хос билим соҳаси, ҳам ижодий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида амал қилади”¹.

Ижтимоий-фалсафий адабиётларда “санъат”га берилган таърифларни А.Л.Андреев атрофлича таҳлил қилган. Шунинг учун бу ёндашишларни ойдинлаштириш ёки уларни қайтадан таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Ижтимоий-фалсафий адабиётлардаги “санъат борлиқнинг бадий образли тасвири, ифодаси”² деган таърифдан келиб чиқиш етарлидир.

Ҳўш, санъат бадий-эстетик идеални қандай шакллантиради? Санъат билан бадий-эстетик идеал ўртасида қандай алоқадорлик, боғлиқлик мавжуд? Ижтимоий-тарбиявий жараёнларда ушбу боғлиқлик қандай носиталар, механизмлар, усуллар орқали амалга оширилади?

Ушбу саволларга жавоб топиш, бизнинг фикримизча, муаммога ретроспектив ёндашишни тақозо этади, чунки ижтимоий-тарихий тажриба кундалик ҳаёт эҳтиёжларини қондириш йўларини ҳам аниқлаб олишга ёрдам беради. Ижтимоий-тарихий тажрибага биз тадқиқотимиз концепциясидан келиб чиқиб мурожаат этамиз.

Бадий-эстетик идеал генезиси санъат генезиси билан айнан эмас. Санъат идеалдан илгари пайдо бўлган. Бу ўринда Э.Умаровнинг қуйидаги фикрлари эътиборлидир. У ёзади: “Ўзбекистон ҳудудида Испания, Саҳрои Кабир ва бошқа манзилларда учрайдиган қояларга ўйиб туширилган ёввойи ҳайвонларнинг тасвирлари ҳозирги давр нуқтаи назаридан юксак эстетик кийматга эга. Бу тасвирларда ҳар бир нарса турининг мезонига мос ижод қилиш, яъни нафосат қонунларига риоя қилиш, вазн туйғуси, тенглик акси, уларни яратиш жараёнидан олинадиган қувонч каби эстетик фаолиятнинг муҳим белгилари мавжуд. Бу ёдгорликлар инъикос этиладиган бадий фаолият кўртаклари эндигина кўриниб келаётган инсон эстетик фаолиятининг натижалари эди”³. Бу даврда ҳали кишилар идеал ҳақида эмас, балки кун кўриш, ён-атрофдаги ваҳимали кучлардан ўзини ҳимоя қилиш билан банд эди. Шу нуқтаи назардан тошларга ўйиб ясалган расмларда ибтидоий одамнинг гўзаллик, нафосат ҳақидаги

¹ Ўша жойда. – 138 б.

² Андреев А.Л. Место искусства в познании мира. – М.: Политиздат, 1980. – С.105-124.

³ Умаров Э. Эстетика (нафосатшунослик). – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 135г136 б.

тасаввурлари, қарашлари акс этган дейиш¹га асос бўла олмайди. Гўзаллик ҳақидаги тасаввурни аслида бадий-эстетик идеал сифатида қараш мумкин, чунки гўзаллик ҳақидаги қарашда кишининг аниқ шаклланган, маълум бир ғоявий аҳамиятга, моҳиятга эга фикри, ёндашуви ифода этилади. Лекин Л.Н.Столовичнинг "гўзаллик" тушунчасининг этимологияси ҳақидаги фикри эътиборлидир. Унинг ёзишича, "гўзаллик" сўзи-тушунчаси бир томондан, предмет ва ҳодисаларнинг аниқ-ҳиссий хусусиятларини, иккинчи томондан, кишининг ушбу предмет ва ҳодисаларга амалий ҳамда ҳиссий муносабатларини ифода этувчи икки гуруҳ сўзлар оқими бирлашмасидан яралган.² Ушбу бирлашманинг шаклланиши узоқ давом этган, албатта. Тошлардаги ҳайвонлар, қушлар ва кишиларнинг тасвирлари: гўзаллик ҳақидаги аниқ тасаввур, ғоя, идеалдан кўра қандайдир тотемистик культга яқиндир. Сайёр сюжетларнинг тарқалишини махсус ўрганган Л.И.Ремпель турли ҳайвон ва жониворлар акс эттирилган тотемистик тасвирлар Эски ва Янги дунёда кенг тарқалган энг қадимий ижод намуналари эканини қайд этади.³ Бироқ бу илк тасвирларда ибтидоий кишиларнинг бадий-эстетик идеали акс этган дейишга асос йўқ.

Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва меҳнат тақсимотининг қарор топиши билан тотемистик тасаввурлар ўз аҳамиятини йўқотади, улар ўрнига реал ҳаётини муаммоларни акс эттирган қарашлар пайдо бўлади. Ижтимоий адолат, тенглик, фаровон ва бахтиёр ҳаёт, гўзаллик ҳақидаги орзулар кишилар ўйидан ҳамда қалбидан жой олади. Ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутлар эса айрим бир гуруҳларни, кишиларни бетакрор бадий асарлар, гўзал образлар, томошабинни хайратга солувчи рақслар, куйлар, биналар, хўжалик буюмлари яратишга, дostonлар, эртақлар яратишга, дostonлар, эртақлар, поэмалар тўқишга олиб келади. Ақлий, ижодий меҳнат билан шуғулланувчи қатламнинг тарих сахнасига чиқиши гўзаллик, олижаноблик, буюклик ҳақидаги турли ғояларни, қарашларни келтириб чиқарадики, уларнинг баъзилари авлодлар ўйидан ва қалбидан

¹ Столович Л.Н. Категория прекрасного и общественный идеал. – М.: "Искусство", 1969. – С.15.

² Ўша жойда. – С.17.

³ Ремпель Л.И. Цепь времен: вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Т.: Изд-во лит. и искусства. – С.18.

чукур жой олиб идеалга айланади. Ақлий меҳнатнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнининг ошиши билан санъат фақат иқтидорли, маърифатли кишилар фаолиятидир деган қараш қарор топади.¹ Аслида бадий-эстетик идеалнинг шаклланиши ҳам ушбу қараш натижасидир.

Санъатга бадий-эстетик идеал шакллантириш воситаси сифатида қарашни маълум бир давр ёки концептуал ғоя билан боғлаш қийин. Аммо инсонни, халқни ижтимоий-тарихий жараёнларнинг субъекти сифатида қараш ўз навбатида санъатни бадий-эстетик идеални шакллантириш воситаси сифатида қарашга замин яратган деса бўлади. Санъатнинг инсон бадий-руҳий ва маънавий ҳаётига таъсири ҳақида турли фикрлар Аристотель давридан бери мавжуд, лекин улар кенг ижтимоий воқелик даражасида талқин қилинмаган. Фақат Янги даврга келиб Европа маърифатпарварлари Озодлик, Тенглик ва Биродарлик ғояларини бутун ижтимоий-тарихий ва маданий-маънавий ҳаётга жорий этдилар. Уларнинг диний доғмаларга инсоннинг ижодий, ақлий, маънавий кучларини қарши қўйиши, романтизм ва классицизмнинг асосий эстетик оқимлар сифатида санъат фаолиятини улуғлаши беиз кетмади. Ушбу эстетик изланишлар санъатни бир томондан, инсон ақлий фаолиятининг алоҳида тури, ён-атрофни образли идрок этиш усули, иккинчи томондан, санъатнинг ижтимоий онг, кишиларнинг дидига, эстетик қарашларига, гўзаллик ҳақидаги тасаввурларига бевосита таъсир этувчи воқелик сифатида қарашга олиб келди. Монтень ибораси билан айтганда, "энди гўзалликни ҳар ким ўзича яратади"²ган бўлди.

Санъатнинг бадий-эстетик идеалга айланиши ҳам, унинг шахс маънавиятига идеал сифатида таъсир этиши ҳам турли баҳолар, саволлар уйғотиб келган. Масалан, санъатнинг қайси тури, жанри ёки мавзуси бадий-эстетик идеалга айланиши мумкин? Баъзи тадқиқотчилар ижтимоий идеалнинг прогрессив воқелиги характеридан келиб чиқиб гўзалликни ана шундай идеал тарзида

¹ Ермеев А.Ф. Происхождение искусства. – М.: "Искусство", 1970; Ястребова Н.А. Формирование эстетического идеала и искусство. – М.: "Искусство", 1976; Давыдов Ю.Н. Искусство и элита. – М.: "Наука", 1980 ва б.

² Монтень М. Опыты. Кн.2. – М.: "Мысль", 1958. – С.178.

карашга мойилдирлар.¹ Ҳа, гўзаллик инсон ўйи ва калбини олижаноб туйғулар билан тўлдиради, унга қайси мақсадларга интилиб яшагани ўргатади. Идеалнинг прогрессива воқелиги характеридан келиб чиққанда ушбу фикрни рад этиб бўлмайди. Бирок биз санъатнинг хусусиятидан келиб чиқишимиз зарур, чунки у реалликдир, идеал эса гипотетик образ, тасаввурдир. Санъатда нафақат гўзаллик, худди шунингдек, хунуклик, фожиа, кулгилик ҳам мавжуддир. Уларсиз санъатдаги ҳаётийликни тасаввур қилиш мумкин эмас. Агар ушбу салбий хислатларсиз санъатни тасаввур қилиб бўлмаса, улар қандайдир тарзда бадий-эстетик идеалда ҳам қатнашиши лозим. Минг афсуски, бугун фалсафий-эстетик фанлар, карашлар ушбу муаммони муҳокама этишга ҳам, унга маълум бир жавоб беришга ҳам тайёр эмас. Бизнинг фикримизча, санъатнинг бадий-эстетик идеалга айланиши шахсий ва ижтимоий поғонада содир бўлади. Улардан қайси бири устунлик қилишини шахснинг бадий-эстетик онги, ҳаётий мақсадлари, борлиққа муносабатлари ҳал этади. Бу билан биз идеалнинг ижтимоий хусусиятини, ижтимоий воқелик эканини инкор қилмоқчи эмасмиз. Кўпинча бадий-эстетик идеал бевосита санъат орқали эмас, балки ижтимоий муҳитдаги ҳукмрон ёндашишлар, тарихий-маданий тажриба, дид, карашлар ёрдамида шаклланади. Миллий анъеналар, ҳаёт тарзи бадий-эстетик дидга таъсир этмай қолмайди. Айниқса диний урф-одатлар, трансцендентал изланишлар ва карашлар бадий-эстетик идеалнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Дин, трансцендентал изланишлар ва карашлар ижтимоий онг шаклларида. Айнан ушбу нуқтада улар бадий-эстетик онг билан уйғунлашади. Диннинг ўзига хос тасвирий санъати, мусиқаси, кироат усуллари, кийиниш тарзи, киши онги ва руҳига таъсир этувчи урф-одатлари, байрамлари, бинолари, ақидалари мавжуд. Динлар санъат турларидан фойдаланиш усулларини яхши билади.

Дин энг аввало худога сифинишга, уни сегишга, унга сўзсиз итлоқ этишга лойиқ гўзаллик тимсоли, идеал сифатида тарғиб қилади. Масалан, исломга кўра "Асл севги Аллоҳни севмоқдир. Нима учун? Чунки, ҳар турли гўзалликни яратган – Аллоҳ, ҳар турли комил сифатларга эга бўлган зот – Аллоҳ, ҳамма нарсага кучи етган – Аллоҳ, ҳар бир иши ҳикматли бўлган – Аллоҳ, ҳамма нар-

¹ Шестаков В.П. Проблемы эстетического воспитания. – М.: "Педагогика", 1982; Лармин О.В. Эстетический идеал и современность. – М.: "Искусство", 1964; Громов Е.С. Эстетический идеал. – М.: "Мысль", 1981 ва б.

сани билган – Аллоҳ. Қай жихатдан боксанг, энг гўзал сифатларнинг чўққиси, энг гўзал тажаллийси Аллоҳ таоло ҳазратларидир. Шунинг учун энг гўзал зот ҳам Аллоҳдир! Шунинг учун инсон англай олса, эриша олса, кўра олса, мушоҳада эта олса, энг гўзали Аллоҳдир! Аллоҳ севгиси, ишки ҳақиқийдир!”¹

Профессор А.Қурбонмамедовнинг ёзишига кўра, Аллоҳга етиш йўлини суфийлик санъатда, бадий ижодда деб билган. Мусиқа, поэзия, ракс, яъни моддий вужудни иккинчи даражали нарсага айлантириб маънавий-эмоционал томонни кучайтирувчи санъат турлари тасаввуфда кенг қўлланилган.² Лекин исломда, бошқа динларда ҳам, санъат илоҳийликка, худога сизинишни бадийлаштирилган воқеликка айлантиришга хизмат қилган. Санъат Аллоҳга, Идеалга етиш воситасидир, асло у худонинг ўрнини босувчи, кишининг ўю хаёлини банд этувчи идеал эмас.

Кўшиқ, куй, томоша каби санъат турларининг Марказий Осиё халқлари орасида тарқалган зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик, ислом каби эътиқодий қарашларида чуқур из қолдирганини А.Низомов ҳам қайд этади. У, мусиқа инсон қалбининг энг нозик томонларига таъсир этади, шу боис мусиқа барча санъат турларидан барқарорроқ, “консерватив”дир. Шунинг учун ҳам динлар айнан мусикадан кенг фойдаланганлар.³ Тасаввуфда эса: 1) Қуръонни ва ҳадисларни бадий ўқиш ҳамда ҳиссий-психологик талқин этиш; 2) куйлаш; 3) мусикали ижро; 4) раксдан фойдаланиш урф-одат бўлган. Демак, санъат динни инсон қалбига сингдириш воситаси бўлган.

Диндаги бошқа бир фазилат шундаки, у инсонлараро муносабатларни, айниқса кишилар ахлоқини, хулқ-атворини, юриш-туришини гўзаллаштиришни мақсад қилиб кўяди. “Бизнинг кўчамиздан, - деб ёзади Маҳмуд Аъсад Жўшон, - кекса, оппоқ соқолли амакилар, тоғалар, боболар бозорга ўтишар эди. Бағирлари очик, белларига пичоқлари тақилган, олма ёки бошқа мева артсалар ёки кессалар, пичоқларини қинидан чиқаришар эдилар. Бўрклари, саллалари бўларди. Бўрклари, саллалари четига қалампирмунчоқ ва хушбўй гул кистирилган бўларди. Бевосита гўзаллик, эстетика

¹ Маҳмуд Аъсад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик. – Т.: “Адолат”, 2004. – 24 б.

² Қурбонмамедов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе, “Дониш”, 1987. – С.45.

³ Низомов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. – Душанбе, Ирфон, 2000. – С.16-17.

нуктаи назаридан қарасак, бунда ҳам бир муҳаббатлашмоқ ҳолати борлиги, меҳр-муҳаббатни орттириш ҳолати борлиги аён бўлади”¹.

Ислом Муҳаммад пайғамбарнинг хуш ахлоқини, кишиларга муносабатларини, гўзаллик ҳақидаги қарашларини, хулқини идеал деб билади ва уни халқлар орасида тарғиб қилади. Бу ўринда хуш ахлоқликнинг гўзал фазилатини идеал сифатида талкин этилаётганини кузатамиз. Демак, ахлоқ – гўзалдир, гўзаллик эса ибрат, намуна, идеал бўлиши мумкин. Шу нуктаи назардан Маҳмуд Асъад Жўжон ёзади: “Биз гўзалликка ҳамдам бўлган, ичимизда ва ташимизда – заҳиру ботинимизда кўп турли гўзалликлар яшнаган бир зумрамиз, жамиятдаги инсонлар сифатида ана шундаймиз! Бошқа миллатларга нисбатан мақтанмоқ учун эмас, бор ҳақиқатни айтмаск учун таъкидлаётирман: биз (қадимдан) гўзаллик, назокат, маданият намунасимиз!”²

Юқоридагилардан чиқадиган хулоса шундаки, санъат гўзаллик яратади, у инсонни нафақат ташқи кўринишини, худди шунингдек, унинг зоҳирини, ички маънавий оламини, ахлоқини ҳам гўзел қилишга ёрдам беради. Бадийий-ҳиссий образлари, тасвирлари, мусиқа ва рақслари орқали санъат инсоннинг маънавий-руҳий ҳаётига таъсир этади, гўзалликни улуғлайди. Айнан гўзалликни киши бадийий-эстетик идеал тимсоли сифатида қабул қилади. Киши қалбида, руҳида уйғонадиган завқу шавқ; бадийий асар олдида туғиладиган ҳайрат, бетакрор, сирли мусиқа садоларининг вужудни, дилни жунбушга келтириши санъатни эстетик тарбиянинг энг таъсирчан воситасига айлантирган.

Санъатнинг ижтимоий идеални шакллантириш воситасига айлантирган навбатдаги омил унинг эркин ижодни, эркин фикрлашни, эркин яшашни гараннум этганида, қўллаб-қувватлаганидир.

Инсоннинг эркин яшаш масаласи ижтимоий-фалсафий изланишларнинг бош мавзуларидан бири бўлиб келган. Эркинлик яратиш, ижод қилиш, бетакрор руҳий-маънавий дунёсини намоён этиш шартидир. Инсон экзистенциал борлигига кўра, деб ёзади Н.А.Бердяев, “дунёнинг мавжуд ҳолатига, ҳар қандай объективликка инсоннинг эркини чекловчи боис сифатида қарши чиқади, руҳ эркинлигини дунё заруриятларига, кучга ва конформизмга қарши кўяди”.³ Шу тариқа файласуф “борлиқдан эркининг, табиатдан

¹ Маҳмуд Асъад Жўжон. Тасаввуф ва гўзаллик. – Т.: “Адолат”, 2004. – 11 б.

² Ўша жойда. – 11 б.

³ Бердяев Н.А. Царство духа и царство кесаря. – М.: “Республика”, 1995. – С.6.

руҳнинг, объектдан субъектнинг, умумий-универсалдан хусусийнинг, эволюциядан ижоднинг, монизмдан дуализмнинг, қонунлардан муҳаббатнинг устунлигини¹ эркин яшаш шартига айлантиради.

Санъат ижтимоий ҳаётнинг тасвири, ифодасидир. Инсон ушбу тасвири, ифодани маълум бир тасаввурлар, қарашлар, мақсадлар ёрдамида амалга оширади. Демак, инсоннинг борлиққа бадий-эстетик муносабати маълум бир қарашлар, тажрибалар, талаблар тизимига асосланади. Бу ўринда инсоннинг эркин фаолияти, эркин ижод қилиши билан тизимнинг талаблари ўртасида зиддият, қарама-қаршилик борлигини кўрамай. Ушбу мунофиқ томонларни ўз пайтида Ф.В.Шеллинг кайд этган эди: "тизим тушунчаси ўз-ўзидан эркинлик тушунчасига зиддир".² Тўғри, ушбу зиддиятни Шеллинг объектив идеализм нуқтаи назаридан ечишга ҳаракат қилади: "Ким эркинлик завқини тотган бўлса, у ҳамма нарсани эркинча қийслади, уни бутун универсумга ёйди".³ Ҳақиқий эркинлик "эзгуликка ёки ўравоғликка интилиш" ўртасидадир.⁴ Санъат нуқтаи назаридан эса кишининг бадий-эстетик изланишдаги эркинлиги гўзалликни ёки хунуқликни, улғуворликни ёки тубанликни, фожиани ёки қулчиликни тасвирлаб яшашидадир. Демак, бадий-эстетик идеалнинг ўзи ҳам эркинлик, эркин яшаш, эркин ижод қилиш тимсолидир.

Санъат борлиқни шунчаки тасвирчиси, ифодачиси эмас, унга мавжуд ҳаётни, тартибларни, нормаларни "қайта баҳолаш" (Ф.Ницше), иллатларни, қамчиликларни эстетик танқид қилиш хосдир. Санъат ён-атрофни, иллатларни танқид қилар экан бир томондан, объектив борлиқни акс эттиради, баҳолайди, ўзининг эстетик идроки синтезидан ўткази, иккинчи томондан, ўқувчида маълум бир бадий-эстетик идеални, ғояни, тасаввурни шакллантиради. Ижодкор танқидни эмас, балки муқамалликни, гўзалликни, қомилликни идеаллаштиради, у санъатни, танқидни етукликка эришиш воситаси деб билади. Умуман ижодкор идеал излашни ўзининг қисмати деб билади, у идеалга тап-тайёр, ўзгармас нарса деб қарамайди. Ҳар бир асари ижодкорда янги бир идеални шакллантиради, шундай бўлмаганида унинг барча асарла-

¹ Ўша жойда.

² Шеллинг Ф.В. Сочинения в двух томах. Т.2. – М.: "Мысль", 1989. – С.89.

³ Ўша жойда. – С.102.

⁴ Ўша жойда.

ри бир-бирини такрорлаган, бир-биридан фарк қилмаган бўларди. Лекин бу ижодкорда унинг ҳаёт ва ижод йўлиги белгилаб берган бош идеал, гоя, образ, тасаввур борлигини инкор қилмайди, аслида ҳар бир асарда туғиладиган янги идеаллар ушбу бош идеалдан озуқа олиб шаклланади.

Ижодкорнинг бир умр идеал излашига Л.Н.Толстойнинг ҳаётини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. У ўз болалик даврида олган ҳаётий тажрибаларини эслаб ёзади: "мен ҳеч қачон менга ўргатган нарсаларига ва катталарнинг менинг ҳузуримда қилган икромномаларига жиддий ишонган эмасман. Уларга фақат ишонқираб қарардим холос, аммо бу ишонқирашнинг замини жуда бўш эди".¹ У ҳаётий максадни муҳит қўллаб-қувватлаган ёмон ишлардан, иллатлардан қидиради: "Мен урушда одам ўлдирганман, ўлдирмок ниятида дуэлга чақирганман, тасарруфимдаги мужикларни қартага бой берганман, уларнинг меҳнати эвазига яшаганман, уларни қатл этганман, фахш ишлари билан шуғулланганман, алдаганман. Ёлғончилик, ўғирлик, ҳар хил зинокорлик, ичкилик-бозлик, зўравонлик, котиллик... Мен қилмаган жиноят қолган эмас, ва бунинг ҳаммаси учун мени мақтадиган..."² Кейин у ёзувчилик қилиб шуҳрат топишга интилади, ёзувчилар билан яқинлашади ва "ёзувчилар виждонсиз одамлар экан, уларнинг кўпчилиги ярамас одамлар экан, уларни икки пулга арзимайдиган каслар деса ҳам бўлади"³ деган хулосага келади. Пайкайдик, инсон қалби мавжуд лаззатлардан, фаровонликдан, ҳазз-ҳузурда яшайдан юксакроқ бир нарсага муштоқдир. Л.Н.Толстой уни "ҳаётдан маъно излаш" деб атайди. Ҳеч нима унинг кўнглига таскин бермайди, ҳаётда маъно йўқ деган фикр уни чулғаб олади. Эллик ёшидан ошгач, ҳаёт маъносини қидира-қидира уни худога топади. "Оламда бир куч бор эканини ва мен шу кучнинг ҳукмида эканини англай бошлашим биланоқ мен шу ондаёқ яшаш мумкин эканини англай бошладим".⁴ Бу изланиш ёзувчининг умри бўйи давом этади ва ижодий фаолиятига, ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади. Бизнинг мавзу учун ёзувчининг нафақат тинмай ҳаётий идеал излагани, балки ўзининг маъनावий, бадиий-эстетик қарашлари нуктаи назаридан ўз ҳаётига, борлиққа, ён-атрофга танкидий муносабатда бўлгани муҳимдир.

¹ Толстой Л.Н. Икромнома. – Т.: "Маънавият", 1998. – 3 б.

² Ўша жойда. – 7 б.

³ Ўша жойда. – 9 б.

⁴ Ўша жойда. – 58 б.

Айнан ушбу танкидий муносабат у билан мухит, жамият ўртасида зиддиятларни келтириб чиқарган. Шу билан Л.Н.Толстой даврдаги иллатларни фош этади, ўзини беаёв танқил қила туриб ижодкор, санъаткор учун идеал излаш унинг умри бўйи давом этадиган жараён эканини очиб беради. Демак, гап шахснинг идеални топганида эмас, ушбу ҳолнинг ижобий ҳодиса эканини ҳеч ким инкор қилмайди, балки уни мудом, умри бўйи идеалига талпиниб, унга етишга интилиб, изланиб яшаганидадир. Айнан ушбу ҳол санъатни, ижодни идеал излашга ундовчи ижтимоий-тарбиявий ҳодисага айлантиради. Шу тариқа санъатнинг ўзи ҳам тинмай изланадиган фаолиятга, мудом комиллик, етуклик излашга даъват этадиган ижодий соҳага айланади.

4.4. Бадий-эстетик идеални шакллантириш – ижтимоий-маънавий борлиқни гўзаллаштириш шарт

Бадий-эстетик идеал билан ижтимоий-маънавий борлиқ ўртасидаги боғлиқлик инсон ва унинг бадий-эстетик олами орқали намоён бўлади. Айрим олган ҳолда бадий-эстетик идеал ҳам йўқ, ижтимоий-маънавий олам ҳам йўқ, улар инсон орқали реаллик касб этади. Демак, бадий-эстетик идеал билан ижтимоий-маънавий борлиқ ўртасидаги муносабатлар субстанцияси инсонда, инсоннинг бадий-эстетик оламидадир. Бадий-эстетик идеални шакллантириш ҳам инсонда маълум бир фазилатларни тарбиялашни англатади. Хўш, бадий-эстетик идеални шакллантириш инсонда қандай фазилатларни тарбиялашни тақозо этади? Уларнинг ижтимоий-маънавий борлиқни гўзаллаштиришга таъсири қандай?

Энг аввало шуки айтишимиз керакки, эстетик тарбия умумтарбиянинг, инсон шаклланишининг барча томонлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун эстетик тарбияни умумтарбиявий жараёнлар билан уйғунликда қараш лозим.

Бадий-эстетик идеални шакллантириш эстетик тарбияга оид жараёндир. Ушбу тарбия провард натижада ижтимоий-маънавий борлиқда, унинг инсон ва жамият манфаатларига мувофиқ гўзаллашганида акс этади. Демак, бадий-эстетик идеал, у қанчалик муҳим бўлмасин, охир натижада ижтимоий-маънавий борлиққа, уни такомиллаштиришга, гўзаллаштиришга, инсонийлаштиришга хизмат қилиши даркор. Бу ўринда эстетик тарбия бадий-эстетик идеалнинг шаклланиши билан ижтимоий-маънавий

борликни гўзаллаштиришни уйғунлаштирувчи, интеграциялашти-
рувчи ҳамда кишида зарур бадий-эстетик кадриятларни қарор
топтирувчи восита вазифасини бажаради. Ушбу вазифаларни биз
қуйидаги йўналишлардан иборат деб биламиз:

1. Бадий-эстетик онгни, дунёқарашни шакллантириш.
2. Бадий-эстетик муносабатни шакллантириш.
3. Гўзақликни идрок этишни, эстетик дидни тарбиялаш.
4. Эркин ижод этиш туйғусини тарбиялаш.
5. Ижтимоий борлиққа бадий-эстетик танқидий муносабатда
бўлиш кўникмасини шакллантириш.
6. Меҳнатга эстетик муносабатни тарбиялаш.
7. Маънавий-ахлоқий ҳаётни, фазилатларни гўзаллаштириш
истагини қарор топтириш.
8. Турмуш тарзини, маданий-маиший ҳаётни гўзаллаштириш
ҳиссини тарбиялаш.
9. Ижтимоий-маънавий борликни гўзаллаштиришни ижтимо-
ий тараққиёт мезони сифатида қарашни тарбиялаш.

Энг аввало шуни айтишимиз керакки, бу йўналишларни биз
гносеологик мақсадимиз нуктаи назаридан келиб чиқиб белгила-
дик. Улар бошқа йўналишларда ҳам қаралиши мумкин. Бундан
ташқари ҳар бир йўналиш мустақил тадқиқот объекти бўлиши ҳам
мумкин, лекин улар илмий-назарий концепцияга хизмат қилиш
шарт. Бизда улар бадий-эстетик идеални шакллантириш ва ижти-
моий-маънавий борликни гўзаллаштириш мақсадидан келиб чиқиб
тадқиқ қилинади.

Ижтимоий-маънавий борлик деганда биз мавжуд ҳаёт тарзини,
мавжуд ижтимоий-маънавий муносабатлар ва ён-атрофимизни
қуршаб олган сунъий оламни назарда тутамиз. Ушбу муносабатлар
ва сунъий олам тугалланган ҳолда мавжуд эмас, у инсон билан биз-
га такомиллашиб бориш хусусиятига эга. Ижтимоий-маънавий
борликни гўзаллаштириш ҳам сунъий оламнинг ушбу хусусияти-
дан келиб чиқади ва унга ҳамоҳангдир.

Бадий-эстетик онгни, дунёқарашни шакллантириш бадий-
эстетик идеални шакллантириш ва ижтимоий-маънавий борликни
гўзаллаштиришнинг асосий императивидан биридир.

"Эстетик онг объектив дунёга нисбатан бўлган инсон эстетик
муносабатининг субъектив томонидир... Эстетик онг – маънавий-
руҳий воқеа-ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт зами-
нида вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид, эстетик фикр,

эстетик орзу, эстетик қараш, эстетик назария тизимини англатади”.¹ Шу нуқтаи назардан бадий-эстетик онг, дунёқараш серкирра ижтимоий воқелиқдир. У таъсир қилмайдиган соҳа, инсон фаолияти, маънавий қараш йўқ. ”Жамият тараққиётида бирор жабҳа, нараса, зарра йўқки, улар эстетик дид, орзу ва қарашлардан четда қолган бўлсин. Эстетик онг моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига, жумладан, сиёсат, ахлоқ-одоб, дин, фалсафа, фан соҳаларига ҳам беғосита таъсир ўтказади”.²

Бадий-эстетик онгни, дунёқарашни шакллантириш осон эмас. Биринчидан, бадий онг билан эстетик онг ўртасида маълум бир тафовут бор. ”Эстетик онг, - деб ёзади шу муносабат билан Э.Умаров, - воқелиқни бутун борлиғича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадий онг санъатни яратиш ва идрок этиш жараёнида намоён бўлади. Бадий онг бадий асарлар тизимида ифодаланса, эстетик онгнинг акс этиш қўлами анча кенг бўлиб, у одамларнинг меҳнат фаолиятида, унинг натижаларида, моддий ва маънавий маданиятнинг барча қирраларида ифода топади”.³ Иккинчидан, бадий-эстетик онг зиддиятли шаклланиш хусусиятига эга. Унинг ушбу хусусияти санъатнинг, ижоднинг мунофий қарашлар ифодаси эканлигидан ва онг, дунёқарашнинг ўзи зиддиятлар, қарама-қарши ёндашишлар таъсири маҳсули бўлиб қелганидан иборатдир. Шунинг учун ҳам мутахассислар, тадқиқотчилар бадий-эстетик онг, дунёқараш махсус тарбиявий усулларни, жараёнларни тақозо этади деб қарайдилар. Махсус билимсиз, тайёргарликсиз бадий-эстетик жараёнларни тўғри, объектив баҳолаш қийин.

Гўзалликнинг бадий-эстетик идеал билан боғлиқлиги ҳақида фикр юрита туриб машҳур рус файласуфи В.С.Соловьёв илмий нуқтаи назардан қизиқарли бир мисол келтиради. Идеал борлиқ билан номукамал борлиқ ўртасидаги фарқ уларнинг ўз қисмларига ва ушбу қисмларнинг бутунга муносабати, бутун ичида ўзини намоён этиш имкони билан белгиланади. Идеал борлиқда қисмлар: 1) бир-бирларини рад этмайди, балки бири-бирини тақозо этади, ўзаро ҳамкордир; 2) улар бутунни инкор қилмайди, балки ўзининг хусусий борлигини умум борлиқда намоён қилади; 3) умум қисмларни, хусусийларни йўқ қилмайди, балки, аксинча,

¹ Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). – Т.: ”Ўзбекистон”, 1995. – 82 б.

² Ўша жойда. – 84 б.

³ Ўша жойда. – 84-85 б.

уларга ўз бағрида ўзини тўла намоён қилиш имконини беради.¹ Шу тариха қисмлар билан бутун ўртасида гўзаллик қонунарига қурилган идеал борлиққа хос муносабатлар, боғлиқлик юзага келади. Бадий-эстетик онг, дунёқараш билан умум ижтимоий онг, ижтимоий ҳаёт ўртасида ҳам шундай идеал муносабатлар бўлганидагина эстетик тарбия мақсади рўёбга чиқади. Минг афсуски, реал ҳаётда бадий-эстетик онг, дунёқараш билан ижтимоий борлик, муҳит мақсадлари бир-бирига мос келавермайди. Онг ижтимоий муҳит, объектив борлик маҳсули бўлса-да, у маълум бир босқичга келиб муҳитдан ўзади ва уни ўз тасаввурларига мувофиқ ўзгартиришга эҳтиёж сезади. Айнан шу жойда бадий-эстетик онг, дунёқараш идеал сифатида намоён бўлади ва ижтимоий-маънавий борлиққа таъсир кўрсатади. Бу таъсир биринчидан, илмий-назарий, бадий-фалсафий қараш, оғзаки-маърифий ташвиқот, иккинчидан, бадий-ижодий асар тарзида амалга оширилади.

Эстетик дидни тарбиялаш нозик маънавий-руҳий ва психологик жараёндир. Санъат ва адабиётдаги ҳиссий образли тасвирлар инсонда эстетик тасаввурларни, ён-атрофга маънавий муносабатларни, борлиқни идрок этиш кўникларини шакллантиради. Эстетик дид инсонга ён-атрофдаги гўзалликни, нафосатни, бошқалар сезмаган нозик жиҳатларни илғаш имконини беради. Санъат, ижодий фаолият ўз хусусиятига кўра ранг-баранг ҳис-туйғулар уйғотувчи ҳодисадир. Мени ёккан асар сизни қизиқтирмаслиги, сизни ўйга солган мусика мени бефарқ қолдириши мумкин. Ҳаммага баб-баробар ёкадиган асар йўқ, лекин кўпчилик ҳайратини уйғотадиган нодир ижод намуналари, санъат дурдоналари мавжуд. Бадий-эстетик идеал ана шу дурдоналарга таянади, улардан намуна, андоза олади.

Эстетик диднинг маънавий-руҳий масалалари бизда деярли тадқиқ қилинмаган. Умуман эстетик дид ҳақидаги биринчи ва охириги асар ўзбек тилида 1970 йил С.Алимов томонидан нашр этилиб у "Дидлар баҳси" деб аталган. Фалсафий-эстетик ушбу тадқиқот муаммони жуда нозик очиб бергани, айниқса миллий хусусиятларга эътибор қаратгани билан эътиборлидир. "Кишиларнинг эстетик дидига гўзаллик ҳақида тарихан таркиб топган миллий тасаввурлар ўз таъсирини кўрсатади, - деб ёзади С.Алимов. - ...Айни ўринда шуни айтиб ўтмоқ зарурки, бу хил тасаввур ҳар бир

¹ Ўша жойда.

миллат яшаб келаётган географик муҳит, унинг орасида узок давр давомида шаклланиб, кўлланиб келаётган муайян бадий анъаналар, иктисодий ҳаёт укладни, маиший турмуш тарзи, урф-одатлари туфайли рўёбга чиқиб, айни миллат вакилларининг эстетик дидига ўзига хослик тамғасини босади. Масалан, воҳаларда яшайдиган миллат кишилари бу воҳаларнинг сўлимлигига тоғлик районларда яшайдиганларга караганда анча турғун бўлади. Бошқа бир мисол. Шарк мусикаси, чунончи шашмақом билан суяги котган киши, кўпинча, Европа мусикасининг нафосатини тезда фаҳмлаб ололмайди ва, аксинча, Европа мусикасидан ёшлиқдан бахраланиб келаётган киши Шарк мусикасини тинглаганда унинг назокатини бирдан туйиб ололмайди”.¹ Ҳақиқатан ҳам, эстетик диднинг шаклланиши миллий-маданий анъаналардан ташқарида содир бўлмайди. Бироқ миллий-эстетик дид бадий-эстетик идеал даражасига кўтарила оладими – бу бошқа масала. Бизнинг фикримизча, эстетик дид инсоннинг ён-атрофга эстетик муносабати, ушбу муносабатнинг ҳиссий ифодаси, ижод соҳасидан хабардорлик, билимдонлик даражасидир. Эстетик дид инсоннинг эстетик муносабатида аён бўлади, у ушбу муносабатнинг шахсий ёки ижтимоий эканлигини белгилаб келади. Эстетик дид ва эстетик идеал биргаликда, диалектик уйғунликда шаклланади, лекин барча эстетик дид ҳам идеал даражасига кўтарилавермайди. Бадий-эстетик идеал, ижтимоий-маънавий моҳиятига кўра, эстетик диддан юқорирок, қимматлироқ ва узокқа йўналтирилган бўлади. Гоҳо у эстетик дидни белгилаб, йўналтириб ва ўзгартириб келиши мумкин.

Бадий-эстетик диди юқори одамда ижтимоий-маънавий фазилатлар ҳам юқори бўлади деган жўн хулоса чиқармаслик зарур. Дид ва маънавият мураккаб, баъзан мунофий кучлар, омиллар таъсирида шаклландиган ҳодисалар эканини унутиб бўлмайди. Лекин бадий-эстетик диди юқори одам гўзалликка бефарқ карамайди, ахлоқсизлик, зўравонлик, бағритошлик қилмайди. Бунинг ўзи санъатнинг ижтимоий-маънавий борлиқни гўзаллаштиришга кўшган ҳиссасидир.

Бадий-эстетик муносабат ижтимоий муносабатларнинг бир йўналиши сифатида инсоннинг оламга, ҳаётга, ён-атрофга эстетик ёндашишларининг ифодасидир. Айнан бадий-эстетик муносабатда идеалнинг ҳаётини фалсафаси, бадий гносеологик тажрибалари

¹ Алимов С. Дидлар баҳоси. – Т.: "Фан", 1970. – 44 б.

Ўз аксини топади. Бадий-эстетик идеал аслида бадий-эстетик муносабатларнинг квинтэссенциясидир.

Бадий-эстетик муносабат ижтимоий муҳитга, жамиятга тааллуқли воқелиқдир. Шунинг учун у ижтимоий муҳитнинг, жамиятнинг бадий-эстетик қарашларини, қадриятларини, тасаввурларини ифода этади.

Айрим олган ижодкорларнинг бадий-эстетик қарашлари ижтимоий муҳитнинг, жамиятнинг бадий-эстетик муносабатларидан фарқ қилиши, ҳатто уларга қарши чиқиши ҳам мумкин. Аммо бу зиддиятлар бадий-эстетик муносабатларнинг етакчилик қилишини, устувор аҳамиятга эга эканини инкор қилмайди. "Бордию, санъаткор ўзининг тор синфий манфаатлари билан чекланган дунёқарашайдан келиб чиқиб, узоқ-яқин ўтмишнинг башарият ил-гарилама тараққиёти учун номақбул жиҳатларини кўқларга кўтариб тараннум этса, кишиларни замона воқелигига қарши курашни четлаб ўтиб, фақат шахсий камолот, диний изланишлар билан машғул бўлишга чорласа, у реакцион, қора гуруҳ романтизм тарафдори бўлади. Бордию санъаткор жамият тараққиёти имкониятларини ҳисобга олиб, гарчи ҳали бери юзага чиқиши нозаник, аммо чиқиши мумкин, эҳтимолдан йироқлашмаган ёки муқаррар нарсаларни бадий гавдалантирса ва шу билан кишиларни олға силжишга даъват этса, унинг бу романтизми илғор, прогрессив бўлади. Бордию, санъаткор ўз бадий асарлари, бадий образлари билан замондошларини эскиликка қарши аёвсиз курашга, мавжуд ижтимоий ҳаёт тартиботларини янгилашга, ўзгартиришга чорласа, унинг ижодий методи инқилобий романтизм ҳисобланади".¹

Бадий-эстетик муносабат билан ижтимоий-маънавий борлик ўртасидаги алоқадорлик ижодкорнинг методи, усули, асарлари орқали ўрнатилади. Ижодкор асарлари орқали мавжуд бадий-эстетик муносабатга ўз позициясини, алоқадорлигини ёки уни қабул қилмаслигини билдиради. Аммо ижод узлуксиз жараён, шунинг учун маълум бир асар ижодкорнинг тугалланган бадий-эстетик идеали ва ушбу идеалнинг ижтимоий-маънавий қиммати бўла олмайди. Ҳар бир асар ижодкордаги идеал ва ижтимоий-маънавий фазилатларнинг маълум бир шаклланиш босқичидир, холос. Ижодий жараённинг, изланишларнинг тугалланмаслиги, уз-

¹ Уша жойда. - 61 б.

луксизлиги ижодкорни бадиий-эстетик идеални тинмай кидиришга, демак, янги-янги дурдоналар яратишга ундайди.

Бадиий-эстетик муносабатлар канчалик ранг-баранг, моҳиятан бой, шаклан плюралистик, полистилистик бўлса, улар жамиятдаги ранг-баранг бадиий-эстетик эҳтиёжларни кондиришга хизмат қилади. Сийқа, фақат кўчирмачиликдан иборат ижод усуллари, расмий кўрсатмалардан ташқарига чиқишга интилмайдиган санъат асарлари ҳаётни ҳам, бадиий-эстетик онгни ҳам сийқалаштиради. Собиқ СССРда расмий кўллаб-қувватланган пролетар адабиёти ва санъатининг КПССга тинмай ҳамду санолар айтганини, кўлига курол ва кизил байрок олиб ўз биродарларига, оға-инилари ва юртдошларига қарши курашган ишчи-деҳқонни сунъий тарзда бош қаҳрамонга айлантирганини, охир натижада ижтимоий муносабатларни синфлараро кураш сифатида талқин қилганини унутиб бўлмайди.

Эркин ижод қилиш туйғусини тарбиялаш эстетик тарбиянинг ва ижтимоий-маънавий тараққиётнинг энг муҳим қисми, вазифаси ҳисобланади. Фақат эркин ижод қилишга қодир ижодкоргина юксак бадиий-эстетик идеалига эга бўлади, ушбу идеалини ёқоқликдан, топталишдан, камситилишдан ҳимоя қила олади. Тўғри, санъаткор ёки ижодкор киши учун идеал қотиб қолган, доғмага айланган, мутлақ ўзгармас нарса эмас, у изланиш жараёнида тасвир услубини, стилини ўзгартириши, романтизмдан реализмга ёки классицизмга ўтиши мумкин. Аммо ижодкор қалбидан, руҳидан жой олган гоя, образ, тасаввур, К.Юнг ибораси билан айтганда "автоном комплекс" ("мустақил комплекс") мутлақ унут бўлмайди. "Ҳали туғилмаган асар ижодкор қалбида шундай бежилов куч сифатида пайдо бўладики, у мустабидлик ва зўравонлик билан ёки табиатга ўхшаб маккорлик билан ўз мақсадига етади, бунда ижодкорнинг фароғатини ҳам, гапларини ҳам ҳисобга олмайдди..."¹ Эркин ижоднинг, иктидорнинг амрига итоат этиб яшайдиган киши ҳақиқатан ўз фароғатини ҳам, ғамларини ҳам унутади, уни ижод шавқи, завқи, улуғворликка даъвати чулғаб олади. Ҳатто юксак идеалга интилган ижодкор манманликка, такаббурликка берилиши мумкин. С.Далининг, тасвирий санъатда икки даҳо бор: ёри – Рафаэл, иккинчиси – мен, мусаввир ҳеч кимнинг хизматкори

¹ Юнг К. Дух в человеке, литературе и искусстве. – Минск, "Харвест", 2003. – С. 79.

бўла олмайди, у ҳеч қерда ишламаслиги зарур, "мен замонавий санъатни ҳалос қилиш келганман"¹ деган сўзлари оддий кишиларда, томошабинда таажжуб уйғотиши турган гап. Фридрих Нисшеннинг икки минг йил давомида яратилган христиан ахлоқини, Европа тартиблари ва маданиятини нигилистча рад этиб, ўзи янги ахлоқ, маданият яратишга интилгани² ҳам айнан даҳонинг такаббурлигидир. Рационал нуқтаи назардан ёндашганда ушбу ижодкорлар маълум бир руҳий изтиробларга, касалликка берилгани кўзга ташланади. С.Дали ўз услубини "параноидал-танкидий тахлилий метод" деб атаган ва ўзининг хасталигини рад этмаган. Ф.Нисше эса нигилизмга берилганидан кўп ўтмай руҳий касалликка чалиниб қолган умрини (ўн йил) телбахонада ўтказган. Албатта, бундай ҳоллар барча ижодкорларга хос деб бўлмайди, бироқ буюк бадий-эстетик идеалга эга кишини ҳаётнинг майда-чуйда ташвишлари эмас, балки ижодий изланишларга ундовчи улугвор ғоялар кизиқтиради.

Кишида бадий ижодга кизиқиш уйғотиш, эркин ижод қилиш ва изланиш туйғусини тарбиялаш аслида унда такаббурликни шакллантиришни назарда тутмайди. Эркин ижод қилиш – янги усуллар, янги асарлар, янги мактаблар яратиш, мавжуд ижтимоий-маънавий борлиқни янги ғоялар ва янги қадриятлар билан боғиштиришдир. Инсон эркин ижод қила туриб ўзининг руҳи, иқтидорини, салоҳиятини нимага кодирилигини туяди. Эркин ижод қилиш мавжуд борлиқдан ўзиш, уни такомиллаштиришга, янада гўзаллаштиришга интилишдир. С.Дали "Мусаввир, чиз!" деганида ана шуни назарда тутган. Шунинг учун ҳам эркин ижод қилиш туйғусини шакллантириш томошабинда эстетик идеални ва услубни ҳам тарбиялаш демакдир. "Санъаткорнинг эстетик идеали унинг бадий ижодда амал қиладиган асосий эстетик принципларини, яъни ижодий методини ҳам белгилайди".³ Лекин, ўз навбатида, эстетик принциплар ҳам эстетик идеалнинг ўзгаришига, трансформацияга учрашига олиб келишини унутиб бўлмайди.

¹ Дали С. Дневник одного гения. – М.: "ЭКСМО-ПРЕСС", 2000. – С.47-48.

² Нисше Ф. Воля к власти. Опыт переоценки всех ценностей. – М.: ООО "Транспорт", 1995.

³ Алимов С. Дидлар баҳси. – Т.: "Фан", 1970. – 60 б.

Эркин ижод қилиш фақат ижод қилиш учун эмас. "Санъат санъат учун" бўла олмаслигини В.С.Соловьёв қайд этган эди.¹ Ижод инсоннинг маънавий оламини, ижтимоий-маънавий борлиқни янада гўзаллаштириш, такомиллаштириш учундир. Ижод қилиш, яратиш туйғуси абстракт-мавҳум нарса эмас, киши мулоқотга киришиб ҳам ярата олади. Эркин фикрлаш ҳам ижоддир. Ўз фикрини аниқ ва очиқ ифода этиш, танқиддан, адашишдан, плюрализмдан қўрқмаслик ижтимоий-маънавий тараққиёт учун зарур демократик кадриятлардир. Ижтимоий идеал ўз қобилигига яшириниб олишни эмас, балки ижтимоий-маънавий борлиққа фаол муносабатда бўлшни тақозо этади. Ушбу борлиқни танқидий ўрганиш, зарар пайғда ўзгартиришга интилиш ижодкордаги муҳим ижтимоий фойдали фазилатдир.

Меҳнатга эстетик муносабат инсон ва жамият тараққиётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий фойдали меҳнат орқалигина шахс ўзининг қимлигини, нимага қодирлигини намоён этади, ўзи, ўзининг оиласи, фарзандлари ва келгуси авлодлар учун зарур моддий ва маънавий бойликлар яратади.

"Меҳнат" тушунчаси мусибат, бало, ғам, дард, машаққат, қийинчилик деган маъноларни англатади.² Халқимиз "Меҳнатнинг таги роҳат" деганида энг аввало ана шу қийинчиликлардан кейингина роҳат келишини назарда тутади. Меҳнатни эстетика билан боғлаганда биринчидан, ижодкорнинг ижодий изланишлари, иккинчидан, бадиий асарларда меҳнаткаш образини яратиш, яъни меҳнат мавзуини акс эттириш тушунилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам санъат билан меҳнат уйғунлиги, улар ўртасидаги яқинлик, алоқадорлик назарда тутилади.

Меҳнат қанчалик оғир, машаққат бўлмасин у инсон руҳини, жисмини, салоҳиятини топташга, эзишга эмас, балки унда ўз меҳнатидан ҳузур, завқ олиш, яратган моддий ва маънавий бойликларидан фахрланиш ҳиссини шакллантириши лозим. Акс ҳолда меҳнат кишида эксплуатация воситаси деган фикрни уйғотади.

Меҳнатнинг нағижаси эмас, энг аввало уни бажариш жараёни, яъни инсон билан меҳнат предмети ўртасидаги муносабат субъектнинг моддий эҳтиёжларига ва ўз хатти-ҳаракатидан завқ олишига

¹ Соловьёв В.С. Философия искусства и литературная критика. – М.: "Искусство", 1991. – С.95.

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳи луғати. Т.11. – Т.: "Фан", 1983. – 299-300 б.

монанд келиши даркор. Кўпгина кузатишлардан маълумки, меҳнат натижаси кишининг моддий эҳтиёжларини қондириши ҳали етарли эмас, у киши руҳида, калбида, эстетик эҳтиёжда коникиш ҳам уйғотиши зарур. Ана шундагина киши меҳнатга ижодий муносабатда бўлади, ундан эстетик завқ олади.

Меҳнат ижтимоий зарур воқелиқдир. У фақат шахснинг эҳтиёжларини қондирмайди, ҳар қандай меҳнат ижтимоий йўналтирилган ёки ижтимоий фойдали бўлиши даркор. Меҳнатнинг ижтимоий зарурлиги билан унинг шахс томонидан бажарилишининг ихтиёрийлиги ўртасида мудом маълум бир зиддият мавжуддир. Эстетик завқ ва уни қўллаб-қувватловчи ижтимоий-маънавий бурч кишини ушбу зиддиятни ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳал қилишга чорлайди. Ҳатто ижтимоий-маънавий бурч эстетик эҳтиёждан устун туради, чунки инсон ҳар доим ҳам эстетик эҳтиёждан келиб чиқавермайди. Масалан, деҳқон далага чиққанида, жазирама иссиқда қатқалокни юмшатганида эстетик эҳтиёждан эмас, балки ижтимоий-маънавий бурчини тўғри идрок этганидан келиб чиқади. Лекин бу меҳнатга эстетик муносабат керак эмас деган фикрга олиб келмаслиги лозим. Инсон меҳнат жараёнига эстетик элементларни, завқни олиб кирганида ижтимоий ҳаётни янада гўзаллаштиришга интилади. У меҳнатни, меҳнат жараёнини гўзаллаштира туриб ўз ҳаётини, ён-атрофини ҳам, ижтимоий муносабатларни ҳам нафосат билан безайди. Провард натижада гўзаллик ижтимоий-маънавий борлиқнинг таркибий қисмига, атрибутига айланади.

Ижтимоий-маънавий ҳаётда мудом эстетик элемент, эстетик воқеликка оид кадрятлар мавжуддир. Бирок бадий-эстетик идеал нуқтаи назаридан улар етарли эмас. Шунинг учун бадий-эстетик идеал мавжуд ижтимоий-маънавий борлиқни янада гўзаллаштиришга интилади.

Ижтимоий-маънавий борлиқ инсоннинг ақлу идроки, тафаккури, эътиқоди, ахлоқи, жамият билан муносабатлари, ўз бурчини бажариши, оилавий ҳаёти, қизиқишлари каби ранг-баранг воқеликларни ўз ичига олади. Шахсни жамият билан боғлаб турган воқеликлар ижтимоий-маънавий борлиқдир. Ушбу воқеликлар ичида турмуш тарзи асосий ўринда туради.

Инсон ҳаётининг асосий қисми оилада, оилавий муҳитда, маҳалла, қўшнилари ва қариндош-уруғлари даврасида ўтади. Турмуш тарзидан жой олмаган кадрятларнинг ижтимоий-маънавий

борлиқдаги барқарор воқеликка айланиши даргумон. Шунинг учун турмуш тарзи билан ижтимоий-маънавий борлиқ бевосита алоқадордир. Аммо турмуш тарзининг ижтимоий-маънавий борлиқдан чекланганини, турмуш тарзидаги барча жиҳатлар, белгилар, нормалар ижтимоий-маънавий борлиққа тааллуқли воқеликларга айланавермаслигини эсдан чиқармаслик керак. Масалан, интернет ва "уй-кинотеатр"лар ҳозир маданий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Аммо ушбу оммавий-ахборот воситалари ҳар доим ҳам кишиларнинг ижтимоий-маънавий дунёсига тўғри таъсир кўрсатадми деб бўлмайди. Интернетда мустақил юртимиз ҳақида нотўғри, ҳатто бўхтонлардан иборат хабарлар тарқатилаётгани бунинг исботидир. Дискларда тарқатилаётган фильмлар ва томошаларда эса зўравонлик, фоҳишабозлик, инсон шаънини ерга урувчи лавҳалар, ғайриҳаётий боевиклар тўлиб-тошиб ётибди. Булар инсоннинг маънавий ҳаётига, кенг миқёсда ижтимоий-маънавий борлиққа салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Эстетик дидга эга, гўзалликнинг кадрига етадиган, нафис нарсаларни дағал, кўпол нарсалардан, гўзал ахлоқни ахлоқсизликдан, маънавий тубанликдан фарқлайдиган кишигина ушбу салбий ҳодисалар таъсирига тушиб қолмайди, балки аксинча эн-атрофини гўзаллик, нафосат билан безашга интилади. Чунки, Ф.М.Достоевскийнинг ҳаммага маълум ибораси билан айтганда "Гўзаллик оламни қутқаради".

Ижтимоий тараққиёт аслида эстетик тараққиётдир. Гўзаллик, нафосат ижтимоий тараққиётнинг ҳамроҳи, мезони бўлиб келган. Бизнинг фикримизча, ижтимоий-маънавий тараққиёт энди эстетика қонунларига мувофиқ кечади, чунки жамиятимиз барпо этишга интилаётган обод ва фаровон ҳаёт борлиқни гўзаллаштиришни тақозо этади. Шунчаки бой-бадавлат яшаш эмас, балки гўзал ҳаёт қуриш, маънавий маданияти гўзал авлодни шакллантириш мақсадимиздир.

У– БОБ. ИЖТИМОЙ ИДЕАЛ ВА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

5.1. Мустақиллик ва ижтимоий идеал омили

”Эркинлик”, ”озодлик” тушунчалари мустақиллик учун чуқур илмий методологик аҳамиятга эга, чунки ижтимоий фалсафада улар инсон тараққиётининг, мавжудлигининг, онгли мавжудот сифатида фаолият кўрсатишининг бош омили сифатида қаралади. Ҳеч бир йирик файласуф, сиёсатшунос, илм-фан ривожига маълум бир из қолдирган илмий мактаб инсон эркинлиги, озодлиги муаммосини четлаб ўтган эмас. Инсоннинг эркин, озод, қалби ва руҳи даъватларига мувофиқ яшаши идеал имкон, идеал ҳаёт ва ижод тарзи сифатида қаралган.¹ 1991 йили Ўзбекистон эришган мустақиллик ҳам халқимиз, миллатимиз ва ҳар бир фуқароимизнинг қалби ва руҳи истаган эркинлик, озодлик, ҳурлик билан боғлиқдир.

Н.А.Бердяев инсоннинг эркинлиги, руҳи, қалбининг борлиқдан ўзишга, бор кучи билан ўзини борлиқда тасдиқлашга интилиши ҳақида барча файласуфлардан кўпроқ фикрлаган ва ёзган. ”Мен инсонни уч ҳолатда онги тузилишини уч йўналишда кўраман, - деб ёзади у. – ”хўжайин”, ”қул” ва ”эркин”. Хўжайин ва қул бири-бирини тақозо этади, бири-бирисиз яшай олмайди. Эркин киши ўз ўзи учун мавжуддир, у ўзининг зидисиз, коррелятивсиз яшай олади”.² Энг муҳими шундаки, ”эркин кишининг онги ўзи учун мавжудлигини англайди, аммо у ўздан бошқага ва барчага йўналтирилганлигини биледи... Эркинлик интериоризациялашишдир”.³ Демак, эркинлик фақат ўзи учун эмаслигини эркин киши биледи, интериоризация-лашиш, яъни ёна-агрофдаги кишилар, борлиқ билан муносабатга киришиш эркин яшашнинг шартидир.

Н.А.Бердяев эркинликни кишининг ички маънавий-руҳий ҳолатига, қалбига йўналтирилган воқелик сифатида қарайди.

¹ Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: ”Прогресс”, 1995. – С.13-14.

² Бердяев Н.А. Царство духа и царство кесаря. – М.: ”Республика”, 1995. – С.35.

³ Ўша жойда. – С.35-36.

Экстериоризациялашган эркинлик мудом муте онгнинг ҳолатидир. Унда "Худо – хўжайин, одам – кул; черков – хўжайин, одам – кул; давлат – хўжайин, шахс – муте; жамият – хўжайин, инсон – банди; оила – хўжайин, киши – кул; габиат – хўжайин, одам – асир; объект – хўжайин, субъект – итоатгўй. Бандилик манбаи мудом объективлашиш, яъни экстериоризациялашишда, бегоналашишдадир. Бу аслида барча нарсада - билишда, ахлоқда, динда, санъатда, сиёсий ва ижтимоий ҳаёда мутелик: демақдир".¹ "Инсоннинг хўжайинлик қилиши эмас, балки эркин бўлиши зарурдир".² "Эркин одамгина шахсдир".³

Одамдаги куллик, мутелик, қарамлик инстинктини ўрганар экан Н.А.Бердяев, "кишига мустабидлик хос" деб ҳисоблайди. Киши мустабидлигини севгиси орқали ҳам ифода этиши мумкин. Тарихда ўтган деярли барча мустабидлар ўзини инсониятни ёвузликдан, бедилликдан, ёмон ниятлардан ҳалос этажagini таъкидлайди ва зўравонлигини эзгу ниятлар билан никоблашга интилган. Собик СССРда амалга оширилган коллективизация, индустриализация, ягона совет халқини, социалистик цивилизацияни қарор топтириш ана шундай "эзгу ниятлар" натижаси эди. Инсонга "порлоқ келажак" коммунизм қуришнинг бир "винтиги" сифатида қараш, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига оид ҳуқуқларини паймол қилиш коммунистик тузумнинг фаолият тарзи эдики, охир натижада у халқларнинг, миллатларнинг мустақилликка талпиниши натижасида таназзулга учради.

1991 йили 31 августда Ўзбекистон ўзининг суверенитетини расман эълон қилди ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги, қонунига биноан Ўзбекистон мустақил, демократик давлат деб эътироф этилди. Мазкур қонуннинг 3-моддасига кўра: "Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди".⁴ Бу билан Ўзбекистон халқимиз, миллатимиз орзу қилиб келган мустақил давлат ва буюк аждодларимиз қуйлаган идеал жамият – адолатли,

¹ Ўша жойда. – С.36.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991, 11-сон, 3-модда.

фаровон, инсонпарвар жамият барло этишга киришиш имконига эга бўлди.

Энг аввало шуни айтишимиз керакки, мустақилликнинг ўзи халқимиз, миллатимиз учун ижтимоий идеал эди. Ушбу идеалнинг негизи узок тарихга бориб тақалади ва у ҳеч қачон халқимиз қалбидан ўчган эмас.

Маълумки, ижтимоий идеал кишининг эркин, мустақил яшашига ноҳақ тўсиқлар халақит берганида яққол кўриниш беради. Шундай ноҳақ тўсиқлар қаторига чет эл босқинчиларининг юртимизга бостириб қирғиши, халқимизга ёт тушунча, эътиқод, маданият, турмуш тарзини зўрлаб сингдиришга уриниши қабилар қиради. Бундай тажовузлар, зўравонликлар кишиларда нафақат босқинчиларга нисбатан нафрат уйғотади, шу билан бирга уларда умумий ижтимоий идеалнинг шаклланишига туртки беради.

Мустақиллик ажодларимиз учун ижтимоий идеал бўлиб қелганини қуйидаги, мавзуимиз учун муҳим аҳамиятга эга, мисолларда кўришимиз мумкин.

Аҳмонийлар (эр.авв. VI – эр.авв. IV асрлар) шоҳи Қир Бактрия, Парфия, Сўғдиана, Марғинон ва Хоразм ўлкаларини босиб олгач Амударё билан Сирдарё қуйи текислигида яшаётган масагетларни ҳам ўзига қарам қилмоқчи бўлади. Шу ниятда у мустақил, эркин яшашга ўрганган масагет қабиласининг бошлиғи Тўмарисга совчи юборади. Қирнинг ниятини пайқаган Тўмарис рад жавобини беради. Тўмарис Қирдан масагетларни тинч, ўз ҳолига қўйишни сўрайди, лекин Қир ўз ниятидан қайтмайди. Жангда масагетлар устун келади, Тўмарис Қирнинг қалласини кесиб қонга тўлдирилган ҳалтага ташлайди. Унинг Қирга айтган қуйидаги сўзлари масагетлар қалбида туғилган ижтимоий идеал ифодаси бўлиб эшитилади: "Қуёш билан қасам ичаманки, мен масагетлар ҳукмдори, қонга тўймаган сени қонга тўйдираман".¹

Арабларнинг юртимизда ўтказган зўравонликлари ва хунрезликлари тарихчилар томонидан атрофлича очиқ берилган. Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: "Қутайба ибн Муслим ал-Баҳилий хоразмликларнинг қотибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб-дафтарларини қуйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёллаш қувватига сужнадиған бўлдилар".²

¹ Ртвеладзе Э. Цивилизация, государства, культуры Центральной Азии. – Т.: 2005. – С.111.

² Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. I-жилд. – Т.: "Фан", 1960. – 84 б.

Биз учун муҳим томони шундаки, арабларнинг кетма-кет қужумлари ва талон-тарожлик босқинчиликлари ўлкамизда кенг тарқалган тарқоклик, ички низолар, тахт учун курашлар авж олган даврга тўғри келди. Бу ҳолда халқларни, вилоятларни бирлаштиришга кодир куч, айниқса ижтимоий-сиёсий ва маънавий идеал, зарур эди. Бундай идеал аждодларимизда бўлмаган дейиш хато албатта, лекин у умумхалқ, умумэтнос даражасидаги идеал эмас эди.

Бир халқнинг бошқа халққа ўз таъсирини ўтказиши учун биринчиси ўзининг оммавий пассионарлик хусусиятига эга бўлиши, иккинчиси эса унга қўшилиши талаб этилади. Пассионарлик ғоясининг асосчиси Л.Н.Гумилевнинг фикрига кўра, пассионарлик не тизда этник доминантларга айланган "идеаллар умумийлиги" ётади.¹ Демак, пассионарликнинг йирик ижтимоий воқеликка айланиши учун этник доминантни ёки этносни бирлаштирувчи куч, ғоя, мақсад – идеал керак. Араблар учун шундай идеал ислом дини ва Мухаммад алайҳиссалом бўлган. Ушбу идеаллар арабларни этник бирлаштиришга ундаб йирик куч сифатида тарих саҳнасига олиб чиққан. Бундай идеал бўлгудек образлар Мовароуннаҳрликларда ҳам бор эди. Араб босқинчиларига қарши чикиб ўз элининг мустақиллигини ҳимоя қилган Муҳанна ва Обруй ана шундай пассионар – идеаллар эди. Самарқанд ҳокими Тархун бутун ўлка халқларига ижтимоий идеал бўлгудек сифатларга эга эди. Минг афсуски, ушбу кучлар бирлашмади, Мовароуннаҳрликларда "пассионарликнинг кучайишига"² олиб келмади.

Этник пассионарликнинг кучайиши исломнинг Мовароуннаҳрда барқарор ижтимоий-маънавий воқеликка, кадрятларга айлангач рўй беради. "Марказий Осиё халқлари маънавияти ислом туфайли тубдан ўзгарди. Биринчидан, аждодларимиз маънавияти аста-секин ягона мафкуравий асосга кўчди. Иккинчидан, маънавий маданиятимизнинг йирик йўқотишларига қарамасдан, алломаларимизнинг ислом доирасида руҳсат этиладиган ижод турлари, биринчи навбатда, жаҳон миқёсидаги илм-фан ютуқлари билан танишиш ва шуғулланиш имкониятлари кенгайди. Учинчидан, ислом нафақат маданий-маънавий, шунингдек, кўп жиҳатдан ижтимоий ва сиёсий муштаракликни ҳам таъминладик, бу халқнинг ақлий-ижодий ва амалий – яратувчилик куч-

¹ Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера жизни земли. – М.: ТОО "Мишель и К", 1994. – С.266.

² Ўша жойда. – С.272.

гайратини, салоҳиятини бирлаштиришга хизмат қилди”.¹ Бу даврда халқимиз орасидан илм-фанга, маънавиятга катта ҳисса қўшган Хоразмий ва Фарғоний, Форобий ва Марвазий, Беруний ва Ибн Сино, ар-Розий ва Ибн Ирок, Маҳмуд Қошғарий ва аз-Замахшарӣ й, Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид Коший, Улуғбек ва Али Қушчи каби комусий олимлар, ал-Бухорий ва Исо ат-Термизий, ал-Мотурудий ва Нажмиддин ан-Насафий, Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби шаръий илм даҳолари, Азизиддин Насафий ва Бурҳониддин Марғиноний, ас-Самарқандий ва Жалолиддин Румий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Рудакий, Аҳмад Югнакий ва Фирдавсий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Улуғбек ва Камолиддин Бехзод каби даҳолар етишиб чиқдилар. Ушбу буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди, халқимиз маънавиятига, маданиятига қўшган ҳиссалари ибрат, намуна, идеалдир.

Мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашган Жалолиддин идеал образ тимсолида намоён бўлади. Бу борада академик В.В.Бартольд ҳақли равишда: “Жалолиддин мўғуллардаги отаси ҳақидаги хотираларни бутунлай сиқиб чиқарди, улар ҳамма нарсаларни, ҳатто Утторда қарвонни талаганларни ҳам Жалолиддин ғоми билан боғлайдиган бўлдилар”,² деб ёзади. Ватан, эл озодлиги, мустақиллиги учун курашган Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган нутқда Республикамиз Президенти И.Каримов шундай деган эди: “Султон Жалолиддин нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиклолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир”.³

Мустақилликни, озодликни идеал билган маърифатпарвар жадидчиларнинг ҳаёти, фаолияти, орзу интилишлари ҳам ибратлидир. Чор Россиясининг босқинчилигини қоралаган, шўролар ҳукуматининг ғайримиллий ва ғайринсоний сиёсатиغا қарши

¹ Эркаев А. Миллия ғоя ва маънавият. – Т.: “Маънавият”, 2002. – 124 б.

² Бартольд В.В. Сочинения. Т.11 (1). – М.: Изд-во Восточ.лит-ры, 1963. – С.144.

³ Каримов И. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ//Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиз. Т.8. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 75 б.

чиккан ота-боболаримиз Ўзбекистон ва Туркистон мустақиллиги учун дадил курашган идеаллар ҳисобланади.

"XX асрнинг 10-йилларида Туркистонда икки сиёсий куч – жадидлар ва қадимлар, яъни уламолар ҳаракат қилиб, уларнинг бири демократик республика усулидаги давлат тузумини барпо этмоқчи, иккинчиси эса хонликни қайта тикламоқчи бўлди. Агар XIX аср ўрталарига келиб хонлик тузуми туфайли оғир иқтисодий ва маданий аҳволга тушилгани, давлат тузумининг чириб битганини эътиборга олсак... жадидларнинг янги жамиятни яратиш йўлида олиб борган фаолиятлари буюк жасорат ва донишмандлик намунаси сифатида баҳоланиши мумкин".¹ Заки Валидий жадидчиларнинг ижтимоий-сиёсий мақсадини ифодалаб ёзган эди: "Жадид тараққийпарварлар партияси" қўйидагиларни мақсад қилиб қўяди, яъни: "1. Ўз миллий маданиятига эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётининг асоси бўлмоғи керак. Бу эса барча миллатларнинг орзусидир. Мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб, миллий ҳукумат тузишдан иборат. Миллат, тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади.

2. Озод Туркистонда давлат тузилиши ва идораси жумҳурият шаклида бўлиб, ҳокимият асосини демократия йўли билан сайланган миллат мажлиси ёки вилоят ва шаҳарларда вилоят ҳамда шаҳар мажлислари (земство) ташкил этади..."²

Юқоридаги мисоллардан аён бўладики, халқимиз, миллатимиз мустақилликни нафақат орзу, ҳаёл, идеал билган, унинг учун курашган ҳам. Лекин бу кураш тарихий шарт-шароитларга қараб турли кўринишда, гоҳ очик (Тўмарис, Широқ, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди ва б.), гоҳ ёпиқ (жадидчилар) тарзда олиб борилган. Халқимиз, миллатимиз, мустақилликни миллий демократик тараққиётнинг шартини деб билган. Шунинг учун мустақилликнинг ўзи идеал, мақсад, орзу ҳисобланган. Демак, ижтимоий идеал маълум бир саъй-ҳаракатлар, таърихий шарт-шароитлар таъсирида реал воқеликка айланиши мумкин.

Мустақилликка эришилган биланок кишилар ўйин ва калбида ижтимоий идеал йўқ бўлмайди, бутунлай сиқиб чиқарилмайди. Инсон тирик экан у мудом янги-янги идеаллар излаб топади, уларни реал воқеликка айлантириш ўйи, орзуси билан яшайди. Шу нуқтаи

¹ Шарипов Р. Туркистон жадидчилиқ ҳаракати тарихидан. – Т.: "Ўқитувчи", 2002. – 184 б.

² Аҳмад Заки Валидий. Бўлингани бўри ер. – Т.: "Адолат", 1997. – 112 б.

назардан Ўзбекистон Республикаси эришган мустақиллик фукароларимиз қалбида янги тарихий даврга мос янги идеаллар яратиш омилидир. Аммо мустақиллик эски ижтимоий идеалларни инкор қилмайди, балки улардаги прогрессив жиҳатларни рўёбга чиқаришга сиёсий-ҳуқуқий замин яратади.

Халқимизнинг ижтимоий адолатли давлат ва фаровон ҳаёт куриш орзуси қадимдан мавжуд. Ушбу ғоя, ижтимоий идеал ҳозир ҳам кишилар қалбидан ўчган эмас. "Биз, - дейди И.А.Каримов, - озодликка эришган илк кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган дастлабки пайтданок ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очиқ-ойдиқ маълум қилганмиз: мақсадимиз аниқ - Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат куриш. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш - бош вазифамиз. Бу жамиятда халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши - асосий қоида. Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-муңдарижасига айлантириш учун ишляпмиз. Энг муҳим гап шундаки, бошлаган барча ислохотларимизнинг провард мақсади битта - адолатли жамият барпо этиш"¹.

Ижтимоий адолат ҳақидаги тасаввурлар жамиятда, айниқса давлат институтлари фаолиятида, раҳбарлик лавозимларида ишляётган кишиларнинг қонунни менсимаслиги боис йўл қўядиган хатоларида, гоҳо эса коррупция, манманликка берилишларида намоён бўладиган ноҳақликлар туфайли чуқур эътиқодга, идеалга айланади. Тўғри, мутлақ адолат йўқ, адолат мезонлари қонунлардадир. Қонунларни бузиш, ноҳақликка, адолатсизликка олиб келади. Адолатсизлик адолат ҳақидаги фикрларни, тасаввурларни, ғояларни туғдиради, бироқ бу адолатсизлик кўп бўлса, адолат ҳақидаги фикрлар, ғоялар ҳам, уларнинг антитезиси сифатида, шунча кўп ва чуқур бўлади деган ҳулосага олиб келмаслиги лозим. Кишилар, демократик кадриятлар қарор топаётган жамиятда жиндек ноҳақликка ҳам эътибор қиладиган, ноҳақликни тезда тугатишни талаб этадиган бўлади. Биз ҳозир тоталитар тузумдан демократик жамиятга, сохта адолатли жамиятдан инсон манфаатларини устувор вазифага айлантираётган,

¹ Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. - Т.7. - Т.: "Ўзбекистон", 1999. - 239 б.

том маънодаги ижтимоий адолатли жамиятга ўтмоқдамиз. Ўтиш даврида Юртбошимиз айтганидек, “Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган... эски тизим қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янги ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини босқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмагани, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бераётгани, уларнинг янги тизим қонунларини қўйинчилик билан идрок этаётгани ва қабул қилаётгани ҳам шу каби салбий ҳолатларни кучайтирмоқда”¹. Демак, кишиларимизнинг ижтимоий адолатли жамият барпо этиш ҳақидаги орзу интилишлари мустақиллик йилларида батамом сиқиб чиқариладиган идеал эмас. Ижтимоий ҳаёт мутлак идеал бўлмайди, ижтимоий адолат ҳақидаги эзгу ғоялар ҳам кишилар ўйида яшайверади, чунки мутлак идеал жамият бўлганини инсоният билмайди. Мустақиллик ижтимоий адолат ғоясини, орзусини, идеалини кишилар ўйидан, тилақларидан сиқиб чиқаришни эмас, балки ижтимоий муносабатларда ижтимоий тенгликни, жамият ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш оққали адолатни қарор топширишни назарда тутди. Бу вазифа утопия эмас, уни реал воқеликка айлантириш мумкин.

Мустақиллик миллий тараққиёт йўлларини белгилаб олиш оққали халқимиз, миллатимиз орзу қилиб келган ижтимоий идеаларни амалга оширишга имкон беради. Бунинг учун эса мамлакатимизни қандай йўлдан боришини белгилаб олиш, миллий тараққиёт моделини яратиш зарур эди. “Ҳозир, - деган эди мустақилликнинг дастлабки йилида Республикаимиз Президенти И.А.Каримов,- бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, келажак авлодларнинг тақдирини ҳам шунга боғлиқ бўлади. Республика танг ҳолатларни қай даражада тезроқ бартараф этиши, яқка-ҳокимлик тизимининг иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу нарса билан белгиланади. Биз ҳозир узок йўлнинг

¹ Ўша жойда. – 241 б.

бошида турибмиз”¹. Президентимиз ушбу ўта масъулиятли даврда миллий тараққиёт йўлларини ишлаб чиқишга бош-қош бўлди. Айнан у Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида келажак моделини кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда эканлигини асослаб берди. Шунинг учун у Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёт йўлини идеал, мақсадлар мақсади тарзда қуйидагида деб кўрсатади: “Барқарор бозор иқтисодиёти очик ташки сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш провард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин”². Агар Президентимизнинг ушбу концепциясидан келиб чиқсак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти - мақсад ва фаровон ҳаёт қуриш ва баркамол авлодни шакллантириш мақсадлар мақсадидир. Лекин уларни бир-биридан ажратиб, улар ўртасига “хитой девори” қўйиб бўлмайди. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти обод ва фаровон ҳаёт қуриш, баркамол авлодни шакллантириш учун қандай зарур омил бўлса, обод ва фаровон ҳаёт, юксак маънавиятли авлод демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш шундай муҳим омилдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб биз Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёти учта мақсадлар мақсади, идеал, омиллар билан боғлиқ деб биламиз. Уларга: биринчидан – демократик ҳуқуқий давлат, иккинчиси – фуқаролик жамият барпо этиш, ва, учинчиси – юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбиялаш киради.

Ушбу идеал вазибалар бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг қайси бири аввал шаклланади деб савол қўйиш ижтимоий тараққиёт қонунларидан беҳабарликдир. Чунки ижтимоий тараққиёт қандайдир бир вазифадан кейин иккинчисини, иккинчисидан кейин учинчисини бажариш зарур деб мақсад қўймайди, жамият ривожини учун барча муаммолар бирдек муҳимдир. Демак, ижтимоий тараққиёт барча муаммоларни уйғунликда, комплекс тарзда ҳал

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафқурат. Т.1. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 39 б.

² Ўша жойда.

етишни тақозо этади. Лекин жамият у ёки бу муаммони тезроқ, самарали йўллар билан ҳал этишни кун тартибига қўйиши мумкин. Масалан, кейинги йилларда кенг тарқалаётган халқаро терроризм зудлик билан ушбу офатдан халос бўлишнинг йўлларини излашга жаҳон аҳлини, давлатларни мажбур қилмоқда. Ушбу офатни бартараф этмай нафақат демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш, ҳатто кишилик жамиятини сақлаб қолиш ҳам амри маҳолдир. Шубҳасиз, бундай ҳоллар идеалга етишни орқага суради, мақсадлар мақсадини рўёбга чиқаришга ҳалақит беради. Шундай бўлсада, бундай ҳоллар кўзланган провард мақсадга етиш ниятидан кишиларни маҳрум қила олмайди. Айниқса давлат, йирик ижтимоий-сиёсий куч ва ислоҳотлар учун, кишилар тақдири ва велажаги учун маъсул институт сифатида мўлжалланган профвард мақсаддан воз кечиши мумкин эмас.

Яна бир нарсани унутмаслик зарур. Бутун дунёда глобаллашув жараёни кетмоқда, халқлар, давлатлар, маданиятлар ўртасидаги интеграцион алоқалар шу даражада кенгайиб, умумпланетар хусусият касб этмоқдаки, улар айрим олган ижтимоий тузум, давлат, жамият тараққиёти тақдирига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Давлатлараро муносабатлар, айниқса ҳўшни давлатларда кечаётган ўзгаришлар, уларда яшаётган кишиларнинг, аҳолининг ҳаёт тарзи ҳам локал ҳодиса бўлиб қолмайди, улар, албатта, ён-атрофдаги халқларга таъсир кўрсатади. Шунинг учун маълум бир миллий тараққиёт модели ҳақида гап кетганида ушбу ташқи омилларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Мустақилликнинг яна бир жиҳати шундаки, у халқимиз, миллатимизнинг ижтимоий-маънавий тараққиёт ҳақидаги орзу истақларини реал воқеликка айлантирмоқда. Шарқ халқларида маънавий-маданий омилларга, улардан ижтимоий тараққиётда сойдаланишга интилиш кучли, ҳатто айтиш мумкинки, у Шарқ халқларининг тарихий-маданий парадигмасига айланган. Шунинг учун ижтимоий-маънавий жараёнлар Республикамизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг таркибий қисми, юксак маънавиятли янги авлодни шакллантириш эса ушбу ислоҳотларнинг натижаси, мезони сифатида қаралмоқда. Бу аслида буюк аждодларимиз орзу қилган, эзгулик қарор топган, инсонпарвар жамият ва ахлоқан пок, иймони бутун, элим, юртим деб яшайдиган, интеллектуал салоҳиятини миллий тараққиётга сарфлайдиган, юксак маданиятли ва маънавиятли янги авлодни

тарбиялаш демакдир. Чунки шундай фазилатларга эга авлодгига мустақилликнинг кадрига етади, мустақиллик миллий тараққиётнинг негизи эканини туяди ва уни мустаҳкамлашни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

5.2. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ижтимоий идеал сифатида

Мустақиллик халқимиз, миллатимиз қалбидаги ижтимоий идеални реал воқеликка айлантириш имкониятини яратмоқда. Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ушбу воқеликнинг қарор топишига, халқимиз, миллатимиз ижтимоий идеалининг рўёбга чиқишига хизмат қилади.

Юртбошимиз И.А.Каримов 1992 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида ва Асосий Қонунимизнинг бир йиллигига бағишланган тантанаги йиғилишда Конституция билан боғлиқ фундаментал аҳамиятга эга қарашларини билдирган эди: "Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этади. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир".¹ Демак, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бутун халқимизнинг иродасини, хоҳишини, орзу умидларини ифода этади. Уни муҳокама этишда 2 миллиондан зиёд киши қатнашди, 6 мингдан зиёд тақлифлар, мулоҳазалар тушди. Айнан ушбу мисолларнинг ўзи Конституциямизнинг чинакам халқ тафаккури, онги, истаклари ва қарашларининг маҳсули эканини кўрсатади.

Ҳар бир халқ, миллат учун давлат, унинг моҳияти ўта муҳим масала ҳисобланади. Ўзининг мустақил, кучли давлатига эга халқ, миллат жаҳон тарихида ўзлигини намоён қила олади.² Давлати заиф халқ, миллатнинг тарих саҳнасидан тушиб қолиш ёки бошқа, йирик халқлар, миллатларга ассимиляция бўлиш хавфи мавжуддир.

¹ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. – Т.: "Ўзбекистон", 1993. – 6 б.

² Қаранг: Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий- ҳуқуқий асослари. –Т.: «Ўзбекистон», 2007. –85-86 б.

Мустақилликнинг илк кунларидаёқ И.А.Каримов бу борада ўз фикрини билдирди: "Бугун биз қандай давлат қуряпмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, кифёси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шаклланишида унинг таъсири қандай бўлади? – деган саволларга жавоб топиш, бу хусусда атрофлича фикр юритиш фурсати етди...

Мақсадимиз аниқ – бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, эркин, очик демократик ҳуқуқий давлат қуриш..."¹

Бугун олимларимиз, сиёсатчиларимиз Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан қизиқадиган ҳар бир киши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳақида фикр юритмоқда. Оммавий ахборот воситаларига бир назар ташлашнинг ўзидаёқ халқимиз ўз келажагини фаол муҳокама қилаётганини қузатамиз.

Академик М.Шарифхўжаевнинг фикрига кўра, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти халқимиз, миллатимиз калбидаги асрий орзу тилакларни ифода этувчи ижтимоий идеаллардир. Улар бир-бирига диалектик боғлиқдир. "Фуқаролик жамият ҳам, - деб ёзди у, - ижтимоий тараққиёт шакли бўлган амалий реаллик сифатида, ҳам ижтимоий тараққиёт йўналишига хизмат қилувчи идеал сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат барпо этилган тақдирдагина реал фуқаролик жамият жамиятда қонун устуворлигига, одамлар эркинлигига, ҳуқуқда уларнинг табиатан тенглигига асосланади. Айни пайтда, жамият аъзолари муайян мажбуриятларни снгли, кўнгилли равишда ўз зиммаларига олишади ва умумий қонунларга бўйсунушади".² Демак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятда ҳуқуқий эркинлик устун туради, кишилар ижтимоий фойдали меҳнат турларини ихтиёрий тарзда, онгли равишда, масъулиятни сезган ҳолда ўз зиммаларига оладилар.

Қонун устуворлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг бош белгисидир. Ушбу вазифани тўла амалга оширмай демократик ҳуқуқий давлат ҳам, инсонпарвар фуқаролик жамияти ҳам барпо этиб бўлмайди. "Ҳуқуқий давлат – жамиятнинг шундай сиёсий ташкилотидирки, унда демократик меъёрлар, инсон ҳуқуқлари,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: "Ўзбекистон", 1995. – 9 б.

² Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: "Шарк", 2003. – 93 б.

қонуннинг барчага бирдайлиги ва барча учун (ҳам жисмоний шахслар - фуқаролар, ҳам юридик шахслар –корхоналар, муассасалар, идоралар ва ҳ.к.учун) мажбурийлиги арконий тамойилга, давлат тузумининг асл таянчига айланади. Ҳуқуқий давлатда ҳокимият тармоқлари бир-бирларидан ажратилади ва бир-биридан мустақил бўлади”.¹ Ушбу фикрга таянадиган бўлсак демократик ҳуқуқий давлатга хос бўлган белгиларни қуйидагилар билан белгилаш мумкин.

1. Давлатда қонун устуворлигининг таъминланиши.

2. Демократик институтларнинг шаклланиши.

3. Ҳокимият тармоқлари бир-биридан ажратилган бўлиши. Албатта, бу белгиларни янада кўпайтириш мумкин, лекин бизнинг мавзунимиз учун ушбу йўналишлар моҳиятини очиб бериш етарлидир. Айниқса кейинги йилларда Республикаимизнинг Ҳ.Раҳмонкулов, А.Сандов, У.Тожионов, З.М.Исламов, Х.Одилқориев, М.Файзиев, Э.Халилов, А.Тўлаганов, Р.Қаюмов каби олимлари-ҳуқуқшунослари муаммога оид бир қатор асарларини чоп эттирилди, улардаги фикрларни қайта такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

“Ҳуқуқий давлатда ҳамма нарса қонун ва қонунга онгли равишда итоат доирасида кечиши керак. Шахснинг роли эса тарихий заруриятни, ўз соҳасидаги ижобий тенденцияларни, янги эпкинларни бошқалардан олдинроқ пайқаб олишда, жамоатчиликни улардан хабардор қилишда, қонун доирасида ўзининг буюк яратувчилик, ижодкорлик, ташкилотчилик имкониятларини амалга оширишда намоён бўлади. Ҳуқуқий давлатда шоҳ ҳам, гадо ҳам қонун олдида тенг”.² Қонун олдида тенглик ҳамма учун тенг ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий шароит яратади, лекин бу кишилар ўртасида, айниқса интеллектуал салоҳияти, ишбилармонлиги ва тадбиркорлигида маълум бир фарқлар бўлишини инкор қилмайди. Қонунлар ҳуқуқий тенгликни таъминлайди. Ўз қобилиятини, салоҳиятини намоён қилиш эса ҳар кимнинг ўз ихтиёридадир.

Бизда баъзан тенг ҳуқуқлик мулккий тенглик билан айнан тушунилади. Эски тузумдан қолган ҳамма тенг мулкка эга бўлиши, халқ бойликлари кишилар ўртасида теппа-тенг тақсимланиши керак деган фикр қундалик ўйимизда ҳукмронлик қилмоқда. Шунинг учун баъзан оммавий ахборот воситаларида гоҳ очик, гоҳ пинҳона,

¹ Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. – Т.: “Маънавият”, 2005. – 131 б.

² Ўша жойда. – 133-134 б.

баъзилар икки-уч каватли данғиллама саройларни нима ҳисобига қурмоқда, деган фикрлар билдирилади. Бу билан кишилар онгида ижтимоий бойликлар барчага тенг тақсимланмаябди деган қараш шакллантирилади. Бундай тарғибот демократик жамиятда, тенг ҳуқуқлик, қонун устувор бўлган давлатда бўлиши номақбул ҳолдир. Агар киши ўз меҳнати, ишбилармонлиги билан икки каватли иморат курса, бунинг ҳеч қандай салбий томони йўқ, балки, аксинча, у юртимизнинг бир бурчагини, қўчасини гўзал бино билан безаган, обод қилган бўлади. Лекин фаровон яшаш ҳам қонунлар доирасида бўлгани яхши.

Баъзан ўрта, ҳатто қашшоқ яшаш бой-бадавлат яшашга қарши қўйилади. Натижада бой-бадавлат яшашда қандайдир қусур, айб, ноқонунийлик бор деган фикр тарғиб этилади. Маънавий юксаклик байроғи остида кишининг цивилизация неъматларидан тўла баҳраманд бўлишга интилиши қораланади. Ёки кишининг юқори илмий даражалар, Республикада хизмат кўрсатган ходим унвонини олишга, академик бўлишга интилишида қандай номақбул нарса бор? Шу ўринда А.Эркаевнинг қуйидаги фикрлари ҳайрат уйғотади. "Мумтоз исломнинг энг йирик алломалари, - деб Ёзади у, - даҳо муҳаддислар – ал-Бухорий, ат-Термизий, шариат мазҳаблари асосчилари – Абу Ханифа ва бошқалар, буюк мутакаллимлар (калэм илми асосчилари) Абу Мансур ал-Мотурудий, Абул-Муъин ан-Насафий ва номи саналмаган кўплаб даҳслар дабдабали диний унвонларга эга бўлмаганлар. Оддийгина "имом" унвони билан чекланганлар".¹ Бу билан муаллиф нима демоқчи? Илм аҳлига илмий унвонлар, ижодкорларга элга кўрсатган хизматини тасдиқловчи даражалар, агар жаҳон тан олган кашфиётлар қилса, Нобель мукофоти керак эмас демоқчимиз? Ҳар бир киши ўз меҳнатини муносиб тақдирланишини истамайдими?

Қонун устуворлигини таъминлаш учун керакли қонунлар, кодекслар, норматив актлар ва дастурлар қабул қилиш муҳим ақамиятга эгадир. Давлат ҳокимиятининг самарали фаолият кўрсатиши, жамиятнинг стратегик мақсад сари бориши қабул қилинган қонунларнинг сифати ва қўламига, яъни қонунчилик стратегиясига боғлиқдир. "Қонунчилик стратегияси, - бу мамлакат бутун ҳуқуқий тизимининг, шунингдек, унинг алоҳида қисмлари,

¹ Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. – Т.: "Маънавият", 2005. – 134-135б.

хуқук ҳамда қонунчилик соҳалари ва институтларининг ҳозирги на келгусидаги тараққиёти йўналишларининг илмий асосланган тарзда белгиланишидир. Қонунчилик стратегияси қонунлар тайёрлашнинг, уни режалаштириш ва амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий масалаларини қамраб олади. У давлат сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиб, давлат таянувчи муҳим принциплар асосида жамиятга қонунлар воситасида раҳбарлик қилиш санъати ҳисобланади¹. Демак, демократик ҳуқуқий давлатда ижтимоий борлик, жамият, кишилараро муносабатлар қонунлар ёрдамида бошқарилади. Ғу бошқаришда стратегик мақсадларга ва ижтимоий идеалга етишнинг тарихий ҳамда умуминсоний тараққиёт синовидан ўтган самарали йўлидир.

Қонун устуворлигини таъминлашнинг яна бир шарти фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятидир. Агар фуқаролар қонунларни билмаса, уларга амал қилмаса, жамиятда ҳеч қачон адолат, тартиб, тенг ҳуқуқлик ўрнатиб, жамиятни рационал бошқариб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 29 майда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 235-сонли қарор қабул қилди. Ушбу ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг узлуксиз таълим, тарғибот тизими орқали амалга ошириб бориш назарда тутилган.

"Агар умумий билимлар жамиятнинг ривожланиши учун зарур шарт эканлиги барча эътироф этган ҳақиқат бўлса, ҳуқуқий билим – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришни эг муҳим шартидир. Ҳуқуқий билим ҳар қандай мамлакатда халқнинг мустақиллигини, эркин яшаши, фаровон турмуш кечиришини таъминловчи кафолатлардан биридир. Фуқароларга ҳуқуқий билим беришдан кўзланган мақсад уларда Конституцияни чуқур ўрганиш, қонуналарни ҳурмат қилиш, давлатга, бошқа фуқароларга нисбатан ҳурмат ва садоқат руҳини шакллантириш, ўз – ҳақ-ҳуқуқини та-

¹ Одиқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: "Шарк", 2002. – 234 б.

нишга кўмаклашишдан иборатдир”.¹ Муаллифлар ҳуқуқий билимда шакллантириладиган фазилатларни куйидаги ижтимоий-маънавий кадриятларда деб биладилар. Ҳуқуқий билим беришда “хурфикрлилик, миллий ифтихор, миллий кадриятларга хурмат, эркинлик ва озодлик инсонпарварлик ва ватанларварлик, биродарлик ва ҳамкорлик, илмга ташналик, иймон ва эътиқод, ҳалоллик, ахлоқий поклик, маданий меросга хурмат, адолатпарварлик ва одиллик, меҳнатсеварлик, байналминваллик, ижодкорлик, мустақиллик ғояларига, миллий мафқурага ишонч, динга тўғри муносабат, давлат ва унинг бошлигини кадрлаш руҳини уйғотиш ҳуқуқий тарбиянинг кенг қамровли вазифалари каторига киритилиши керак”.² Хурфикрлик, демократия шароитида ушбу вазифаларни барчадан ёаб-баробар талаб этиш ғайрихаётийлик, утопик ғоя, истак бўларди, албатта. Чунки қайси ижтимоий-маънавий кадриятларга амал қилиш ёки ахлоқий нормаларни ўзлаштириш ҳар бир шахснинг ихтиёрий ишидир. Бироқ жамиятда, айниқса инсонпарвар ва қонун устувор бўлган давлатда ҳамма учун бир, зарур, императив тартиблар ва нормалар амал қилиши лозим. Бу мажбурий эмас, балки онгли, виждонли, рационал тартибларга мувофиқ яшашни истайдиган ҳар бир киши учун ижтимоий-маънавий имепартивдир. Ижтимоий идеал ижтимоий-маънавий императивни рад этмайди, балки унга етиш, идеални реал воқеликка айлантириш ижтимоий-маънавий императивга боғлиқдир.

Ҳуқуқий давлатни кенг халқ оммасини, аҳолини, ўзининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий мақсадларига эга фуқароларни жалб этган демократик институтларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Демократия – халқ ҳокимияти демақдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқ ҳокимиятчилигига махсус боб бағишланган. Унда “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфатларини кўлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади” (7-модда), “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим

¹ Ҳусанов О., Азизов Х. Қонун устулиги ва ҳуқуқий билим//Ҳуқуқий маданият – демократик истиқбол омили. – Т.: 1999. – 16 б.

² Уша жойда. – 17 б.

этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади” (9-модда), “ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади” (12-модда), “Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” (13-модда), “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” (14-модда) деб кўрсатилган.¹

Халқ ҳокимиятчилиги турли шаклларда, бевосита ёки билвосита амалга оширилади. Халқ ҳокимиятчилигининг асосий кўринишларидан бири вакиллик демократиясидир. Ушбу кўринишда халқ давлат ва жамиятни ўзи сайлаган депутатлар орқали амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти, халқ депутатларининг вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқариш органларини халқ сайлайди, ва, улар халқ номидан бошқариш ишларини амалга оширадilar. “Халқ томонидан бевосита сайланмайдиган идоралар ва мансабдор шахслар юқорида кўрсатилган халқ сайлаб кўйган органлар томонидан ёки республика Президентининг фармонига асосан ташкил этилади ёки тайинлаб кўйилади”.² Ҳар икки ҳолда ҳам халқ давлат ва жамиятни бошқаришнинг бош субъекти ҳисобланади. Аслида халқнинг давлат ва жамиятни бошқаришнинг бош субъектига айланиши, халқнинг бу ваколатини ҳуқуқий-сиёсий эътироф этилиши ва кафолатланиши ўзбек халқи ҳаётида йирик воқелиқдир. Халқимиз, миллатимиз, қадимдан давлатга, ҳукмдорлар фаолиятига оддий кишилар манфаатлари нуқтаи назаридан таъсир ўтказишни идеал билиб келган. “Идеал подшоҳ”, “идеал давлат”, “бахтиёр ҳаёт”, “фаровон келажак” ҳақидаги идеал ғояларнинг барчасида халқни, оддий кишилар ҳаётини янги даражага кўтариш, уларга ўз фаровонлигини ўзи таъминлаш ҳуқуқини бериш, амалдорларни умумхалқ манфаатларига хизмат қилдириш истақлари, орзулари мужассамдир. Ушбу истақлар, орзулар – идеалларни реал воқеликка айлантиришга мустақиллик туфайли эришилди.

Ҳуқуқий давлатда демократик институтлар – сиёсий партиялар, нодавлат жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 4-5 б.

² Қасомов Р. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т.: “Адолат”, 1998. – 94-95 б.

букароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар ва ихтиёрий ҳаваскорлик уюшмалари, клублари кенг тарқалган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг демократик принципларга ва талабларга мувофиқ ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Сийёсий партиялар "ўз олдига сийёсий хоҳиш ва истакнинг шаклланишига доимий таъсир этишни мақсад қилиб қўйган ва уни амалга ошириш йўлидаги барқарор ташкилий тузилма"¹ сифатида юзага келган. "Субстанционал моҳиятига кўра сийёсий партиялар давлат йккаҳоқимлигини ва унинг мутлақлигини чеклаш мақсадида юзага келган".² Демак, сийёсий партиялар ўзининг мақсади ва сийёсий хоҳишига эга кишиларнинг ихтиёрий ташкилоти сифатида давлат ҳокимияти фаолиятига таъсир этиш, халқ манфаатлари билан давлат манфаатларини уйғунлаштириш мақсадида хизмат қилади. Ўзбекистонда ҳозир 5 та сийёсий партия ва бир халқ ҳаракати фаолият кўрсатади.

Жадидчи ота-боболаримиз очиқ тарзда сийёсий фаолият олиб боришни, сийёсий ташкилотларга бирлашиб миллат тараққиётига хизмат қилишни, мустақил демократик давлат барпо этиб жаҳон халқлари билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатишни орзу қилган эдилар. Бу борада улар сийёсий ташкилотлар тузиб уларнинг сийёсий дастурини ҳам ишлаб чиққанлар.³ Минг афсуски, улар ўз истагини ошқора намоён этиш ва олиб бориш имконидан маҳрум эдилар. Мустақиллик туфайли буюк жадидчи ота-боболаримизнинг орзулари, сийёсий плюрализмда яшаш истаклари, идеаллари амалга ошди. Албатта, сийёсий партияларнинг фаолиятида ҳали дадиллик, ўзига ҳослик, мустақил изланиш, янги-янги ғоялар ва ташаббуслар билан чиқиш етишмайди. Улар ўртасида ижодий баҳслар, ислохотларни жадаллаштириш ҳақида мулоқотлар, халқ ҳокимиятини ривожлантиришга оид конструктив таклифлар деярли кузатилмайди. Улар оммавий-маърифий тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолмоқда. Бирок энди шаклланиб, тажриба орттириб келаётган сийёсий партиялар, жуда секин бўлса-да, демократик институтлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллашга интилаётганини кўрмаслик мумкин эмас.

¹ Раҳматуллаев Т. Сийёсий партия ва демократик тамойиллар. – Самарқанд, "Зарафшон", 1998. – 16 б.

² Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т.: 2003. – 162 б.

³ Шарипов Р. Туркистон жадидчилиқ тарихидан. – Т.: "Ўқитувчи", 2002. – 147 б.

Республикамиздаги сиёсий партияларни Фарбдаги сиёсий партияларга қиёслаш мумкин эмас. Гап бу ўринда Фарбдаги сиёсий партияларнинг кўп асрлик тажрибага эга эканлиги устида эмас, балки, улар учун, Ф.А.Хайекнинг очик эътирофига кўра, "очикдан-очик овозлар сотиб олиши ёки парламентда кўпчилиликни ўз томони-га оғдириб олиши"¹ кенг тарқалган одатий ҳол эканидадир. Биздаги сиёсий партиялар бундай ғайриқонуний ва ғайридемократик хатти-ҳаракатлардан холидир.

Нодавлат жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, оммавий ахборот воситалари, ихтиёрий уюшмалар ҳақида биз келгуси мавзуда кенгрок тўхталамиз, аммо бу ўринда шуни айтишимиз зарурки, демократик ҳуқуқий давлатда ушбу ихтиёрий бирлашмалар ва уюшмалар миллий демократик тараққиётни таъминлайди, фуқаролик институтларини шакллантириб халқни ижтимоий-тарихий жараёларнинг таъсирчан субъектига айлантиради. Ўз ҳаётини, келажагини ва бахтли яшашини ўзи таъминлаш, ўз қўли билан яратиш онгли ҳар бир кишининг мақсади, орзуси, идеалидир. Юқоридаги ихтиёрий бирлашмалар ва уюшмалар ана шу идеални рўёбга чиқаришга имкон беради.

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг муҳим шарти давлат ҳокимияти тармоқларининг бир-биридан ажратилишидир.

"Объектнинг сиёсий эркинлиги, - деб ёзган эди Ш.Монтескье, - ҳар бир шахс ўз хавфсизлиги тўғрисида эга бўлган тушунчадан келиб чиқувчи ақл вазминлигидан иборатдир. Бундай эркинликка эришиш учун ҳукумат, одамлар бир-биридан кўркмай яшайдиган тарзда ташкил қилинган бўлиши тақозо этилади. Қонунчилик ва ижроия кучлари биргина одам қўлида ёки бирдан-бир магистратура органида жамланадиган бўлса, эркинликнинг бўлиши мумкин эмас. Зеро, ўша монарх ёки сенат истибдод қонунларини жорий этиши, уларни золимлик билан қўллаши мумкин"². Шу нуктаи назардан келиб чиқиб Монтескье давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниши зарурлигини таъкидлайди. Шундай қилинганда давлат ҳокимияти бир қўлда йиғилиб мустабил бошқариш усулини келтириб чиқармайди, қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимият тизимлари бир-бирини назорат қилиб, бир-бирига ўз

¹ Ўша жойда. – 163 б.

² Монтескье Ш. Избранные произведения. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.294

вазифасини суистеъмом қилишга имкон бермайди.¹ Шу билан бирга ушбу уч тизим бир-бирига боғлиқдир, улар давлат ҳокимияти функциясини уюшган, кооперациялашган тарзда амалга оширадилар.²

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципига амал қилинмоқда. Шунинг учун И.А.Каримов "Сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишдир"³ деб кўрсатади. Республикамиз Конституциясининг бешинчи бўлимида давлат ҳокимиятининг бўлиниши қонуний тарзда ифодалаб берилган.

Ҳокимиятнинг бўлиниш принципига мувофиқ давлат ҳокимиятидаги ваколатлар, масалан, қонунчилик ваколатлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, ижроия ваколатлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасига, суд ваколатлари эса суд органларига тақсимлаб берилган. Республикамизда ушбу ҳокимият тизимларининг функцияларини, ваколатларини, бошқариш тизимидаги ўрни ва шакллантириш механизмлари махсус қонунлар билан белгилаб берилган. Ушбу институтлар фаолияти, уларга оид ҳуқуқий-ташкилий масалалар ҳуқуқшунослар томонидан ҳар томонлама тадқиқ қилинмоқда.⁴ Аммо бизнинг тарихий-ҳуқуқий меросимизда ва ҳаётимизда ҳокимиятнинг юқоридаги уч тизимга бўлиниши мутлақ янги воқелиқдир. У, дадил айтишимиз мумкинки, мустақиллик гуфайли кун тартибига қўйилди ва реал воқеликка айланмоқда. Тўғри, бу борада маъмурий-буйруқбозлик аъёналаридан воз кечишимиз, қонунчилик, ижроия ва суд тизимларининг ўз функционал хусусиятларига хос вазифаларни бажаришини таъминлаш учун ҳали бир неча ўн йилликлар зарур ўхшайди.

¹ Исламов З.М. Общество. Государство. Право. – Т.: "Адолат", 2001. – С.266.

² Уша жойда. – С.267.

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т.: "Ўзбекистон", 1992. – 8 б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. – Т.: 1995; Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. – Т.: "Адолат", 2000; Халилов Э.Х. Высший законодательный орган Республики Узбекистан. – Т.: "Ўзбекистон", 2001; Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: "Шарк", 2002; Демократия – тараққиёт гарови. – Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ" институти нашр., 2005 ва б.

Демократик ҳуқуқий давлат билан ижтимоий-маънавий тараққиёт ўртасида субстанционал боғлиқлик мавжуддир. У куйидагиларда акс этади:

Биринчидан, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ижтимоий-маънавий тараққиётсиз мумкин бўлмаганидек, аксинча, ижтимоий-маънавий тараққиётнинг, айниқса маънавий-маданий омилларнинг роли ва аҳамияти ошиб бораётган ҳозирги даврда, демократик ҳуқуқий давлатсиз содир бўлиши амри маҳолдир. Қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бугун ижтимоий тараққиётнинг шартига айланган. Дунёда умуминсоний демократик кадриятларни қарор топтиришга интилайдиган жамият, давлат, тузум йўқ. Давлатлараро, халқлараро интеграция ҳам демократик кадриятларга мувофиқ амалга оширилмоқдаки, буларнинг барчаси демократик ҳуқуқий давлат билан ижтимоий-маънавий тараққиётни бир-бирига уйғун воқелик сифатида қарашга ундайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчиликни қайта тиклашда халқимизнинг тарихий ва маънавий меросига таянади. Маълумки, Шарқ халқларида маънавий омилларга етакчи роль ажратилади. Қадимдан сақланиб келган ва халқимизнинг характерига айланган ушбу тарихий-маданий парадигма мустақил миллий давлат, жамиятда зарур ижтимоий-ҳуқуқий муҳит яратиш учун муҳимдир. Чунки ҳуқуқ, қонун устуворлиги энг аввало юксак маънавиятни, маданияти юқори, қалби ва ўйи олижаноб интилишларга тўла янги авлодни шакллантиришга хизмат қилади. Қонунларга кўриб итбат этадиган, ҳар бир сўзида қонунлардеги моддаларни такрорлайдиган эмас, балки ижтимоий заруриятни тўғри англаб, ўзининг фуқаролик ва инсоний бурчларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатадиган фаол ижодкор авлодни тарбиялаш биз учун зарурдир. Бундай шароитда ижтимоий-маънавий фазилатларга эга авлодгина ўз хатти-ҳаракатларида қонунларга ҳам, жамият ва тараққиёт манфаатларига ҳам зид ишлар қилмайди.

Учинчидан, ҳозирги босқичда биз учун демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳам, ижтимоий-маънавий тараққиётни таъминлаш ҳам эзгу мақсад, эзгу тилак, демак, идеалдир. Лекин ушбу идеалга етиш мумкинлигини Республикамизда амалга оширилайдиган демократик, сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий-маънавий ва маданий соҳадаги ислохотлар кўрсатмоқда. Шунинг учун керакки, ушбу идеалга етиш барчамизнинг уюшган, аҳил хатти-ҳаракатларимиз натижаси бўлади.

5.3. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш – ижтимоий идеални реал борлиққа айланттириш шарт

Кейинги йилларда фуқаролик жамият ҳақида кўп тадқиқотлар натижалари, мақола ва рисоалар чоп этилмоқда.

"Фуқаролик жамиятнинг бош асос – белгиси бўлиб иқтисодиёт ҳисобланади, - деб ёзади М.Шарифхўжаев. – Фуқаролик жамиятининг иқтисодий белгиси хусусий мулкчиликка асосланган. Хусусий мулк фақат ва фақат эркин, очиқ, ботинан ривожланишга қодир, сиёсийлашмаган, ҳар қандай мафкурадан, яъни мафкуравий монополизмдан холи жамиятдагина шаклланади, мавжуд бўлади".¹ Ушбу бош белгидан келиб чиқиб, М.Шарифхўжаев фуқаролик жамиятига қуйидагича таъриф беради: "Фуқаролик жамияти мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил эркин харидор, мустақил озод фуқаро жамиятидир".²

Хусусий мулк инсонни эркин, ҳар бир қабул қилинадиган қарорлар ва қонунларга ўз муносабатини билдирадиган, жамият ва давлат ишларини ўзига дахлдор деб биладиган қилади. Хусусий мулк кишида жон қуйдириб ишлаш, янги-янги маҳсулотлар, неъматлар, бойликлар яратиш иштиёқини шакллантиради. М.Шарифхўжаев жуда ўринли таъкидлайди: "Айнан хусусий мулк жамиятни демократик туб ислоҳ қилишда бош омил ҳисобланади. Хусусий мулкдор тегишли қонунлар доирасида истаган пайти ўз хоҳиши ва имконига қараб, давлатга "йўқ", дея олиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ унга ўз моддий имкониятларидан ажралиб қолмаслик имконини беради".³

Хусусий мулкка эга киши давлатнинг ёрдамига кўз тикиб ўтирмайди, у хусусий мулкни янада кенгайтириш ғамида бўлади, бор ақлу заковатини, ишбилармонлик ва тадбиркорлигини ишга солиб кўнглидагидек фаровон яшашга эришади. Ўз меҳнатига яраша тақдирланиб ва фаровон яшашга эришиш кишиларимиз учун идеал ҳаёт тарзи эди. "Совет тузуми даврида, - деб эслайди И.А.Каримов, - ҳар қандай меҳнатни бошқа даромад манбаи, бошқа имконияти йўқ эди. Шу нуқтага назардан қараганда, биз бозор иқтисодиётига ўтаётган эришаётган натижаларнинг энг кўзда

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятнинг шаклланиши. – Т.: "Шарк", 2003. – 10-11 б.

² Ўша жойда. – 11 б.

³ Ўша жойда.

кўрингани, бошқача айтганда, бизларнинг эски совет тузумига, яъни плавлаштириш тизимига қайтмаслигимизнинг асосий гарови шуки, халқимиз, аҳолимиз, меҳнатчиларимиз фақатгина маошга қараб қолгани йўқ, балки ўз ҳаракатлари билан янги-янги даромад манбаларини топаёпти.

Бу ҳам одамларнинг мафқураси, дунёқараши ўзгаришининг далолатидир. Одамларимиз шунга жиддий эътибор беришлари керак, яъни бизнинг ҳаётимиз уларда кўпроқ ташаббускорлик, ўз кучига, ўз ақл-заковатига ишонч пайдо қилгани – замонамизнинг асосий белгиси, деб айтсак ҳеч қандай муболаға бўлмас”.¹

Албатта, хусусий мулк кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини кескин ўзгартириб юборди. Ҳеч қандай мафқуравий, тарғибий, тарбиявий тадбирлар кишининг тафактури ва маънавиятига, ижтимоий бурчи ва фарзандларининг ҳақида қайғуришига меҳнатдек жиддий таъсир кўрсатмайди. Советлар тузуми даврида коммунистик меҳнатга ундсвчи қанчадан-қанча оммавий-тарбиявий тадбирлар, социалистик мусобақалар ўтказилди, коммунистик бригадалар ташкил этилиб “коммунистик идеал” сифатида тарғиб қилинди. Сунъий тарзда “Социалистик меҳнат қаҳрамонлари” яратилди ва улар “коммунизм қурувчилар” деб улуғланди. Тўғри, улар ичида чин дилдан меҳнат қилган, эл-юрт фарозонлигини юксалтиришга ўз хиссасини қўшишга интилган кишилар йўқ эмас эди. Бироқ меҳнатнинг мафқуралаштирилиши, ишчи-деҳқонлардан сунъий тарзда меҳнат қаҳрамонлари яратилиши ижтимоий меҳнатнинг қадрини оширмади, балки, аксинча, кишиларни, айниқса ёшларни меҳнатдан узоқлаштирди. Натижада 50, 60, 80-йиллар ўрталарида иқтисодий инқирозлар юзага келди. Агар 50, 60 йиллардаги иқтисодий инқирозлар маъмурий зўравонлик билан вақтинча ҳал қилинган бўлса, 80-90 йиллардаги инқирозлар тоталитар тузумни таназзулга олиб келди. Хусусий мулкчиликка қурилган томорқаларда, ер участкаларида гектарбай ҳосил жамоа ва давлат хўжалиқларидагига нисбатан 10-12 баробар юқори бўлгани,² чет элларда, айниқса ривожланган мамлакатларда хусусий мулк тараққиёт омили эканлиги ҳисобга олинмади, натижада мамлакат иқтисодий ривожланишда орқада қолиб кетди.

¹ Каримов И. А. Барқарор тараққиётга эришиш - устувор вазифа//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 8 б.

² Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғат. – Т.: “Шарк”, 1998. – 234 б.

Ижтимоий-иктисодий инкирозлар фақат иқтисодий омилларга бориб тақалмайди, улар негизда, Э.Фромм кўрсатганидек, маънавий, руҳий омиллар ҳам ётади. Файласуфнинг фикрига кўра, баъзи одамлар ташқи муҳитга, ташкилотга, жамиятга итоат этишни ёқиради. Улар "мен киламан", "ўзим яратаман" дейиш ўрнига ташаббусни, кўрсатмани бошқадан, тепадан чиқишни кутади, шу тариқа ўз эркидан воз кечадилар. Буни Э.Фромм "эркдан кочиш" (тўғрироғи, "эркдан кечиш") деб атайди.¹ Ижтимоий тузумдаги иккиюзламачилик, кишининг қилган меҳнат яраша тақдирланмаслиги "сохта қаҳрамонлар"нинг шакллантирилиши ва бир мафкуранинг тинмай такрорланиши кишиларни ҳаётдан, мавжуд тартиблардан, шiorлар ва даъватлардан бездиради. Киши эркин меҳнат қилиб, эркин азобланиш (уни Э.Фромм "мазохизмга мойиллик"² деб атайди)дан завқ олади". Ҳар бир онгли киши биладики, меҳнат азият чекиш, маълум бир тўсиқларни бартараф этиш, гносеологик тажриба тўплаб ён-атрофни ўзгартиришдир. Меҳнатнинг натижасидан кўра унинг жараёни, яъни эркин изланиш жараёни қизиқарлидир. Хусусий мулк тинмай изланишга ундайди, изланиш жараёнини самарали, қизиқарли, фойдали кечишини таъминлайди.

Хусусий мулк, меҳнат, меҳнат жараёнлари ҳали ижтимоий идеал яратмайди, лекин улар меҳнат тақсимоти, меҳнат жараёнини енгиллаштириш ҳақида маълум бир гипотетик ғояларни, фикрларни шакллантириши мумкин. Тўғри, хусусий мулк яратиш борасида айрим кишилар (масалан, Форд) баъзи бир кишиларга намуна, ибрат, ҳатто идеал бўлиши мумкин. Бундай идеалга жамиятнинг кўпчилиги эргashiшини тасаввур қилиш қийин. Индивидуал поғонадаги идеаллар ижтимоий поғонага кўтарилсагина улар ижтимоий-маънавий аҳамият касб этади.

Хусусий мулк бозор иқтисодиётидаги рақобатдош, сифатли, жаҳон стандартларига ва истеъмолчининг юқори талабларига, эҳтиёжларига мос неъматлар, бойликлар, товарлар яратади, хизмат турларини кўрсатади.³ Энг муҳими хусусий мулк жамият тараққиётини белгилаб берувчи, ижтимоий муносабатларда тенгликни, ижодий рақобатни қўллаб-қувватловчи, мурса қилиб

¹ Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: "Прогресс", 1995. – С.124-125.

² Ўша жойда. – С.126.

³ Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. – Т.: "Маънавият", 1999. – 28 б.

яшаш тарзини ва ўрта синфни шакллантиради. Фуқаролик жамият тараққиётида айнан ўрта синф, яъни кичик ва ўрта мулк эгалари муҳим роль уйнайди. Ўзбекистонда ўрта синф энди шаклланмоқда. Бу борада ҳали илмий изланишлар олиб борилиши, ўрта синфнинг модели, ўзига хос портрети яратилиши лозим. Лекин Аристотелнинг "Қайси жамиятда ўрта қатлам (элемент) салмоқли бўлса, ўша жамият раван бўлади"¹ деган фикрининг тўғрилигини ўрта синфга таяниб тараққий этган давлатларнинг тажрибалари тасдиқлайди.

Бугун Республикамизда 250 мингдан зиёд кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 5,5 млн. киши, яъни иш билан баъд аҳолининг 57 фоизи меҳнат қилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Биргина 2014 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 425 мингга яқин иш ўрни яратилди. Фермер хўжалиқларининг сони 100 мингга етади, уларда 700 мингдан зиёд киши ишламоқда ва ишлаб чиқарилаётган кишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг 14 фоизи фермер хўжалиқлари ҳиссасига тўғри келмоқда.² Демак, Республикамизда ўрта мулкдорлар синфи шаклланиши реал воқеликка айланмоқда, тўғри, уларнинг жамиятдаги ўрни ва роли ҳали чет мамлакатлардагидек юқори эмас, аммо бозор иқтисодиёти талаблари ва жамиятнинг демократлаштируви бу жараёнларга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ўрта синф ўзини ижтимоий куч эканини, жамият тараққиёти, келажак тақдири унинг сатъ-ҳаракатларига боғлиқлигини тўла англаб етган тақдирда ижтимоий ҳаётда, ислохотларда дадил қатнашади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим бўлган иқтисодий омиллар қаторига иқтисодий онг қиради. Минг афсуски, иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур бизда деярли тадқиқ этилмаган. Совет даврида ўтказилган тадқиқотларда асосий эътибор меҳнат, ғоявий ва ахлоқий тарбияга қаратилди, аммо маъмурий-буйруқбозлик бошқариши амалиёти кўрсатдики, юқоридаги тарбия кўринишлари меҳнатга зарур муносабатни шакллантиришда етарли эмас. Улар иқтисодий онгни тарбиялаш

¹ Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т.4. – М.: "Мысль", 1983. – С.120.

² Шайманова А.Э. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишида ўрта мулкдорлар синфининг ўрни ва роли. Фалсафа фан. номзоди дисс... автореф. - Т.: 2005. – 16 б.

билан ҳам боғлиқдир.¹ Бозор иқтисодиёти эса иқтисодий онг, иқтисодий тафаккурни шакллантириш масаласини кун тартибига кўяди.

Иқтисодий онг ижтимоий онг шаклларида бири сифатида ижтимоий-маънавий соҳага тааллуқлидир. Маълумки, ижтимоий онг ижтимоий муносабатларнинг, ижтимоий борлиқнинг инъикосидир; у кишининг иқтисодий ҳаётга, ишлаб-чиқариш жараёнларига, моддий неъматларни яратиш технологиясига муносабатидир. Шу билан бирга иқтисодий онг бошқа онг шаклларига ҳам таъсир этади, яъни ижтимоий онгнинг деярли бошқа барча кўринишлари иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур таъсирида шаклланади.²

Иқтисодий онг ижтимоий идеалга ҳам таъсир этади. Кишиларнинг ижтимоий адолат, тенг ҳуқуқлик, фаровон ҳаёт ҳақидаги идеаллари бевосита иқтисодий онг таъсирида шаклланади. Иқтисодий онг таъсир этмайдиган ижтимоий идеаллар йўқ, ҳатто аждодларимизнинг идеал шох, идеал ҳукмдор, бахтли ҳаёт ҳақидаги қарашлари негизида маълум иқтисодий тасаввурлар, қарашлар таъсири ётади. Чунки моддий неъматлар истеъмолчиси бўлган кишилар ўзининг иқтисодий эҳтиёжлари тўла қондирилсагина мавжуд иқтисодий муносабатлардан қониқиш олади, иқтисодий эҳтиёжларини ифода этган идеали реал воқеликка айланганини кўради. Кишилар баъзи (масалан, трансцендентал) ижтимоий идеалларга етишнинг амримаҳол ҳодиса эканини яхши биладилар. Бироқ уларда иқтисодий идеални дарров рўёбга чиқариш иштиёқи кучлидир, чунки улар ушбу идеални рўёбга чиқариш мумкинлигини тўғри пайқайдилар. Айниқса ишлаб-чиқариш технологияси ривожланган ҳозирги даврда иқтисодий идеалларни, эҳтиёжларни тез қондириш қийин эмаслигини биладилар.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий муносабатларда рақобатни, ҳар кимнинг бозорда ўз ўрнини топиши учун кўрашни кучайтиради. Лекин бу кишилараро, гуруҳлараро низоларни, жамиятдаги маънавий-ахлоқий кадриятларнинг бузилишига олиб келмаслиги керак. Бу борада ислом дини ва анъаналари ибрат, намуна, идеал

¹ Селезнев А.М. Научно-техническое творчество и экономическое мышление в условиях демократического общества//Философия и общество, 2002, № 2 (27). – С.173-174.

² Ўша жойда. – С.176.

бўлгудек нормаларни яратганки, улар асрлар оша халқимиз, миллатимиз қалбидан жой олиб, эъзозланиб ва улуғланиб келади. Ҳадислардаги айрим фикрларни келтиришимиз мумкин:

"Савдода на иллат ва на хиёнат на ўғирлик бўлмаслиги лозим".

"Валийлик ҳуқуқи пул тўллаб мулкка эга бўлган кишиникидир".

"Тўрт тоифа одамларни Тангри ёмон кўради: касамхўр савдогарни, такаббур камбағални, зинокор кексани ва золим подшоҳни".

"Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир".

"Огоҳ бўлинки, савдогарларнинг яхшиси савдо-сотик ишларида хушмуомала бўлади, ёмони эса кўпол муомалали бўлади".

"Ростгўй, ишончли савдогарлар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлади".

"Етимларнинг молларини ҳам савдода айлантриб турунглар, закот уни еб тугатмасин".

"Аллоҳ савдо-сотикни ҳалол ва сутхўрликни ҳаром этди".¹ Ушбу ҳадислар негизида поклик, иймонлик, ахлоқ, маънавий жиҳатдан инсонпарварликни улуғлаш ғоялари ўтганини изоҳларсиз ҳам сезиш мумкин. Исломдаги савдо-сотикқа тижоратга, бозорга оид қарашларни жамлаб Б.Чориев ёзади: "Савдогарчилик ва олиб сотарлик ҳунар ҳисобланмайди, аммо буни яхши санъат деса бўлади, чунки унга назар ташласанг, унинг одатлари худди ҳунармандларнинг одатига ўхшайди, фойда топиш ақл асосига қурилган... Ҳар ким молни кўпайтирмақчи бўлса, бир танга учун мағрибдан машрикка боради. Ўзини тоққа, дарёга уради, жонини, танини, молини хавф-хатарга солади, йўлнинг ёмонлигидан, йиртқиқлардан қўрқмайди, шунинг учун уёқдан бу ёққа бориб, халққа озиқ-овқат келтиради, жаҳоннинг сбодлиги шу билан вужудга келади, бу иш савдогардан бошиқа халқдан зоҳир бўлмас..."²

Агар бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти барпо қилаётган эканмиз ислом дини ва қадриятларидаги, ота-боболаримизнинг савдо-сотикда амал қилган ижтимоий-ахлоқий,

¹ Чориев Б. Тижоратда Ҳадис ва Ривоятлар. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2004. - 23, 24, 25 ва б.

² Ўша жойда. – 40 б.

меънавий меъёрларни чуқур ўрганишимиз, ҳаётимизга тадбиқ қилишимиз, улардаги чуқур маънавий ва фалсафий маънони қадрлашимиз, англашимиз керак. Масалан, "Савдо кўп ерда гаъво кўп", "Тўқ бўлсанг – мазорга, оч бўлсанг бозорга бор", "Савдолашув ва сўраш – савдонинг ярמידир". "Олди-сотдида мулоим бўл, кишига ваъда қилма, ваъда қилсанг унга хиёнат қилма"¹ каби фикрлар, маънавий-ахлоқий ўғитлар ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллий давлатчилик анъаналарига таяниш биз учун концептуал аҳамиятга эга. Бу шўролар амалга оширган давлат тўнтариши сабабли узишган, унутилган анъаналарни шунчаки қайта тиклаш, сиёсий-ҳуқуқий мерос сифатида ўрганишгина эмас, улардаги ижтимоий-маънавий кадриятлар кишиларимизни иттифоқ, аҳил бўлиб яшашга, эзгу амаллари билан янги ижтимоий борлик яратишга, миллат билан давлат ўртасида уйғунликни шакллантиришга қаратилгани сабабли қимматлидир. "Ўзбекистон ўзининг чуқур давлатчилик негизларига эгз бўлган ўзига хос сиёсий, ҳуқуқий, маданий мерос соҳибидир. Милоддан бир неча юз йиллар олдин бизнинг ҳудудимизда давлат-ҳуқуқий институтлар ва қарашлар тараққий этган. Мовароуннаҳрда ислом маърифатига, ҳуқуқшунослиги – фикрға ва, умуман, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фақиҳлар – ҳуқуқшунослар яшаганлар".²

Ўлкамизда қандай буюк тажрибалар мавжудлигини Амир Темур тимсолида, у яратган давлатчилик анъаналарида кўришимиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам "Амир Темур ҳеч бир давлат ва давр учун эскирмайдиган мукамал, етук давлатчилик таълимотини яратди. Тажрибалар асосида камолга етган ва пишиқ асосларга таянган давлат бошқаруви амалда қатъий ижросини топди ва жамиятда адолат тантанасига эришилди. Унинг давлатчилик таълимоти асрлар оша давлат бошқарувида андоза, идеал вазифасини ўтади".³ "Биз, - дейди И.А.Каримов Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро иомий конференцияда қилган маърузасида, - бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат

¹ Ўша жойда. – 44-45 б.

² Сидилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: "Шарк", 2002. – 305 б.

³ Ўлжасва Ш.М. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Т.: "Фан", 2005. – 5 б.

курмоқдамиз... Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғиб қилмасдан ҳаққимиз йўқ”.¹ Шунинг учун ҳам И.А.Каримов Амир Темурни халқимиз, миллатимиз фахри, гурури, яратувчилик ишларида эргашадиган тимсол, идеал деб билади. “Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш – ўзлгимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиш отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир”.²

Фуқаролик жамияти халқимиз, миллатимизнинг тарихий-маданий меросига, маънавий-гуманистик тажрибаларига таянган ҳолда барпо этилади. Бу борада кейинги йилларда кўпгина мақолалар, рисоалар, китоблар чоп этилди, диссертациялар ёқланди. Тарихий-маданий меросни ўрганишга оид ҳали кўп изланишлар ўтказилиши зарур, чунки ҳали мазмун-моҳияти очиб берилмаган, ҳатто тадқиқотчилар қўл урмаган қўлғемалар, обидалар, топилмалар ҳаддан зиёддир.

Фуқаролик жамияти демократик кадрятларни қарор топтирадиган ва уларга таянадиган жамиятдир. Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти Шарқона демократия хусусиятидан келиб чиқади. Унда Шарқона ахлоқ, одоб, каттага ҳурмат, кичикка иззат, Оллоҳни унутмаслик, эзгуликка интилиб яшаш, бошқанинг мулкига, хотинига, обрўсига кўз олайтирмаслик, меҳнат қилиб яшаш, илму маърифатга интилиш, болажон ва оилапарвар бўлиш каби бир қатор кадрятлар борки, уларсиз Шарқона демократияни тасаввур қилиб бўлмайди.

Шарқона демократияга мувофиқ кам тажрибали киши кўп тажрибали кишига итоат этади. Кенг ҳаёт тажрибасига эга кишини халқимизда ҳурмат қилиш, унинг маслаҳат ва ўғитларига қулоқ тутиш, ахлоқ, одоб ва юриш-туришда унга тақлид қилиш урф-одатга айланган. Айнан ушбу урф-одат оилада, жамоада аҳил, иттифоқ, бир-бири билан хуш муомала бўлиш заминидир.

¹ Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, гуруримиз//Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 190-191 б.

² Ўша жойда. – 173 б.

Кам тажрибали кишининг кўп тажрибали кишига итоат этиши ижтимоий-маънавий фазилатдир. Аммо у кишининг ёшига қараб итоат этиш зарур дегани эмас. Кишининг ёши билан тажрибаси ўртасида фарқ мавжуд. Раҳбарликка тайинланган кишининг ёши кичик бўлса-да, ҳаётий тажрибаси, жамоани бошқариш ва ўз кетидан эргаштириш қобилияти юқори бўлиши мумкин. Бу тақдирда ёшга эмас, тажрибага, профессионал интизомга эътибор берилади. Лекин Шарқона урф-одат, ахлоқ, одобга кўра раҳбарнинг профессионал қобилияти унинг ижтимоий-маънавий фазилатлари билан мустаҳкамланиши даркор. "Билим, маърифат, - деб ёзганида Форобий профессионал хислатларни назарда тутган, - яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим".¹ Ҳақиқатан ҳам билим, маърифат, касб-кор қобилияти одамни қанчалик улуғламасин, агар ушбу фазилатлар ижтимоий-маънавий, ахлоқий жиҳатлар билан уйғунлашмаса, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. "Ҳар бир киши бошқа кишига унинг яшаши учун зарур бўлган нарсаларнинг бир улушини етказиб берадиган жойда бир-бирига кўмаклашуви кўп кишиларнинг бирлашуви, иттифоқи орқалигина камолотга етишиши мумкин. У ўз табиатига кўра ана шундай камолотга муносибдир. Бундай жамият барча аъзоларининг фаолияти жам бўлиб, ҳар бир киши яшаши ва камолотга эришиши учун пималарга муҳтож бўлса, шуларнинг ҳаммасини етказиб беради",² деб ёзади Форобий идеал жамият кишиларидаги фазилатлар ва касб-кор хислатларининг уйғунлиги ҳақида.

Шарқона демократияга мувофиқ иерархия ва субординация муносабатларида Оллоҳ – ҳукмдор – фуқаро тизимига мувофиқ бир-бирига ҳурмат, алоқадорлик, итоат қондасига амал қилинади.

Ҳар қандай жамиятда, ижтимоий муносабатларда тартиб, мавжуд меъёрларга итоат этиш, уларни қўллаб-қувватлаш зарурдир, акс ҳолда бирлик, иттифок йўқолади, давлат ва жамиятга ҳожат қолмайди. Форобий айтганидек, кишилар бирлашиб, иттифок бўлиб бахт-саодатга, идеал ҳаётга эришадилар.

Шарқда Худо, Оллоҳ, Раб олий куч ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан шоҳ ҳам, гадо ҳам Яратган олдида жавобгардир. Низомулмулкнинг талқинига кўра, подшоҳ нафақат ўзининг, худди шу-

¹ Исмовилова З.К., Ҳимматалиев Д.О. Ўқувчиларнинг маънавий-маънавий маданиятини шакллантиришда ўзбек халқ мутафаккирларининг тарбияга оид гоյларидан фойдаланиш. – Т.: 2001. – 8 б.

² Уша жойда. – 10 б.

нингдек, фуқароларнинг ҳуқ-атвори, амаллари учун худо олдида жавоб беради.¹ Демак, худони тан олиш ҳукмдорларни ноҳақлик, зўравонлик қилишдан сақлаб туради, барчани инсоф, диёнат, эзгулик билан яшашга ундайди. Лекин бу фикр худони мутлақлаштириш эмас, ислом ақидаларига мувофиқ инсон худого итоат этиши, унга сўзсиз сифиниши қайд этилса-да, ижтимоий муносабатларда иерархик боғлиқлик бўлишини талаб этилади. Демак, Шарқона демократия бошбошдоқлик, хаос, анархия эмас, балки Яратган олдида ҳамманинг тенглиги ва иерархик талабларига итоат этиш демакдир.²

Шарқона демократия тарихий-тадрижий ривожланишни қўллаб-қувватлайди. Балки шунинг учун ҳам Шарқда жамиятни, мавжуд тузумни революция йўли билан ўзгартириш, куч ишлатиб бошқа ижтимоий муносабатларни жорий этиш, тарихий-маданий анъаналарга зид ҳокимият, давлат ўрнатишга ундовчи таълимотлар учрамайди. Ғарбдаги социализм, марксизм, анархизм, нигилизм, модернизм таълимотлари революция тарафдорларидир. Бундай радикал революцион ғоялар, таълимотлар Шарқда йўқ. Тўғри, Шарқда ҳам давлат тўнтаришлари, тахт учун кураш, шоҳларни ўлдириш содир бўлган, лекин унда бутун тузумни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни бошқа томонга ўзгартиришга чорловчи ғоялар учрамайди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш ушбу Шарқона эволюцион ривожланиш қонуниятларига, халқимизнинг маънавий-гуманистик тажрибаларига асосланган.

Умуминсоний маънавий қадриятларнинг устуворлигини тан олмай жаҳон аҳли, бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиб бўлмайди. Шунинг учун мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсади умуминсоний қадриятларни қарор топтириш орқали жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаш, тараққий этган давлатлар қаторидан жой олишдир.

Ўзбекистоннинг ўзига хос янгиланиш ва тараққиёт йўлидан бири, И.А.Каримов, умуминсоний қадриятларга содиқлик, деб таъкидлайди. "Биз ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, ҳамкорлик ҳамда маданий ва интеллектуал маконнинг интеграциясисиз, - дейди Юртбошимиз, - тараққиёт ҳам бўлмаслигига аминмиз. Шунинг

¹ Низомулмулк. Сийосатнома ёки сияр ул-мулк. – Т.: "Адолат", 1997. – 66 б.

² Қаранг: Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий- ҳуқуқий асослари. – Т.: «Ўзбекистон»: 2007. – 36-45 б.

учун ҳам тараққиётнинг мустақил йўлидан бораётган Ўзбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилолқда, жаҳоннинг эзгулик сиёсатини ривожлантиришда иштирок этиш мақсадида халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун сдлимизда очилаётган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланмоқда”.¹

Умуминсоний кадриятлар инсонни каерда яшашидан, қайси халққа, миллатга, давлатга тааллуқли эканидан, тили, жинси, эътиқодидан қатъий назар олий кадрият деб қарайди. Инсон ҳаёти ва манфаатларининг барча хатти-ҳаракатлардан, интилиш ва ғоялардан устунлиги эътироф этилади. Инсон шаънини, эркини, ҳуқуқларини камситувчи ёки чекловчи тўсиқлар қораланади.

Умуминсоний кадриятларга инсоннинг яшаши, фаолият кўрсатиши, меҳнат турини эркин танлаш, маданий-маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиши, ихтиёрий тарзда оила қуриши, истаган давлатда, мамлакатда яшаши, дилига яқин динга эътиқод қилиши қабилар ҳам қиради. Ҳеч ким инсонга ушбу ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишга тўсқинлик қила олмайди.

Инсон қизиқишига мос келадиган маданий-ижодий фаолият билан шуғулланиш, илмий, бадиий-эстетик, техник, иждодий изланишларда қатнашиш, ўз асарларини, ихтироларини, фикрларини тарғиб этиш ҳуқуқига эга. Бу борада у чет эл мамлакатларидаги ҳам маслақлари билан ахборотлар, тажрибалар алмашиши, амалий-ижодий алоқалар ўрнатиши ва ҳамкорлик қилиши мумкин.

Давлат ва жамиятни бошқариш ишларида қатнашиш, сиёсий партияларга аъзо бўлиш, нодавлат жамоат ташкилотларида фаолият олиб бориш ҳам инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларига қиради. Бу борада БМТнинг махсус Декларацияси ва ҳужжатлари мавжуд, Ўзбекистон Республикаси уларнинг устуворлигини тан олади.

Фуқаролик жамияти энг аввало жамият аъзоларининг ижтимоий-ақтисодий, сиёсий ва маданий фаоллиги, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг кенг қатнашиши асосига қуриладиган жамиятдир. Ижтимоий идеалига эга киши ҳар қандай шароитда фаоллик кўрсатишдан қайтмайди, ўз идеалига етишга интилади. Агар ижтимоий-маънавий тараққиёт нуқтаи назаридан ёндашсак, бу жамиятда юксак маънавий кадриятлар улугланади.

¹ Керимов И.А. Ўтмишсиз, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди//Бунёдкорлик йўлидан. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 332 б.

Ҳар бир кишини миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни тинмай ўзлаштириш руҳида тарбиялаш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг бош вазифаларидан бири бўлиб қолади.

5.4. Баркамол авлод – ижтимоий идеал ва ижтимоий-маънавий тараққиёт мезони

Инсон ўзини борлиқдан, табиатдан, ён-атрофдан фарқлай бошлаганидан бери бутун олам, кишилар ҳаёти сирли, англаш мушкул, аммо барча нарсалар ва мавжудотни ўз ихтиёрига мувофиқ ҳаракат қилишга ундайдиган куч мавжуд деган ўй билан яшайди. Бу кучни у идеал билган, унга етиш, уни илғаш ва у билан тенг бўлишга интиланган. Шундан бери киши комилли, етукли, мутлақли топиш, ўзини ҳам баркамол қилиш ҳақида бош қотиради.

Платон шахснинг комиллиги "бутун"да деб билган. "Бутун", файласуф назарида давлатдир. У тўппадан-тўғри, киши "ўзига тааллуқли эмас", у аждодларга, "айниқса давлатга" тааллуқлидир,¹ деб ёзади. Шунга яқин карашни биз Аристотелда ҳам учратамиз.²

"Комилликка етиш учун, - деб ёзади В.Алимасов, - бир умр кам. Икки умр керак. Балки уч умр. Буни илк бор аълам Будда пайкаган: "Нирванага етмагунча одам азоб-уқубатли фоний дунёга қайта ва қайта келаверади". Комил инсон тугрисида тинмай ўйлаган заминдошимиз Насафий шундай мутаамил этган: "Кўп одамлар камолот йўлига кирдилар, аммо гирдобга ғарк бўлдилар ва максадга етолмадилар, муродлари ҳосил бўлмади". Унга Умар Хайём ҳам жўр бўлган: "Тинмайин изладим комили инсон". Бир умр, 72 йил излаган. Топганми? Даргумон. Замондошимиз ҳам эътиқод келтирган эди: "Коммунизм эзгу сўздириким, зотан, Унинг замирида энг олий қисмат... Унда мен ахтарган энг порлоқ Инсон, Унда мен истаган синмас ҳақиқат!" Коммунизмнинг сароб чиққани – яна бир сабоқ".³ Олим комиллик излашнинг машаққатларини кайд этади, аммо у комиллик уйғунликда, мураттаблиқда деб билди. Яъни, В.Алимасов талқинига кўра, "инсон етукликни икки томондан, биринчидан, ўз ички руҳий оламидан, иккинчидан, тафаккури ва амалиётидан, яъни ташқи оламдан излаб келади".⁴

¹ Платон. Сочинения в трех томах. Т.3. Ч.2. – М.: "Мысль", 1972. – С.423.

² Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т.4. – М.: "Мысль", 1983. – С.379.

³ Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. – Т.: "Маънавият", 2001. – 49 б.

⁴ Ўша жойда. – 55 б.

Шунга яқин талқинни И.Саифназаров ҳам билдиради. У ёзади: “Комилликнинг фалсафий асослари аввало мутлақ ҳақиқатга, худого бўлган муносабатлар мажмуи, шу муносабатларни акс эттирган муносабатлар. Инсон қандай қилса, ҳақиқатга, худого, ўзининг инсонлик мақомига муносиб бўлади, деган масала комиллик ҳақидаги барча таълимотларнинг мазмун-моҳиятини белгилайди”.¹ Олим фикрларини давом эттириб, “инсоннинг мутлақ комиллик – Оллоҳга ҳавас қилиб яшашининг ўзи баркамоллик белгиси. (Лекин бу Комил – Оллоҳга етгани эмас. – С.А.)... Инсон амалий жиҳатдан комил бўла олади”.²

Хуллас, ижтимоий-фалсафий ва инсон тарбиясига оид барча тадқиқотларда, инсон Оллоҳни излашга интилган хатти-харакатларида ҳам, ижтимоий-амалий фаолиятда ҳам мустақилдир, лекин у комилликка амалий фаолиятдагина етиши мумкин, деган фикр мавжуддир. Демак, инсон ижтимоий-маънавий соҳада ҳам комилликка эришиши, баркамол бўлиши мумкин. Аммо объектив ва субъектив омиллар боис ушбу мақсадга етиш ҳеч қачон осон кечмаган ва осон кечмайди ҳам.

“Маънавият миллат ва шахснинг бутун инсоний фаолияти ва идеалларини қамраб олувчи универсал тасаввур. Маънавият шахс ва миллатнинг “ақлли қалби”ни ифода этадиган, тарих тақозосига бўиноан унинг турли томонлари намоён бўладиган, табиат, жамият ва инсоннинг инсонийлашув даражасини билдирадиган руҳий идрок, зийрак қалб Оламидир”.³ Маънавиятни инсоннинг “қалби Олами” деб аташ ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ амалий фаолиятларни, муносабатларни инкор этмайди. Аслида маънавий фазилатлар шахснинг ижтимоий борлиқдаги ўз ўрнини, бурчини, кадрини ва вазифаларини англаши маҳсулидир. Бирок ижтимоий идеал нуктан назаридан маънавий баркамоллик “мақсадлар мақсади”, мавжуд реалликдан юксак, етук, олижаноб фазилатлардир. Хўш, ушбу фазилатлар нималардан иборат? Улар шу пайтгача жамият амал қилиб келган ижтимоий-маънавий хислатлардан, меъёрлардан, ахлоқий нормалардан нимаси билан фарқ қилади?

Энг аввало шуни эътироф этишимиз керакки, ижтимоий идеал аждодларимиз амал қилиб келган ижтимоий-маънавий хислатлар

¹ Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: “Шарк”, 2001. – 20 б.

² Ўша жойда. – 28 б.

³ Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: “Шарк”, 2001. – 18 б.

ва ахлокий нормалардан давр кўйган талаблар нуктаи назаридан фарқ қилади. Масалан, давр мустақилликни ҳар бир кишидан, Ўзбекистон фуқаросидан кўз қорачиғидек асрашни ва мустақамлашни талаб этади. Мустақиллик учун фидокорона меҳнат қиладиган, уни эски тасаввурлар ва ёт ғоялардан ҳимоя қиладиган киши биз учун ижтимоий тимсол, намуна, идеал бўла олади.

Мустақилликни ҳимоя қилишни ўзининг ҳаётий мақсадига, турмуш ва фикрлаш тарзига айлантирмай киши бошқалар учун идеал бўла олмайди. Идеал – намуна, ибрат, етук тимсолдир. Бундай идеал бўлиши учун кишининг маълум бир фазилатлари, хислатлари, жамиятга муносабатлари, фаолияти андоза ролини бажариши даркор. Аммо, И.Саифназаров тўғри таъкидлайди: “одамни мажбурлаб баркамол қилиб бўлмайди! Унга мажбуран намоз ўқитсангиз, мажбуран рўза тутдирсангиз, мажбуран таҳорат олдирсангиз, нима, у баркамол бўлиб қоладими? Аслида, биринчи галда, инсонга шарт-шароит яратиб бериш керак. Токи у ўз инсонийлик бурчини қандай адо этиш йўлини ўзи танласин. Хоҳласин, мусулмончилик йўли билан қомил инсон бўлсин, хоҳласин, тадбиркорлик қилиб, одамлар дуосини олиб, баркамолликка интилсин. Хуллас, қомиллик унинг қўнғлидаги, иродасидаги табиий интилишга асосланиши керак”.¹ Демак, мустақилликни мустақамлаш йўлида жон куйдириб меҳнат қиладиган, бу борада эски тасаввурлардан воз кечиб бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ яшайдиган, хуллас, Юртбошимиз И.А.Каримов ибораси билан айтганда, “элим, юртим деб яшайдиган” киши ижтимоий-маънавий нуктаи назардан даврга мос баркамол инсон, идеал шахсдир.

Айрим олган хислатларни, фазилатларни истаган одам ўзида тақомилга етқизиши мумкин. Масалан, поэтикани ёки мусиқани севиш деярли барча кишиларга хос хислатдир. Аммо шундай шахслар борки, ушбу соҳаларда ибрат бўларли даражада қомилликка эришишган. Айтишларича Эркин Воҳидов Алишер Навоий шеърларини тўла ёддан билади, у истаган бир мавзунини шеърлар тарзида олиб бориш қобилиятига эга. Ҳа, поэтика, бадий ижод соҳасида бундай шахслар бадий-эстетик идеал бўлиши мумкин. Лекин замонавий талаблар нуктаи назаридан олганда бир соҳала

¹ Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 26 б.

идеалга етишганлик камлик қилади. Ҳозирги замон кишисидан универсал хислатларга эга бўлиш, ранг-баранг соҳалардан яхши хабардор юриш талаб қилинади. Бу ўринда Навсийнинг идеал қаҳрамони Фарҳоднинг фазилатларини, ижтимоий-маънавий сифатларини эслаш ўринлидир. "Менимча, - деб ёзади академик А.Қаюмов, - Навоийнинг идеал қаҳрамони Фарҳоддир. Бу қаҳрамоннинг феъл-атворида, юриш-туришида, фаолиятида мукамал инсонга хос фазилатларнинг барчаси жамулжам. У илму хунарни беҳад муҳаббат билан ўрганади. Меҳнатсеварлик, инсоф, ҳалоллик, камтарлик, ҳиммат ва мурувватпешалик, фидокорлик, покиза тийнатлик, ота-онага ҳурмат, тахту тож, давлат ва бойликка бефарқлик – ҳуллас, баркамол одамга хос нимаики сифат бўлса, ҳаммаси Фарҳодда бор. Шунинг учун эл, халойик Фарҳодни гоёғ севади, туну кун уни дуо қилади. Шоирнинг ўзи эса унинг олиё фазилатларини мана бундай таъриф этади:

Демонким, кўнгли пок ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок,
Анингдек тийнати покиға лойик,
Дуосин айлабон поки халойик".¹

Профессор С.Х.Носирхўжаев раҳбарлигида тайёрланган китобда маънавий баркамол инсоннинг ахлоқий фазилатларига одамийлик, қаноатлилик, дўстоналик, меҳрибонлик, раҳмдиллик, шафқатлилик, олийжаноблик, болажонлик, муҳафазокорлик, иймонлилик, хотамтойлик, байналминаллик, гоёвий содиклик, хушмуомалалик, узрлик, андишалелик, сермулозаматлик, элпарварлик, ширин суҳанлик, шахсий манфаатларни ижтимоий манфаатларга бўйсундириш кабилар киритилади.² Ҳа, ушбу ахлоқий фазилатларсиз баркамолликни ҳар бир кишидан талаб этиш ноўриндир. Биринчидан, ушбу фазилатларнинг ўлчови, меъёри йўқ. Бировга инсонпарварлик ёки меҳрибонлик бўлиб кўринган фазилат бошқача тилёгламалик ёки таъмағирлик бўлиб туюлиши мумкин. Иккинчидан, киши ушбу фазилатларни тўлик ўзида шакллантириши учун фақат улар ҳақида қайғуриши, туну кун улар ҳақидагина ўйлаши зарур. Бу тақдирда ҳам у юқоридаги фазилатларнинг барчасини ўзида етук тарзда такомилга етказиши даргумон. "Ҳато қилмаслик ҳақидагина қайғуришнинг ўзи ҳатодир" деган нақл бор, чунки ҳаёт

¹ Қаюмов А. Комиллик низоми//Твфаккур, 1995, 1-сон. – 7 б.

² Носирхўжаев С. ва б. Маънавият ва маърифат асослари фани бўйича маърузаларнинг қисқача баёни. – Т.: ТДПИ, 1999. – 167-169 б.

фақат "оқ" томонлар инъикоси эмас. Идеал тимсоллар, идеал ахлоқ, идеал гўзаллик ноёб воқелиқдир, аммо улар бордир, мавжуддир. Шунинг учун ижтимоий-маънавий баркамолликка оид фазилатлар (уларнинг сон-саногии йўқ)ни энг аввало жамиятга, ижтимоий муносабатларга тааллуқлидир деб қабул қилиш даркор. Бироқ бу айрим олган шахслар ҳам юқоридаги фазилатларни ўзида тўла ифода этиши мумкинлигини инкор қилмайди. Хуллас, кишилар баркамолликни "ўз қурби ва қулфига монанд талқин этадилар. Шу боис илм аҳли комилликни илму маърифатда деб билади, аҳли давлат – адлу фароғатда, аҳли шайдо – висолу садоқатда, аҳли касб – ихлосу хизматда, аҳли нафосат – назокату нафосатда, аҳли ахлоқ-адабу муруватда, аҳли дин – ботинда, тасаввуфда деб билади".¹

Ижтимоий маънавий тараққиёт замонавий илм-фан, маданият, цивилизация ютуқларисиз бўлиши мумкин эмас. Давр, жамият баркамол авлод олдиға замонавий илмий, маданий ютуқларни ўзлаштиришни вазиға қилиб қўяди.

Ўтган асрнинг бошида Беҳбудий миллатға қарата деган: "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларға паймол бўлур".² Бу вазиға ёшларни замонавий билим, касб-хунар, маданият ютуқлари билан қуроллантиришни тақозо этади. И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Олдимиғза қўйган буюк мақсадларимиғза, эзгу ниятларимиғза эришишимиз, жамиятимиғзининг янгиланиши, ҳаётимиғзининг тараққиёти ва истиқболи амалға оширилаётган ислоҳотларимиғза, режаларимиғзининг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

Шу билан бирға, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақат чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимиғзининг жаҳон ҳамжамиятида ўзиға муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидоййлик билан курашиши мумкин.

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерусти ва ерусти табиий бойлиқлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб

¹ Алимасов В. Фалсафа фикрлаш лаззат. – Т.: "Маънавият", 2001. – 49 б.

² Баркамол авлод орзуси. – Т.: "Шарқ", 1999. – 88 б.

чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир”.¹

Баркамол авлодни тарбиялаш борасида Республикамизда улкан ишлар олиб борилмоқда. 1997 йили 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Таълим ҳақида қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, 2004 йил 19 февралда Президентимизнинг “2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий модели ЮНЕСКО ва жаҳондаги тараққийпарвар кучлар томонидан энг илғор гоа, АҚШдан кейин таълим-тарбияни юкори даражага кўтаришга қаратилган лойиҳа сифатида баҳоланмоқда. “У Ўзбекистоннинг халқаро андозалардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, мустақил тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айни пайтда ички инсоний сифатлари барқ уриб камолотга етган кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Комил инсон ва етук малакали мутахассис! Кадрлар тайёрлаш миллий моделимизнинг бош муддаоси шундан иборат”.² Ушбу муддаога етишнинг концептуал йўли шахс – давлат ва жамият – узлуксиз таълим-фан – ишлаб чиқариш тизими орқали белгилаб берилган. Миллий моделда шахс, унинг маърифати, маънавиятини шакллантириш марказий ўринга қўйилган. “Чунки бизда қадимдан “маърифатли инсон” тушунчаси анча кенг маънони англатади. Унутмаслигимиз керакки, маърифат халқимиз, миллатимиз қониқадир. Анъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик – фақат билим ва малака эмас, айни пайтда чуқур маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз билимли, комил инсон деганида айнан шундай одамларни кўз олдига келтиради”.³

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури илғор давлатларда эришилган фан ва маданият ютуқларини чуқур ўрганиш, улардаги замонавий технологияни ўзлаштириш асосида яратилган. Бу тўғридан тўғри кўчириш эмас, балки миллий хусусиятларга мувофиқ тарзда бутунлай янгича модел яратишдир. Шунинг учун ҳам Италия Болонья университетининг проректори, профессор Ф.Фанфанелли

Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 325-326 б.

² Баркамол авлод орзуси. – Т.: “Шарқ”, 1999. - 143 б.

³ Ўша жойда. – 145 б.

унга "Ғарбда бундай ўқув юртлари йўқ ва Ўзбекистоннинг бу тажрибаси турли мамлакатлардаги замонавий таълим тизимига жиддий ўзгаришлар киритишга туртки бўлди",¹ деб баҳо беради.

Баркамол авлодни шакллантириш инсондаги ижодий кучларни, интеллектуал салоҳиятни, иқтидорини ривожлантириш билан боғлиқдир. Чунки Шекспир қаҳрамони Офелия айтганидек, "Биз кимлигимизни биламиз, ammo ким бўлишимиз мумкинлигини билмаймиз". Бу ўринда ижтимоий-тарбиявий ва маънавий соҳалар идеал тимсолидаги шахслар, ижодкорларнинг ҳаёти, фаолиятига мурожаат эди, уларни тақлидга лойик мисоллар сифатида келтиради.

Илм, фан, ижод, техника соҳасида бетакрор ютуқларни қўлга киритган даҳоларнинг фазилатларини идеал сифатида ўрганган В.Пекелис ёзади: "Даҳолар цивилизациянинг ўзига хос тараққиёт чўққисидир, улар азалдан кишиларни ўзига жалб этиб, ташвишга солиб, ҳатто кўрқув уйғотиб келган. "Чунки одамлар бундай даҳоларни англашга ўрганишмаган".²

Даҳоликнинг намоён бўлиши асослари, сабаблари ҳақида турли ёндашувлар мавжуд. В.Пекелис уни ижтимоий тарбия таъсири деб билса, италиялик психиатр Ломброзо "телбалик кўриниши" деб атайди.³ Вес Нискер эса даҳоларнинг хатти-ҳаракатлари ва кашфиётларида "телбанома оқиллик" изларини кўради.⁴

Даҳолик белгиларининг, бетакрор ижод намуналарининг намоён бўлиши баъзан ҳайрат уйғотади. Масалан, буюк табиатшунос К.Линней классификациясини яратганида 24, Ньютон бутун олам тортилиш қонунини яратганида 25, энергиянинг сақланиш қонунини асослаганида Майёр 26, Жоуль ва Гельмгольц 27 ёшларида бўлган. Машҳур физик Энрико Ферми атом муаммоси бўйича йирик кашфиётлар қилганида 25, Мария ва Фредерик Жолио-Кюрилар 28, Ландау назарий физикага асос солганида 24, Вавилов ва Курчатовлар илм-фанга янгиликлар олиб кирганида 30 ёшлар атрофида эди. Кибернетиканинг отаси Ноберт Винер илм-фан соҳасига кириб келганида ҳали ўспирин бола эди. Сергей Мергелин 20 ёшида математика фанлари доктори, С.Л.Соболев эса 25 ёшида Фанлар академиясига корреспондент – аъзо қилиб сайланган.

¹ Ўша жойда. – 147 б.

² Пекелис В. Твои возможности человек. – М.: "Знание", 1984. – С.13-14.

³ Ломброзо Ц. Гениальность и помешательство. – СПб., "С.Петербург", 1992 – С.60-61.

⁴ Нискер Вес. Безумная мудрость. – СПб., "Питер", 2000. – С.7.

В.Платонов 32 ёшида, П.Велихов эса 30 ёшида академикликка сайланган.¹

Кўпгина кишилар беҳад катта хотирага эга бўлган. Масалан, Юлий Цезарь, Александр Македонский ва Кир ўз аскарларини юзма-юз, ҳатто исмларигача билган. Машҳур файдасуфлар Фемистокл ўзи яшаётган шаҳар аҳолисининг (20 мингга яқин киши) таниган ва исмларини ёддан билган, Сенека эса ўзаро боғланмаган 2 минг сўзни ёддан бир бор эшитгач айтиб бериш қобилиятига эга бўлган.²

Соиларни, сўзларни, манзараларни, хатти-ҳаракатларни бир марта эшитганида ёки кўрганида айнан ўзидек, адашмай айтиб берадиган кишилар ҳаётда кўплаб учрайди. Кардинал Меццофант (1774-1849) юздан ошиқ тилни, немис лингвисти Л.Г.Шютц эса 270, даниялик Р.Х.Раск 230 тилни билган.³ Бундай мисолларни яна ва ҳар бир соҳадан келтириш мумкин.

Канадалик машҳур олим Г.Селье буюк шахслар ижодини ўрганиб уларнинг идеалини Фаустда деб кўрсатади. Фаустга идеал муаллим ва раҳбар сифатида қуйидаги фазилатлар хос: табиатга илоҳийларча сиғиниш, инсон имкониятларининг чекланганлигини тан олиш, у оқил ва инсоннинг заифлигига ҳамдарддир, тартиббузарлик ва масъулиятсизликни кечирмайди, тадқиқотлар ўтказишга романтик муносабатда бўлади, изланиш имкони туғилганидан илҳомланади, бошқалар қизиқишларини ҳурмат қилади, муҳим фактларни ҳайратли тарзда тез илғаб олади, ўткир кузатувчан одамлар ва илмий хулосаларга муккасидан кетиб ишонавермайди, қай тартиб тарафдори, ноёб тасаввурларга ва бетакрорликка эга, мантикий ифодада ҳам, лаборатория издланишларида ҳам ўта диққатли кузатув олиб боради. Уни муваффақиятсизлик букмайди, муваффақият манман қилмайди, ўзи танлаган йўлдан дадил боради, мақтовлар талтайтирмайди, кишилар билан муомаладаги оддийлиги сакланиб қолади.⁴ Кўриниб турибдики, айрим кишилар даҳолик даражасида ижод қилиш қобилиятига эга, лекин улар ҳеч қачон ўзининг инсоний, ижтимоий-ахлоқий фазилатларини йўқотмайдилар. Маънавий фазилатлар улар даҳолигининг таркибий қисмидир.

¹ Ўша жойда. – 31 б.

² Ўша жойда. – 31 б.

³ Ўша жойда. – 116 б.

⁴ Селье Г. От мечты к открытию. Как стать ученым. – М.: "Прогресс", 1987. – С.44.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқадиган фикр шундаки, инсоннинг ижодий-ақлий имкониятлари жуда кенгдир. Г.Сельенинг таъкидлашига караганда, инсон миёсида атом ядросидаги жисмоний қувватга тенг тафаккурий, ақлий энергия яширинган. Бироқ у ҳатто даҳо кишиларда ҳам атиги 7-10 фоиз атрофида фойдаланилади холос.¹ Инсон, Б.Рассел таъкидлашига кўра, бошқа ҳар қандай фаолият турига ўрганганидек ижод қилишга ҳам шундай ўрганиш қобилиятига эга.

Ўзбекистонда ёш авлодни ижодий изланишларга ўргатишда мактаблардан ташқари 1110 та болалар ва ўсмирлар ижоди марказлари, 3 мингдан зиёд Маданият, маънавият ва мусиқа марказлари, 800 дан ошиқ мусиқа ва тасвирий санъат мактаблари, лицейлар фаолият кўрсатади. Бадний ҳаваскорлик уюшмаларининг сони, бизнинг ҳисоб-китобга кўра, 4,2 мингдан зиёддир. Масалан, "Ёш талантлар" анъанавий фестивалларида ҳар йили мактаб, туман, вилоят ва республика поғоналарида 130 мингдан зиёд мактаб ўқувчилари, ёшлар қатнашиб келади. Халқ маданияти ва ижодининг этник хусусиятларини тадқиқ қилган У.Х.Қорабобоев, ўзбек халқ байрамлари, анъанавий ижоди, фольклори, томошалари, амалий санъати миллий уйғонишга ва баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий воқелик эканини қайд этади.³

Юқоридаги мисоллар кўрсатадики, ҳар бир киши ижодий қобилиятларга эга, агар у истаса, ҳаёт ва фаслиятини мақсадга мувофиқ ташкил этса, ўзидаги иқтидорларни ривожлантириши, яъни кўпчилик учун ижодий изланишларда, ижтимоий-маънавий соҳада ибрат, намуна, идеал бўлиб келаётган тимсоллар даражасига кўтарилиши, ҳатто улардан ўзиши ҳам мумкин. Шахснинг ижтимоий, маънавий ва маданий ижодий қомилликка интилиши жамият ижтимоий-маънавий тараққиётнинг бош омилидир. Бироқ бу фикр ҳамма, истагая ҳар бир киши истаган бир соҳада дохилона кашфиётлар, ихтиролар, бетакрор изланишлар қила олади деган хулосага олиб келмайди. Истаган киши истаган бир соҳада етукликка эриша олганида идеалга ҳожат қолмасди. "Агар, - деб Ёзади Ибн Рушд, - ҳар бир шахс (ўз табиатига мувофиқ) барча инсоний етукликка эришиши мумкин бўлганида табиат ниманидир тўғирлаш мумкин эмас ҳаттога йўл қўйган бўларди... Бу айниқса юксак даражадаги

¹ Ўша жойда. – С.7-8.

² Пекелис В. Твои возможности человек. – М.: "Знание", 1984. – С.7.

³ Карабаев У.Х. Этнокультура (традиционная народная культура). – Т.: "Шарк", 2005. – С.237.

егукликка оид, истаган ҳар киши жангчи, нотик, шоир ёки, айниқса файласуф бўлавермайди”.¹ Инсон дохийона кашфиётлар, идеал даражага кутарилишига ёрдам берадиган имкониятлар билан тугилади, минг афсуски, у, объектив ва субъектив сабаблар боис, ушбу имкониятларидан фойдалана олмайди. Энг аянчлиси унинг ўзи улардан фойдаланишга интилмайди. Республикамизда баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш, миллий ва умуминсоний кадриятлардан фойдаланиш, ижтимоий-маданий институтлар, айниқса маҳалла ва оила институтларини самарали тарбия ўчоқларига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳар бир инсонни, юртимиз фуқаросини, ёш авлодни мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга даъват этади. Мафқуравий тазйиқлардан, ”изм”лардан таъсиридан холи, озод ва эркин яшаш имкони мавжуд жамиятда шахснинг ўз ижодий имкониятларини рўёбга чиқариши жамиятимиз ижтимоий-маънавий тараққиётининг шартидир.²

Баркамол авлод – бу ижтимоий фазилатларга, жамият ижтимоий-маънавий тараққиёти учун зарур бўлган ахлоқий хислатларга эга инсондир. Киши жамиятдагина ўзлигини, фазилатларини намоён этганидек, у ижтимоий-маънавий хислатларини ҳам маълум бир муҳитда қарор топтиради ва шу муҳитнинг манфаатларига, кадриятларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунинг учун ахлоқ, одоб баркамоллик ва ижтимоий-маънавий тараққиёт белгиси сифатида қаралади.

”Одоб” сўзини исломгача бўлган даврда араблар шунчаки базмга таклиф этиш маъносида ишлатишган. IX асрга келиб у ҳикоят, шеърят, шеър ёзиш санъати, нотиклик, мусика, мусика назарияси, адабий-бадний танқид билан танишлик, математика, мантик, грамматика, физика, психология, метафизика, этика, сиёсат, медицина, астрономия, химия, тарих, география, алхимия, астрология, туморга оид билимларни билиш, давраларда ўзини тута билиш, қизиқарли ва ўткир зеҳнли суҳбатлар уюштириш, ўйин ва мусобақаларда зарур чаққонлик ва топқирлик хислатларига эга бўлиш маъноларини англатадиган тушунчага айланган. Ал-Жаҳиз эса одоб деганда шахснинг ҳар томонлама билимли ва ривожланганлигини ифода этадиган сўз сифатида ишлатган. Буюк заминдопимиз Форобийнинг эса одобни инсонни безовчи этик (ахлоқий)

¹ Сагадеев А. Идея гармонической личности в мусульманском средневековье//Гармонический человек. – М.: ”Искусство”, 1965. – С.48.

² Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: ”Шарк”, 2001. – 43 б.

тушунча сифатида қарашини кузатамиз. У "Одоб бойнинг бойлигини безайди, ғарибнинг қашшоклигини яширади"¹ деб ёзади. А.Навоий давридан бошлаб "одоб" яхши тарбия, хушхулқлилик, расм-русм, йўл-йўриқ, урф-одат тушунчаси маъноларида қўлланилади.² У ёзади: "Инсонни насл-насаб ва амал эмас, балки ҳаё ва адаб шарафли қилади".³

Ҳаё билан адаб, ахлоқ чамбарчас боғлиқ воқеликлардир, ҳаёси э одоб, ахлоқ йўқ, адабсиз – ҳаё. Таниқли адабиётшунос, шоир, жамоат арбоби И.Ғофуров "Ҳаё – халоскор" деб ҳисоблайди ва шу номда Шарқона урф-одатлар, бадийий-фалсафий ижод, ахлоқ тўғрисида кимматли асар ёзган. У фикр юритади: "Қоинот нилуфарининг шабнам томчисида яшамоқнинг шarti бу – адаб ойинлари – талабларидир. Яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлар ва тушунчаларнинг аниқлиги, тиниқлиги, тозалигидан одамзотнинг умумламоқи ҳосил бўлади. Ахлоқий қарашлар, одамлардан камолот туғилади. Камолотнинг бошланишида эса адабнинг энг биринчи шarti – ҳаё туради... Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд" (яъни бахтиёр) деганда Навоий аввало ҳаё – ибони назарда тутди. Зотан космик нилуфарнинг илоҳий мусаффағлигига энг муносиб ва мос нарса ҳам бу аввало ҳаёдир. Ҳаё инсон поклигининг илк белгисидир. Қолган яхшиликлар ундан униб чиқади.

Чунки ёғин манбаи ўлди ҳаё

Қатраси тупроғни қилур кимё".⁴

Олим Алишер Навоийнинг ҳаё билан адаб уйғунлиги ҳақида очиқ атмаган фикрларини илғашга, очиб беришга интилади. Шу билан бирга унга ўз қалбидаги ўйларни ҳам уйғунлаштиради. "Лекин ёғиннинг манбаи ҳаё бўлгандагина тупроқ зарралари кимёга – яъни яшамоқ ва тирикликнинг элексирига айланади. Ҳаёдан бошланган ёғиндан ҳаёт ва тирикликнинг тутанмак маърифати туғилади".⁵ Бошқа бир жойда И.Ғофуров, "Уятсизлик ва ёлгон ҳоким бўлган жамиятда журъатсиз бобоклар дунёга келадилар", деб уқтиради.⁶ Демак, инсон ва жамиятнинг ижтимоий-маънавий тараққиёти ажойиб ахлоқий фазилат – ҳаёдан бошланади.

¹ Ўша жойда. – С.53.

² Алишер Навоий асарларининг изоҳли лугати. Т.II. – Т.: "Фан", 1983. – 504 б.

³ Инсон эйямати. – Т.: РТИММ, 1996. – 16 б.

⁴ Ғофуров И. Ҳаё – халоскор. – Т.: "Шарқ", 2006. – 216 б.

⁵ Ўша жойда. – 217 б.

⁶ Ўша жойда. – 332 б.

Ҳаё, шарм одамни покдамон яшашга, бировга ҳасад, ғийбат, ёмонлик қилмасликка, нимаки гўзал, ифбатли, илохий бўлса, уларни эъозлашга, авайлаб-асрашга ундайди. Инжилдан тез-тез келтириладиган "зино қилма, одам ўлдирма, ўғирлик қилма, сохта гувоҳлик берма",¹ каби даъватлар аслида ҳаё-адабга ундашдир. Миллий тараққиётимизда ислом маданиятига таяниш асосий тамойиллардан бири сифатида қаралаётган экан исломий ҳаё-адаб нормаларини билишимиз даркор. "Ҳаё – имондандир" дейилади ҳадисларда. Имонли киши ҳаёнинг кучига, таъсирига ишонади. Чунки ўзидан юқорирок, улуғроқ, ахлоқлироқ зот борлигига имон келтириш кишини ҳаё доирасида ушлаб туради. "Икки жағингиз ва икки оёғингиз ўртасидаги аъзоларингизни тийинг!"² дейилган ҳадисларда. "Кимки одамлардан ҳаё қилмаса, у Тангридан ҳам уялмайди".³

Ҳаё – адаб, ахлоқ – бебаҳо хазина. Ислом маданияти ана шу хазинага қурилган. Шунинг учун ҳам Муҳаммад пайгамбар таъкидлаган: "Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди".⁴ Ушбу хазина, меросни чуқур ўрганмай, ижтимоий-маънавий ҳаётимизга тадбиқ қилмай биз баркамол авлодни шакллантира олмаймиз.

Ижтимоий-маънавий тараққиёт, баркамоллик ақлу тафаккурга ҳам боғлиқдир. "Мусулмон файласуфларининг фикрига мувофиқ, инсоннинг барча қобилиятлари ўртасида энг аълоси ақлдир. Худди шу қобилият туфайли инсон оламдаги тирик жонзотлардан тубдан фарқ қилади... Ал-Ғаззолий ёзганидек "ҳаёт, жон, вужуд ҳаракатга келишига асос бўлса, ақл инсон билимни эгаллаши, ўз фаолиятини назорат қилишига асосдир".⁵ Махсус изланишларига яқун ясаб А.Чориев ёзади: "ақлий зукколик инсоннинг ўта нодир қобилияти, рухий-маънавий фаолиятидир. Бу ўта мураккаб, нодир мўъжиза ёрламида инсон борлиқнинг турли шакллари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир қонуниятларини, ўша ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир механизмнинг моҳиятини, ҳатто инсон борлиқининг ўзига хос хусусиятларини ҳам билиб олади. Инсон ўз яшаётган табиий-ижтимоий муҳитни ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Худди шунинг учун ҳам ақлий зукколик инсоннинг

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадислар намуналари. – Т.: "Фан", 1996. – 20 б.

² Ўша жойда. – 156 б.

³ Ўша жойда. – 136 б.

⁴ Ўша жойда. – 136 б.

⁵ Чориев А. Инсон фалсафаси. Иккинчи китоб. – Т.: "Chillog ENK", 2002. – 136 б.

оламни, одамни билиш ва уни ўзгартириш борасидаги фаолиятининг асосини ташкил этади”.¹ Гап бу ўринда табиий-ижтимоий муҳитни ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган ақлий зукколик устида эмас, балки табиий-ижтимоий борлиққа рационал муносабатда бўлиш тўғрисида кетмоқда. Инсон ақлу тафаккурини мутлақлаштириш қандай глобал муаммоларга олиб келгани ҳаммага аён, энди гап инсоннинг табиий-ижтимоий борлиққа рационал, гармония талабларига мувофиқ муносабатда бўлишини шакллантириш устида кетиши лозим. Шу нуқтаи назардан баркамол авлод табиий-ижтимоий борлиқ билан гармония қонуниятларига мувофиқ рационал, англаб тушулган муносабатда бўладиган инсондир. Инсондаги ақлу тафаккурнинг қудратига ҳеч қандай шубҳа қилмайди. Одамнинг ўзга сайёраларга қўниши, ҳар қандай амрини бажаришга шай “тирик робот”лар яратиши реал воқеликка айланган XXI асрда ақлу тафаккурни рационаллаштиришнинг, гармония қонунларига мувофиқ ривожлантиришни ўта долзарб муаммога айлантирмоқда. Ижтимоий идеал нуқтаи назардан баркамол авлод одам билан олам ўртасидаги гармоник уйғунлик қонунларига иттифоқда фаолиятида уларга амал қилиб, ижтимоий-маънавий ҳаётда гармоник ривожланишни барқарор кадрларга айлантириб, ўзи ҳам ушбу уйғунликдан завқланиб, баҳра ва илҳом олиб яшайдиган инсондир. Бу одам ва олам мавжудлигининг, инсоният тараққиётининг шартидир. Инсондаги ақлу тафаккурни, истеъдодни, қобилиятлар ва ижтимоий-маънавий фазилатларни юксалтириш фақат инсон учун эмас, улар, одам билан олам, инсон билан жамият, субъект билан объект, ижтимоий борлиқ билан табиий борлиқ ўртасидаги гармонияни, илоҳий мураттабликни асраш учун ҳам зарурдир. Ижтимоий муносабатлардаги инсон манфаатларининг устунлиги принципи одам ва олам муносабатларидаги гармония, мураттаблик принципи билан уйғунлашиши лозим. Баркамол авлод ана шу икки принципни ўзида уйғунлаштирганида нафақат борлиқдаги илоҳий алоқадорликни асраб қолган, шу билан бирга ўзида ижтимоий-маънавий фазилатларни шакллантирган ва тараққиётга ҳисса қўшган бўлади.

¹ Ўша жойда – 148 б.

ХУЛОСА

Ижтимоий идеал кишиларнинг жамиятдаги мавжуд муносабатларни, жамият ва давлатни бошқариш усулларини, маънавий-маданий борлиқни, ахлоқий муҳитни такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий онг шаклидир. Инсонга мавжуд борлиқдан қоникмаслик, уни идеал тасавури, образи ва тимсолига мувофиқ ўзгартиришга интилиш хосдир. Тадқиқотимиз натижалари кўрсатадики, ижтимоий идеалсиз жамият ҳам, онгли инсон ҳам йўқ, чунки порлок келажак, фаровон ҳаёт, адолатли давлат, инсонпарвар жамият барпо этиш ғоялари жуда қадимдан кишиларнинг ҳаёлини, ўйини банд этиб келади. Шунинг учун ижтимоий идеал ғоялари ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий ва фалсафий ғоялар квинтэссенцияси сифатида энг аввало мутафаккирлар, шоир ва ёзувчилар, ижодкорларнинг гносеологик изланишларида ўз аксини топган.

Тўплаган материалларимиз ижтимоий идеални ижтимоий-сиёсий, бадий-эстетик ва ахлоқий идеалларга классификация қилиш имконини берди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий идеални тадқиқ этишга, унинг ички тизимларига хос функционал хусусиятларни очиб беришга системали-функционал ёндашилди. Ушбу ички тизимлар ижтимоий-маънавий борлиқда шундай барқарор воқеликка айланганки, улар кишиларни келажакка умид, орзу билан қарашга, мавжуд реаллик билан чекланиб қолмай уни янада гўзаллаштириш, такомиллаштириш ва инсонийлаштиришга чорлайди. Демак, ижтимоий идеал нафақат гипотетик тасаввур, ҳаёл, орзу маҳсули, шу билан бирга у инсонни ижтимоий борлиқни ўзгартиришга ундовчи ижтимоий-маънавий кучдир. Айнан шу нуқтада ижтимоий идеал беқиёс ижтимоий-маънавий тараққиётга бевосита таъсир этувчи воқелик, куч, даъват сифатида келади.

Ижтимоий идеал ижтимоий-маънавий куч сифатида кишида маълум бир ғоявий қарашларни, у ёки бу мақсадга оғишмай хизмат қилишни, бирор нарсани ўз эътиқодига айлантиришни ва уни ҳаёти, бор кучи билан ҳимоя қилишни шакллантиради. Ҳаттоки у, яъни ижтимоий идеал, маълум бир кишилар учун ҳаётдан устун туради, улар ўз идеалларига етишни ўзига шараф, умр мазмуни деб биладилар. Бу борада нафақат ўтмишда, шунингдек, ҳозирда ҳам истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Шахс идеалини ўрганишга психологик тадқиқотларда катта эътибор берилади. Чунки ушбу (шахс) поғонада инсоннинг

маънавий-руҳий олами, жамият ва гуруҳ билан муносабатлари, у ёки бу ҳаракатга ундаган мотивлари, умуман онг ва ҳиссиёт, руҳият билан боғлиқ фаолияти идеал тарзда ёрқинроқ намоён бўлади. Инсон, В.Франкл иборасига кўра, "хаётий мақсадларини қанча рўёбга чиқарса, у хаётдан шунча маъно топади".¹ Агар хаётий мақсадлари рўёбга чиқмаса, инсон бошқа, кўлинча олдинги мақсадларига зид бўлган хаётий мақсадларга эргашади, ёки мавжуд мақсадларига етишнинг ғайриқонувий, ғайритабиий йўлларини кидиради. Албатта, гуруҳ, жамият шахснинг барча хаётий мақсадларини қўллаб-қувватлайвермайди, улар шахсдаги ўз мақсадларига мос хаётий мақсадларни қўллаб-қувватлайди, уларнинг тўла рўёбга чиқиши учун зарур имкониятлар яратиб беради.

Шахсий идеал билан гуруҳий, ижтимоий идеал диалектик боғлиқ ҳодисалардир, чунки уларнинг субстанционал негизи умумийдир, яъни инсоннинг гносеологик изланишлари, оламни идрок этишга қаратилган ақлий фаолияти, онги билан боғлиқдир. Ушбу умумийлик шахсий, гуруҳий ва ижтимоий идеалларни диалектик боғлиқликда қарашга ундайди.

Инсон ва жамиятнинг онтологик моҳияти улар излаган, ишонган, илгари сурган ижтимоий идеалда намоён бўлади. Идеал онг (ижтисий онг)нинг шаклланиши билан боғлиқдир. Шунинг учун идеал (ижтимоий идеал)нинг шаклланиши, онтологик моҳият касб этиши онг (ижтимоий онг)нинг шаклланиш босқичлари орқали тадқиқ этилади. Бундай ретроспектив таҳлил ижтимоий идеалнинг нафақат шаклланиш босқичларини, худди шунингдек, унинг инсон ва жамият тараққиётида қандай ижобий роль ўйнаганини идрок этишга ёрдам беради. Бизни идеал (ижтимоий идеал)нинг ўзи эмас, тадқиқотимизнинг концепциясидан келиб чиққан ҳолда, унинг инсон ва жамият маънавий ҳаёти, ижтимоий-маънавий тараққиёт билан боғлиқ қирралари, муаммолари қизиқтирганини алоҳида таъкидлашимиз даркор.

"Идеал" гушунчасини ижтимоий фалсафага, фанга XVIII асрда И.Кант олиб кирган² бўлса-да, инсон ва жамият маънавий тараққиётининг барча босқичлари мудом маълум бир идеаллар таъсирида бўлганини кузатамиз.

¹ Франкл В. Человек в поисках смысла. – М.: "Прогресс", 1990. – С. 187.

² Новейший философский словарь. – Минск, Изд. В.М.Скакун, 1998. – С. 253.

Илк одамларнинг фалсафий, ахлоқий қарашлари уларнинг мифологияси, афсона ва ривоятларида акс этади. Машҳур этнограф ва маданиятшунос Э.Б.Тайлор ушбу қарашларни "ибтидоий фалсафа" деб атаган.¹ "Ибтидоий фалсафа" ўзига хос онг шакли сифатида илк кишиларнинг нафақат гносеологик тажрибасини, шу билан бирга ишонч, эътиқод, идеал ҳақидаги тасаввурларини ҳам ифода этган.

Ибтидоий кишиларнинг қарашлари, тасаввурлари ҳақида жуда кўплаб фундаментал аҳамиятга эга тадқиқотлар ўтказилган. Уларни таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Бизни одамларда идеал ҳақидаги тасаввурларнинг келиб чиқиши, генезиси қизиқтиради. Ушбу тасаввурлар анимистик, қарашлар, айниқса тотемизмда яққолроқ намоён бўлади. Инсон ушбу қарашлардан ҳали узокқа кетгани йўқ, лекин унда тақлид қилиш, сиғиниш, идеал билиш объектлари ўзгарди. Яъни энди инсоннинг ўзи, давлат институти, жамият, шахсдаги у ёки бу фазилатлар, ахлоқий-маънавий, ижодий хислатлар идеал тарзида қараладиган бўлди. Шу тариқа кишилар онгида ижтимоий реалликдан келиб чиққан "идеал шахс", "трансцендент", "идеал шох", "идеал давлат", "бахтли ҳаёт", "фаровон ва инсонпарвар жамият", "баркамол авлод" деган тушунчалар пайдо бўлган.

Ушбу тушунчалар, объектив ва субъектив сабабларга кўра, орзу, ҳаёл, ҳатто утопия бўлиб келди, уларни ижтимоий воқеликка айлантиришга инсонлар ҳам, жамиятлар ҳам тайёр бўлмаган. Аммо ҳар бир даврда ўз қисбини мукамал биладиган, ўз эътиқодини идеал ҳисоблаб унга чуқур ишонган, кишилар ҳавас қиладиган ижтимоий-маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга инсонлар – даҳо шахслар бўлган. Авлодлар ана шу инсонларга комиллик тимсоли, идеал образ сифатида қараганлар. Ҳозирги авлодлар ҳам идеал излаганларида ана шу даҳо шахсларнинг ҳаётига ва ижодига мурожаат этадилар, улардан ижтимоий-маънавий фазилатлар излаб, андоза, ибрат оладилар. Ўлкамиз, ватанимиз тарихида шундай инсонлар минг-минглаб топилди.

Ижтимоий идеал етиш мумкин бўлмаган, мутлақ утопия эмас. Тўғри, трансцендентни инсон идеал билганида унга етишни ҳаёлига келтира олмайди. Бироқ ижтимоий-маънавий, маданий-ижодий, амалий соҳаларда идеалларга инсон етиши мумкин, чунки

¹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989.

ушбу соҳаларда комилликка эришган кишилар, даҳолар тарихда етарлича топилади.

Мустақиллик буюк аждодларимиз орзу қилган адолатли давлат, инсонпарвар жамият қуриш ва баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиш учун зарур имкониятлар яратди. Ушбу идеаллардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни, баркамол авлодни шакллантиришни ўзининг стратегик мақсади, рўйбга чиқариш мумкин бўлган ижтимоий идеали деб эълон қилган. Тадқиқотимизда келтирилган мисоллар, таҳлил қилинган тажрибалар ҳақиқатан ҳам юқоридаги ижтимоий идеалларни реал воқеликка айлантдириш, шу тариқа миллий демократик ва ижтимоий-маънавий тараққиётни таъминлаш мумкинлигини кўрсатади. Лекин бундан кишилар ижтимоий идеал излашдан воз кечадилар деган фикр келиб чиқмайди. Ҳар бир даврнинг, авлоднинг ўз ижтимоий идеаллари бўлади. Ҳозир одам ва олам ўртасида рационал уйғунликни, гармоник ривожланиш қонунларига мувофиқ келадиган ижтимоий-табиий борликни шакллантириш глобал муаммолардан бири бўлиб турибди. Кейинги 3-4 асрда инсон ақлу тафаккури кучидан фойдаланиб ўзи билан табиат ўртасидаги гармоник уйғунликни, мураттабликни бузиб юборди ва глобал инқирозларни келтириб чиқарди. Ушбу инқирозларни бартараф этувчи ижтимоий муносабатларни, ўз гегемонлигини рационал чеклашга қодир янги авлодни, инсонни шакллантириш умуминсоний идеалга айланган. Демак, ижтимоий тараққиёт кишиларни янги-янги идеаллар излашга ундайверади. Шу тариқа инсон ва жамият тараққиёти ўзаро диалектик боғлиқ, бир-бирини тақозо этиб, бойитиб, янги-янги поғоналарга кўтариб, муқаррар ижтимоий воқеликка айланади.

Тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиқиб ижтимоий-амалий соҳага тааллуқли қуйидаги тавсияларни беришимиз мумкин.

1. Ижтимоий идеални шакллантиришнинг педагогик, психологик ва маданий-тарбиявий муаммоларини махсус тадқиқ этишни амалга ошириш лозим. Бугун республикамиз ёшлари онгида миллий манфаатларимизга мос келадиган янги-янги идеалларни шакллантириш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

2. Буюк аждодларимизнинг идеал жамият, идеал давлат ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларини, фалсафий-гуманистик

меросини мустақиллик нуктаи назаридан объектив ўрганиш ва уларни оммалаштириш керак.

3. Ўқув юртлари, ўқув дастурларига, айниқса маънавий ва маърифат асослари курсига ижтимоий идеал ҳақида зарур билимлар ва тасаввурлар шакллантирувчи махсус дарслар киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

4. Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлашга фидойилик кўрсатаётган замондошларимиз образларини яратиш, уларнинг ҳаёти ва ижодини оммавий ахборот, адабиёт ва санъат воситаларида, оммавий-маданий тадбирларда кенг тарғиб қилиш лозим. Ёшлар ижтимоий идеал бўлгудек инсонлар ён-атрофимизда ҳам борлигини билса, уларда идеал излаб яшаш туйғуси, орзуси шаклланади.

5. Ижтимоий идеални шакллантиришда адабиёт ва санъат имкониятларидан, бадиий-эстетик идеал таъсир кучидан кенг фойдаланиш лозим. Эркин ижодга ўрганиш ёшларда бадиий-эстетик идеални қарор топтиришнинг энг самарали усулидир.

6. Идеал қотиб қолган воқелик эмас, у объектив ва субъектив омиллар таъсирида ўзгариши, бойиши, янги моҳият, шакл касб этиши мумкин. Унга ижтимоий борлиқнинг стратегик мақсадлари, келажакка йўналтирилган тасаввурлари таъсир этади. Демак, кишида ижтимоий тараккиёт учун зарур ижтимоий идеалларни шакллантиришга жамият, давлат, оила, ижтимоий муҳит бефарқ қарай олмайди, улар махсус институтлари, дастурлари, ташкилий чора-тадбирлари орқали шахснинг ижтимоий-маънавий ҳаётига, дунёқарашига таъсир этиб бориши керак. Шу нуктаи назардан миллий истиклол ғоясида ёшларда ижтимоий идеални шакллантиришга қаратилган махсус йўналиш бўлиши лозим.

7. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни ўзининг стратегик мақсади, идеал келажаги деб билади. Ушбу идеалга, келажакка позитив муносабатни қарор топтириш барча ижтимоий-тарбиявий, маданий-маърифий ва маънавий ишларимизнинг мақсади бўлиши шарт. Баркамол авлод позитив моҳиятга эга ижтимоий идеали шаклланган инсон ҳамдир. Ундаги ижтимоий-маънавий фазилатлар қаторига ижтимоий идеали ҳам қиради. Шунинг учун баркамол авлодни тарбиялашни ўз зиммасига олган институтлар унда ижтимоий идеални шакллантириш вазифасини ҳам ўз устига олиши зарур.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Международный билль о правах человека. – Т.: "Адолат", 1992. – 64 с.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: "Ўзбекистон", 2003. – 35 б.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикасининг қонуни//Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 3-сон. – Т.: "Адолат", 1998. – 12-48 б.
4. Каримов И.А. Барқарорлик ва бунёдкорлик – таракқиётнинг қўш қаноти//Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – олий кадрият. Т.1. – Т.: "Ўзбекистон", 2006. – 205-214 б.
5. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – 199-218 б.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир//Ватан саждагоҳи каби муқаддасдир. 3-т. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – 64-86 б.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин//Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: "Ўзбекистон", 1999. – 84-102 б.
8. Каримов И.А. Миллий давлатчилик, истиқлол, мафқураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИЎ Академияси, 1999. – 573 б.
9. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-т. – Т.: "Ўзбекистон", 1999. – 349-354 б.
10. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-т. Т.: "Ўзбекистон", 1999. – 132-154 б.
11. Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ//Биздан озод га обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – 12-39 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик ва таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари//Хавфсизлик ва таракқиёт йўлида. Т.6. – Т.: "Ўзбекистон", 1998. – Б.31-262.
13. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Т.: "San'at", 2001. – 190 б.
14. Амелина Е.М. Понятие общественного идеала и его структура//Диалектика социального познания. – М.: "Наука", 1979. – С.48-72.
15. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. – Т.: "Маънавият", 2001. – 109 б.
16. Алимасов В. Топган ва топинган битикларим. – Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ" инст. нашр., 2007. – 104 б.

17. Аликулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. – Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ институти" нашр., 2006. – 58 б.
18. Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т.1. – М.: "Мысль", 1976. – 550 с.
19. Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т.4. Никомахов этика. Большая этика. Политика. – М.: "Мысль", 1983. – 830 с.
20. Ауробиндо Шри. Идеал человеческого единства. – СПб., Изд. "МИРРА", 1998. – 510 с.
21. Баллер Э.А. Социальный прогресс и культурное наследие. – М.: "Наука", 1987. – 160 с.
22. Баркамол авлод орзуси. – Т.: "Шарк", 1999. – 182 б.
23. Бердяев Н.А. Царство духа и царство кесаря. – М.: "Республика", 1995. – 383 с.
24. Бердяев Н.А. Диалектика божественного и человеческого. – М.: АСТ; Харьков: Фолио, 2005. – 620 с.
25. Бестужев-Лада И.В. Окно в будущее. – М.: "Мысл", 1996. – 269 с.
26. Бестужев-Лада И.В. Мир нашего завтра. – М.: "Мысл", 1996. – 206 с.
27. Будущее человеческого общества. – М.: "Мысль", 1971. – 400 с.
28. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиелик машхур мутафаккирлар ва донишмандлар). – Т.: "А.Қодирий номидаги Халк мероси" нашр., 1995. – 104 б.
29. Бўронов Қ. Халкимиз маънавияти ва маърифатининг теран илдиэлари. – Т.: "Фан", 2003. – 131 б.
30. Ватан туйғуси. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – 139-160; 176-237 б.
31. Вохидов Р., Махмудов М. Маънавият – комиллик саодати. – Т.: "Маънавият", 1997. – 182 б.
32. Гармонический человек. Из истории идей о гармонически развитой личности. – М.: "Искусство", 1965. – 322 с.
33. Гельдиева А.Ч. Национальная культура и личность. – Т.: "Ўзбекистон", 1993. – 102 с.
34. Гердер И.Г. Идеи к философии истории человечества. – М.: "Мысль", 1977. – 714 с.
35. Громов Е.С. Эстетический идеал. – М.: "Искусство", 1981. – 242 с.
36. Давидович В.Е. Теория идеала. – Ростов, Изд-во Ростов. ун-та, 1983. – 184 с.
37. Древнекитайская философия. Собрание текстов. Т.1. – М.: "Мысль", 1972. – 363 с.

38. Дреп Г.Н. Проблемы идеального в философии. От античности до наших дней. – Самара, 1995. – 248 с.
39. Дубко Е.Л., Титов В.А. Идеал, справедливость, счастье. – М.: МГУ, 1989. – 190 с.
40. Дўстжонов Т., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. – Т.: Тошкент молия институти, 2004. – 186 б.
41. Дубровский Д.И. Проблема идеального. – М.: "Наука", 1983. – 186 с.
42. Ёқубов А. "Қутадғу билиг"да давлатчилик концепцияси. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1997. – 64 б.
43. Жабборов И. Антик маданият ва маънавий хазинаси. – Т.: "Ўзбекистон", 1999. – 221 б.
44. Жакбаров М. Комил инсон гоҳси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Т.: Абу Али Ибн Сино нашриёти, 2000. – 132 б.
45. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Т.: "Шарк", 1998. – 142 б.
46. Закуев А.К. Философия "Братъев чистоты". – Баку, Изд-во АН Азербайдж.ССР, 1961. – 122 с.
47. Игнатенко А.А. В поисках счастья. – М.: "Мысль", 1989. – 254 с.
48. Ильенков Э.В. Философия и культура. – М.: "Политиздат", 1991. – 464 с.
49. Ильенков Э.В. Об идолах и идеалах. – М.: "Политиздат", 1988. – 184 с.
50. Имомназаров М. Миллий маънавийтимизнинг назариясига чизгилар. – Т.: "Шарк", 1998. – 240 б.
51. Императивы человечности. – Киев, "Льбидь", 1990. – 190 с.
52. Инсон зийнати (Одоб ва ахлоққа доир хикматлардан намуналар). – Т.: РТИММ, 1996. – 26 б.
53. Исломов З.М. Фукаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 88 б.
54. Исломов З.И. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: "Ўзбекистон", 2005. – 264 б.
55. Ислом одоби ва маданияти. – Т.: "Чўлпон", 1996. – 176 б.
56. Ислом, тарих ва маънавият. – Т.: "Мерос", 2000. – 112 б.
57. Исмоилов Ф. Ижтимоий тараққиётда ворислик. – Т.: "Ўзбекистон", 1986. – 43 б.
58. Каримов Ибр. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Т.: "Фан", 2001. – 214 б.
59. Кадыров А.К. Деятельность, Познание. Нравственный идеал. Монография. – Т.: "Фан". 1989. – 144с.

60. Кадыров А.К. Гармония личного и социально-исторического времени – важнейший фактор активизации человека. – Тезисы. Материально-научно-теоретическая конференция "Диалектические противоречия в общественном развитии и пути их разрешения". Т.: "Фан", 1990. – С. 74-78
61. Кадыров А.К. Шарк демократияси. – Т.: "Хукук" № 2. 1999. – 18-24 б.
62. Квасов Г.Г. Социальные идеалы личности и действительность. – М.: "Мысль", 1974. – 204 с.
63. Кант И. Критика чистого разума. – М.: ИКА "ТАЙМ-АУТ", СПб., 1992. – 476 с.
64. Кант И. Сочинение в шести томах. Т.4. Ч.2. Метафизика нравов. – М.: "Мысль", 1965. – 478 с.
65. Кант И. Сочинения в шести томах. Т.5. Критика эстетической способности суждения. – М.: "Мысль", 1966. – 564 с.
66. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоки. – Т.: "Маънавият", 1996. – 289 б.
67. Комилов Р.С. Социально-утопические учения в истории таджикской философии XIII-XV веков. – Душанбе, "Дониш", 1993. – 108 с.
68. Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе: "Дониш", 1987. – 108 с.
69. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров: влияние общества. – Т.: "Университет", 1999. – 102 с.
70. Культура. Нравственность. Человек. – Т.: "Фан", 1991. – 98 с.
71. Лармин О.В. Эстетический идеал и современность. – М.: "Искусство", 1984. – 202 с.
72. Лихачев Д.С. Письма о добром и прекрасном. – М.: "Детская лит-ра", 1988. – 238 с.
73. Локк Дж. Два трактата о правлении. Сочинения в трех томах. – Т.3. – М.: "Мысль", 1988. – 351 с.
74. Любутин К.Д., Пивоваров Д.И. Синтетическая теория идеального. – Екатеринбург – Псков, 2000. – 304 с.
75. Маххамов У. Ахлоқ – одоб сабоқлари. – Т.: "Фан", 1994. – 134 б.
76. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: "Шарк", 2001. – 159 б.
77. Махмудов Т. "Авесто" ҳақида. – Т.: "Шарк", 2000. – 62 б.
78. Махмудов Т. Комиллик асрорлари. Ҳаётий ҳикматлар. – Т.: "Адолат", 2006. – 96 б.
79. Махмудов Т., Олимов Я. Ўзбекистон санъатида инсон омили. – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – 1938. – 196 б.

80. Маънавий кадритлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. – Т., 2003. – 192 б./Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.
81. Махмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик. – Т.: "Адолат", 2004. – 344 б.
82. Мень А. Истоки религии. – Брюссель, 1991. – 428 с.
83. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (изоҳли кўргазмалар воситалари). – Т.: "Янги аср авлоди", 2001. – 80 б.
84. Муриан В.М. Эстетический идеал. – М.: "Искусство", 1984. – 182 с.
85. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: "Шарк", 1998. – 320 б.
86. Насырходжаев С.Х., Лафасов Л.Ф., Агзамходжаева С. Основы духовности. – Т.: "TURON-IQBOL". 2007. – 287 с.
87. Носирхўжаев С., Зайриев М., Султонов Т., Аъзамхўжаева С. Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI АСР БЎСАҒАСИДА: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари асари бўйича маърузалар матни. Т.: 2001. – 119 б.
88. Низомов А. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. – Душанбе, "Ирфон", 2000. – 296 с.
89. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. – Т.: "Адолат", 1997. – 254 б.
90. Новгородцев П.И. Об общественном идеале. – М.: Изд. "Пресса", 1991. – 640 с.
91. Нишонов С. Эзулик йўли. – Т.: "Маънавият", 2001. – 78 б.
92. Носирхўжаев С.Х. ва б. Маънавият ва маърифат асослари бўйича маърузаларнинг қисқача баёни. – Т.: ТДПИ, 1999. – 252 с.
93. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: "Шарк", 2002. – 284 б.
94. Ойдиннов Н. Ўзбекистон тасвирий санъат тарихидан лавҳалар. – Т.: "Ўқитувчи", 1997. – 96 б.
95. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий қирралари). – Т.: "Академија" нашр.), 2005. – 368 б.
96. Платон. Сочинение в трех томах. Т.3. ;2. Политик. Законы. – М.: "Мысль", 1972. – 610 с.
97. Платон. Сочинения в трех томах. – Т.3. Ч.1. Государство. – М.: "Мысль", 1971. – С.89-454.
98. Поппер К.Р. Предположения и опровержения: Рост научного знания. – М.: "АСТ", "Ермак", 2004, - 638 с.
99. Попов Б.Н. Взаимосвязь категорий счастья и смысла жизни. – М.: "Наука", 1986. – 94 с.

100. Розенталь Э.М. В поисках идеала. – М.: "Политиздат", 1974. – 186 с.
101. Ремпель Л.И. Цель времен. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Т.: "Фан", 1987. – 192 с.
102. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: "Шарк", 2001. – 158 б.
103. Соловьев В.С. Сочинения в двух томах. Т.1. Философская публицистика. Идолы и идеалы. – М.: Изд. "Правда", 1989. – 686 с.
104. Социально-утопические идеи в Средней Азии. – Т.: "Фан", 1983. – 138 с.
105. Степанянц М.Т. Восточная философия. – М.: "Восточ. лит-ра", 2001. – 508 с.
106. Столович Л.Н. Категория прекрасного и общественный идеал. – М.: "Искусство", 1969. – 250 с.
107. Татаркевич В. О счастье и совершенстве человека. – М.: "Прогресс", 1981. – 288 с.
108. Туленов Ж., Қодиров Б., Гафуров З. Маънавий юксалиш сари. – Т.: "Мехнат", 2000. – 191 б.
109. Туманов С.В. Общественный идеал: диалектика развития. – М.: МГУ, 1986. – 198 с.
110. Умаров А. Юсак санъат йўлида (Монография). – Т.: "Адабиёт ва санъат", 1990. – 186 б.
111. Умаров Э. Эстетика. – Т.: "Ўзбекистон", 1995. – 244 б.
112. Ушков А.М. Утопическая мысль в странах Востока: традиции и современность. – М.: МГУ, 1982. – 183 с.
113. Фалсафа қисқача изоҳли лугат. – Т.: "Шарк", 2004. – 384 б.
114. Форобий Абу Наср. Ҳозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашр., 1993. – 222 б.
115. Форобий Абу Наср. Ҳазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: "Ёзувчи", 2002. – 64 б.
116. Франк С.Л. Духовные основы общества. – М.: "Республика", 1992. – 511 с.
117. Франкл В. Человек в поисках смысла. – М.: "Прогресс", 1990. – 368 с.
118. Чориев А. Инсон фалсафаси. Т.II. Мустақил шахс. – Т.: "Chinor ENK" нашр., 2002. – 272 б.
119. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.: 1992. – 135 б.
120. Шарипов Р. Туркистон жадидчилиқ ҳаракати тарихидан. – Т.: "Ўқитувчи", 2002. – 176 б.

121. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда фукаролик жамиятининг шаклланиши. – Т.: "Шарк", 2003. – 512 б.
122. Шермухамедов С. Биз кандай жамият кураямиз. – Т.: "Ўзбекистон", 2000. – 78 б.
123. Шермухамедов С. Мустакиллик – булок неъмат. – Т.: "Ўзбекистон", 1997. – 80 б.
124. Хайек Ф.А. Общество свободных. – Лондон, Overseas Publication Interchange Ltd, 1990. – 310 с.
125. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. – Т.: "Академия", 2000. – 111 б.
126. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. – Т.: "Маънавият", 2005. – 192 б.
127. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Т.: "Маънавият", 1999. – 240 б.
128. Юнг К.Г. Дух в человеке, искусстве и литературе. – Минск, "Харвест", 2003. – 582 с.
129. Юсупов Э., Абдурахмонов Ф. Маънавий камолот – мустақил тараққиётимизнинг асосий омили. – Т.: "Фан", 1999. – 44 б.
130. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: "Университет", 1998. – 290 б.
131. Ястребова Н.А. Формирование эстетического идеала и искусство. – М.: "Искусство", 1976. – 192 с.
132. Яценко В.Г. Целеполагание и идеалы. – Киев, "Наукова думка", 1977. – 268 с.
133. Қодиров А.К. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. Т.: ТДЮИ. – 2006. 102 б.
134. Куронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. – Т.: "Маънавият", 2005. – 96 б.
135. Қуръони Карим. – Т.: "Чўлпон", 1992. – 672 б.
136. Ғаззолий Абу Ҳомид. Эй, фарзанд ("Айюҳал волад"). – Т.: "Мовароуннаҳр", 2005. – 96 б.
137. Ғаззолий Абу Ҳамид. Кимёни саодат. Рух ҳақиқати. 1 к. – Т.: "Адолат", 2005. – 410 б.

Нашриёт рақами: 48. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғоз.
Ҳисоб-нашриёт т. 13,48. Шартли босма т. 14,5. 101-бујортма.
500 нусхада. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«FAN VA TEXNOLOGIYALAR MARKAZINING
BOSMAXONASI»**да чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.

